

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ш.С.ЗОКИРОВ, Х.Р.ТОШОВ

ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИ

Тошкент – 2018

Монографияда география фанининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, унда юзага келган бир қатор илмий йўналишлар таърифланган. Ушбу йўналишларнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшган олимларнинг география ва табиатшуносликка оид асарлари география тарихи нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, қисқача маълумотлар берилган.

Китоб география фани тарихи билан қизиқувчи китобхонлар, ўқитувчилар, талабалар ва ўқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ф.Ҳ.Ҳикматов, ЎзМУ, география фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Ш.А.Ҳайитов, БухДУ, тарих фанлари доктори, профессор

М.Т.Миракмалов, ЎзМУ, география фанлари номзоди, доцент

А.М.Мавлонов, БухДУ, география фанлари номзоди, доцент

Монография Бухоро давлат университети илмий-техник кенгашининг 2018 йил 21 апрелдаги 4-сонли йиғилиши қарорига асосан нашрга тавсия қилинган.

КИРИШ

География ҳам астрономия, математика, фалсафа, тарих каби кўҳна фанлардан ҳисобланади. У ҳам шу фанлар каби кўп асрлик мураккаб тарихни босиб ўтган. Географиянинг тарихи билан кўп географ олимлар қизиққанлар, ўзларининг билимлари ва имкониятлари даражасида ушбу тарихни озми-кўпми ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. География мустақил фан сифатида ривожланиб боргани сари унинг тарихига янги-янги саҳифалар қўшилиб бораверган ва вақти-вақти билан олимларнинг эътиборига тушиб, шу тарихга оид асарлар яратилишига сабаб бўлган. Чунончи, қадим замонлардаёқ география тарихининг асосчиси ҳисобланган Страбон ўзидан олдин ўтган олимларнинг географияга даҳли бор асарларини астойдил ўрганган, илмий таҳлилдан ўтказишга интиланлиги маълум.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган машҳур табиатшунос олим, философ ва сайёҳ Александр Гумбольдтнинг беш жилдлик “Космос” номли асарининг иккинчи жилди махсус география тарихига бағишланганлиги ҳам яхши маълум. Олимлар географиянинг тарихи ҳам шу фаннинг ажралмас бир қисми эканлигини, уни билиш, эсда тутиш, ушбу фаннинг ютуқ ва камчиликларини англаш муҳимлигини аниқ тасаввур қилганлар. Улар ўз асарларида фан тарихини билишнинг аҳамияти катта эканлигини доим уқтириб келганлар. Шу маънода, рус географларидан Э.Ю.Петри (1892) географиянинг методлари ва тамойиллари ҳақида сўз юритар экан, “Фанимиз ривожланиши бошланган негизларини билсаккина ва унинг мураккаб, баъзан адаш йўллар билан бўлсада, ҳозирги ҳолатига қандай етиб келганлигини ўргансаккина географиянинг вазифалари ва методларини биламиз” – деб ёзганди. Шу орада унинг замондошларидан бири, таниқли немис географи Фридрих Ратцел (1903) ҳам: “Географияни, унинг тарихини билмай туриб, ўрганиш мумкин эмас. Бу мазкур фаннинг ўзига хос хусусиятидир. Бошқа фанларда ўз тарихини билиш фойдали бўлса, географияда бу зарурдир” – деб, географ мутахассис учун ўз фани тарихини

билиш қанчалик муҳим эканлигини жиддий таъкидлаганди. 1949 йилда Россиянинг энг нуфузли географларидан ҳисобланган Л.С. Берг ҳам худди шундай фикрда эканлигини билдирганди. Маълумки, география тарихи шу фаннинг ўтмишдаги шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини, қўллаган тадқиқот методларини, илмий изланишлар йўналишларини, пайдо бўлган илмий – назарий ғояларни ўрганади, таҳлил қилади ва умумий хулосалар чиқаради. Географик саёҳатлар, экспедициялар натижасида янги ерларни, океан, денгиз ва оролларни, тоғ тизмаси, дарё водийси каби географик объектларни кашф этилиш тарихи ҳам география тарихининг ўзига хос бир қисми ҳисобланади.

Географиянинг тараққиёт тарихи ҳам бошқа бир қатор фанларда бўлгани каби кишилиқ жамиятининг тараққиёт тарихи билан боғлиқ ҳолда, баъзида сустлик билан, баъзида тез суръатлар билан босқичма босқич кечганлиги яхши маълум. Шу сабабли ҳам география тарихини катта-кичик давраларга, босқичларга бўлиб ўрганилади. Бир қатор рус географларининг (масалан, А.Ф.Антошко, А.И.Соловьёв, 1962; В.А.Дементьев, С.Ш.Андрюшенко, 1962; А.Г.Исаченко, 1971; Ю.Г.Саушкин, 1976, 1980; М.М.Голубчик, С.П.Евдокимов, Г.Н.Максимов, 1998; В.Т.Богучарсков, 2004 ва б.) география тарихига оид асарларида белгиланган босқичлар сонида ва босқичларнинг чегараларида тафовутлар борлигини кўрамиз. Шундай бўлсада, уларнинг даврлаштириш тажрибаларида энг йирик босқичлар сифатида қадимги (антик) давр, ўрта асрлар, Буюк географик кашфиётлар даври ва янги даврлар ажратилган. Аммо уларнинг тавсифланишида анчагина фарқ бор. Чунончи, қадимги даврлар география тарихи нисбатан кенгрок, ўрта асрлар география тарихи эса қисқа ва саёз ёритилган. Бунинг асосий сабабларидан бири ўрта асрларда Европада географиянинг чуқур таназзулда бўлганлигида эди, албатта. Бу даврда маданият ва маърифат, фан, шу жумладан, географиянинг ҳам ривожланиш маркази Шарқ оламида қарор топганди. Фан тарихидаги бу ҳолат кўп философ, тарихчи, шарқшунос олимларимиз томонидан эътироф этилди.

Ўрта асрларда Шарқ олимлари томонидан яратилган географик асарлар дастлаб европаликларни қизиқтира

бошлаганди. XII асрда бошланган бу қизиқиш айниқса, XIX асрда кучайди. Ушбу асарларни Европа тилларига таржима қилиш, танқидий таҳлилдан ўтказиш билан шуғулланган Ж.Крамерс, Де Гук, А.Кремер, К.Наллино, Карра де Во, К.Шой кабиларнинг хизматлари фан тарихчиларига яхши маълум. Бу борада рус шарқшунос олимлари В.В.Бартольд ва И.Ю.Крачковский яратган асарлар ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, В.В.Бартольд ўзининг “История изучения Востока в России” (1925) асарида араб имлосида ёзилган географик адабиётнинг умумий йўналишини ёритиб берганди.

Шарқ олимларининг араб ва форс тилларида ёзиб қолдирган географик меросини 1910 – 1943 йиллар оралиғида И.Ю.Крачковский ҳам изчил ўрганиб, катта ҳажмли монография билан якунлаганди. Ушбу асар 1957 йилда олимнинг асарлар тўпламининг тўртинчи жилдида нашр этирилди. Ушбу асардан шарқшунос, тарихчи ва географ олимлар ҳали-ҳануз ишончли ва муҳим манба сифатида фойдаланмоқдалар.

Ўзбек географ олими Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг яратган “Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар (1964) ва “Сайёҳ олимлар”(1981) номли асарлари ҳам асосан ўрта асрлар географияси тарихига оид. Аммо И.Ю.Крачковскийнинг ҳам, Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг ҳам мазкур асарлари камёб, нодир асарлар сирасига кириб қолган. Улар география тарихи билан қизиқувчи китобхон кўлига кўпинча етиб бормаяпти.

Биз ҳам китобимизни тайёрлашда И.Ю.Крачковский ва Ҳ.Ҳ.Ҳасановларнинг юқорида номлари тилга олинган асарларидан керагича фойдаландик. Шунингдек, ўрта асрларда араб ва форс тилларида битилган қўлёзма асарларнинг шарқшунос, тарихчи, философ ва филолог олимларимиз амалга оширган ўзбекча таржималари ва танқидий таҳлил матнларидан, академик М.М.Хайруллаев бошчилигида тайёрланган “Маънавият юлдузлари” тўпамидан (1999-2001), Ўзбек Миллий энциклопедиясининг турли жилдларида келтирилган қатор мақолалардан ва бошқа адабиётлардан ҳам фойдаландик.

“География тарихи” номи билан илгари маълум қилинган китобимиз (Ш.С.Зокиров, Х.Р.Тошов, 2015) асосан IX – XVI

асрлар Шарқ оламидаги география тарихига бағишланганди. Шу орада айрим ўқувчиларимиз китобнинг тузилиши ва умумий мазмуни ҳақида билдирган мулоҳаза ва таклифларини инобатга олиб, китобга маълум ўзгартиришлар киритишга тўғри келди. Бунда Шарқ оламидаги география тарихини тўлалигича сақлаган ҳолда, Ўрта асрлар Европадаги, Буюк географик кашфиётлар даври ҳамда янги даврдаги география тарихи алоҳида бобларда таърифлаб берилди. Янги давр географияси даврини эса 1915 йил билан якунлашга тўғри келди. Чунки бундан сўнг табиий география билан иқтисодий география алоҳида ривожланиб, жойларнинг табиати, хўжалиги ва аҳолиси бирдек ёритиб бериладиган классик усулдаги бирорта географик асар яратилмади.

I БОБ. ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

География ҳам бир қатор фундаментал фанлар тарихида бўлгани каби қадимги грек олимларининг илмий фаолияти натижасида вужудга келган.

Тарихдан маълумки, қадимги Греция қулдорлик тузumi ривожланган давлатлардан бири бўлган эди. Бу ердаги иқтисодий-ижтимоий тузум Миср, Бобил, Шимолий Ҳиндистон, Хитойда бўлгани каби ибтидоий тузумнинг узoқ давом этган чириши ва синфий жамият, яъни хусусий мулкчилик ва давлатчилик шаклланиши натижасида юзага келганди.

Қадимги грек халқи милоддан аввалги VIII асрдан бошлаб, қарийб уч юз йил давомида мустамлакачиликка зўр берганди. Ўрта денгиз атрофларини, Қора денгиз, Мармар денгизи бўйларини, Кичик Осиё ва Шимолий Африка қирғoқларини, Нил дарёси этакларидаги қадимги суғорма деҳқончилик ерларини ўз мустамлакаларига айлантириб олгандилар. Ўрта денгиз ва ён атрофдаги савдо йўллари уларнинг назорати остида бўлди. Бу ҳудудлардан олинадиган табиий бойликлар ва қулларнинг текин меҳнати эвазига эксплуататорлар синфи бойиб, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги чегара чуқурлашди. Қуллар меҳнатидан унумли фойдаланиш ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва умуман маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсишига, савдо-сотиқ ишларининг ривожланишига олиб келди. Улар билан кетма-кет маданият янги поғонага кўтарила бошлади, фан шакллана бошлади.

Табиийки, греклар Ўрта денгиз атрофларидаги ерларни эгаллаш билан бир вақтда қадимги шарқ халқларининг, жумладан Бобил, Оссурия ва мисрликларнинг, финикиялик ва карфагенликларнинг маданий меросини ҳам илдам ўзлаштириб олгандилар.

Географиянинг қадимги даврлар тарихи устида сўз юритган тадқиқотчиларнинг кўпчилиги грек фанининг вужудга келишида қадимги шарқликларнинг, айниқса финикияларнинг маданий мероси аҳамиятли бўлганини қайд этадилар.

Табиатни билишнинг, узоқ-яқин мамлакатларнинг табиий шароити ва табиий бойликлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишнинг бевосита амалий аҳамияти борлигини қадимги греклар жуда яхши тушунганлар. Ўзлари ҳам турли табиат ҳодисаларига оид, жумладан вулқонлар отилиши, zilzilalar, шамоллар, денгизда сув қалқиши, йил фасллариининг хусусиятлари, ёғин-сочинли ёки қурғоқчил келиши, куннинг турли жойларда ва турли фаслларда қанчалик узун ёки қисқа бўлишига оид маълумотларни тўплаб юрганлар. Кузатилган турли воқеа ва ҳодисаларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Кўплаб турли табиат ҳодисалари ва табиий жараёнлар ҳақида ақлий мушоҳадалар юритганлар. Шу зайдда табиат фалсафаси ва табиатшунослик шакллана бошлаганди.

1.1. Табиат фалсафаси ва дастлабки географик тасаввурлар

Дастлабки табиат фалсафаси мактаби Кичик Осиёдаги греклар колонияси Милет шаҳрида пайдо бўлди. Унинг асосчиси тарихан тан олинган биринчи грек файласуфи Фалес (мил.авв. 625 – 547 йй.) ҳисобланади. У биринчилардан бўлиб, ўз замонасининг билимларига таянган ҳолда борлиқнинг моддий асоси масаласи билан қизиққанди. Унинг фикрича барча табиий ҳодисаларнинг асосида сув ётади. Шу маънода Фалес zilzilalarнинг сабабини Ернинг ички қисмидаги намликнинг ҳаракати деб тушунтирган. Нил дарёсида рўй бериб турадиган сув тошқинларини Ўрта денгиз томондан эсадиган шамолларнинг сув оқимиға таъсир этишидан деб ҳисоблаган. Ривоятларға кўра, Фалес қадимги бобилликлар ва мисрликларнинг математик ва астрономик билимларини яхши ўзлаштириб олган экан. У милоддан аввалги 585 – 584 йилдаги қуёш тутилишини олдиндан айтиб берган.

Фалеснинг шогирди Анаксимандр (мил.авв. 610 – 540 йй.) ҳам материалист файласуф, стихияли диалектик ҳисобланган. У қадимги греклардан биринчи бўлиб “Табиат ҳақида” номли асар ёзган. Анаксимандр борлиқнинг асосини “апейрон” (чексиз, белгиланмаган, бесифат модда) ташкил қилади деб ҳисоблаган. Грекларнинг ўзлари ёзиб қолдирган (Эратосфен, Страбон) маълумотларға кўра, Ернинг одамлар яшайдиган қисмининг,

яъни “ойкумени”нинг биринчи харитасини ҳам Анаксимандр чизган экан.

Анаксимандрнинг шогирди Анаксимен (мил.авв. 588 – 525 йй. атрофида) эса борлиқнинг асоси ҳаводан иборат деб ўйлаган.

“Табиат ҳақида” номли китоб ёзган яна бир материалист файласуф эфеслик Гераклит (мил.авв. 544 – 483 йй. атрофида) борлиқнинг асосини олов ташкил қилади деб ҳисоблаган. Ундан биров кейинроқ яшаган яна бир материалист файласуф Эмпедокл (мил.авв. 490 – 430 йй. атрофида) эса борлиқнинг асосини тўрт унсур: тупроқ, сув, ҳаво ва олов ташкил қилади деб ёзганди.

Милет мактаби файласуфларининг Ернинг шакли ҳақидаги тасаввурлари ҳам турлича бўлган. Улардан бири Ерни океанда сузиб юрадиган орол тарзида тасаввур қилса (Фалес), бошқаси кенг, юпқа плитасимон шаклда деб ҳисоблаган (Анаксимен). Анаксимандр эса Ерни ҳавода муаллақ осилиб турган цилиндр шаклда тасаввур қилган. Аммо унинг харитасида Ернинг ойкумена қисми атрофдан океан билан ўралган ясси доира кўринишида акс эттирилганди.

Фалес ва унинг шогирдларининг оламнинг бир бутунлиги ҳақидаги тасаввурлари фан тарихидаги материалистик дунёқарашнинг дастлабки намунаси эди. Ушбу файласуфларнинг у замонларда тажриба асосида тўпланган маълумотлар етишмаслиги туфайли олам ҳақидаги, Ер ва унинг табиати ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ақлий мушоҳаза юритиш асосида ҳосил бўлганди.

Милоддан аввалги 600 – 400 йиллар оралиғида қадимги грек файласуфлари фаолиятида “Табиат ҳақида” номи билан асар ёзиш анъанадек бўлиб қолганди. Юқорида номлари тилга олинган Анаксимандр, Анаксимен ва Гераклитдан бўлак Пифагор, Анаксагор, Зенон, Эмпедокл кабиларнинг ҳам шу номда асар ёзганлари маълум. Ушбу асарларда умумий ер билими қамровига доир фикр ва мулоҳазалар талайгина бўлган. Шу сабабли ҳам қадимги греклар табиат фалсафасининг шаклланишида географик тасаввурлар асос вазифасини ўтаган. Ушбу фикрни XX аср бошларида А.Н.Красновнинг В.И.Вернадскийга ёзган хатида: “География – табиатшунослик фалсафасидир” – деб айтган мухтасар жумласи ҳам қувватлайди.

Қадимги грекларнинг табиат фалсафаси айна ривож топган пайтларда Гераклитнинг тенгқур замондоши, асли милетлик Гекатей (мил.авв. 546 – 480 йй.) ўзининг “*Periodos ges*” (“Ер юзи қисмлари”) номли асарини маълум қилди. Ушбу асар мазмун ва моҳиятига кўра янги бир йўналишни бошлаб берди. Бу ҳозирги замон тили билан айтганда тасвирий географиянинг мамлакатшунослик йўналиши эди. География сўзи ишлатилмаган бўлсада, унда Европа, Осиё ва Африка (Ливия) қитъаларининг қадимги грекларга маълум бўлган қисмлари таърифлаб берилганди. Кўпроқ Ўрта денгиз қирғоқлари ва унга яқин ҳудудлар табиатига эътибор қаратилган. Географиянинг қадимги даврлар тарихини ўрганган тадқиқотчи Ж.Томсон (1953): “Гекатейнинг асарида иқлим, ўсимлик, ҳайвонот ва халқларнинг урф-одатларига нисбатан маълум илмий қизиқиш бор, бинобарин у умумий география деб, бизга у ёки бу даражада маълум бўлган биринчи география деб аташга лойиқдир” – деб ёзганди.

Гекатей ўзининг географик тавсифларини ўша замонлар даражасида баён қилиб берган бўлсада, асли тарихчи олим бўлган. Тарих фани вакиллари ҳам турли ўлкаларнинг географик хусусиятлари билан астойдил қизиққанлар, уларни ҳаққоний тавсифлашга ҳаракат қилганлар. Бу ҳолат яна бир грек тарихчиси, машҳур Геродотнинг (мил.авв. 484 – 425 йй.) тўққиз жилдлик “Тарих” асарида¹ ҳам ёрқин намоён бўлган.

Унда ўша замонларда грекларга маълум бўлган узоқ-яқин ўлкаларнинг географик таърифига катта ўрин берилганди. Ушбу асардаги географик маълумотлар Геродот замонида Ер юзасининг тузилиши ҳақидаги тасаввурларнинг ҳудудий доираси бирмунча кенгайганлигини акс эттиради, муаллифининг эса географик ва этнографик билимлари кенг ва умумлаштириш қобилияти кучли эканлигидан дарак беради.

Геродотнинг ушбу асаридан Қора ва Каспий денгизларидан анчагина шимолдаги ерларнинг, жумладан Скифлар мамлакатининг, шарқда эса Ҳинд дарёсигача бўлган ерларнинг рельефи, иқлими, тупроғи, ўсимлиги, ҳайвоноти ва халқларининг турмуши ва урф – одатларига доир тарих учун ҳам, география

¹ Ушбу асар тўлалигича сақланиб қолган. Унинг инглиз тилига ўгирилган ва изоҳлар билан таъминланган нусхасидан русча таржимаси (Мищенко, 1880) ҳам мавжуд.

учун ҳам бирдек қимматли маълумотларни топиш мумкин. Масалан, асарнинг 1 – жилди 201 – 205 саҳифаларида Каспий денгизи ва унинг ён – атрофларига доир қуйидагича тасвирларни учратамиз: “Аракс дарёси (Амударё) Гин (Ҳинд дарёси) бошланадиган жойда, матиенлар еридан оқиб чиқади. Уни Кир (Эрон подшоҳи) 300 та каналга бўлган ва унинг 40 та тармоғи бор. Уларнинг биттасидан бошқалари ботқоқликларда тугайди. Айтишларича, шу ерда яшайдиган одамлар балиқ билан овқатланадилар ва тюлен терисидан кийим киядилар. Аракснинг ягона бир тармоғи яланг ерлардан оқиб ўтиб, Каспий денгизига қуйилади. Бу бошқа денгизлар билан туташмаган алоҳида денгиз. Эллинлар турли йўналишларда сузиб юрадиган денгиз (Қора денгиз) ва Геракл устунлари (Гибралтар) дан наридаги денгиз (Атлантика) ҳамда Эритрея (Қизил) денгизи битта денгизни ҳосил қилади. Каспий денгизи алоҳида, у бўйига эшакли кемада 15 кун сузиладиган узунликка эга, энг кенг жойида эса энига 8 кун сузилади. Бу денгизнинг ғарбий қирғоғи бўйлаб Кавказ чўзилган, ҳажми бўйича жуда кенг ва жуда баланд тоғ... шундай қилиб, Каспий денгизи ғарбдан Кавказ билан чегараланган, шарқдан эса денгизга нариги чеккасини кўз илғамас кенг текислик туташади. Бу бепоён текисликнинг каттагина қисмини массагетлар эгаллаган”.

Маълумки, Анаксимандр ва Гекатей замонларида ойкуменанинг қамрови анча тор бўлганди. Европа деганда Болқон ва Апеннин ярим ороллари, Пиреней ярим оролининг жанубий қисмларигина тушунилган. Осиё деганда ҳам шундай, яъни Арабистон ярим ороли ва кичик Осиёнинг бир қисми назарда тутилган. Африка қитъасининг эса ҳозирги Дакар ва Хартум кенгликларида шимоли қисман маълум эди. Анаксимандр ва Гекатей чизиб қолдирган хариталарда Ер атрофдан океан билан ўралган доира кўринишида акс эттирилган бўлиб, Ўрта денгизнинг шарқий қисми ойкуменанинг марказига жойлаштирилганди. Бу бобилликларнинг дунё харитасига ўхшаб кетади, аммо унда дунёнинг маркази қилиб Бобил кўрсатилганди.

Шундай қилиб, милоддан аввалги VI асрлардаёқ грек фанида Ерни ўрганишдаги иккита йўналиш – умумий ер билими ҳамда мамлакатшуносликка асос солинганди. Бу йўналишларнинг ҳар бири мустақил ҳолда шакллана бошлаганди.

Умумий ер билими йўналишининг тавсифли томони унинг табиат филсафасининг таркибий қисми сифатида юзага келганлигида бўлса, мамлакатшунослик йўналиши эса инсоннинг амалий эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда, тарих фани вакилларининг хизмати билан юзага келганди.

1.2. Қадимги грек фанида Ернинг шакли ва ўлчамлари масаласи

Қадим замонлардаёқ, Ернинг шакли ва ўлчамлари масаласи ҳали у ёки бу фан юзага келмасдан анча илгари табиат ва борлик билан айниқса, осмон жисмларининг ҳаракатлари билан қизиқувчиларнинг эътиборини жалб қилиб келган. Шу маънода, айрим манбаларда (масалан, К.Вейле, 1896) милоддан аввалги XVIII асрдаёқ бобилликларда Ернинг шарсимон эканлиги ҳақида тасаввурлар бўлган деган тахминлар айтилган. Аммо бу ҳақда ёзма манбалар бўлмаганлиги сабабли у тахминлигича қолаверган.

Тахминан милоддан аввалги V аср бошларидан тортиб грек табиатшунос олимларининг Ернинг шакли ва ўлчамларига бўлган қизиқишлари кучайди. Чунки Ернинг шакли масаласининг тўғри ҳал этилиши ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, нафақат географиянинг мустақил фан сифатида юзага келишида, балки бу фanning кейинги тараққиётида мислсиз катта ва йўналтирувчи аҳамиятга эга бўлди. Ушбу масаланинг ижобий ечими жойларнинг географик координаталарини беҳато аниқлаш, хариталарнинг математик асосини яратиш ва илмий асосланган хариталар тузиш, бир қатор географик қонуниятларни аниқлаш, турли табиат ҳодисаларини география нуқтаи назаридан тўғри таҳлил қилишда муҳим илмий пойдевор вазифасини ўтайди.

Ернинг шакли шарсимон бўлиши кераклиги ғояси пифагорчилар таълимоти билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлганди. Айрим тадқиқотчилар (масалан, инглиз олими Ж.Томсон, 1953) бу ғояни пифагорчи файласуф Парменид (м.а. 540-470 йй.) номи билан боғлайдилар. Ушбу мактаб вакилларида айримлари, ҳатто Пифагорнинг (м.а. 570-500 йй.) ўзи ҳам шундай фикрда бўлган. Ушбу ғоя асосан “Ер энг мукаммал геометрик шаклда, яъни шар шаклида бўлиши керак” деган тасаввурдан пайдо бўлганди. Аммо пифагорчилардан бирортаси бу ғояни исботлашга уринмади,

исбот бўла оладиган маълумотларни изламади ҳам. Орадан бир ярим аср вақт ўтгачгина бу вазифани қадимги грекларнинг машҳур файласуфи, энциклопедист олим Аристотель (м.а. 384-322 йй.) уддалади.

У ернинг шарсимон шаклда эканлиги ғоясини ривожлантириб, исботлашга ва илмий асослашга ҳаракат қилди. Унингча, шимолдан жанубга юрган сари юлдузли осмоннинг кўринишидаги ўзгаришлар Ерни шарсимон шаклда эканлигини исботлайди. Аммо Ой тутилган пайтда унинг юзасига Ернинг сояси доира бўлиб тушишини Ернинг шар шаклида эканлигининг энг муҳим исботи деб ҳисоблаганди. Шундан сўнггина Ернинг шарсимонлиги назарияси илмий тавсифга эга бўла бошлади ва уни илмий асосланган ҳолда инкор этадиган бошқа бирорта ғоя билдирилмади.

Аристотель қадимги Фракиянинг Стагира шаҳрида таваллуд топган. Маълумотини Афина шаҳрида, идеалист файласуф Платон (м.а. 427-347 йй.) мактабида олган. У мантиқ фани ва бошқа бир қатор билим тармоқларининг асосчиси ҳисобланади. Шунингдек, география фани пойдеворини яратилишида ҳам унинг ҳиссаси катта бўлган. Устози Платондан фарқли ўлароқ тажрибага, илмий кузатувларга кўпроқ асосланган ва материалистик қарашлари ҳам устунроқ эди. Аммо устози каби Ерни коинотнинг марказида муаллақ жойлашган деб ҳисоблаганди. Аристотелнинг олим сифатидаги нуфузи ниҳоятда баланд бўлганлиги сабабли геомарказ назарияси икки минг йил “яшади”.

Аристотель табиатдаги географик ҳодисаларни диққат билан ўрганган. Унинг “Метеорологика” деб аталган асарида атмосфера ёғинлари, дарёларнинг ҳосил бўлиши, денгизлар ва улардаги оқимлар, шамоллар ва уларни ҳосил бўлиши, зилзилалар, вулқонлар ҳақида ўзига хос мулоҳазалари билдирилган. Унинг ўсимлик ва ҳайвонот оламига доир бир қатор асарлари ҳам бўлган.

А.Г. Исаченконинг (1971) эътирофига кўра, Аристотелнинг “Метеорологика” си моҳияти бўйича умумий табиий географиянинг (умумий ер билимининг) бошланиши ҳисобланади.

Аристотелнинг географияга қўшган ҳиссасини таниқли географ проф. Ю.Г. Саушкин шундай тавсифлаганди: “Аристотель табиий географик тадқиқотларга кўп эътибор қаратган, қайсики бу унинг “Метеорологика” сида ўз аксини топган. Аристотель маълум даражада – гидрология, океанология, метеорологиянинг асосчисидир. У қуруқлик билан денгизнинг ўзаро таъсирини билишнинг тарихий методини тавсия этган. Шундай қилиб, буюк синтетик – файласуф ва табиатшунос – шундай “йўллар чорраҳасининг марказида эдики, ундан табиатшуносликнинг кўп тармоқлари бошланган эди” (1980, 18 бет). У ўз тавсифларини давом эттирар экан: “Аристотель билан грек классицизм даври тугайди ва эллинизм бошланади, яъни Аристотелнинг шогирди македониялик Искандар (м.а. 356-323 йй.) ўз лашкарлари билан истило қилган турли тилли ерларда барпо этган умри қисқа, улкан давлатнинг барча бурчакларигача антик Греция ғояларининг кенг тарқалиши бошланади.

Эллинизм даврида грек фани ва маданияти Шарқ жумладан, Яқин Шарқ мамлакатлари, Миср, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ўлкаларининг фани ва маданияти билан туташди. Греция олимларининг географик билим доираси кучли кенгайди, тўпланган бой далилли (фактик) маълумотлар аввалги фикран пайдо бўлган кўп тасаввурларни қайта кўриб чиқишга олиб келди. Буларнинг ҳаммаси фаннинг (универсал даҳо Аристотел бошлаб берган) табақаланишини кучайтирди, тадқиқотларнинг ихтисослашувини чуқурлаштирди” – деб ёзганди (19 б.).

Маълумки, Аристотель асарлари билан қадимги грекларнинг табиат фалсафаси ҳам якун топади ва бир вақтнинг ўзида табиатни тажрибага асосланган ҳолда, аналитик ўрганиш ҳам бошланади. Аристотел “Метеорологика” сининг яна бир эътиборли томони шундаки, у ўзининг географик тавсифларини Ернинг сфералари бўйича беришга ҳаракат қилган. Жумладан, атмосферанинг қуйи қисмига гидросферани ҳам қўшган. Бунда у ҳаво билан сув ўртасида рўй берадиган намликнинг айланма ҳаракатига асосланганди.

Аристотель Ернинг катталиги билан ҳам қизиққан. Маълумки, Ернинг айланаси узунлигини аниқлашга қаратилган уринишлар кўп маротаба бўлган. Бу борида қадимги грек олимларидан книдлик Евдокс (м.а. 409-356 йй.), Дикеарх (м.а.

345-285 йй.), Эратосфен (м.а. 276-194 йй.), Гиппарх (м.а. 190-125 йй.), Посидоний (м.а. 135-51 йй.), Птолемей (90 – 168 йй.), лар шуғулланганлар ва турли натижаларга эришганлар. Чунончи, Аристотел Евдокс маълумоти бўйича Ер айланаси узунлигини 400 минг стадия деб кўрсатганди (бу 74 минг км га яқин). Аристотелнинг шогирди, мессиналик Дикеарх эса 300 минг стадия деб аниқлаган. Аммо уларнинг ўлчаш усуллари мавҳум қолган.

Юқорида номлари санаб ўтилган олимлардан энг аниқ натижага фақат Эратосфен эриша олганди. Унинг ҳисоблашларига кўра Ер меридианининг узунлиги 252 минг стадияга тенг деб топилган. Бу ўша замонлардаги мисрликлар стадияси (158,3 м) бўйича ҳисобланганда 39891 км га тўғри келади ва ҳақиқий ўлчамга (39992 км) жуда яқин¹.

Эратосфен Ернинг одамларга маълум қисми, яъни ойкуменанинг ўлчамларини ҳам аниқлаган. Унга кўра ойкуменанинг Родос ороли кенглигидаги, ғарбий ва шарқий чеккалари орасидаги масофа 78 минг стадия, шимолий ва жанубий чеккалари ораси эса 38 минг стадия деб ҳисобланганди.

Бу ўз даврида жуда муҳим илмий кашфиёт эди. Аммо Эратосфеннинг география фани тарихидаги аҳамияти бунинг ўзи билан чекланмайди. Унинг илмий фаолиятидаги энг ёрқин саҳифалар географиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши билан боғлиқ бўлди. Шу сабабдан ҳам унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида бир – икки оғиз тўхталиб ўтмоқчимиз.

1.3. География фанининг вужудга келиши

Маълумки, фандаги бирор бир кашфиёт, янги бир илмий ғоя ёки илмий йўналиш, бирорта янги изланиш методи ёки термин ва атамани фанга кириб келиши, одатда бирорта илмий жамоа, ҳаммуаллифлар ёки бир изланувчи шахснинг номи билан боғлиқ бўлади. Фандаги бу каби маълум кашфиёт ёки илмий янгилик ҳақида сўз борганда, унинг муаллифини тилга олишга тўғри келади. Шу йўл билан ҳар бир илмий янгилик ўз муаллифи исм

¹ Эратосфеннинг Ер меридиани узунлигини ўлчаш усули географик адабиётда кенг ёритилган. Китобдан китобга ўтиб келаётган айрим тавсилотлари Ш.Зокиров, Х.Тошов (2015) да ҳам қисқача баён қилиб ўтилган.

шарифини фан тарихи саҳифаларига муҳрлаб қўяди. Бу фаннинг ўзига хос қоидаларидан биридир. Ана шундай янги илмий ғоя, янги атама ва тадқиқот усули туфайли география тарихи саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олган ажойиб шахслардан бири, география фанини илк бор ўз номи билан “География” деб атаган, унинг табиат фалсафасидан ажратиб, мустақил фан сифатида шаклланишига асос яратган қадимги грек олими Эратосфен (м.а. 276-194 йй.) ҳисобланади.

Эратосфен қадимги Ливиянинг Кирена шаҳрида, греклар колониясида таваллуд топган. Бошланғич маълумотни шу ерда олгач, кейинроқ Афина шаҳрида ўқиган. Бу ерда у замонасининг илғор фанларидан фалсафа, математика ва астрономияни аъло даражада ўзлаштириб олган, тарих ва филологиядан ҳам етук билимли олим бўлиб етишган. Милоддан аввалги 250 – йилларда уни таниқли серқирра олим сифатида Александрия (Мисрнинг ҳозирги Искандария) шаҳридаги музейга бошлиқ этиб тайинлашган. У замонларда музей деб бир жойда барпо этилган ўқув муассасалари, кутубхона, обсерватория ва анатомия бўлимини ўз ичига олган мажмуани атаганлар. Эратосфеннинг кейинги қирқ йиллик умри ана шу илмий марказда, олимлар ва толиблар даврасида ўтган.

Тарихдан маълум бўлишича, қадимги грекларнинг энг йирик илмий маркази милоддан аввалги III аср бошларида ана шу Александрия шаҳрида шаклланган. Қадимги грек математиги, машҳур “Негизлар” асарининг муаллифи Евклид (м.а. IV – III асрнинг бошлари), таниқли математик Архимед (м.а. 287 – 212 йй.), астрономлардан самослик Аристарх (м.а. 310 – 250 йй.), Аполлоний (м.а. 250 – 205 йй.), никеялик машҳур Гиппарх (м.а. 190 – 125 йй.) кабилар асосий илмий фаолиятларини шу ерда олиб борганлар.

Эратосфен ҳам шу илмий марказнинг бошлиғи сифатида ўзининг “География”сини яратган. У грек мумтоз географиясида биринчи бўлиб, математика ва тарих усулларидан унумли фойдаланган ҳолда географик тадқиқотлар олиб борган ва география фанининг илмий асосларини яратишга ҳаракат қилган. Шу сабабли ҳам география тарихидан сўз юритган тадқиқотчиларнинг аксарияти уни география фанининг “ҳақиқий отаси” деб эсга оладилар. Эратосфен ўз лавозими ва вақтидан

унумли фойдалана билган изланувчи-тадқиқотчи олим бўлган. Кўп йиллар давомида турли ўлка ва вилоятлардан йиғиб келинган ярим миллиондан ортиқ қўлёзма китоблар жамланган бебаҳо илм хазинаси унинг қарамоғида бўлган. Шу ердаги обсерваторияда олиб борилаётган илмий астрономик кузатувларга бош – қош бўлиб турган. Табиийки, бундай шароитда Эратосфен ўзига замондош олимларнинг суҳбатлари ва мунозараларидан баҳра олишдан ташқари, анча замонлар илгари яшаб ижод қилган олимларнинг илмий меросларидан ҳам жуда яхши хабардор бўлган. Жумладан, Фалес ва Анаксимандр асарларидан, уларнинг табиат фалсафаси ва тузган хариталаридан, Гекатейнинг саёхатлари ва тасвирий географиясидан, Геродотнинг турли ўлкалар географиясига оид тавсиф лавҳалари билан яқиндан таниш бўлган. Айниқса, машҳур Аристотелнинг “Метеорология”, “Осмон ҳақида” номли географияга бой асарларини катта қизиқиш билан ўрганган. Ўзидан аввалгиларнинг Ерни шакли ва ўлчамлари ҳақида билдирган фикрлари Эратосфенни бефарқ қолдирмаган, илҳомлантирган.

Олимни машҳур қилган “*Geographica hypomnemata*” (“Географик лавҳалар”) номли асар уч қисмдан иборат бўлган. Унинг биринчи қисмида Ерни ўрганиш тарихи берилган бўлиб, Гомер, Анаксимандр ва Гекатейни биринчи географлар деб атаган. Шу қисмда у Ернинг шарсимонлиги ҳақида фикр юритган. Бу масалада у ҳеч иккиланмаган. Шунингдек, ер юзасини тузилишида дарёларнинг аҳамияти тўғрисида, вулқонлар ҳақида, денгиз сувининг қалқиши, денгиз оқимлари каби табиий географик ҳодиса ва жараёнлар ҳақида сўз юритган.

Китобнинг иккинчи қисмида Ернинг меридиан айланаси бўйлаб узунлигини ўлчаш тафсилотлари, шунингдек, ойкуменанинг ўлчамлари ҳақида, дунё харитаси ҳақида маълумотлар берилган. Учинчи қисм эса регионал, яъни мамлакатларнинг тасвирий географиясига бағишланган.

Эратосфен ўзининг ушбу асарида Евдокс, Аристотел ва Дикеархларнинг иссиқлик минтақалари ҳақидаги маълумотларини янада аниқлаштиришга ҳаракат қилган. У мўътадил минтақанинг шимолий чегарасини аввалгидек, кутб доирасидан ўтказиб, жанубий чегарани эса шимолий тропик

чизигидан жануброқдан, яъни $12,5^0$ шимолий кенгликдан ўтказган.

Қадимги даврлар географияси тарихини ўрганган Ж.Томсоннинг (1953) ёзишига қараганда, Эратосфен шимолий ярим шарнинг ўзида тўртта минтақа ажратган:

1) одамлар яшамайдиган совуқ минтақа (шимолий қутб доирасидан шимолдаги ерлар);

2) одамлар яшайдиган мўътадил минтақа (қутб доирасидан жанубга, то $12,5^0$ шимолий кенгликкача);

3) одамлар яшамайдиган иссиқ минтақа ($12,5^0$ шимолий кенгликдан экваториал кенгликларгача);

4) одамлар яшайдиган экваториал минтақа (иккала ярим шар учун умумий). Аввалги уч минтақа жанубий ярим шарда ҳам такрорланади ва ҳаммаси бўлиб еттита иссиқлик минтақалари ажратилган.

А.Г.Исаченко (1971), А.Б.Дитмар (1980) ларнинг таъкидлашига кўра, табиий географик районлаштиришнинг қадимги грек географиясидаги биринчи тажрибаси ҳам Эратосфен номи билан боғлиқ бўлган. У тузган районлаштириш схемаси аввалги, ойкуменани анъанавий уч қисмга (Европа, Осиё ва Ливияга) бўлишдан фарқ қилади. У ойкуменани аввал икки қисмга бўлиб олади. Улар ўртасидаги чегарани Геракл устунлари (Гибралтар) дан бошлаб Тавр тизмасига тўғри келадиган параллел чизиги бўйлаб ўтказган. Кейин ҳар бирини ўзининг табиий шароитлари билан фарқланадиган сфарагидаларга ажратган. Сфарагидаларни тасвирлашда эса Эратосфен уларнинг чегаралари табиий чегаралар (тоғ тизмалари, дарёлар каби) га мос келишини айтиб ўтган.

Эратосфеннинг дунё харитасида Александрия шаҳридан ўтувчи меридиан ва параллел чизиқлардан ташқари яна еттидан шундай чизиқлар ўтказилганди. Харита ишлашдаги бу янгилик Эратосфендан бироз кейин яшаган Гиппарх (м.а. 190-125 йй.) учун Ер шарининг градус тўрини яратишига асос бўлганди деб айтиш мумкин.

Қадимги грек астрономиясига қўшган ҳиссалари учун буюк олим сифатида тан олинган Гиппарх жойларни харитага туширишда, Эратосфен каби параллеллар ва меридианлар тўридан фойдаланиш географияга анчайин аниқлик киритиши

мумкинлигини яхши билган. У хариталар доимо астрономик аниқланган географик координаталарга асосланиши лозимлигини уқтирган. Фан тарихи тадқиқотчилари Гиппархни биринчи бўлиб фанга географик кенглик ва географик узунлик тушунчаларини киритган, географик координаталарни кашф этган буюк астроном олим сифатида эсга оладилар. Қуёшнинг уфқдан баландлиги ҳамда кунларнинг узун – қисқалиги билан тавсифланадиган “иқлим” лар (грекча “клима”) ҳақидаги таълимотнинг ишлаб чиқилишини ҳам унинг исми билан боғлайдилар. Баъзилар астролябия асбобини ҳам Гиппархнинг ихтироси деб ҳисоблайдилар. Гиппарх ҳам Родос ороли меридиани бўйича узунлик ўлчовларини амалга оширган ва Эратосфен каби 252 минг стадияда тўхтаган.

Кейинчалик, Эратосфен усулини қўллаган ҳолда грек астрономи ва тарихчиси Посидоний (м.а. 135-51 йй.) ҳам Ер айланаси узунлигини ўлчаганди. У Гиппарх танлаган Родос ороли меридиани узунлигини 180 минг стадия деб, бироз кичикроқ натижани кўрсатганди. Унинг географик маълумотларга бой “Тарих” номли асаридан ташқари “Океан ҳақида” номли географик асари ҳам бўлган. Бу асарда муаллиф Эратосфен каби меридиан узунлигини ўлчаш тафсилотлари, сфарагидалар ажратгани ва ер юзасидаги ўзгаришлар ҳақида ўз тасаввурларини баён қилган. Шунингдек, ойкуменани тасвирлашга ҳаракат қилган, иссиқлик минтақалари ҳақида сўз юритганда тўққизта минтақа ажратган.

Шундай қилиб, Эратосфен ва Гиппарх географик изланишлардаги янги йўналишнинг, ҳозирги замон тили билан айтганда математик географиянинг асосини яратдилар. Аниқроқ қилиб айтганда, Ер шарининг катталигини аниқладилар, географик координаталар тушунчасини ва ер юзасини харита сатҳига тушириш методини яратдилар.

Ю.Г.Саушкин (1980) Эратосфеннинг илмий фаолияти ҳақида сўзлар экан, “у географияда, аниқ фандаги каби математика, физика, табиатшунослик, тарихни бирлаштирди” – деб ёзганди.

Маълумки, Эратосфеннинг “Географик лавҳалар” асари қадим замонлардаёқ йўқолиб кетган. Аммо унинг тузилиши ва умумий мазмуни ҳақида бошқа олимларнинг асарлари орқали хабардор бўлиш мумкин. Шундай асарлардан бири грекларнинг

яна бир машҳур олими, тарихчи ва географ Страбоннинг (м.а. 64 – мил. 20 йй.) “География” номли асари эди.

Страбон Кичик Осиёнинг Амасия деган шаҳрида ўзига тўқ оилалардан бирида таваллуд топган. Унинг яхшигина билим олишига ва узоқ – яқин саёҳатларга чиқишига имконияти етарли бўлган. Страбон бир неча йил Рим шаҳрида яшаган, Александриядаги машҳур кутубхонада илм билан шуғулланган. Қора денгизда ва Нил дарёсида сузганлиги ва умуман кўп саёҳат қилганлиги маълум.

Тарихчилар Страбоннинг иккита йирик асарлари номини кўп тилга оладилар. Улардан бири 43 жилддан иборат бўлган “Тарих” асаридир. Унда Карфагеннинг тугатилишидан то Гай Юлий Цезарнинг (м.а. 146-94 йй.) вафотигача бўлган даврлар тарихи ўз аксини топган. Ушбу асар ҳам қадим замонлардаёқ йўқ бўлиб кетган. Олимнинг 17 жилдлик “География” асари эса тўлалигича сақланиб қолган.

Страбон ўз “География” сининг дастлабки икки жилдини фойдаланган адабиёт манбаларини таърифлашга бағишлаган.

Уларда Гомернинг “Одиссея” достонидаги географик маълумотлардан тортиб то Посидонийнинг Ер айланасини ўлчаганлиги, иқлим минтақалари ажратганлиги ва таърифлаганларигача бўлган маълумотлар батафсил келтирилган. Асарнинг 8 жилди Европанинг, 6 жилди Осиёнинг ва охириги жилди эса Африканинг, асосан Миср билан Эфиопиянинг географик таърифига бағишланган.

Страбон ўзидан олдин ўтган табиатшунос олимларнинг асарларидан яхши хабардор бўлган, уларни илмий танқидий таҳлилини юқори савияда амалга оширган. Шу сабабдан ҳам географлар уни “география тарихининг отаси” деб тилга оладилар. Афсуски, Страбоннинг “География” сидан унинг замондошлари ва кейинроқ яшаган кўпчилик беҳабар қолганлар. Бу асар орадан ўн тўрт асрга яқин вақт ўтгачгина янгидан “кашф” қилинган ва кўп замонлар оша қадимги грекларнинг классик географик асари сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Ундан ҳозирги замон географлари билан бир қаторда тарихчилар ҳам қадимга оид муҳим манба сифатида фойдаланиб келмоқдалар.

Страбон география фанининг асосий вазифаси мамлакатларни тавсифлаб беришдан иборат деб тушунган. У шу

маънода сўз юритар экан, Ернинг шакли ва катталиги ҳақидаги маълумотларни астрономлардан, табиат ҳодисалари ҳақида эса файласуф олимлардан билиб олиш мумкинлигини, географлар эса ойкуменани ва унинг қисмларини тавсифлаб беришлари лозимлигини ёзади. Географик изланишларда тарихий ёндашиш муҳимлигини тўғри таъкидлаган Страбон ер юзаси табиатининг ўзгариб туриши ҳақида жумладан, қуруқликларни денгиз босиши ва аксинча денгизлар ўрнида қуруқлик ҳосил бўлиши мумкин деган назарий фикрларни қувватлаган. Шунингдек, Нил дарёсидаги сув кўпайиш ҳодисаси сабабларини дарёнинг юқори оқимида кўп ёғин ёғиши билан боғлаган.

Умуман олганда, Страбон ўзининг “География” сида Эратосфеннинг асосий ғоясини ривожлантириб, географияни мустақил фан сифатида кўрсатишга интилган. Унинг фикрига кўра, географ ўзининг кузатувларига асосланган ҳолда мамлакатларнинг географик ўрни, чегаралари, катта – кичиклиги, иқлими, тоғлари, текисликлари, дарё ва кўллари, халқлари, уларнинг давлат тузуми, етиштирадиган маҳсулотлари, савдо – сотиғи каби хусусиятларини тасвирлаб бериши лозим. Шунингдек, Страбон давлат бошлиқлари ва ҳукмдорлар ўзларининг фаолиятларида географиянинг амалий аҳамиятини тушунган ҳолда, у келтирган географик маълумотлардан унумли фойдалана билишлари лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Страбон Гекатей асос солган тасвирий географияни ривожлантириб, янада юқори даражага кўтарди. У Эратосфен каби Ернинг одамларга маълум қисми, яъни ойкуменани ҳар томондан денгиз суви билан ўралган орол деб тасаввур қилган. Бу ҳақда унинг ўзи “ҳиссиётларимиз гувоҳлик беришича ҳамда тажрибадан келиб чиқиб, Ернинг одамлар яшайдиган қисми оролдан иборат деган қарорга келиш мумкин. Ернинг инсон бораолган ҳамма жойида биз океан деб атайдиган денгиз жойлашган” – деб ёзган эди.

Кўп юнон олимлари каби Страбон ҳам Ернинг иссиқлик минтақалари билан қизиққан, уларни тавсифлашга ҳаракат қилган. У Эратосфен каби 7 та, Посидоний каби 9 та эмас, балки Аристотел, Дикеархлар каби 5 та иссиқлик минтақаси мавжуд деб ҳисоблаган. Уларнинг чегараларини экваторга параллел бўлган чизиклар билан акс эттириш мумкинлигини ёзган. Шунингдек,

бир вақтлар Эратосфен асос солган географик районлаштириш пойдеворини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Чунончи, ўрганилаётган ҳудудларни маълум қисмларга ажратишда, чегараларни дуч келган жойдан эмас, балки табиий объектлар (қирғоқ, сувайирғич, тоғ этаги каби) бўйлаб ўтказиш лозимлигини айтган. Ўзи ҳам географик тавсиф беришда шу тамойилга асосланган.

Страбон астрономия, физика, математика каби фанлардан олиш мумкин бўлган маълумотларнинг айрим географик тушунчаларни асослашдаги аҳамиятини тўғри баҳолай олган. Унинг фикрича, география бошқа фанларнинг предметиға чуқур кириб бормаслиги ва энг зарур ҳамда муҳим бўлган маълумотларидангина фойдаланиши лозим деб ҳисоблаган. Шу маънода Эратосфенни танқид қилишга ҳам уринган бўлсада, у ҳақида жуда юқори фикрда бўлган. Унингча, Эратосфен географияға математика ва физика асосларини киритди. Моҳиятан, у мустақил фан сифатидаги географияни бошлаб берди, деб ёзганди.

Тарихдан маълумки, Страбон ижод қилган йилларда Рим империясининг энг кучайган, маданиятининг энг юксалган (м.а. 30 йилдан II аср охирларигача) даври эди. Бу даврда римликларнинг кенг кўламдаги ҳарбий юришлари натижасида уларға маълум дунёнинг чегаралари анча кенгайганди. Лотин тилида ёзилган дастлабки асарлар ҳам пайдо бўлди. Шундай асарлардан бири Помпоний Меланинг 43 – йилда ёзилган “География” номли асари, Люций Сенеканинг (м.а. 4-65 й) Миср ва Ҳиндистонға оид асари ҳамда Катта Плинийнинг (23-79 йй.) 37 китобдан иборат “Тарих” асари эди. Кейинги асарнинг тўрт китоби географияға оид эди. Аммо бу асарлар Страбоннинг “География”си билан ҳамда кейинроқ Тир шаҳридан бўлган Мариннинг 110-йиллар атрофида ёзган географик асари билан александриялик машҳур астроном, математик ва географ Клавдий Птолемей (90-168 йй.) нинг “Географиядан кўлланма” асари билан қиёслаганда география фани учун бирорта янгилик бермади. Мариннинг асари бизгача етиб келмаган. Птолемей асарида айтилишиға кўра, Марин асарининг асосий мазмуни жойларнинг географик кенглик ва узунликлари кўрсатилган жадваллардан иборат бўлган.

Шу ерда Птолемей ва унинг асарлари ҳақида бироз тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки олимни географиянинг мустақил фан сифатида ривожланишига қўшган ҳиссаси ниҳоятда салмоқли бўлган.

Клавдий Птолемей астрономия ва география соҳаларидаги асарлари билан ўзига “хайкал” куриб кетган олим ҳисобланади. Унинг қадимги Мисрнинг Птолемаид шаҳрида туғилиб, ўсганлиги, Александрия шаҳрида яшаб, 127-150 йилларда у ерда машҳур кутубхонада илм билан изчил шуғулланганлиги, обсерваторияда астрономик кузатувлар олиб борганлиги маълум. Манбаларда Птолемейнинг бешта асари ўрта асарларда Шарқ оламида араб тилига таржима қилиниб, қўлланмалар сифатида қўлдан – қўлга ўтиб юрганлиги қайд этилган. Аммо улардан иккитаси муаллифининг номини Шарқда ва кейинчалик Ғарбда ҳам жуда машҳур қилиб юборган. Улардан биринчиси классик астрономияга оид бўлган ва 13 жилддан иборат “*Megale syntaxis*” (“Буюк тузилма”) номли асардир. Уни Шарқ олимлари араб тилига “Ал – Мажистий” (“Муҳташам тузилма”) номи билан, муаллифини эса Батлимус ал – Қалавдий деб таржима қилганлар. Асар кейинчалик, 1175 йилда кремоналик Герардо томонидан араб тилидан лотин тилига “Алмагест” номи билан таржима қилинган, Ғарбда ҳам машҳур бўлиб қолган.

Птолемейнинг мазкур шоҳ асари кўп асрлар давомида осмон жисмларининг ўрни ва ҳаракатлари ҳақида маълумот берадиган асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Олимнинг “геомарказ” назарияси тарафдори бўлганлиги унинг айнан шу асарида намоён бўлганди.

Птолемейнинг иккинчи машҳур асари саккиз жилддан иборат бўлган “Географиядан қўлланма” эди. Унинг биринчи жилдида асосан масофаларни аниқлаш усуллари, жойларнинг географик координаталари ва уларни аниқлаш, харитаграфик проекциялар каби бир қатор умумилмий масалалар кўрилган бўлиб, асарнинг назарий ва методик қисмини ташкил қилади. Шу қисмда у ўзидан олдин ўтган Гиппархнинг ҳамда Марин асарларини танқидий таҳлил қилган. Жумладан, Марин ўзининг дунё харитасини тузишда қўллаган цилиндрик проекциянинг камчиликларини кўрсатиш билан бир вақтда ўзининг оддий коник ва псевдоконик проекцияларини тавсия этган.

Птолемей “География”си ни кейинги олти жилдининг асосий мазмуни жойларнинг координаталари кўрсатилган тавсифлардан иборат бўлган. Охирги, саккизинчи жилд эса 94 епархиянинг координаталари жадваллари ва тавсифлари асосида чизилган дунё харитаси ва бошқа бир қатор ўлкаларнинг катта-кичик хариталари берилганди¹.

Птолемей “География” си билан қизиққан тадқиқотчилар XIX аср охирларида асардаги дунё харитасини Птолемей чизмаганлигини, уни V асрларда яшаган Агафодемон (александриялик) чизганлигини аниқлаганлар. XIII – XIV асрларда ва ундан кейин ҳам Птолемей асаридаги маълумотлар бўйича бундай дунё хариталари яратилгани ҳақида маълумотлар бор.

Птолемей ҳам Марин каби ўз хариталари учун Гиппарх томонидан айлананинг 360^0 га бўлиниши ҳисобидан тузилган параллеллар ва меридианлар тўрини асос қилиб олганди. Шу сабабли у ер юзидаги хоҳлаган нуқтасининг географик ўрнини аниқ белгилаш имконига эга бўлган. Птолемей фойдаланган маълумотлар қанчалик аниқ бўлмасин, барибир унинг харитасида маълум хатоликларга йўл қўйилган. Масалан, Каспий денгизининг шакли анча ғайриоддий чиққан, яъни ғарбдан шарққа чўзилган ҳолда тасвирланган. Шунингдек, Африканинг жануби билан Жануби – Шарқий Осиё номаълум қуруқлик билан туташтириб юборилган ва Ҳинд океани ҳамма томондан қуруқлик билан ўралган ички денгизга ўхшаб қолган. Бундан ташқари, Птолемей Эратосфен ва Страбондан фарқли равишда қуруқликнинг кўламини анча катта олган. Унингча, 63^0 шимолий кенгликдан $16,5^0$ жанубий кенгликкача ва ғарбда Саодат оролларида шарқда Олтин Херсонес (Ҳиндихитой ярим ороли) гача 180^0 га тенг деб, яъни аслидан 50^0 га яқин катта олганди.

Птолемей ҳам Эратосфен ва Страбон каби ойкуменани районлаштиргани ва 94 та “епархия” ҳамда 21 зона ажратгани маълум. У географиянинг асосий вазифаси деб, Ернинг маълум қисмини, ундаги барча географик объектларни чизиклар

¹ Птолемей “География” сининг XV – XVI асрлардаги нашрларида илова қилинган хариталарнинг сони ҳар хил, баъзиларида 26 та, баъзиларида 64 та харита берилган. Айрим асарларда эса хариталар сони 90 тага яқин дейилган.

ёрдамида тасвирлашни тушунган. Шу сабабли айрим тадқиқотчилар (масалан, Шой ва Крачковский) Птолемейни географдан кўра кўпроқ астроном ва математик деб, унинг “География” сини эса “Харита тузишга кириш” деб айтиш тўғрироқ бўларди, деб ҳисоблаганлар.

Олимнинг “География” си унинг “Алмагест” ига нисбатан Европада анча кеч маълум бўлган. “Европаликлар Птолемейнинг” Географияси борлигини Хоразмийнинг китобидан билиб олганлар ҳамда унинг эскирган ва кўп саҳифалари йўқолган қўлёзмаларини кутубхоналардан қидириб топиб, латинчага таржима қилганлар” – деб ёзганди Ҳ.Ҳасанов (1981, 17 б.).

Асар қўлёзмаларидан бир нусхаси Рим папаси Урбан V кутубхонасидан топилган бўлиб, уни Болонья шаҳрида грек тилидан дарс бериб юрган муаллим, асли византиялик бўлган Мануел Хризолор исмли киши 1409 йилда биринчи бўлиб, латин тилига таржима қила бошлаган. Аммо у бу ишни охирига етказа олмаган ва унинг шогирди Якобус Ангелус бу таржимани якунлаган. Ушбу таржиманинг нусхалари “Космография” номи билан тез орада қўлма – қўл бўлиб кетган.

Птолемей “География” сининг Европадаги биринчи босма наشري 1475 йилда амалга оширилган бўлиб, кейинги 300 йил ичида 50 марта нашр эттирилган. Бунга XVI асрнинг машҳур харитаграфи Герард Меркатор ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Унинг 1578 йилда Птолемей “География” сининг қисқартирилган матни билан хариталарини нашр эттиргани, 1584 йилда эса бу асарни астойдил таҳрир қилиб, тўла матнини ҳам нашрдан чиқаргани маълум.

Птолемейнинг бу машҳур асари схоластика “ботқоғи”да қолиб кетган Европада ҳали илм – фан черков чангалида бўлган даврда ўзининг маълумотларга бойлиги ва харита тузишнинг илмий асосланганлиги билан олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб олганди.

Птолемей асарлари астроном ва географ олимлар билан бир қаторда мунажжимлар ўртасида ҳам обрўли қўлланмалардан ҳисобланган. Унинг осмон жисмларининг турли вақтлардаги жойлашувига асосланиб, кишилар тақдирини аниқлаш мавзусида ёзган, тўрт китобдан иборат “Тетрабиблос” номли асари ҳам

бўлганлиги, у ҳам дастлаб Халифа Мансур даврида Абу Яҳё ал – Батрик (ваф.тахм. 800 йил) томонидан “Китоб ал- арбаъ” (“Тўрт китоб”) номи билан таржима қилинганлиги маълум. Бу асарни кейинчалик, 1138 йилда тривоилик Платон арабчадан лотинчага ўгирганлиги, қолаверса ғарб мунажжимлари ҳам бу асардан асосий қўлланма сифатида фойдаланганликлари манбаларда қайд этилган.

Умуман олганда, Птолемей асарларининг катта қисмини кўп ҳажмли жадваллар ташкил қилган. Уларда асосан ер юзасидаги турли нуқталарнинг географик координаталари берилганди. Олимнинг шу мазмунда тузилган асарларидан яна бири “Машҳур шаҳарлар жадвали” деб номланган бўлиб, Хорун ар – Рашид даврида Бағдод олимларига яхши таниш бўлган. Ушбу асарнинг таржимаси “Батлимус зижи” номи билан танилганди.

Шундай қилиб, Птолемейнинг асарлари аввал Шарқ оламида, кейин Ғарбий Европада кўп асрлар давомида катта аҳамиятга эга бўлган қўлланмалар сифатида фойдаланиб келинган. Птолемейнинг айрим илмий қарашлари ва мулоҳазалари, масалан, осмон жисмлари Ернинг атрофидан айланади деб ҳисоблаганлиги, қуруқлик кўламини океанга нисбатан каттароқ кўрсатганлиги ўрта асрлар дин пешволарида кўп ҳам эътироз туғдирмаганди.

Фанимиз тарихининг ушбу қисмига, яъни қадимги грек географиясига хулоса сифатида унинг қуйидаги баъзи хусусиятларини белгилаб ўтиш мумкин.

1. Милоддан аввалги VI асрда табиат фалсафаси намоёндалари томонидан умумий табиий география йўналишига оид илк географик тасаввурлар билдирилди. Энг оддий дунё хариталари яратилди. Шу вақтларда тасвирий географиянинг мамлакатшунослик йўналишига ҳам асос солинди. Тажрибага асосланган билимлар етишмаслиги туфайли файласуфларнинг географик тасаввурлари ақлий фикр юритиш йўли билан ҳосил қилинганди.

2. Милоддан аввалги V асрда тасвирий география йўналиши янада ривожланди. Ернинг шарсимонлиги ғояси пайдо бўлди. Милоддан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида эса ушбу ғоя илмий тавсифга эга бўла бошлади. Ер айланаси, узунлигини аниқлашга ҳаракатлар бошланди. Иссиқлик минтақалари

ҳақидаги таълимот юзага келди. “Геомарказ назарияси” пайдо бўлди. Умумий табиий география ва бошқа бир қатор хусусий фанларга асос солинди.

3. Милoddан аввалги III аср бошларидан (Афинадан сўнг) Александрия илмий маркази фаолиятда бўлди. Астрономия ва математика жадал ривожланди. Илмий географиянинг асосчилари Эратосфен, Страбон ва Птолемейларнинг географик асарлари ҳам шу ерда яратилди. Ер меридиани айланасининг узунлиги аниқланди.

4. Географиянинг мустақил фан сифатида вужудга келиши қадимги грек математикаси ва астрономиясига таянган ҳолда Эратосфен туфайли амалга ошди. Страбон билан Птолемей эса уни янада ривожлантирдилар. Улар тасвирий география билан математик географияни янги поғонага кўтардилар, география фанининг мазмуни ва вазифаларини аниқлашга ҳаракатлар қилдилар, илмий харитаграфияга асос солдилар, биринчи илмий асосланган дунё харитаси яратилди.

5. Клавдий Птолемейнинг юқорида номлари тилга олинган асарларидан сўнг жаҳон фани тарихида ўзига хос из қолдирган қадимги грек фани, шу жумладан, грек астрономияси ҳам, географияси ҳам якун топди.

II БОБ. ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ

Ўрта асрлар тушунчаси XI аср ўрталарида Италияда (лотинча *media tempestas* мазмунда) пайдо бўлганди. Шундан бери бу тушунча кишилиқ жамияти тараққиётидаги асосий даврлардан бири сифатида қўлланиб келинмоқда. Аммо унинг бошланиши ва тугашидаги вақт чегараларини белгилашда турлича фикрлар билдирилган. Кўп ҳолларда бу чегараларни ишлаб чиқариш муносабатларининг бир шаклдан бошқасига ўтиш вақти билан белгилаганлар. Масалан, қулдорлик тузумига асосланган Рим империясининг қулаши (476 йил) дан то капиталистик жамиятнинг бошланғич шакллари пайдо бўлган вақт (XVII аср ўрталари) гача, яъни феодал тузум даври ўрта асрлар деб ҳисобланган. Рус тарих адабиётида ҳам феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг туғилиши, гуллаши ва тугаши ўрта асрлар даври деб тавсифланган. Аммо ер юзидаги ҳамма давлатларда ҳам бу даврдаги сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ҳаёт бир хилда кечган деб бўлмайди. Маданият, маърифат ва фан ҳам турлича, баъзида тез, баъзида суст кечган, вақт чегараларида ҳам фарқ мавжуд. Шу сабабдан ҳам ўрта асрлар фан тарихини, жумладан, география тарихини Ғарбий Европа бўйича алоҳида ва Шарқ мамлакатлари бўйича алоҳида таърифлаш илмий методик жиҳатдан ҳам тўғри бўлади деб ўйлаймиз.

2.1. Ғарбий Европада ўрта асрлар географияси

Феодализм давридаги Ғарбий Европада сиёсий – ижтимоий ҳаётнинг энг асосий хусусиятларидан бири христиан динининг кучайиб кетиши бўлди. I асрдаёқ Рим империясининг шарқий ҳудудларида юзага келган бу дин IV аср бошларида (аниқроғи 313 йилда) император Константин даврида давлат дини мақомини олгач, унга халқнинг эътиқоди жуда кучая борди ва X аср бошларида бутун Европага ёйилиб улгурди. Бу ижтимоий жараён ўрта асрларда Ғарбий Европа маданияти ва фанининг шу жумладан, географиянинг ривожланишига кучли салбий таъсир кўрсатди. Буни яхши тасаввур қилган XX асрнинг фан тарихчилари Бейкер (1950), Хенниг (1961) кабилар ўрта асрларни

Ғарбий Европада турғунлик даври, географияда эса тушкунлик даври бўлганлигини эътироф этгандилар. Таниқли географлардан Ю.Г.Саушкин ҳам лўнда қилиб “ўрта асрларнинг зулматли тунида Европа мамлакатларида география қотиб қолган эди” – деб ёзган (1980, 22 б.). Шунингдек, А.Б.Дитмарнинг махсус ўрта асрлар география тарихига бағишланган китобида ҳам бу даврда антик даврда яратилган Эратосфен, Страбон ва Птолемейларнинг географик асарлари билан қиёслаш мумкин бўлган бирорта асар яратилмагани аниқ таъкидланган (1989, 15 б.).

Шундай қилиб, ўрта асрларда Ғарбий Европада географиянинг бирорта бир назарий масаласи кўтарилган соф географик асар яратилмаганлигини биз ҳам эътироф этиб қўйишимиз лозим. Шундай бўлсада, А.Дитмар ва А.Исаченко асарларида географияга озми – кўпми алоқадор манбалар таърифлаб ўтилганки, улардаги маълумотлар асосан тасвирий географияга оид бўлиб, ўша даврдаги географиянинг ҳолати ҳақида маълум қадар тасаввур беради. Ана шу манбалар таҳлилига асосланган ҳолда бу олимлар ўрта асрлар география тарихини бир неча босқичга бўлиб таърифлашга ҳаракат қилганлар. Масалан, А.Б.Дитмар Ғарбий Европадаги географиянинг ўрта асрлар тарихини III асрдан XV аср ўртасигача белгилаб, уни яна тўртта даврга бўлишни лозим топган. Яъни:

- 1) кеч антик давр латин патристикаси бошлари (III – VII асрлар);
- 2) эрта схоластика даври (VIII – XII асрлар);
- 3) кеч схоластика даври (XIII – XIV аср ўртаси);
- 4) эрта гуманизм даври (XIV аср ўртаси – XV аср ўртаси).

А.Г.Исаченко (1971) эса ўрта асрлар география тарихини бироз бошқачароқ тасаввур қилган ҳолда, учта даврга бўлиб таърифлаган. Булар:

1. Рим империясининг таназзули ва эрта ўрта асрларга ўтиш даври (III – V асрлар).
2. Феодал Европа даври (VI – XI асрлар).
3. Кеч ўрта асрлар даври (XII – XIV асрлар).

Қолаверса, А.Г.Исаченконинг ушбу асарида ҳам юқорида айтилган фикрларга бироз ҳамоҳанг ва хулоса мазмундаги жумлалар учрайди. Масалан, муаллифнинг ўзи белгилаган

биринчи давр (III – V асрлар) ни таърифлаган пайтида “... бу ўтиш даври географик тасаввурларнинг ривожланишига ҳеч қандай янгилик киритмади” - деб ёзганди (1971, 71бет). Бироз кейинроқда (91 бет) эса, у кеч ўрта асрлар (XII – XIV асрлар) даги географик манбаларни таърифлаганида ҳам: “Ҳудудий билимлар доираси анчагина кенгайганлигига қарамай, XIII ва XIV асрлар илмий географик тасаввур бобида кам янгилик берди. Ҳаттоки, тасвирий мамлакатшунослик йўналишида ҳам катта ўсиш бўлганлигининг далилини топиш қийин. Чамаси, бу вақтда “география” атамасининг ўзи ҳам ишлатилмаган” – деб ёзганди.

Хуллас, юқорида келтирилган фикрларга асосланиб ҳамда бу асарларда таърифлаб ўтилган манбаларнинг умумий мазмунига эътибор берган ҳолда, биз Ғарбий Европадаги географиянинг ўрта асрлар тарихини икки кичик даврга бўлиб таърифлаш мумкин деб ҳисобладик. Яъни:

- Ўрта асрларнинг биринчи ярми (VI – XI асрлар) даги географик тасаввурлар.

- Ўрта асрларнинг иккинчи ярми (XII – XV асрлар) даги географиянинг аҳволи.

2.1.1. Ўрта асрларнинг биринчи ярми (VI – XI асрлар) даги географик тасаввурлар

Маълумки, ўрта асрларнинг аввалги юз йилликларида христиан дини ақоиблари ўз динларини дунёвий билимлардан қаттиқ ҳимоя қилишга интиланлар. Бу фанларни эътиқод ва дин ақидалари доирасида чеклашга, муқаддас китобдаги таълимотга зид бўлган ҳар қандай фанни қоралашга ҳаракат қилганлар. Аммо шунга қарамай, Ғарбий Европада кундалик ҳаёт ўз йўриғи билан ривожлана бошлади. Маърифатга, билимга жумладан, дунёвий билимларга бўлган эҳтиёж ҳам сезила бошлаган. Черков ҳам ўз навбатида монастирлар қошида мактаблар оча бошлади. Черков хизматчилари орасидан

ҳам дунёвий билимларга қизиқувчилар пайдо бўла бошлади. Аммо уларнинг соф дунёвий билимларни ривожлантириш имкониятлари чекланган бўлиб, бундай билимларни диний таълимотга, асосан Библияга боғлаган ҳолдагина ўрганишлари мумкин бўлган. Шу йўналишда пайдо бўлган асарлардан бири 12

та китобдан иборат “Христиан топографияси” номли асар эди. VI аср ўрталарида ёзилган ушбу асарнинг муаллифи Косьма Индикопловнинг асли александрияликдир. Исмои ҳам Константин бўлган. Савдогарчилик билан шуғулланган. Шу касби орқали Ўрта денгиз, Қора ва Форс денгизларида сузган. Ҳиндистон, Тапробан оролида, Эфиопияда, Сомали ярим оролида ҳам бўлган. Синай ярим оролида монахликка ўтгач, Косьма Индикоплов исми билан танилган.

Косьманинг “Христиан топографияси” асари қадимги грек табиатшуносларининг умумгеографик тасаввурларини библия билан мослаштиришга асосланганди. У Ернинг шарсимонлиги ғоясига мутлақо қарши бўлган. Шу сабабдан ҳам у Ернинг шакли тўғрисида анчайин ғайри оддий тасаввурда бўлган. Унинг тасаввурида Ер Моисейнинг чодирига ўхшаш бўлиб, океан билан ўралган тўғри тўрт бурчак шаклида бўлган. Шарқда, океан ортида жаннат жойлаштирилган. Машҳур дарёлар Нил, Дажла, Фрот ва Ганг ўша жаннатдан бошланиб, океан остидан оқиб ўтгач, яна ер юзасида пайдо бўлади, деб тушунган. Осмон эса шаффоф чодир Ерни қоплаб тургандек тасвирланган.


“Христиан топографияси” асаридаги бу каби тасаввурларнинг ноилмийлиги яққол сезилиб туришига қарамай, асар ўрта асрларда омма орасида анчайин машҳур бўлган.

Мазмун ва моҳиятига кўра шунга ўхшаш яна бир йирик асарни Севильялик Исидор (тахм. 565-636 йилларда) ёзган эди. Бу шахс ҳақида А.Б.Дитмар келтирган маълумотларга кўра у Карфагенда, зодагон оилада туғилган. Аммо Карфаген византияликлар томонидан босиб олингач, бу оила Испанияга кўчиб ўтган. Тез орада ота – онаси вафот этган Исидор акаси, Севилья епископи Леандр кўлида тарбияланади. Яхши маълумотга эга бўлиб етишади. 600-йил атрофида акаси вафотидан сўнг Исидор Севилья епископи этиб тайинланади. Унинг Севильялик деган лақаби ҳам шундан.

Исидорнинг ижодий фаолиятида черков анъаналаридан кўра табиатшунослик ва тарихга бўлган қизиқиш устун келади. Унинг асарларидан ўрта асрлардаги географик тасаввурларнинг шаклланишига кўпроқ таъсир этгани “Негизлар ёки Этимология” номли 20 та китобдан иборат энциклопедик асар эди. Тахминан 600-йил атрофида латин тилида тайёрланган ушбу асарда

адабиёт, ҳуқуқ, медицина, зоология ва географияга доир маълумотлар жамланган бўлиб, уни ёзишда Исидор антик давр олимларидан Демокрит, Лукреций, Гесиод ва бошқаларнинг асарларидан фойдаланган. Аммо унинг космографик ва географик кўз қарашлари антик даврлар табиатшунослигига эмас, балки замон талабига мос, черковга хуш келадиган Библия таълимотига асосланган эди.

Исидор ҳам Гесиод ва Демокрит каби Ерни ҳар томондан океан билан ўралган ясси диск кўринишида тасаввур қилган. Ясси диск унингча, қуруқликнинг учта катта қисмидан, яъни Осиё, Европа ва Африкадан иборат бўлиб, уларда Библияда айтилгандек, Нух пайғамбар ўғиллари Иафет, Сим ва Хамларнинг авлодлари яшайди деб таърифланган. Исидор “Этимологияси” нинг 13 ва 14 – китоблари географияга бағишланган бўлиб, унда Ернинг доира шаклидаги харитаси (1 - расм) ҳам берилган.



1-расм. Севильялик Исидорнинг ойкумена харитаси

Унда учта қитъа “Т” шаклидаги Ўрта денгиз ҳамда Нил ва Танаис дарёлари билан ажратиб акс эттирилган. Хаританинг юқори қисми, яъни шарқда жаннат жойлаштирилган. Шунингдек, асарда ойкуменанинг тасвирига ҳам катта ўрни берилган. Уларда шарқ томондан Ҳиндистон ва Тапробан оролидан тортиб, Дажла, Фрот, Дунай, Нил дарёлари, тоғликлар, денгиз ва кўллар таърифланган. Табиий географик ҳодисалардан эса океан билан қуруқлик ўртасида намлик алмашилиши, шамоллар, океан сатҳининг ўзгариб туриши каби масалалар билан қизиққан.

Умуман олганда, Исидорнинг мазкур асари ва ундаги дунё харитаси ўрта асрларда яратилган бошқа бир қатор асарларга асосий манба бўлиб хизмат қилган. Ундан кўп фойдаланишган. Жумладан, VII асрда яратилган “Космография” номли муаллифи аниқланмаган асарда ва IX асрда ирландиялик монах Дикуил ёзган “Ерни ўлчаш ҳақида” номли асарда ҳам Севильялик Исидор китобидаги маълумотлар кенг келтирилган.


“Космография” номли асарнинг муаллифи Италиянинг Византияга қарашли қисмининг пойтахти бўлиб турган Равенна шаҳридан бўлганлиги маълум. Аммо унинг исми – шарифи номаълум бўлганлиги сабабли асарини “Равенналик аноним” асари деб тилга оладилар. Ушбу асар тарихи билан шуғулланган О.Р.Бородин шу ҳақда алоҳида мақола ҳам эълон қилганди (1985). Унда айтилишига қараганда, аноним муаллиф ўз асарини ўрта асрлик христиан адибларининг китоблари асосида ёзган. У қадимги грек олимларининг асарларидан, хаттоки Ернинг шарсимонлиги ғоясидан ҳам беҳабар бўлган экан.

Бу асарда муаллиф асосан географик объектларнинг ўрни, номларини бирма – бир таърифлаш билан чекланиб, илмий умумлаштиришлардан холи бўлган.

Юқорида айтиб ўтилган Косьма ва Исидор асарларида бўлгани каби бу асарда ҳам шарқда жаннат жойлашганлиги, машҳур дарёларнинг жаннатдан бошланиши каби Библияга мос келадиган фикрларга урғу берилган.

Юқорида исми тилга олинган Дикуил ҳам IX асрнинг биринчи чорагида ўзининг иккита асари билан танилганди. 814 – 816 йилларда ёзилган биринчи асари астрономияга оид бўлган. Иккинчи асари эса 825 йилда ёзилган “Ерни ўлчаш ҳақида”

номли бўлиб, франклар империяси даврида пайдо бўлган географиядан қўлланма ҳисобланган. А.Б.Дитмарнинг (1989) таърифлашига кўра, бу асар тўққиз китоб (боб) дан иборат бўлиб, биттаси Европанинг, яна биттаси Тиррен денгизини тасвирий баёнига бағишланган. Охирги бобларда ойкуменадаги тоғлар, ороллар ва дарёлар ҳақида сўз юритилган. Севильялик Исидор харитасига ўхшаш хариталар бу даврнинг охирларигача маълум қилиб турилган (2-расм).



2-расм. Севильялик Исидор харитасига ўхшаш XI асрдаги харита

А.Г.Исаченко (1971) бу даврда пайдо бўлган географик асарларнинг энг яхшиларидан бири “Арман географияси” деб ҳисоблаганди. Ушбу асарнинг муаллифи VII асрдаги таниқли математик ва географ олимлардан ҳисобланган Анания Ширакаци эди. Унинг асарида шарқда Хитойдан бошлаб ғарбда Испаниягача бўлган ерлар, Шимолий Африка ва айниқса, Кавказ ўлкаси жумладан, Арманистон батафсил таърифланганди.

2.1.2. Ўрта асрларнинг иккинчи ярми (XII – XV асрлар) даги географиянинг аҳволи

XII асрда Ғарбий Европада феодал иқтисодий ва маданий турғунлик ўрнида аста – секин ўсиш, ривожланиш аломатлари пайдо бўла бошлади. Ҳунармандчилик, деҳқончилик ва улар билан боғлиқ ҳолда савдо – сотиқ ривожлана бошлади. Франция, Испания, Англия каби йирик феодал монархия давлатлари шакллана бошлади. Пул – товар муносабатларининг ривожланиши, айниқса, Ўрта денгиз, Шимолий ва Болтиқ денгизлари яқинидаги шаҳарларнинг тез ўсишига, янги шаҳар маданиятининг шаклланишига туртки бўлди. Фан ва маърифатга ҳам эътибор пайдо бўла бошлади. Бу даврда қатор йирик шаҳарларда (Падуя, Саламанка, Неаполь, Болонье, Париж, Оксфорд, Кембриж, Прага, Краков каби) университетлар ташкил этилди. Черков ва монастирлар қошидаги мактаблардан фарқли равишда янги мактаблар очилди. Уларда айниқса, ҳуқуқ, тиббиёт (медицина) йўналишидаги ҳамда араб тилидан латин тилига таржима қиладиган мутахассислар тайёрлайдиган мактаблар аҳамиятли бўлди. Палермо, Толедо шаҳарларида йирик таржима марказлари ишлай бошлади. Уларда бир қатор моҳир таржимонлар томонидан араб тилида, грек тилида битилган асарлар латин тилига жадал таржималар қилина бошланди.

Таржимонларнинг ўзлари ҳам бу асарларни илмийлигига, улардаги илмий ғояларга катта қизиқиш билан қараб фаол ишладилар, илмий асарлар ҳам яратдилар. Бу борада инглизларнинг Бат шаҳридан бўлган Аделарднинг 1126 йилда Муҳаммад Хоразмийнинг “Зиҳ” номли асарини, грек олими Евклиднинг “Элементлар” асарини латин тилига таржима қилгани, Триволи шаҳридан бўлган Платоннинг 1140 йилда ал – Баттонийнинг “Китоб зиҳ ас – собий” номли асарини, Катания шаҳри архидиакони Генрих Аристипнинг Аристотел “Метеорологика” сининг 4 – китобини ёки Италиянинг Кремона шаҳридан бўлган Герардонинг 1174 йилда Птолемейнинг арабча таржимадаги асари “Ал - Мажистий” ни, Аристотелнинг “Метеорологика” асарининг 1-3 китобларини, “Физика”, “Осмон ҳақида” асарларини, Ибн Синонинг “Тиб қонуни”, аз – Зарқалийнинг “Толедо жадваллари” асарларини латин тилига

таржима қилганликлари яхши маълум. Инглиз таржимони Михаил Скот ҳам 1226 йилда Аристотелнинг Ибн Сино қайта ишлаган “Ҳайвонлар ҳақида” асарининг 19 та китобини ҳамда “Осмон ҳақида” асарини лотин тилига таржима қилгани ҳам маълум.

Бу даврда яна Платон, Сократ, Гелен, Гиппократ каби қадимги грек олимларининг шунингдек, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Маъшар Балхий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби Шарқ олимларининг асарлари ҳам лотинча таржималар орқали европаликларга маълум қилинди. Ушбу даврнинг охирги асрида эса Птолемейнинг “Географиядан қўлланма” номли асари (1410 йилда) ҳамда Страбоннинг “География” си (1469 йилда) биринчи мартаба лотин тилига таржима қилинди. Булардан айниқса, Птолемейнинг “Географиядан қўлланма” си жуда машҳур бўлиб кетди. Бу асар кейинги уч аср мобайнида европалик географлар учун асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, бу даврда Европада христианларнинг “схоластика” деб ном олган фалсафий таълимоти авжида эди. Унинг тарғиботчилари ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, диний дунёқарашни “илмий – назарий” жиҳатдан асослашга ҳаракат қилардилар. Монастирлар қошидаги мактабларда, кейинчалик университетларда ҳам ўқитиладиган асосий фанларни христиан дини ақоидларига боғлаб ўқитишга, дунёвий фанлардан берилиши лозим бўлган билимларни муқаддас китобдаги диний таълимот билан исботлашга, мустаҳкамлашга интилардилар. Платон, Аристотел каби файласуфларнинг асарларини христианлар эътиқоди нуқтаи назаридан шарҳлашга уринардилар.

Ана шундай шароитда, XII аср ўрталарига яқин христиан адиби отенлик Гонорийнинг (ваф. 1159 й.) иккита асари пайдо бўлганди. Улардан бири географияга оид бўлиб, “Де имагине мунди” (“Дунёнинг қиёфаси ҳақида”) деб номланганди. Унда анчагина оммабоп мазмунда ойкуменанинг батафсил тасвири баён қилинган эди. Асарни ёзишда муаллиф Севильялик Исидорнинг “Этимология” си ҳамда Плинийнинг “Табиий тарих” номли асарига асосланганди. Гонорий ҳам Исидор каби дисксимон Ернинг шарқида жаннат жойлашган деб ҳисоблаган.

Осиёда Ҳиндистон, Тапробан ороли, Арабистон ва бошқа ўлкаларнинг тасвирий географияси баён қилинган. Африка билан Европа қуруқликлари Ўрта денгиз билан ажратиб тасвирланган. Ушбу асар Европада XIII аср охирларига қадар географик тавсифларга асос сифатида фойдаланилган.

Гонорийнинг иккинчи асари “Маърифатчи” деб номланиб, савол- жавоб шаклида ёзилган. Ушбу асар XII асрдаги Ғарбий Европа олимларининг космографик тасаввурларини акс эттирган.

Схоласт олимлар орасидан ҳам илғор фикрлилар етишиб чиққан. Улардан бири инглиз файласуфи энциклопедист олим Роберт Гроссетест (1175-1253) эди. Ғарбий Европада XIII аср табиатшунослигига оид билимларнинг ривожланишида унинг хизмати катта бўлган. Оксфорд университетининг аввал магистри, сўнг канцлери бўлиб ишлаган. 1235 йилда эса Линкольн шаҳри епископи ҳам бўлган. У грек, араб ва қадимги яҳудий тилларини яхши билган. Олим биринчилардан бўлиб Аристотелнинг грек тилидаги асарлари нусхаларидан латин тилига таржима қилган. Аристотелнинг “Физика” номли асарига каттагина шарҳ ҳам ёзган. Ўзининг илмий қизиқиши асосан оптика, геометрия ва астрономия соҳаларида бўлган. Унинг шогирди Рожер Бэкон (1214-1292) эса ўз даврнинг энг илғор олимларидан ҳисобланган. У яратган “Катта асар” ўша давр илмий билимларини қамраган ҳақиқий энциклопедик асар бўлган.

Рожер Бэкон Аристотель, катта Плиний, Ибн Синоларнинг моддий дунёнинг доимийлиги, Ернинг шарсимонлиги, иссиқлик минтақалари, Африканинг ғарбий қирғоқлари билан Ҳиндистоннинг шарқий қирғоқлари кўпам узоқ эмаслиги каби ғояларни яхши ўзлаштириб олганди. Шунингдек, Бэкон дунёнинг энг катта қисми Европа деб ва у ер юзасини $5/12$ қисмини эгаллайди деб ҳисоблаган, унингча Ҳиндистон ойкуменанинг $1/3$ қисмига тенг ва шарққа томон узоқ чўзилиб, шарқий қирғоқлари билан Европа ва Африкага яқинлашиб қолади деб тасаввур қилган. Ер шарининг катталиги ҳақида сўз борганда, Бағдод олимларининг 827 йилда аниқлаган меридиан бир градуслик ёйи узунлигидан фойдаланган.

Бэкон асарининг географияга доир қисмида Шимолий қутб билан Жанубий қутбдан бир хил узоқликда (яъни экваторда)

ҳамда қуруқликнинг ғарбий ва шарқий чеккаларидан бир хил узоқликда жойлашган ердаги “Ер куббаси” ва Арин меридиани ҳақидаги тасаввурлари баён қилинган.

“Ер куббаси” ғоясини Шарқ астрономлари асарларини ўрганиб юрган таржимон Аделард аниқлаб, уни тарғиб қилганди. Шунингдек, таржимон Герардо ҳам бу ғояни ўзининг “Планеталар назарияси” номли асарида қувватлаб ўтгани маълум. Шу асар орқали бу ғоя Бэконни ҳам қизиқтириб қолганди. Аммо Бэкон қуруқликнинг ғарбдан шарққача бўлган узунлиги Ер шари айланасининг ярмидан кўпроғини эгаллайди деб ўйлаган ва “Ер куббаси” ойкуменанинг шарқий чеккасидан аниқ 90⁰ берида жойлашган деб ҳисоблаганди.

Шундай қилиб, Рожер Бэкон Ғарбий Европа фанига иккита ғояни киритди. Яъни: 1) Аристотелнинг “Осмон ҳақида” асарида айтилганидек, Осиёнинг шарқий қирғоқлари Европа билан Африканинг ғарбий қирғоқларига нисбатан яқин деган ғоя ва 2) “Ер куббаси” ғояси. Унинг бу ғоялари кейинчалик француз олими Пьер д’Эйининг (1350-1420) (бу шахснинг исми шарифи лотин тилидаги манбаларда Петр Аллиак деб юритилган) 1410 йилда маълум қилган “Имаго мунди” (“Дунё тасвири”) номли асарида ўзлаштирилганди. Ушбу асарни ўқиб юрган Христафор Колумбнинг Португалия қирғоқларидан ғарб томонга сузиб Ҳиндистонга бориш мумкинлигига ишончи янада ортганди.

2.2. Европаликларнинг “саёҳатномалари”

Тарихдан маълумки, Ғарбий Европа феодаллари католик черкови раҳбарлари билан биргаликда “Муқаддас ер” (Фаластин) ни ғайридинлардан озод қилиш баҳонасида 1096-1291 йиллар оралиғида беш маротаба салб юришлари уюштиргандилар. Айрим манбаларда ушбу салб юришлари географиянинг ривожини учун аҳамиятли бўлди деган фикрлар билдирилганди. Аммо бу юришлар уруш ва талашдан бўлак бирорта илмий ёки сиёсий натижа бермади.

Фақат XIII асрда европаликлар амалга оширган бир неча миссионерлик ва элчилик саёҳатлари ва уларни акс эттирувчи “саёҳатнома”лар Осиё қитъасининг ички ва шарқий қисмлари ҳақидаги географик тасаввурларини биров кенгайтирди, холос.

Бундай саёҳатларни ташкил қилишнинг асосий сабабларидан бири бу вақтларда мўғулларнинг истилочилик ҳаракатлари кучайиб кетганлигида эди.

Маълумки, 1242 йилда Чингизхоннинг набираси Ботухон бошчилигидаги мўғул лашкари Хорватия орқали Адриатика денгизи соҳилларигача бориб қолганди. Бу ҳолат Ғарбий Европа давлатларининг бир қатор раҳбарларини ва христиан дини пешволарини катта ташвишга солиб қўйганди. Улар ўз давлатлари чегараларини хавфдан холи қилишни кўзлаб мўғул хони билан алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилабошлагандилар. Шу тариқа Рим папаси Иннокентий IV мўғуллар юртида христиан динини ташвиқ ва тарғиб қилиш имкониятларини ўрганиш мақсадида францискан монахи Жованни дель Плано Карпинини миссионер сифатида мўғуллар юртига жўнатади. Шундай қилиб Карпини икки ҳамсафари – вроцлавлик Бенедикт Полек ва богемиялик Стефан билан 1245 йилнинг апрель ойида Франциянинг Лион шаҳридан йўлга чиқади. Улар Чехия орқали Киевга келгач, Стефан ортга қайтиб кетади. Карпини билан Полек эса Переяславлга ва у ердан Дон дарёси этаклари билан ҳозирги Астрахан шаҳри яқинида бўлган Ботухон қароргоҳига келади. Аммо Рим папаси мўғулларнинг буюк хонига йўллаган хатини Ботухон қабул қилмай, элчиларни шарққа жўнатади. Шундан сўнг элчилар Каспий бўйи паст текислиги билан юриб Хоразмнинг Урганч шаҳрига келади. Бу ердан шарққа юриб Сирдарё, Талас, Или дарёларидан кечиб, бир қатор довонлардан ошиб, 1246 йилнинг июль ойида Байкал кўли ҳавзасидаги Селенга дарёсининг ирмоғи Орхон сувининг юқори оқимида жойлашган Ўктой қоон қароргоҳига етиб келади. Аммо илгарироқ Ўктой қоон вафот этган бўлиб, унинг ўғли Гуюк ҳали расман буюк хон маснадига кўтарилмаган эди. Шу сабабли элчилар бу ерда хон қабулини кутиб тўрт ойга яқин яшаб қолади. Шу орада улар мўғул қурултойининг Гуюкни хон маснадига кўтариш маросимида ҳам иштирок этади.

Ва ниҳоят, 1246 йилнинг ноябрь ойида Гуюкхоннинг уч (мўғул, форс ва араб) тилда битилган хатини олгач, ортга қайтишга ижозат бўлади. Карпини билан унинг йўлдоши Полек келган йўллари йўналишида юриб, 1247 йилнинг кузида Рим папаси хузурига етиб келади ва жавоб хатини топширади.

Гуюкхоннинг Рим папаси Иннокентий VI га ёзган жавоб хатида: “Худонинг қудрати билан кун чиқар жойдан кун ботар жойларгача бўлган ерлар бизларга аталган. Энди сизлар юракдан чиқариб, “Биз сизларга итоат этамиз” дейишларинг керак. “Бизнинг буйруқларимизга итоат этмасангиз кейин нималар бўлишини фақат худонинг ўзи билади” – деган мазмундаги сўзлар ёзилганди.

Кейинчалик, Плано Карпини ўзининг сафар хотираларини “Татарлар (ўша пайтларда европаликлар мўғулларни шундай атаганлар) тарихи” номли китоб ҳолига келтирганди. Унда мўғулларнинг давлат тузуми, ҳарбий хусусиятлари, халқининг ҳаёт тарзи, урф – одатлари, диний эътиқодлари ҳақида кўп қизиқарли маълумотлар келтирган. Шунингдек, китобда сайёҳнинг юрган йўлидаги табиий шароит, чўллар, дарёлар, тоғлар, ўрмонлар ҳақида ҳам таърифлар баён қилинган.

Плано Карпинининг бу китоби ўша вақтлардаги Европада мўғуллар тарихига оид маълумотлар мавжуд бўлган асосий манба ҳисобланган. Китобдаги Осиёнинг ички қисмлари тўғрисидаги маълумотлардан XIII асрнинг ўзидаёқ бир қатор асарларда фойдаланганлар. Кейинчалик бу асар Европанинг кўп тилларига таржима қилинган. “Шарқ мамлакатларига саёҳат” номли китобда русча таржимаси ҳам (1957) мавжуд.

1249 йилда қирол Людовик IX мўғуллар пойтахти Қорақурумга яна бир миссионер – элчини француз монахи Андрэ Лонжюмони юборган. Аммо унинг ҳисоботи сақланмаган. Юқорида тилга олинган иккала элчилик ҳам кўзланган натижани бермаганлиги сабабли 1252 йилда қирол Людовик IX мўғулларнинг буюк хони қароргоҳига яна бир миссия юборади. Бу миссияга ҳам асосий вазифа қилиб христианликни тарғиб ва ташвиқ қилиш, энг асосийси мўғуллар билан ислом динига қарши ҳарбий иттифоқ тузишга мўғуллар хонининг фикрини билиш эди.

Бу гал элчилар таркибига қирол саройига ўзини яқин тутиб юрган фламандриялик Велем Рейсбрук ҳам киритилган эди. География тарихига оид адабиётда французча Гильом Рубрук исми билан танилган бу шахс кенг маълумотли, уddaбурон ва чаққонгина бўлган. У ўз саёҳатидан олдин бир неча йил Яқин Шарқда, Акра шаҳрида Франция элчиси сифатида яшаган. Мўғулистонга саёҳатини ҳам шу ердан бошлаган. Элчиликка у

билан яна уч киши – кремоналик Бартоломео, таржимон ҳамда Гильом Госсел деган киши биргаликда жўнаганлар.

Улар дастлаб Константинополга келганлар ва у ердан кемага ўтириб Крим томон сузганлар ва Сапдайя (ҳозирги Судак) портига етиб келганлар. Бу ердан шимол томон ҳаракатланиб, Перекоп орқали ва жанубий Рус даштлари билан юриб, ҳозирги Саратов яқинида Ботухоннинг ўғли Сартак билан учрашиб қолганлар. Сўнг улар биргаликда Волга этаклари томон юриб Сарой шахрига, яъни Ботухон ўрдасига келганлар. Ботухон эса элчиларни, уларга йўлбошловчи қўшиб, Мўғулистон пойтахти Қорақурумга жўнатган.

Рубрук ва унинг йўлдошлари Каспий бўйи пастекислиги билан узоқ юргач, Орол денгизини шимол томондан, Балхаш билан Олакўлни эса жануб томонларидан ўтиб шарқий йўналишни давом эттирганлар. Уларнинг кейинги йўллари Жунғор Олатови билан Тарбағатой тизмалари орасида жойлашган Жунғор дарвозаси орқали, Қора Иртиш водийси бўйлаб ва Мўғул Олтойи этаклари билан юриб Марказий Осиёга келганлар. Бу вақтларда мўғул салтанати тахтида Есу Мунко ўтирарди. Аммо элчиларнинг Қорақурумга боришларидан олдин, яъни 1253 йил охирларидан 1254 йил июнь ойигача хон қароргоҳи билан кўчиб юришларига тўғри келган. Фақат 1254 йилнинг июнь ойида Қорақурумга келиб, бу ерда яна икки ойга яқин яшаганларидан сўнггина Есу Мунко хоннинг жавоб хатини олишга ва ортга қайтишга имкон бўлган.

Шу орада Рубрукнинг ҳамсафари Бартоломео ўзининг қуввати камлиги ва йўлдаги чўлларни кесиб ўтишга мажоли етмаслигини айтиб, Қорақурумдаги христианлар черковида қолишини билдиради. Рубрук эса келган йўли билан ортга қайтган. Бу гал у Балхаш кўлини шимол томонидан жадал юриб Сарой шахрига етиб келган. Унинг кейинги йўналиши Волга дарёсининг қуйи оқимидан ўтгач, Каспий денгизининг ғарбий соҳиллари билан Дербент орқали ва Аракс водийси билан Арман тоғликларига ва у ердан Кичик Осиё орқали Ўрта денгиз соҳилларига чиққан. У ўз саёҳатини 1256 йилда Акра шахрида тўхтатган. Бу ерда у ўз саёҳатида олган таассуротлари асосида “саёҳатнома” – ҳисобот ёзиб, Франция қиролига етказиш учун ҳамсафари Госселга топширган. Ушбу “саёҳатнома” асар ҳам рус

тилига таржима қилиниб, “Путешествие в Восточные страны Плано Карпини и Рубрука” (1957) номли китобга киритилган.

Гильом Рубрукнинг Қорақурумга қилган саёҳати таассуротлари унинг замондошларида ҳам, кейинчалик ҳам катта қизиқиш уйғотганди. Чунончи, география тарихи билан шуғулланган таниқли немис географи Оскар Пешель XIX аср охирларида Рубрукнинг “саёҳатнома” сени ўрта асрларнинг энг буюк ва ноёб асари деб юқори баҳолаганди. Сайёҳнинг ушбу асарида ўзи юриб, бориб кўрган ўлкаларга тааллуқли кўп географик маълумотлар келтирилган бўлиб, улар европаликлар учун янгилик эди. Жумладан, Дон ва Волга дарёлари ҳақида, улар оралиғидаги даштнинг кенглиги 10 кунлик йўлга тенглиги ва бу дарёларнинг қайси денгизга қуйилиши ҳақида ёзар экан, Волга дарёсини кўпчилик ўйлаганидек Шимолий океан қўлтиғига эмас, балки Сиркан (Каспийни шундай номлаган) номли катта берк қўлга қуйилишини ва бу қўлнинг айланаси тўрт ойлик йўлга тенг эканлигини маълум қилган.

Рубрук европаликлардан биринчи бўлиб Марказий Осиё рельефининг тавсифли хусусияти унинг баланд кўтарилган ўлка эканлигини айтган. У Чу, Или, Иртиш дарёларининг оқим йўналишларини кузатиш натижасида шундай хулосага келганди. Асарда келтирилган айрим маълумотлар одамлардан сўраб – суриштириб олинганди. Масалан, Марказий ва Шарқий Осиёдаги айрим давлатлар ва халқларга оид маълумотлар шулар жумласидандир. У европаликлардан биринчи бўлиб Хитойнинг чегаралари океан қирғоқларидан ўтиши ҳақида хабар берганди.

Европаликларнинг Шарқ мамлакатларига уюштирган саёҳатларидан ўзининг муддати ва масофаси бўйича венециялик Марко Полонинг (1254 – 1324) Хитойга бориши ва у ердан денгиз йўли билан қайтиб келиши катта воқеа бўлганди. Бу саёҳат европаликларнинг ҳудудий билим доирасини анча кенгайтирганди.

Марко Полонинг саёҳати элчилик вазифалари билан боғлиқ бўлган бўлсада, кўпроқ савдо масалаларини ўйлаб уюштирилган эди.

Бунинг сабаби Марконинг отаси Никкола ва амакиси Матео савдогарлик билан шуғуллаганлар. Уларнинг оилалари 1250 йилдан 1256 йилгача Константинопол шаҳрида яшаган ва савдо

билан банд бўлган. 1256 йилда ака – ука Никколо ва Матео ўзга юртларда савдо қилишни мўлжаллаб мол билан Қора денгиз орқали Қримга – Судак портига келганлар ва у ердан Дашти Қипчоқдаги Сарой шаҳрига келганлар. Бу ерда уларни эндигина хонлик тахтига ўтирган Барака ибн Жўжи яхши қабул қилган. Улар бу ерда ва Волга бўйи Булғорида бир йил савдо билан шуғулланганлар. Шу орада Баракахон билан Эронда ҳукмронлик қилаётган Ҳалокухон ибн Тулихон ораларида низо чиқиб, уруш бошланган ва ака – ука Пололарнинг Константинопол орқали ортга қайтишлари хавфли бўлиб қолганди. Шу сабабли улар Мовароуннаҳрга йўл оладилар ва Хоразм, Бухоро ва Самарқандда бўладилар. Бу ерда улар Хонбалиққа буюк хон Ҳубилой ҳузурига кетаётган Ҳулогухон элчисини учратиб қоладилар ва у билан 1252 йилда Хонбалиққа бориб қоладилар. Улуғ хон Ҳубилой ака – ука савдогарларни яхши қабул қилади ва улардан Европа давлатлари ва уларнинг ҳукмдорлари тўғрисида, уларнинг давлатни бошқариши ҳақида катта қизиқиш билан сўраб кўп саволлар беради. Бундан ташқари Ҳубилой хон Рим папаси Клемент IV номига хат ёзиб, ака – ука Пололарга беради ва Рим папасига етказишларини сўрайди. Хатда ўша пайтларда Европада маълум фанларнинг барчасидан билимли, илмли бўлган христианлардан юз нафарини юбориш сўралган эди.

Ака – ука Пололар 1269 йилда Римга келганларида Клемент IV вафот этган бўлиб, янги папа Григорий IX уларни 1271 йилда яна бир бор Хитойга бориб келиш учун жўнатади. Бу гал Никколо Поло ўзининг 17 яшар ўғли Маркони ҳам ўзлари билан бирга олиб кетади. Шундай қилиб Марко Полонинг Хитойга саёҳати 1271 йилда бошланган эди.

Пололарнинг ушбу саёҳатлари Ўрта денгиз бўйидан (Акра шаҳридан) бошланиб Кичик Осиё, Месопотамия, Эрон тоғликлари ва Помир орқали Қашқарга, ундан сўнг Кунлун тизмаси этаклари ва Тарим чўли билан давом этиб, 1275 йилда Хонбалиққа етиб келганлар.

Саёҳатчиларни Ҳубилойхон катта мамнуният билан қарши олган. Ҳатто уларни хон саройида яшашларига имкон яратган. Улар Ҳубилойхон ҳузурида бошқа ўзга юртлиларга қараганда ортиқроқ эътиборда бўлганлар. Ёш Марко Поло ҳам чаққон ва зукко бўлиб, тез орада тўртта тилни ўрганиб олган ва хон

саройида хизмат қилишни бошлаган. Салтанатнинг турли вилоятларига элчилар билан бориб келиб юрган. Ҳубилойхон уни ҳатто бир вилоятга ҳоким этиб тайинлаганди ҳам. Хон хизматида юрган кезлари элчилар билан Шарқий Тибетда, Шимолий Мўғулистонда, Хитойнинг жанубий ҳудудларида бўлган. Шу тариқа Пололар оиласи Хитойда 15 йилдан ортиқроқ яшаб, сўнг океан йўли билан, яъни Осиёнинг шарқий қирғоқларига яқин сузиб, Малай архипелаги орқали Ҳиндихитой ва Ҳиндистоннинг жанубидан айланиб ўтиб, 1294 йилда Басра портига ва у ердан ўз ватанлари Венецияга 1295 йилда қайтиб келганлар. Шундай қилиб бу саёҳат 1271 йилдан 1295 йилгача, яъни 24 йил давом этган.

Марко Поло ўз саёҳати даврида кўрган – кечирганларини ёзиб “Дунёнинг турли – туманлиги ҳақида” номи билан китоб ҳолига келтирган. Унинг бу асари халқ орасида “Марко Поло китоби” номи билан машҳур бўлиб, XIV – XV асрларда саёҳатчиларнинг асосий китоби бўлиб қолганди. Ҳатто Буюк географик кашфиётлар даврида ҳам бу китоб кўпчилик томонидан катта қизиқиш билан мутоала қилинган.

Марко Полонинг “саёҳатнома” сида Помир ва Тибет тоғли ўлкалари, Ҳиндихитой ярим ороли, Япон ва Индонезия ороллари, Андаман оролларида оид қизиқарли маълумотлар жонли баён қилинган. Шунингдек, Сокотра, Занжибар ва Мадагаскар ороллари, Русия ҳақида ҳам европаликлар учун қизиқарли маълумотлар келтирилган. Масалан, Шарқий Помир ҳақида ёзганда, у ерни баланд текислик эканлиги, Пололар бу ўлкада 12 кун юришганини, бу ерлар баланд ва совуқ бўлганлиги учун бирорта уй ҳам, қушлар ҳам учрамаганлигини, овқат пиширганларида олов ҳам бошқа жойлардаги каби яхши ёнмаганлигини, гўшт ҳам яхши пишмаслигини маълум қилган. Русия ҳақида эса унинг совуқ ўлка эканлиги, катталиги, яъни Шарқий океан қирғоқларигача чўзилганлиги, қазилма бойликлари ҳақида, одамларининг кўриниши, тили ҳақида, ўрмонларида мўйнали ҳайвонларнинг кўплиги, дунёдаги энг яхши мўйналар шу ерларда тайёрланишини ёзган. Марконинг айниқса, Хитой ҳақида ёзганлари, у ернинг шаҳарлари ва халқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида келтирган маълумотлари европаликлар учун мутлақо янгилик эди.

Марко Поло ўз китобида улар сузган кеманинг денгизчилари хитойликлар бўлганлигини, улар Суматра ороли соҳилида беш ой туриб қолганликларини ва бу оролда қутб юлдузи кўринмаслигини, кейинроқ Ҳиндистон ярим оролининг энг жанубий чеккаси Комори бурнида, яъни 8⁰ шимолий кенгликда ҳам бу юлдуз кўринмаслигини ва шимол томонга 30 милга яқин сузилган пайтда қутб юлдузи океан сатҳидан бир тирсак баландда кўринганлигини ёзган.

Умуман олганда “Марко Поло китоби” географияга оид маълумотларга бойлиги билан ўрта асрлар Ғарбий Европадаги география тарихини ўрганишда аҳамиятли манба деб топилган. Унда мавжуд бўлган маълумотлардан, хусусан жой номларидан XIV – XV асрлардаги географияга тааллуқли асарларда ва хариталарда кенг фойдаланилган.

Европа католик черкови раҳбарлари Марко Полонинг саёҳатидан сўнг ҳам XIII асрнинг ярмида Марказий, Шарқий ва Жанубий Осиёга бир неча бор миссионер элчилар юборганлиги маълум. Ана шундай миссионерлардан дастлабкиси католик черкови арбоби Жованни Монтекорвино бўлганди. У 1290 йилда Рим папаси Николай IV кўрсатмаси билан Ҳиндистонга бориб, унинг шарқий қирғоқларига яқин қисмида 13 ойга яқин яшаганди. У ердан Рим папаси номига йўллаган хатида кўп географик маълумотлар ҳам бўлган. Жумладан, Ҳиндистоннинг географик ўрни ҳақида, тенг кунлик вақтида Қуёшнинг уфқдан баландлигини ҳамда кун ва туннинг узунлигини кузатиш натижасида аниқлаганларини ёзиб юборган. Шунингдек, бу ерда Қутб юлдузи уфқда билинар – билинмас кўринганлигини ва осмоннинг жанубий қисмида бошқа “қутб юлдузи” пайдо бўлганлигини, Ҳинд океанидан жанубда ҳеч қандай катта қуруқлик йўқлиги, аммо ороллар кўплиги ҳақида ҳам маълумотлар юборган. Сайёҳ миссионер Жованнининг хатида Ҳимолай тоғларидан жанубда жойлашган Ҳиндистон ва Ҳиндихитой ярим ороллариининг ер юзаси тузилиши, иқлими, жумладан муссон шамоллари, ўсимликлари, хушбўй зираворлари, ҳайвоноти, халқлари ва уларнинг урф – одатлари ҳақида кўп маълумотлар баён қилинганди.

Орадан биров вақт ўтгач 1293 йил январда Жованни Монтекорвино денгиз орқали Хитойга бориб у ерда 25 йилга яқин яшаган ва миссионерлик фаолиятини давом эттирган.

Яна бир миссионер сайёҳ Журден де Северак 1318 йилда Франциянинг жанубидаги Авиньон шаҳрида ўзининг Ҳиндистонга саёҳатини бошлаган. У Кичик Осиёнинг ички ҳудудлари билан юриб, Арман тоғликларидан ўтиб, Эроннинг Табриз шаҳри орқали 1320 йилда Форс қўлтиғининг шарқида жойлашган Ҳўрмуз портига етиб келади. Журден бу ердан кемада Ҳиндистонга ўтади ва у ерда саккиз йилга яқин яшайди. У Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий ва шарқий чеккаларининг кўп жойларида бўлади. У Европага қайтиб келгач папа Иоан XXII нинг топшириғига биноан 1330 йилда “Ажойиботлар таърифи” сарлавҳаси билан ҳисобот ёзиб беради. Унда Ҳиндистон табиаи, халқи ва уларнинг хусусиятларидан ташқари европаликлар учун ажойиб ҳисобланган бананзорлар, кокос пальмаси, ўргатилган филлар, тимсоҳлар, маймунлар, Ҳиндистон шери, леопард, каркидон кабилар таърифлаб берилган.

Журден Ҳиндистоннинг жанубида кун билан туннинг тенглиги, нарсаларнинг сояси йилнинг бир ярмида шимол томонга, бошқа ярмида эса жануб томонга тушишини, Қутб юлдузини у кузатган маҳалда уфқдан фақат икки бармоқ юқорида кўринганлигини Ҳиндистоннинг ажойиботларидан ҳисоблаган.

Журден ҳам Марко Поло каби Ҳиндистонни уч қисмга бўлиб, яъни Буюк Ҳиндистон (асосан Ҳиндистон ярим ороли) Кичик Ҳиндистон (Ҳиндихитой ярим ороли) ва Ўрта Ҳиндистон (асосан Арабистон ва Эфиопия) ларга бўлиб таърифлаганди.

1318 йилда Одорико Порденоне исмли яна бир францискан монахи Шарқ мамлакатлари томон миссионерлик вазифаси билан саёҳатга чиққанди. У дастлаб Яқин Шарқ мамлакатларида, Ҳиндистон ва Малай архипелаги оролларида бир неча йил бўлгач, денгиз йўли билан Хитойга борган. У ерда маълум муддат яшагач, Тибетга ўтади. Лхаса шаҳрида бир неча йил яшагандан сўнг 1330 йилда Европага қайтиб келади. Папанинг кўрсатмаси билан Одорико ўз саёҳатида кўрган – кечирганларини ёзиб олиш учун бошқа бир монахга ҳикоя қилиб беради. Аммо у ўз ҳикоясини якунлашга улгурмай, 1331 йил 14 январда вафот этади. Унинг “саёҳатнома” ҳикоясини замондошлари “Шарқ

ерларининг таърифи” номи билан китоб ҳолига келтирганлар. Ушбу асарни ўрганган фан тарихчилари ундаги маълумотлар Марко Поло, Монтекорвино ва Журден де Северак асарларидаги Шарқ мамлакатларига оид маълумотларни анчайин тўлдирилганлигини ҳамда ўрта асрлар Ғарбий Европа географик адабиётига ижобий таъсир этганлигини таъкидлаганлар.

Ғарбий Европада христиан дини арбобларининг XIII – XIV асрларда Шарқ мамлакатларига уюштирган миссионерлик саёҳатларининг сўнггиси 1338 – 1353 йилларда амалга оширилганди. Чунончи, 1338 йилда католик черкови раҳбари папа Бенедикт XII италиялик Жованни Мариньолли бошчилигидаги 50 кишидан иборат миссионерлар гуруҳини Хитойга сафарга йўлланганди. Ушбу гуруҳ Авиньон шаҳридан чиқиб Константинополь орқали кемада ҳозирги Феодосияга келадилар. Бу ердан Азов денгизи ва Астрахан шаҳарлари орқали Қозоғистон даштларининг жануби билан юриб Жунғория йўли билан Хитойга етиб борган. Мариньоллининг Хитойдан ортга қайтиши эса Жанубий Хитой денгизи, Ҳинд океани сув йўли билан Ҳўрмуз портигача ва у ердан Бағдод – Мосул – Дамашқ – Қуддус йўналиши билан Авиньонгача давом этган. Жованни Мариньоллининг сафар хотиралари унинг “Богемия тарихи” номли китобига киритилган. Унда тропик ўлкаларнинг иқлими, ўсимликлари, ҳайвоноти ҳамда шаҳарлари, халқларига оид географик маълумотлар қаторида турли ғаройиботлар ҳақидиги уйдирмалар ҳам қўшиб юборилган. Масалан, Мариньолли ҳам айрим ўрта аср географлари каби Библияда айтилган жаннатни Цейлон оролида деб, Нил, Ганг, Дажла ва Фрот дарёларини ўша ердан бошланади деб ҳисоблаган.

XIV асрнинг иккинчи ярмида европаликларнинг Шарқ мамлакатларига уюштирилаётган саёҳатларининг тавсифи кескин ўзгарди. Энди улар Хитой ва Ҳиндистонга ўз динларини ташвиқ ва тарғиб қилиш мақсадида миссионерлар юбориш эмас, балки Ўрта Осиёга элчилар юбориб яқин алоқа ўрнатишга интила бошладилар. Бунинг асосий сабаблари бир қатор сиёсий воқеалар билан боғлиқ бўлганди. Шундай воқеалардан бири, Хитойда 1368 йилда мўғул ҳукмдорлиги тугаб Мин империяси ташкил топганди. Бу янги марказлашган давлатнинг императори дастлабки йилларда ўз салтанатининг шимолий ва шимоли –

ғарбий чегараларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар билан банд бўлганди. Чунки мўғулларнинг қайта тажовуз қилиш эҳтимоли йўқ эмасди. Оқибатда чет мамлакатлар билан элчилик ва савдо алоқалари узилиб қолганди.

Иккинчи сабаби европаликларнинг Ҳиндистон ва Хитойга Кичик Осиё ва Форс кўрфази орқали ўтиш йўллари ҳам тўсилиб қолганди. Маълумки, Усмонли турк империяси Мурод I ҳукмронлиги даврида Кичик Осиёдаги Византияга қарашли ерлар ҳисобига ўз ҳудудини жадал кенгайтириб олганди. Бундан ташқари Болқон ярим оролидаги давлатларга ҳам ҳужумлар уюштириб Болгария ҳамда Сербиянинг бир қатор шаҳарларини ҳам забт этгандилар. 1389 йилнинг ёзида Сербия билан Босниянинг қўшма лашкари билан бўлган жангда Мурод I ўлдирилади. Аммо унинг ўғли Боязид тезда “лашкар тизгинини” қўлга олиб, жангда енгиб чиқади. Кейинчалик Усмонли турклар Йилдирим Боязид бошчилигида Болгарияни босиб олдилар. Сербия, Македония, Фессалия давлатларини забт этиб, Венгриягача кириб бордилар.

Борган сари кучайиб бораётган Боязиднинг истилочилик юришларини тўхтатиш мақсадида Англия, Германия, Франция, Испания, Италия, Чехия каби бир қатор давлатларнинг энг сара рицарларидан тузилган қўшма лашкари венгер қироли Сигзмунд бошчилигида Боязид лашкари билан жангга киришади. Бу жанг 1396 йил 15 сентябрда Болгариянинг Никополь шаҳри яқинида рўй бериб, Боязиднинг тўла ғалабаси билан тугайди. Ушбу воқеадан сўнг Европа давлатларининг қироллари ваҳимага тушиб, четдан нажот излай бошлагандилар. Бу нажот кейинги, учинчи воқеа натижаларига боғлиқ эди.

Учинчи воқеа 1370 йилда Мовароуннахда рўй берганди. Бу ерда Амир Темур мўғул хонлигини тугатиб, янги мустақил давлат тузганди ва кейинги 15-20 йил ичида аввалги Чиғатой улуси доирасидаги ерларни ўз тасарруфига киритиб, Ўрта Осиёда йирик марказлашган давлат барпо этганди. Қолаверса Соҳибқироннинг ўзи ҳам чет мамлакатлар билан элчилик ва савдо алоқаларининг салтанат ривожига аҳамиятини ижобий билиб, бу масалага алоҳида эътибор билан қараётганди. Шу муносабат билан Европа давлатлари қироллари Боязид таҳликасидан кутилишнинг ягона чораси Амир Темур билан иттифоқ тузишда деб ҳисоблаб, бирин

– кетин элчилар юбора бошлагандилар. Жумладан, Кастилия қироли Генрих III 1402 йилда Сотомайор Пелайо билан Фернандо Паласуэлосни пойтахт Самарқандга элчи қилиб жўнатганди. Улар Ўрта Осиёга келиб улгурмай, йўлдаёқ, Кичик Осиёда Амир Темур қароргоҳига дуч келиб қолгандилар. Бу ерда улар элчилик қоидаларининг барчасига амал қилинган ҳолда кутиб олинганлар. Шу орада, яъни 1402 йилнинг 20 июль куни улар Анқара ёнидаги жангда Амир Темурнинг Боязид лашкарини тор – мор этганини гувоҳи бўлганлар.

Элчиларнинг ўз ватанлари Испанияга қайтиш пайтида Амир Темур ҳам Муҳаммад Қозини Генрих III номига ёзилган хат ва совғалар билан элчи сифатида жўнатган. Орадан чамаси бир йилча вақт ўтгач Муҳаммад Қозининг Самарқандга қайтиш чоғида қирол Генрих III иккинчи маротоба ўз элчисини юборади. Бу галги элчининг исми – шарифи Рюи Гонзалес Клавихо эди. У 1403 йилда Севилья шаҳридан йўлга чиқиб, Сицилия ва Родос ороллари орқали Константинополга, сўнг Трабзунга ўтган. 1404 йилнинг апрель ойида у сафарини Арманистон ва Эрон орқали давом эттириб, сентябрь ойининг бошларида Самарқандга етиб келган. Элчилик вазифаларини бажариб бўлгач, Клавихо 1404 йилнинг ноябрь ойида Севилья томон йўлга чиқади ва у ерга 1406 йил март ойининг охирларида етиб боради.

Клавихонинг юрган йўлида ва Самарқандда кўрган – кечирганлари китоб қилиниб, Европанинг кўп тилларига таржима қилинган. Рус тилига таржимаси эса 1881 йилда И.Срезневский томонидан амалга оширилиб “Дневник путешествий ко двору Темура в Самарканд” номи билан нашр этирилган. Бу китобнинг Ўрта Осиё географияси ва халқлари маданияти тарихини ўрганишда аҳамияти бор деб топилган. Унинг саҳифаларида ўша вақтлардаги Самарқанд шаҳри ва атрофидаги боғу – роғлари, экин майдонлари, бинолари таърифлаб ўтилган. Табриз билан Самарқанд оралиғидаги йўл бўйлаб қурилган ёмлар, яъни элчилар қўниб ўтадиган манзиллар тафсилотлари билан баён этилган. Шунингдек, китобда муаллифнинг ўз ватанига қайтиш пайтида, йўлда Амир Темур ҳузурига кетаётган мисрлик элчиларни учратиб қолгани ва уларнинг совға тариқасида олиб кетаётган Африка ҳайвони – жирафани кўриб ниҳоятда ҳайрон бўлгани ҳам қайд этилган.

Европаликларнинг яна бир саёхатнома асари XV асрнинг биринчи ярмида Германияда яратилган бўлиб, муаллифи ҳаётлик пайтларидаёқ анча оммалашиб қолганди. Ушбу асарнинг муаллифи бавариялик рицар Иоганн Шильтбергер эди. Унинг Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Мовароуннаҳр ва Дашти қипчоқ ўлкаларида бўлганлигини саёхат эмас, балки саргардонлик деса бўлади. Гап шундаки, венгер қироли Сигзмунд Йилдирим Боязид билан жанг қилиш учун европалик сара жангчиларни тўплаётган маҳалларда Иоганн Шильтбергер ҳам 1394 йилда Мюнхен шаҳридан бориб уларга қўшилган эди.

1396 йилнинг 15 сентябрида Никополь шаҳри яқинида Боязид қўшини билан бўлган жангда, юқорида айтиб ўтилганидек, Сегизмунд армияси тор – мор этилгач, унинг кўп аскарлари жумладан, ярадор Шильтбергер ҳам асир тушиб қоладилар. Жангнинг эртаси куни Боязид асирларнинг кўпини қатл эттиради. Муаллифларнинг ёзиши бўйича шу куни 10 мингга яқин асир ўлдирилган.

Шильтбергерни эса яна 60 нафар асирлар билан бирга Боязид ўз давлатининг пойтахти Бурса шаҳрига жўнатган. Бу ерда у Боязид саройида 6 йилга яқин хизмат қилган.

1402 йилнинг 20 июлида Анқара ёнида Амир Темур лашкари билан бўлиб ўтган беаёв жангда турклар енгилиб, Йилдирим Боязиднинг ўзи ҳам, унинг хизматида юрган Шильтбергер ҳам асир олинадилар. “Сайёх” нинг кейинги ҳаёти аввал Самарқандда Амир Темур хизматида, унинг вафоти (1405 йилда 18 февраль) дан сўнг эса Хуросонда Мирзо Шохрухнинг хизматларини ўташ билан боғлиқ бўлди. Маълум муддатдан сўнг уни Табризда ҳукмрон бўлиб турган Мироншоҳ ҳузурига жўнатганлар. 1408 йилда Мироншоҳ Қора Юсуф Туркман билан бўлган жангда ҳалок бўлгач, Шильтбергер амирзода Абобакр қўлига ўтган ва тўрт йил унинг хизматини қилган. Унинг кейинги асирлик ҳаёти Дашти Қипчоқда давом этган. Бу ерда у Олтин Ўрда хонларининг хизматларини ўтаб юриб, 1427 йилда қочишга ва ўз ватанига қайтишга муваффақ бўлади.

Иоганн Шильтбергернинг Баварияга қайтиш йўналиши Каффу – Батум – Амастрис – Синоп – Константинополь – Кумич

қалъаси (Дунай дарёси этагида) – Валахия – Краков – Эгер – Регенсбург – Лансгтут – Фрейзинген шаҳарлари орқали ўтганди.

Айтиш лозимки, Иоганн Шильтбергер узоқ вақт (32 йил) “саёҳатда” ва кўп ўлкаларда бўлишига қарамай, ўз китобида табиий географик шароит ҳақида ниҳоятда кам маълумот келтиради. Унинг асарида асосан XIV аср охирлари ва XV асрнинг биринчи чорагида Болқон ярим ороли ва Кичик Осиёдан Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоққача бўлган ҳудудлардаги ҳарбий – сиёсий аҳволга оид маълумотлар кенг ўрин олган. Шу даврлар тарихини ўрганувчилар учун қизиқарли ва муҳим маълумотлар келтирилган. Ўзи бориб кўрган ва маълум муддат яшаган ўлкалардаги сиёсий – ижтимоий аҳволни таърифлашга ҳаракат қилган. Шу ўлкаларнинг йирик шаҳарлари, халқлари ва уларнинг туриш – турмуши, ўзига хос хусусиятлари жонли таърифлаб берилган. Турли халқларнинг дини ва унга риоя этишлари ҳаққоний тасвирлаб берилган. Ушбу таъриф ва тавсифлардан Шильтбергерни анчагина қизиқувчан ва кузатувчан киши бўлганлигини сезиш мумкин. Шунингдек, уни ўз замонасидаги айрим географик тасаввурлардан хабардор эканлигини ҳам пайқаш қийин эмас. Масалан, китобининг 41 – бобида ўтмишдан ривоят бўлиб келаётган тўрт машҳур дарё ҳақида “Жаннатнинг ўртасида мамлакатларни суғорадиган тўртта дарёнинг манбаи бор. Бу дарёлардан бири Фисон деб аталади, Ҳиндистон бўйлаб оқади. Иккинчиси – Нил, маврларнинг ерлари ва Мисрдан оқиб ўтади. Учинчиси – Дажла аталиб, Осиё ва Буюк Арманияни суғоради. Тўртинчиси – Фрот, Эрон ва Кичик Арманиядан оқиб ўтади. Шу тўрт дарёдан учтасини: Нил, Дажла ва Фротни кўрдим ва улар суғорадиган ўлкаларда кўп йил бўлдим. Мен бу мамлакатларда нималар кўрганим ва нималарни бошдан кечирганларим ҳақида кўп нарса айтишим мумкин эди” – деб ёзганди (1997, 72 бет).

Бундан олдинги - 40 бобда эса христианлар учун ҳам, мусулмонлар учун ҳам муқаддас ҳисобланган Қуддус шаҳрини таърифлар экан, Иордан дарёси ва водийси ҳақида шундай маълумотларни келтиради: “Уруш вақтида, қачонки бизнинг 30 минг кишилиқ лашкаримиз Иордан яқинидаги гўзал водийда чодирларда турганида мен Қуддусда бўлганман ... Қуддус иккита тепалик орасида жойлашган ва сув етишмаслигига чидайди.

Мусулмонлар уни Қуддус деб атайдилар... Қуддусдан Ўлик денгизгача икки юз стадия деб ҳисоблайдилар, қайсики ўзининг кенглиги юз эллик стадия келади ва унга Иордан дарёси қуйилади. Бироз юқорироқда дарёда христианлар чўмилишни одат қилганлар. Бу дарё каттаям эмас, чуқур ҳам эмас, аммо унда яхши нав балиқлар бор. У иккита манба Иор билан Дан номли ирмоқларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади ва шунинг учун Иордан деб аташади” – деб ёзганди (71 бет).

Шильтбергер китоби Тошкентда ҳам 1997 йилда А.Азизхўжаев ва Б.Аҳмедовлар сўзбошиси билан рус тилида “Путешествия Иоганна Шильтбергер по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) номи билан нашр этилган.

Марко Полонинг саёҳатидан 150 йилга яқин вақт ўтгандан сўнг, унинг Хитой ҳақидаги ҳикоялари европаликларнинг хотирасидан кўтарилган бир пайтларда яна бир саёҳат ҳақида ҳисобот тайёрланганди. Унинг муаллифи Николо Конти 1419 йилдан 1444 йилгача Ҳиндистон, Шри Ланка, Хитой, Зонд ороллари ва Эфиопия бўйлаб саёҳатда бўлган. Бу саёҳат Кичик Осиёда Усмонли турклар даврида йўллар тўсилиб қолган бир шароитда амалга ошган бўлиб, катта жасорат ҳисобланганди.

Николо Конти ёшлик йилларида Суриянинг Дамашқ шаҳрида яшаб, араб тилини унча – мунча ўрганиб олган. У 1419 йилда 600 нафар савдогарлар таркибида тошлоқ чўл билан Фрот дарёси томон йўлга чиққанлар. Сўнг дарёда кемаларда этакдаги Басра шаҳрига келганлар. Бу ердан кемада Хўрмузга, кейин Каликутга ўтганлар. Николо Конти бу ерда бирор муддат яшаб, форс тилини ҳам ўрганабошлаган. Унинг кейинги манзили Гужарот ярим оролидаги Камбей шаҳри бўлган. Бироз муддат Ҳиндистоннинг Малабар қирғоқларида бўлгач, Декан ясситоғлиги билан юриб бир қатор шаҳарларда бўлган ва Марказий Ҳиндистоннинг географик шароити, халқи билан яқиндан танишган. Бу ерда ҳиндлар муомаласида бўлган олтин тангалар европадаги олтин флоринлардан икки марта катталигига эътибор берган.

Ўз саёҳати давомида Конти Тапробан (ҳозирги Шри Ланка) оролида, Андаман оролларида, Бирманинг ғарбий ҳудудларида бўлган, сўнг Иравади водийси билан Хитойга ўтган. Николо Контининг ҳисоботидан хабардор бўлган фан тарихчилари уни

Хитойнинг гавжум шаҳарларидан бири Нанкинда ҳамда Зонд, Молукка оролларида ҳам бўлган, деб ҳисоблайдилар. Конти ўз ватанига қайтишда ўша вақтларда “Африка Ҳиндистони” деб аталган Эфиопияда ҳам бўлган, Адан шаҳрини бориб кўрган, Қизил денгизда сузган ва Синай ярим ороли орқали Мисрга ўтган ва у ердан, ниҳоят Венецияга қайтиб келган.

Николо Конти ўзининг 25 йиллик саёҳати ҳақидаги ҳисоботида Узоқ Осиёда кўрган ўсимликлар жумладан, турли хушбўй зираворлар ва ёғлар ҳамда ранг бўёқлар олинадиган ўсимликлар, турли қимматбаҳо тошлар ва марварид учрайдиган жойларни ёрқин таърифлаб берган. Ҳиндистон, Хитой ва Индонезиянинг йирик шаҳарлари, халқлари ҳақида ҳам кўп қизиқарли маълумотларни келтирган.

Европаликларнинг “саёҳатнома” ҳисоботларига умумий хулоса қиладиган бўлсак, уларда табиий географияга таалуқли маълумотлардан кўра, халқларнинг туриш – турмуши, бойлиги ёки ночорлиги, дини ва ақидалари, ҳарбий салоҳияти, савдо моллари, ҳукмдорларининг тавсифларига кўпроқ эътибор берилганини кўрамиз. Ора-чора учрайдиган табиий географик маълумотлар эса асосан ер юзасининг умумий қиёфаси (тоғлик, текислик каби), ўсимликлари жумладан, хушбўй зираворлари, ҳайвоноти, фойдали қазилмаларига оид бўлган. Аммо европаликлар учун Ернинг катталиги, қуруқлик билан океан майдонининг умумий нисбати, қитъаларнинг қиёфалари ҳали ҳам ойдинлашмаган эди. Европанинг ғарбий қирғоқлари билан Осиёнинг шарқий чеккалари ўртасидаги масофа денгиз орқали, бир замонлар Аристотель, Сенека ва Птолемейлар ўйлагандек, унчалик катта эмас, деган фикрлар ҳали ҳам мавжуд эди. Осиёнинг шимолий чеккаларида қаттиқ совуқлар туфайли ҳамда экватор атрофларида жазирама иссиқдан одамлар яшамайди, деган фикр ҳали ҳам устун эди.

III БОБ. ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ ОЛАМИДА ГЕОГРАФИЯ

Тарихдан маълумки, VIII асрнинг биринчи чорагида “Араб халифалиги” деб ном олган феодал давлат Осиё қитъасининг катта қисми, жумладан, Арабистон ярим ороли, Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон ва Мовароуннахр ерларини, Кавказ орти ўлкасини, Европада Пиреней ярим ороли, Апеннин ярим оролининг жанубий чеккаларини, Шимолий Африкада эса Ливия ва Мисрнинг катта қисмини эгаллаб олган эди. Ғарбда Атлантика океани соҳилларидан шарқда Ҳинд дарёсигача, шимолда Орол денгизи кенгликларида жанубда Форс кўрфазигача бўлган улкан ҳудудда юзага келган бу империяда давлат ва идора ишлари, турли ҳужжатлар араб тилида олиб бориладиган бўлди.

VIII асрнинг ўрталарига келиб халифаликда ҳокимият ўзгаради. Тўқсон йилга яқин (661 - 750) ҳукмронлик қилиб келган муовиялар ўрнини аббосийлар эгаллайди. Бу сулоланинг асосчиси Абул Аббос ас – Саффоҳ (749 – 754) дан сўнг унинг укаси Абу Жаъфар шоҳларга хос ал – Мансур (“Ғолиб” деган маънода) исми билан тахтга ўтиради. Янги пойтахт Бағдод шаҳрининг қурилиши ҳам шу халифанинг номи билан боғлиқ бўлди. 762 – 766 йилларда, тез муддатда бунёд этилган ушбу шаҳар, ал – Мансурнинг ўзи “Мадина ас - Салом” деб номлаганидек, кўп йиллар тинчлик ва фаровонлик шаҳри бўлиб турди.

Маълумки, бу вақтларда Шарқ оламида ташқи хуружлар барҳам топган, ижтимоий – сиёсий ҳаёт анча изга тушиб қолган эди. Қадимги анъаналар бўйича ариқ ва каналлар тозаланди, захкаш ерларнинг суви қочирилди, экин майдонлари яна ишга тушириб юборилди. Ижтимоий ҳаётнинг деҳқончилик, чорвачилик, ҳунардмандчилик, савдо ишлари, қурилиш ва меъморчилик каби тармоқлари қаторида илм – фан ва маърифат ҳам тиклана бошлади. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Марв, Исфакон, Рай, Нишопур, Дамашқ каби шаҳарларда яна ҳаёт қайнай бошлади. Салтанат пойтахти Бағдод ҳам тез суръатлар билан ободонлашиб, Шарқ оламининг нафақат сиёсий –

маъмурий, балки илм – фан ва маърифат марказига ҳам айлана бошлади.

Халифа ал-Мансур ўз саройида китоблар учун алоҳида хоналар ажратиб, қизиқарли ёки фойдали туюлган қўлёзма асарларни, бадий ва илмий китобларни тўплашга қарор қилди. Унинг бундай хайрли ишларини кейинчалик, набираси Хорун ар-Рашид (халифалик йиллари 786-809) давом эттирди. Сарой кутубхонаси асосида олимлар уюшмаси “Байт ал-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) ташкил этилди. Унга ўз замонасининг таниқли олимлари, моҳир таржимонлар, уста ҳаттотлар ва муқовачилар ишга жалб қилина бошланди.

“Байт ал-Ҳикма”нинг янада ривожланиб, ҳақиқий илмий марказ сифатида фаолият юритиши Хорун ар-Рашиднинг ўғли ал-Маъмуннинг халифалик (813-833) йилларига тўғри келди. Айнан шу халифанинг ҳомийлигида иккита обсерватория қурилиб ишга туширилди, турли мамлакатлардан китоблар йиғиб келиш учун махсус экспедициялар ташкил қилинди. Узоқ-яқиндан таниқли олимлар ишга жалб қилинди.

Шарқшунос тарихчи олимлар “Байт ал-Ҳикма” нинг фаол даври IX-XI асрларга тўғри келганлигини (Б.Абдухалимов, 2001) ва бу Шарқ оламининг “Ренессанс” и, яъни “Уйғониш даври” бўлганлигини (Н.Конрад, 1966; А.Мец, 1966; М.Хайруллаев, 1971; И.Брагинский, 1974 ва б.) эътироф этганлар.

“Байт ал-Ҳикма”да тўпланган турли миллат ва халқлар вакилларида иборат олиму-фозиллар, замонасининг етук билимдонлари математика, астрономия, география, фалсафа, тарих, тиббиёт каби фан соҳаларида илм билан шуғулланганлар. Ушбу илмий жамоанинг дастлабки машғулотларидан бири қадимги халқларнинг илмий меросини, яъни узоқ-яқиндан олиб келинган қўлёзма асарларни синчиклаб ўрганиб, аҳамиятли деб топилганларини дарҳол араб тилига таржима қилишдан иборат бўлганди. Шу тақлид қадимги юнон олимлари Платон, Аристотел, Сократ, Гиппократ, Гален, Евклид, Птолемей кабиларнинг бир қатор асарлари араб тилига таржима қилинди. Ушбу таржималарга энг таниқли олимлар бош-қош бўлиб турганлар, муҳаррирлик қилганлар, тузатишлар киритганлар, изоҳатлар ва шарҳлар ёзганлар.

Хуллас, “Байт ул-Ҳикма”нинг фаолият даврида Шарқ оламида юзлаб олимлар етишиб чикдики, улар қадимги ҳинд ва юнон фанларини яхши ўзлаштириб олганликлари, ўз ватанларида яратилган бой илмий анъаналарга асосланиб, фаннинг турли соҳаларида илм қилганликлари, бу илмларни юқори даражага кўтарганликлари ҳозирги замон фан тарихчилари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Шарқ оламида география фанининг вужудга келиши ҳам шу маданий-маърифий ривожланишнинг, илм-фан юксалиш даврининг ижодий маҳсули бўлди. Ўрта асрлар география тарихи билимдони профессор Ҳамидулла Ҳасанов (1919-1985) томонидан Шарқда IX-X асрлар география фанининг туғилиш даври деб, алоҳида тарихий босқич сифатида ажратилганлиги ҳам бежиз эмасди. Бу даврларда яратилган асарлар бир қатор йўналишларда юзага келганди.

3.1. Шарқ олимлари асарларида математик география йўналиши

Ушбу илмий йўналиш даставвал астрономияга оид бўлган асарлар, яъни “Зиж”лар таркибида географик маълумотларга кенг ўрин бериш йўли билан юзага келганди. Мисол тариқасида Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Марвазий, Яҳё ибн Абу Мансур, Абул Аббос Жавҳарий, Абу Маъшар Балхий, Абу Абдуллоҳ Баттоний, Абдуллоҳ ибн Амажур ат Туркий каби қатор олимлар тузган зижларни келтириш мумкин.

Зижлар, аслида обсерваторияларда олиб бориладиган Қуёш, Ой ва сайёраларнинг юлдузларга нисбатан ҳаракатларини кузатиш, математик амаллар ёрдамида астрономик ўлчамларни аниқлаш, натижаларини жадваллар тарзида акс эттиришдан иборат асарлар бўлган. Зижлардаги географик маълумотлар, одатда асар муқаддимасида ёки махсус бобларда берилиб, кўп ҳолларда улар турли тақвимлар, йил ҳисоблари, Ернинг шакли ва катталиги, Ернинг маъмур қисми, унинг ўлчамлари ва етти иқлимга бўлиниши, турли мамлакатлар, вилоятлар, шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, қўлтиқлар, ороллар, дарёлар каби географик объектларнинг иқлимлар бўйлаб жойлашиши, географик координаталарни аниқлаш каби масалаларга оид бўларди. Зижларнинг бир-биридан фарқи асосан асарнинг номланиши,

ҳажми, жадвалларнинг қамрови ва аниқлик даражалари, муқаддима қисмининг мазмуни билан ва айниқса, иқлимлар тавсифи ва меридианлар ҳисобининг бошланиши билан боғлиқ бўларди. Зижларнинг яна бир тавсифли томони уларда катта ҳажмли географик координаталар жадвалларини берилиши эди.

Ўрта асрларда пайдо бўлган илк географик асар, яъни Муҳаммад Хоразмийнинг “Китобу сураат ал-арз” (“Ернинг сурати”) номли асари ҳам ана шундай жадваллар кўринишида яратилганди. Математик география йўналишида бажарилган ушбу асарда ўша даврларда Шарқда дунёнинг кишиларга маълум бўлган қисми, яъни ғарбда “Саодат ороллари” дан шарқда 180^0 узунликкача, шимолда 63^0 шимолий кенгликдан жанубда 15^0 жанубий кенгликкача бўлган, одамлар яшайдиган обод чорак, яъни “Рубъи маскун” бир йўла қамраб олинганди. Унда етти иқлим бўйича, аввал шаҳарлар, кейин бирин-кетин тоғлар, денгизлар, ороллари ва дарёларнинг географик координаталари (жами 537 та) берилган.

Масалан, шаҳарларнинг бешинчи иқлим жадвалида шаҳарлар номи ва координатлари қуйидагича кўринишда берилган: Сарахс – тули (меридиани) $83^0 20^1$, арзи (параллели) $38^0 0^1$, шу каби Марв $84^0 20^1$; $38^0 35^1$; Марварруд $85^0 0^1$; $38^0 50^1$; Бухоро – $87^0 20^1$; $37^0 50^1$; Балх – $88^0 35^1$; $38^0 40^1$ каби. Тоғлар жадвалида эса тизмаларнинг бошланиш ва тугаш жойлари координаталаридан ташқари уларнинг ранги билан йўналиши ҳам кўрсатилган.

Муҳаммад Хоразмийнинг ушбу асарини ўрганган фан тарихчилари асар матнининг шакли ва мазмунига асосланиб, бу асар бир тўп хариталар ва уларга берилган изоҳномлардан иборат бўлган деб ҳисоблайдилар. Асарнинг яратилишига доир айрим тафсилотларни Ҳ.Ҳ.Ҳасанов шундай баён қилганди: “Халифа Маъмун олимларга осмоннинг ва жаҳоннинг батафсил хариталарини тузиш тўғрисида топшириқ берган. “Жаҳон хариталари” аслида дунё атласи бўлиши керак эди. Атлас тузиши билан 70 тача олим шуғулланган, уларга Муҳаммад Хоразмий бошчилик қилган, бу хариталар йиғиндиси “Маъмун дунё харитаси” номи билан ҳам юритилган ва уни тузиш 840 йилларда тугалланган бўлса керак” (1981, 12 б.).

Муҳаммад Хоразмий ўзининг айнан шу асари туфайли, кейинчалик жаҳоннинг нафақат буюк математиги ва астрономи,

балки Шарқ географиясининг асосчисидир, деб ҳам эътироф этилди. Шарқ астрономияси ва географияси тарихи бўйича йирик мутахассис К.А.Наллино (1862-1938) билдирган фикрга, кейинчалик рус академиклари В.В.Бартольд (1869-1930) ва И.Ю.Крачковский (1883-1951) қўшилган ҳолда: “Европалик бирорта халқ ўз илмий тараққиётининг дастлабки одимларида Муҳаммад Хоразмийнинг ушбу асари билан қиёслаш мумкин бўлган бирорта асари билан мақтанишга қодир эмасди” – деб тан бергандилар.

“Суръат ал-арз” асаридаги географик координаталарнинг нисбатан аниқ ва етти иқлим бўйича маълум тартиб билан берилиши бир неча асрлар давомида Шарқда ҳам Ғарбда ҳам шу каби асарлар яратилишида андаза сифат хизмат қилди. Масалан, ироқлик Сухробнинг “Китоб ажойиб ал-ақолим ас-Саба” (“Етти иқлим ажойиботлари китоби”) ёки асли Суриянинг Харрон шаҳридан бўлган ал-Баттонийнинг (858-929) “Китоб зиж ас-Собий” номли асарини яратилишида Хоразмий асари асос бўлиб хизмат қилган.

“Байт ал-Ҳикма” илмий жамоасининг фаолиятида яна бир ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Унинг “Китоб ал-ҳаракот ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум” (“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум”) номли асарида географияга ҳам катта ўрин берилган. Асарнинг “Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги нарсалар ҳақида” деб номланган тўққизинчи боби асосан географияга оиддир. Унда Етти иқлимнинг ҳар бири улардаги мамлакатлар, вилоятлар ва шаҳарлари билан тавсифланган. Бу тавсиф Муҳаммад Хоразмийнинг “Китобу сурат ал-арз” китобида берилган иқлимлар тавсифидан фарқли ўлароқ шарқдан ғарбга томон берилган. Иқлимларнинг чегараларида ҳам фарқ бор. Бош меридиан ҳам бошқа танланган. Тадқиқотчилар бунда ҳинд-эрон фанининг таъсири кучлироқ бўлган, деб баҳолайдилар.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам Аҳмад Фарғонийнинг географик меросини юқори баҳолаб, агар олимнинг геодезия, картография ва Ер юзи географияси соҳасидаги асарлари жамланса, яхлит бир географик оқим келиб чиқади, деб ёзганди. Умуман олганда, ўрта асрларда

Шарқ олимлари зиж тузиш илми билан бир неча асрлар давомида катта қизиқиш ва масъулият билан шуғулланганлар.

IX асрнинг ўрталаридан бошлаб, математик географияга оид асарлар билан кетма-кет, аммо бироз сустлик билан бўлса-да яна бир туркум географик асарлар пайдо бўла бошладик, уларнинг тузилиши, мазмуни ва ёзилиш услуби ўзига хос бир йўналишдан, яъни тасвирий географиядан дарак берарди.

3.2. Шарқ олимлари асарларида тасвирий география

Тасвирий географияга оид маълумотлар даставвал шаҳарлар ёки ўлкалар тавсифига бағишланган асарлар таркибида берилган. Бундай асарлар сирасига араб адиблари ва тарихчилари Хишом ибн ал-Қалбий (ваф. 820), Абу Усмон ал-Жохиз (ваф. 869), Абул Аббос Аҳмад ал-Якубий (ваф. 897), Балазўрий (ваф. 892) кабиларнинг “Китоб ал-булдон” номи билан битилган асарларини киритиш мумкин.

Бундай асарлардаги географик маълумотлар, кейинчалик бироз кенгайтирилиб, жиддийлаштирилиб ва маълум бир тартиб билан берилган бўлган. Асарларнинг номланиши эса “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (“Мамлакатлар ва йўллар китоби”) кўринишида анъана тусини олди ва тасвирий географияда янги туркумни ҳосил қилди.

Ўрта асрларда яратилган айрим манбаларда, фихрист ва луғатларда айтилишига кўра, “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли асарларнинг учтаси, яъни ўрта осийлик Абу Жаъфар ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий (бу шахс машҳур астроном Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазийнинг ўғли бўлган) ва Абул Аббос Аҳмад ас-Сарахсий (835-899) ҳамда эронлик адиб Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех (820-912) ларнинг асарлари энг дастлабкилардан ҳисобланган. Булардан фақат ибн Хурдодбехнинг асаригина бизгача етиб келган. “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли мазкур асар 846 йилда ёзилган деб тахмин қилинган.

Унда аввал Ернинг шакли, унинг маъмур қисми ҳақидаги умумий тасаввурлар баён қилинган, кўпроқ Месопотамиянинг таърифи, унинг маъмурий тузилиши, халққа солинадиган солиқлар масалалари ёритилган.

Сўнг форс, рум, турк, хитой подшоҳлари бирма бир тилга олиб ўтилган.

Асарнинг катта қисми йўллар таърифига оид бўлиб, аввало, Бағдоддан шимолга, Озарбайжон ва Кавказ орқали Ўрта Осиёга туташган йўллар, кейин жанубга, Ҳиндистонга олиб боровчи йўллар ҳақида, у ерлардаги маъмурий бирликлар, халқлар ва уларнинг туриш-турмуши ҳақида турли маълумотлар берилган. Ҳиндистон ва Хитой томонларга олиб боровчи денгиз йўллари ҳам анча жонли тасвирланган. Айниқса, Бағдоддан Маккага олиб боровчи йўллар батафсил, турли тўхташ манзилларини кўрсатган ҳолда таърифлаб ўтилган. Умуман олганда, ибн Хурдодбеҳнинг ушбу асарида келтирилган кўп маълумотлар давлат архивларидаги ҳисоботларга асосланганлиги туфайли кўп жиҳатдан ишончли бўлган ва IX асрдаги халифаликда мавжуд бўлган иқтисодий, маъмурий ҳолатни тўғри ёрита олган. Шу сабабдан ҳам бу асар кейинги бир неча асрлар мобайнида тарих ва география бўйича ишончли манба сифатида жуда кенг фойдаланилган.

X аср бошларида араб халифалигининг катта қисми жумладан, Миср, Сурия, Месопотамия, Ғарбий Эрон, Табаристон, Жужон каби ўлка ва вилоятлар маҳаллий ҳукмдорлар қўлига ўтиб кетди. Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда ҳам мустақил Сомонийлар давлати ташкил топди. Пойтахт Бухорода ҳамда Хоразм, Самарқанд, Балх, Нишопур, Марв, Исфаҳон, Дамашқ каби шаҳарларда ҳам илм-фан ривожини давом этди. Астрономия, тарих, фалсафа ва географияга оид асарлар шу жумладан, “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” туркумидаги асарлар ҳам вақти-вақти билан пайдо бўлиб турди.

Шундай асарлардан бирининг муаллифи сомоний ҳукмдор Наср ибн Аҳмаднинг вазири Абу Абдуллоҳ Жайҳоний (870-942) бўлган. Унинг етти жилдлик катта ҳажмли “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли географик асари бўлганлиги араб географлари ал-Маъсудий, ал-Муқаддасий, хоразмлик машҳур Абу Райҳон Беруний асарларида қайд этилган, унга мурожаатлар қилинган.

Жайҳоний ўзининг ушбу асарида дунёни етти иқлимга бўлганлиги ва ҳар бир иқлимга биттадан маълум бир сайёрани белгилаганлиги, юлдузлар ҳақида, аҳолидан тўпланадиган даромадлар, турли манзиллар, ҳарбий округлар, катта-кичик

шаҳарлар, ташлаб кетилган довлар ва йўллар ҳақидаги маълумотлар берилганлиги ал-Муқаддасийнинг китобида қайд этилган. Шунингдек, асарда шимолга ва жанубга, шарққа ва ғарбга борадиган йўллар ва уларга яқин текисликлар, тоғлар, водийлар, тепалар, дарахтзорлар, дарёлар таърифлаб ўтилганлиги ҳам маълум.

Жайҳоний асарида географик тавсифларнинг етти иқлим бўйича берилганлиги, унинг бир қирраси математик географияга туташса-да, асосий хусусиятларига кўра Ибн Хурдодбек асари каби тасвирий географияга оиддир. Тахминларга кўра 907 – 922 йиллар оралиғида ёзилган бу асар бизгача етиб келмаган.

3.2.1. Тасвирий географияда Абу Зайд Балхий мактаби

Хуросоннинг Балх шаҳри ўрта асрларда Шарқнинг Бухоро, Самарқанд, Нишопур, Ҳирот каби йирик ва гавжум шаҳарларидан ҳисобланган. Вақти – вақти билан Хуросоннинг пойтахти ҳам бўлиб турган. Шу ерда туғилиб ўсган ва “Балхий” нисбаси билан танилган, ўз ижодий фаолияти билан ўрта асрлар фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган шоиру – адиблар, фозил олимлар талайгина бўлган. Шундай олимлардан бири Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал – Балхий (850 – 936) ҳисобланади. Унинг илмий фаолияти ҳақида сўз юритган тадқиқотчилар олимнинг 60 тага яқин асарлар ёзганлигини ва бу асарларнинг кўпи бизгача етиб келмаганлигини қайд этадилар. Унинг “Сувор ал – ақолим” (“Иқлимлар сурати”) номли машҳур географик асари ҳам шулар жумласидандир. Ушбу асар кейинчалик турли манбаларда “Ашкол ал – ақолим” (“Иқлимларнинг шакллари”), “Ашкол ал – билод” (“Ўлкаларнинг шакллари”), “Тақвим ал – булдон” (“Шаҳарларнинг тақсимланиши”) каби турлича номлар билан тилга олиб келинганлиги сабабли И.Ю.Крачковский: “ўз даврида бу асар камёб бўлган ва кўпчиликка бевосита маълум бўлмаган, балки у изоҳлаб берилган атласдан иборат бўлгандир” – деб тахмин қилганди (1957, 196 б.).

Машҳур араб географи Муқаддасий (946 – 1000) ёзиб қолдирган мухтасар тавсифга кўра “Абу Зайд Балхий ўз китобида хариталар ва ернинг тасвирини бермокни мақсад қилган. Ерни 20

қисмга тақсимлаб, ҳар бир тасвирни қисқа – қисқа қилиб тушунтирган”. Ушбу жумлалардан Балхийнинг “Сувор ал – ақолим” и ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилиш қийин, албатта. Бунинг учун олимлар (Ж.Крамерс, Де Гуге, В.В.Бартолод, И.Ю.Крачковский, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ва б.) бирмунча кейинроқ яратилган икки асарни, яъни эронлик географ Абу Исҳоқ ал – Форисий ал – Истахрий (850 – 934) ва бағдодлик Абулқосим ибн Ҳавқалнинг (ваф. 976) бир ном билан “Китоб ал – масолик вал – мамолик” деб аталган асарларини ўрганиш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар. Чунки бирин – кетин яратилган иккала асар ҳам Балхийнинг “Сувор ал – ақолим” асари асосида юзага келганди. “Уччала олим Балхий – Истахрий – ибн Ҳавқал Шарқ географиясида классик даврнинг кетма –кет ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрликда ижод қилган намоёндалари, гўё бир илм занжирининг бир – бирига боғланган ҳалқаларидир” (Ҳ.Ҳасанов, 1964, 37 б.).

И.Ю.Крачковский ҳам: “бир – бири билан ижодий боғлиқ бўлган бу уч олимни ўзига хос мусулмон географиясининг “классик мактаби” деб аташга барча асослар бор” – деб ёзганди. Абу Зайд Балхийни эса шубҳасиз ана шу “классик мактаб” нинг асосчиси деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг асарларини бошқа, масалан, Хоразмий, Фарғоний, Ибн Хурдодбек ва Жайҳоний асарларидан фарқлантириб турадиган хусусиятлари бор эди. Улардан биринчиси ва энг асосийси бу асарларни “Ислом атласи” деб ном олган бир тўп хариталарга асосланиб тузилганлигидир. Даставвал Абу Зайд Балхий жамлаган ушбу атласни шарқшунос олим Ж.Крамерс “араб харитаграфиясининг энг олий ютуғидир” – деб баҳолаганди. Унинг тавсифлашига кўра, ушбу атлас 21 дона харитадан иборат бўлиб, биттаси доира шаклида тузилган дунё харитаси, олтитаси Арабистон, Форс денгизи, Мағриб, Миср, Сурия ва Ўрта денгизга оид, қолган 14 тасида мусулмон дунёсининг марказий ва шарқий қисмларидаги вилоятлар бирма – бир тасвирланган.

Иккинчи хусусияти – хариталар ва тавсифларнинг ўша даврлардаги фақат ислом мамлакатларигагина оид бўлганлигидир. Ислом мамлакатлари деганда ушбу олимлар Фарғонанинг шарқий чеккаларидан Хуросон, Жибол, Ироқ, Арабистон орқали Ямангача, яъни масофаси беш ойга яқин йўл

бўлган ҳудудлар, кенглиги Рум ерларидан Сурия, ал – Жазира, Ироқ, Форс ва Кирмондан ўтиб Форс денгизигача, яъни тўрт ойлик йўл узунлигига тенг ҳудудларни тушунганлар. Бунга Мағриб билан Андалусия қўшилса, яъни Фарғонадан Андалусиягача деб олинса, масофаси 300 манзилга тенг келади деб ҳисоблаганлар.

Учинчи хусусияти эса асарларда келтирилган доира шаклидаги дунё харитасининг ўзига хослигидир (3-расм).

Тўртинчи хусусияти – асарларда қўлланилган “иқлим” тушунчасининг Шарқда анъана бўлиб келаётган “етти иқлим” тушунчасидан бутунлай фарқ қилиб, вилоятларга нисбатан қўлланилганлиги, яъни 20 та вилоятнинг ҳар бирини алоҳида, биттадан “иқлим” деб кўрсатилганлигидадир.



3-расм. Абу Зайд Балхий тузган дунё харитаси

Айтиш лозимки, бу уч олимдан Истахрийнинг китоби бошқалариникига нисбатан анча тарқалган. Унинг форсча таржималари ҳам бир қанча бўлган. Бу китобдан XV асрда Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Аbru, Мирҳонд ва Хондамир кабилар ҳам фойдаланганлар. Асарда Ернинг маълум қисми, унинг ўлчамлари ва денгизлар ҳақидаги умумий маълумотлардан сўнг бирин – кетин Арабистон, Форс денгизи (Ҳинд океани билан), Мағриб (Андалусия ва Сицилия билан) Миср, Сурия, Рум денгизи, ал – Жазира, Ироқ, Жанубий Эрон, Ҳиндистон, Марказий ва Шимолий Эрон (Арманистон, Озарбайжан ва Хазар денгизи билан), Мовароуннахр ва Хуросон вилоятлари, уларнинг чегаралари, шаҳарлари, улар орасидаги масофалари, йўналишлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Жойларда етиштириладиган, маҳсулотлар, савдо – сотиқ, хунардмандчилик моллари, халқлари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган.

Абу Зайд Балхийнинг китобида ҳам бу каби маълумотлар бўлган. Шундай маълумотлардан икkitасини Ҳ.Ҳ.Ҳасанов намуна сифатида Ёкут Ҳамавийнинг географик луғатидан мисол келтиради. Унда Балхий Тошкент ҳақида: “Шош ёз фаслида бамисоли жаннат. Кишини иссиқ таъсиридан қалқондек сақлайди. Аммо мен Шош қишининг совуғига чидаёлмай жинни бўлиб қоламан”. Ёки Бухоро ҳақида: “Қўрғондан ташқариси серманзараликда Бухородан чиройлироқ шаҳарни кўрмадим. Чунки кўрғондан ташқари чиқишинг билан кўзинг зангори осмонга тутшиб кетган кўкламзорга тушади. Осмон гумбази билан кўкламзорлар оралиғида кўринган қасрлар осмондаги юлдузларга ўхшайди; экинзорлар сатҳи теп – текис. Бухороликларнинг экинзорлари бепоён ва унга тенг келадиган жой Хуросонда ҳам, Мовароуннахрда ҳам топилмайди” (1981, 298 б.).

Балхий мактаби географларининг сўнгги йирик вакили ал-Муқаддасий ҳисобланади. Унинг 946 – йилда Қуддус шаҳрида туғилганлиги маълум. Бу шаҳар араб адабиётида “Байт ал - Муқаддас” деб, баъзида эса “Байт ал – Макдис” деб аталган. Олимнинг нисбаси шундан. Унинг географияга оид асари “Аҳсан ат – тақосим фи маърифат ал – ақолим” (“Иқлимларни билишнинг энг яхши тақсимооти”) деб номланиб, асосан муқаддима ва икки қисмдан иборат бўлган.

Муқаддима таркибидаги бобларда китобнинг қай тарзда ёзилганлиги, аввалги шу каби китоблардан фарқи ва ўзига хос томонлари батафсил баён этилган. Денгизлар ва дарёлар, жой номлари, иқлимларнинг хусусиятлари билан бир қаторда ўзининг саёхатларида бошдан кечирган воқеа ва ҳодисаларни ҳам акс эттирган.

Асарнинг мамлакатлар ва ўлкалар таърифига бағишланган қисмида шаҳарлар, аҳоли турар жойлари, об – ҳаво, халқлар ва уларнинг ҳўжалиги, урф – одатлари, тили, савдо – сотиғи, пули, сувлари, фойдали қазилмалари, муқаддас қадамжолари, солиқ ва жарима турлари, йўллари ва масофалари ҳақида кенг маълумотлар берилган. Бу каби бой маълумотлар X аср Шарқ оламидаги сиёсий – маъмурий, тарихий ва ижтимоий шароитни ўрганишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда IX аср ва айниқса, X-XI асрларда тасвирий географияга оид “Китоб ал – масолик ва ал – мамолик” номи билан асар ёзиш анчагина тараққий этган бўлиб, бу жараён халифаликнинг ғарбий чеккалари Андалус ва Мисргача етиб борганди. Масалан, Мисрда Ҳасан ибн Аҳмад ал – Муҳаллибий (X аср), Андалусияда Муҳаммад ибн Юсуф ал – Варроқ (X аср), Аҳмад ибн Умар ал – Узрий (XI аср) ва унинг шогирдлари Ибн Хазм (XI аср) ва ал – Бакрий кабиларнинг ҳар бири шу номда асар ёзганликлари маълум. Бундай ном билан асар ёзиш кейинчалик ҳам, ҳатто XIV асрда ҳам (ибн Фазлуллоҳ ал – Умарий, Абул Фидо) давом этганди. Буларнинг ҳаммаси ўрта асрларда жамиятнинг тасвирий географияга бўлган талаби сезиларли бўлганлигидан далолат беради.

3.3. Тасвирий географияга оид асарлардан яна иккитаси ҳақида

X аср Шарқ маданияти, фани ва хусусан географияси ҳақида сўз борганда фан тарихи билан шуғулланган тадқиқотчилар яна икки асарни кўп бор тилга оладилар. Бу асарларнинг номланиши биров бошқачароқ бўлсада, тузилиши ва мазмунига кўра тасвирий географиянинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу асарлардан бири араб адиби, тарихчи, географ олим ва сайёҳ ал – Маъсудийнинг “Муруж уз – заҳаб ва маъодин

ал – жавоҳир” (“Зар ўтлоқлар ва жавоҳир маъданлари”) номли асаридир. Муаллифнинг тўлиқ исми – шарифи Абул Ҳасан Али ибн ал – Ҳусайн ибн Али ал – Маъсудий бўлиб, X аср бошларида Бағдодда туғилган, шу ерда ўсиб, маълумотли бўлган ва замонасининг адабий анъаналарини яхши ўзлаштириб олган. Унинг географик тафаккури кўп китоб ўқиш, турли табақадаги кишилар билан мулоқотда бўлиш ва айниқса, саёхатлари вақтида тўплаган маълумотлари асосида шаклланган. Унинг Ҳиндистондан Атлантика океани бўйлариғача, Каспий денгизи соҳилларидан Қизил денгизгача бўлган мамлакатларни кезиб чиққанлиги маълум. Хитой ва Малай архипелагида ҳам бўлган деган тахминлар бор.

Маъсудий кўп асар ёзган, аммо уларнинг аксарияти номларидангина маълум. Уларнинг кўпчилиги тарихга оид бўлган.

Маъсудий асаридаги тасвирий географияда Муҳаммад Хоразмий асос солган етти иқлим қоидаси бўйича ҳар бир иқлим батафсил таърифланган. Унда ҳозирги Ироқ худудини ўз ичига олган тўртинчи иқлим нисбатан кенгроқ ёритилган. Маъсудий асарининг яна бир хусусияти унда тарихий ва географик ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда берилганлигидир.

Ўрта асрлар Шарқ географик адабиётини чуқур ўрганган Ж.Крамерс Маъсудийни “X асрнинг энг оригинал географ ёзувчиси” деб, И.Ю.Крачковский эса “X асрда географик асар яратган адиблар ичида ҳар томонлама билимдон ва кенг қамровли шахс” деб баҳолагандилар.

Биз айтмоқчи бўлган иккинчи асар форс – тожик тилида ёзилган “Китоб худуд ал – олам минал машрик илал мағриб” (“Оламнинг машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб”) деб номланган.

Ушбу асар 983 – йилда, асли хуросонлик, аммо исми – шарифи ханузгача номаълум бўлган муаллиф томонидан ёзилганлиги, унинг 1258 – йилда қайта кўчирилган ягона нусхаси эканлиги билан тавсифлидир. Асарда келтирилган географик ва тарихий маълумотлар кўп шарқшунос тарихчи олимларни қизиқтирган. Жумладан, А.Г.Туманский, В.Р.Розен, В.А.Жуковский, В.Ф.Минорский, В.В.Бартольд ва бошқалар асарни ўрганганлар, унинг инглизча, русча таржималарини

тайёрлаб чоп эттирганлар. 2008 йилда тарихчи географ олим Омонулла Бўриев ҳам асарнинг Мовароуннахр таърифига оид қисмини ўзбекча таржимасини сўзбоши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи билан нашр эттирган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов “Ҳудуд ал - олам” қўлёзмасини чуқур ўрганиб, ундан намуна келтирган ҳолда, асарнинг тасвирий географиясига оид хусусиятларини кенг таърифлаб берган (1981, 31-44 бетлар). Ушбу таърифларга кўра, бу асар илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ географик адабиётининг дурдона ёдгорликларидан бири сифатида Ўрта Осиё ва Афғонистонда географик билимлар тарихи учун қимматли манба ҳисобланади. Шунингдек, асар жаҳондаги барча мамлакатларнинг таърифи берилган географик, этнографик ва иқтисодий маълумотномадир.

Мазкур асарда ер юзининг шакли, қуруқлик чегаралари, ободонлик ва вайроналик даражаси баён этилган; ер юзидаги вилоятлар ва подшоҳликлар, шу вилоятлардаги маълум бўлган қавмлар, подшоҳларнинг урф – одатлари, расм – русумлари, мазкур вилоятлардан четга чиқариладиган нарсалар, жаҳондаги шаҳарлар, улардаги аҳвол, уларнинг катта – кичиклиги, ноз – неъматлари, одамлари, ободонлиги ва вайроналиги, ҳар бир шаҳарнинг тоғ, дарё, денгиз ёки чўлга яқин – узоқлиги, жаҳондаги денгизларнинг ўрни, жойланиши, қўлтиқлари, мурдоб (ёпиқ қўлтиқ) лари таърифланган; шу билан бирга, жаҳондаги ороллар, уларнинг ободонлиги ва вайроналиги, уларда яшайдиган одамлар, уларнинг аҳволи, ишлаб чиқариладиган нарсалари, жаҳондаги тоғлар, улардаги маъдан конлари, тоғларда яшайдиган жониворлар, жаҳондаги йирик дарёлар, уларнинг қаердан бошланиб, қаерга қўйилиши, сувининг ерларни суғоришга сарфланиши, кемачиликка ярайдиган дарёлар тасвирланган, шунингдек, маълум чўллар ва қумликлар баён этилган.

Асар муаллифининг тоғларни умумий қиёфаси, денгизлар, дарёлар ҳақида айтган фикрлари, турли термин ва тушунчаларга берган изоҳлари, шунингдек, Мовароуннахр ва ундаги шаҳарларни бирма – бир таърифлаганлари ўзига хосдир. Асарнинг ўзига хос жиҳатларини синчиклаб ўрганган Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: “Ҳудуд” нинг муаллифи Осиё тоғларининг жойланишини асосан тўғри ва жуда мукаммал тасаввур қилган. Ахир, ҳозирги рельеф харитасига қарасангиз ҳам деярли шундай

манзарани кўрасиз. Ҳолбуки, Осиё тоғларининг умумий қиёфаси то XIX аср охирларига қадар етарлича аниқ бўлмаган, ҳатто “Ҳудуд” муаллифининг тасвирича ҳам маълум эмас эди.

Европалик географ ва геологлар кўп жойларни кезиб ва текшириб харитага чизиб, охири ... Осиё ўртасидан, яъни Ҳиндистондан Ўрта денгизгача чўзилган тоғ камарини аниқладилар. “Ҳудуд” муаллифи эса бу нарсани минг йил муқаддам очиқ – ойдин айтиб ўтган...

“Ҳудуд” да баён этилган олти денгиз (Шарқий океан, Ғарбий океан, Ҳинд океани, Ўрта денгиз, Каспий денгизи, Қора денгиз – “Дарёи Гурзиён”, яъни “Грузинлар денгизи”) ҳақидаги тушунчалар фақат шу китобда учрайди. Муаллифнинг обод дунёнинг қитъаларга ва айрим вилоятларга бўлиниши тўғрисидаги маълумотлари ҳам эътиборни ўзига жалб этади” – деб ёзганди. Шунингдек, асардаги дарёлар таърифи ҳам бир қатор илмий изоҳларга эга. Ундаги географик районлаштириш ҳам маълум қоидага асосланган. Асарда ернинг обод қисми 51 вилоятга бўлинган ва унинг 45 таси экватордан шимолда, биттаси экватор устида, 5 таси экватордан жанубда ажратилган. Бу вилоятлар, муаллифнинг айтишига кўра, бир – биридан иқлими, суви, тупроғи жиҳатдан фарқ қилар экан, бу вилоятларни, яъни географик районларни бир – биридан тоғлар, дарёлар ва чўллар ажратиб турар экан; ҳар бир вилоят, ўз навбатида, амаллар (вилоятчалар) га, булар ҳам, ўз ичида шаҳарларга бўлинар экан.

“Ҳудуд ал - олам” асарини ўрганган тадқиқотчилар унинг муаллифи ўз асарини ёзишда Жайҳоний, Абу Зайд Балхий, Ибн Хурдодбех, Истахрий, Аристотель, Птолемей кабиларнинг асарларидан фойдаланганини қайд этганлар.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов “Ҳудуд ал – олам” асарининг тузилиши, умумий мазмуни ҳамда ундаги термин ва тушунчаларнинг изоҳларига асосланиб, бу асар ўз замонасида географиядан кичик бир қўлланма, эҳтимол, болалар учун дасрлик сифатида фойдаланилган бўлиши ҳам мумкин, деган тахмин билдирганди.

XII аср ўрталарида гренадалик Абу Ҳамид Гарнатий (1080 - 1170) томонидан ёзилган “Тухфат ал – албоб ва нухбат ал - ажаб” (“Донолар учун тухфа ва ажойиботлар танламаси”) номли асар мазмун ва моҳиятига кўра тасвирий географияга оид асарлар сирасига киради. Аммо, муаллиф ўқувчини қизиқтириш

илинжида ажойиботу – ғаройиботлар ҳақидаги уйдирмаларни кўп қўшиб юборган.

Асар муаллифининг Сардиния ва Сицилия орқали Мисрга борганлиги, Коҳира ва Искандария шаҳарларида, Эронда бўлганлиги, Волга булғорлари юртида биров муддат яшаганлиги, у ердан бир неча марта Хоразмга бориб келганлиги, кейинчалик Бағдод, Мосул ва Дамашқ шаҳарларида ҳам бўлганлиги маълум.

1110 йил атрофларида ёзилган “Форснома” номли китоб ҳам шу туркум асарлардан ҳисобланади. Бу тарихий – географик асарда Форс кўрфази атрофларидаги вилоятлар таърифланган. Ёзилиш услубига кўра ибн Ҳавқал асаридаги шу вилоятлар таърифига ўхшаб кетади. “Форснома” китобида ҳам вилоятларнинг географик таърифи, қабилалар, йўллар, аҳолидан олиндирилган солиқлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу асарнинг муаллифи Ибн ал – Балхий тўғрисида маълумотлар учрамайди, аммо кейинчалик бу асардан Ҳамдуллоҳ Казвиний ва Ҳофизи Аbruлар фойдаланганликлари маълум.

3.4. Дунё хариталарига изоҳнома тарзида яратилган асарлар

Китобимизнинг аввалги саҳифаларидан бирида Муҳаммад Хоразмийнинг “Китобу сурат ал – арз” номли асари ҳақида сўз борганда унинг Маъмун дунё харитасига изоҳнома йўсинда яратилганлиги қайд этилганди. Бу каби дунё харитасини изоҳлаш билан боғлиқ ҳолда юзага келган асарлар кейинчалик ҳам пайдо бўлиб турган. Масалан, Абу Зайд Балхийнинг “Сувор ал - ақолим” (яна бир номи “Ашкол ал - ақолим”) асари ёки Нажиб Бакроннинг “Жаҳоннома” асари каби. Ана шундай асарлардан яна бири узоқ Сицилияда яратилган бўлиб, муаллифи ал – Идрисий (1100 – 1165) бўлганди.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ал – Идрисий 1100 йилда Сеута шаҳрида туғилган. Унинг ота – боболари VIII – X асрларда Марокашда ҳукмронлик қилган араб идрисийлар авлодидан ҳисобланади. Абу Абдуллоҳ Идрисий араблар Испаниясининг энг йирик маданий маркази бўлиб турган Кордова шаҳрида ўқиб, маълумотли бўлган. Кўп саёҳат қилган. Марокаш ва Андалусдан ташқари Кичик Осиёда, Португалия, Франция, Англияда бўлган. Олим 1138 йилдан 1154 йилгача

Сицилиянинг Палермо шаҳрида қирол Рожер II саройида хизматда бўлган. Унинг “Нузхат ал – муштоқ фи – ихтироҳ ал - офоқ” (“Саёҳатга муштоқнинг уфқларга саргузаштлари”) номли географик асари ҳам шу масканда ёзилган.

Асарнинг сўзбошисида муаллиф қирол Рожер II нинг шахсан ўзи бу ишга ташвиқ қилганлигини ва асар ниҳоясига етгунча бош – қош бўлиб турганлигини ёзади. Шунга кўра, қирол соф кумушдан каттагина баркаш (К.Наллинонинг аниқлашига кўра унинг диаметри 190 см бўлган) ясашни ва унга етти иқлимни, улардаги мамлакатлар, шаҳарлар, пойтахтлар, денгизлар ва қўлтиқларни, дарёларни, чўлларни, тоғларни ва асосий йўлларни туширишни буюрган. Натижада доира шаклидаги дунё харитаси ва унинг изоҳи ҳисобланган “Нузхат ал – муштоқ...” асари юзага келган.

Фан тарихчилари ал – Идрисийнинг ушбу асари 1154 йилнинг январь ойида, яъни Рожер II нинг вафотидан бир неча ҳафта олдин тугалланганлигини ёзганлар. Дунё харитасининг кумушга ўйиб ишланган асли ўша замонлардаёқ йўқолган. Аммо унинг қоғозда акс эттирилган нусхаси ва изоҳининг айрим таҳрирлари сақланган. Баъзи таҳрирларда асар ҳомий номи билан “ал – Китоб ар – Ружжар” деб номланган.

Асарнинг бошланиш қисмида Ернинг қисқача таърифи берилган. Унда муаллиф Ерни шарсимон ҳисоблаб айланасини 22900 мил деб белгилаган (у қўллаган мил ўлчови 1555 метрга яқин бўлиб, Ер айланасининг узунлиги 35600 км атрофида бўлади). Кейин иқлимлар, денгизлар, қўлтиқлар таърифлангач, етти иқлим бўйича ер юзасининг таърифига ўтилган. Асарда ва харитада кўрсатилган иқлимлар бир хил кенгликда олинган зоналардан иборат бўлиб, Муҳаммад Хоразмий ва Абу Райҳон Берунийлар изоҳлаб берган иқлимлардан фарқ қилади. Бундан ташқари, ҳар бир иқлим ўз навбатида кўндалангига ўн қисмга бўлиб чиқилган ҳамда ҳар бўлакка харита берилган. Шу таҳлид ҳосил бўлган 70 та харита бирлаштириб чиқилса, яхлит дунё харитаси ҳосил бўлган.

Муаллиф асарда ўзи борган ва кўрган ўлкаларни анча батафсил ҳамда жонли таърифлаган. Жумладан, Сицилия, Испания, Шимолий Африка, Франция, Германия, Ирландия каби мамлакатлар таърифи маълумотларга бойлиги билан ажралиб

туради. Одатдагидек, Идрисий ҳам мавжуд адабиётлардан фойдаланган. Унинг ўзи ибн Хурдодбех, Якубий, ибн Ҳавқал, Жайҳоний, Маъсудий кабиларнинг асарларидан фойдаланганини эслатиб ўтган. Птолемей “География”сининг араб тилига қилинган таржимасидан ҳам фойдалангани сезилади. Масалан, Африканинг жанубий чеккалари унинг дунё харитасида ҳам шарққа томон анчагина чўзиб юборилган.

Харитадаги барча камчиликларга карамай, Идрисийнинг атласини И.Ю.Крачковский араб харитаграфиясининг энг муҳим ёдгорлиги, балки ўрта асрларда яратилган энг муҳим хариталардир деб баҳолаганди. Аммо кўпчилик тадқиқотчилар, шу жумладан, И.Ю. Крачковский ҳам Идрисий асарининг Шарқ олами географиясига таъсири деярли сезилмаганлигини таъкидлаганлар. Ал-Идрисий кейинчалик она шаҳри Сеутага қайтиб келади ва 1165 йилда шу ерда вафот этади.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) “Худуд ал-олам” асарининг топилиш тарихини баён қилганда, ушбу асар билан яна учта қўлёзма асар биргаликда бир муқовага жамланган ҳолда бўлганлигини ва шу қўлёзмалардан яна бири 27 варақдан иборат “Жаҳоннома” асари эканлигини айтганди. Ушбу асарнинг муаллифи Муҳаммад Нажиб Бакрон асли хуросонлик бўлиб, охириги хоразмшоҳлардан Аловиддин Муҳаммад Такаш учун 1209 йилда дунё харитасини тузиб, унга “Жаҳоннома” сарлавҳалик изохнома ҳам ёзиб берган экан. Ушбу географияга оид асардан бизнинг кунларга фақат изохномагина етиб келган. Унинг форсча матнини Ю.Е. Борщевский (1960) кириш сўзи ва кўрсаткичлар билан чоп эттирган. Ушбу асарнинг мазмуни ҳақидаги тафсилотлар уч саҳифа атрофида Ҳ.Ҳ. Ҳасановнинг китобида ҳам келтирилган. Унда берилган ушбу парчадан Нажиб Бакроннинг дунё харитаси ҳақида умумий тасавур ҳосил қилса бўлади. “Олам шаклидаги чизиқ ва рангларнинг тасвири шундайки, олам шаклига чизилган кичик доиралар шаҳарларнинг ўрнидир. Бу доирачалар чеккасига ўша шаҳарларнинг номи ёзилган.... Баъзи шаҳарлар устидан ўтказилган қора чизиқлар вилоятлар ва ноҳияларни бир-биридан ажратиб турувчи чизиқлардир, ҳар вилоятнинг номи қизил ранг билан ёзилган. Денгизлар яшил рангда тасвирланган, ўша денгизнинг номи қизил ранг билан ёзилган. Оч қизил чизиқлар дарё ва сойлар, уларнинг номи қизил (рангда) ёзилган. Тўқ қизил

(ранг) – тоғлар ... сарик (ранг)лар – чўллар, баъзилари кумлик, баъзилари тошлоқ-кумлик. Оқ ранг шимолдаги қор ўлкаси, у ерда қор сира аримайди Кўпгина ингичка қизил чизиклар ҳам борки, уларнинг бир қисми шарқдан ғарбга, бир қисми шимолдан жанубга ўтказилган; булар узунлик ва кенглик ёрдами билан ҳар бир шаҳарнинг ўрнини аниқлаш учун ўтказилгандир, бу эса харитага қараганда ҳамма нарсани аён қилиб туради” (1981, 146 бет)

Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг ушбу китобида Нажиб Бакроннинг асари ҳар томонлама ўрганилиб, яхши таҳлил қилиб берилган ва асарнинг мундарижаси ҳам келтирилган. Унга кўра асар муқаддима ва 20 бобдан иборат бўлиб, 52 саҳифани эгаллаган. Биринчи бобда китобнинг ёзилиш тарихи баён этилган. Иккинчи боб – маъмуранинг тасвири ва унинг чеккалари. Учинчи боб – олам шакли, яъни харитадаги чизиклар ва рангларнинг шарҳи. Тўртинчи боб – олам шаклининг фойдаси (ундан фойдаланиш йўллари). Бешинчи боб – жойлар орасидаги масофалар. Олтинчи боб – денгизлар баёни. Еттинчи боб – кўллар баёни. Саккизинчи боб – ороллар баёни. Тўққизинчи боб – дарёлар баёни. Ўнинчи боб – тоғлар баёни. Ўн биринчи боб – чўллар баёни. Ўн иккинчи боб – баъзи шаҳарларнинг номи. Ўн учинчи боб – хуш ҳаво жойлар баёни. Ўн тўртинчи боб – қавмларнинг (барбар, ғуз, манқишлоғ, язир, халлухларнинг) ўз жойларидан янги жойларга кўчишлари баёни. Ўн бешинчи боб – баъзи жойларнинг хусусиятлари (ҳайвоноти, кенг тарқалган касалликлар, аҳолисининг урф-одатлари, жисмоний қиёфаси). Ўн олтинчи боб – баъзи ажойиботлар баёни. Ўн еттинчи боб – маъданлар, жавоҳирлар ва бошқалар. Ўн саккизинчи боб – ҳар жойдан нималар чиқарилади (мамлакатлардан четга чиқариладиган моллар). Ўн тўққизинчи боб – араблар ерининг таърифи. Йигирманчи боб – турли ҳикоялар (жумладан, Фарғонанинг таърифи).

Нажиб Бакрон харитани тузишда ва изоҳномани ёзишда Хурдодбеҳ, Истахрий, Насириддий Тусий, Носир Хисрав, Беруний, Кошғарий асарларидан фойдаланган. Айниқса, Берунийнинг деярли барча географик асарларидан фойдалаган.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, Нажиб Бакроннинг харитасида меридиан ва параллел чизиклари, яъни

градус тўри ўтказилган. Бу ҳол Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг изланишларига кўра Шарқ хариталарида биринчи бор учрашидир. Иккита, шунга ўхшаш меридианлар ва параллеллар ўтказилган харита, кейинчалик Ҳамдаллоҳ Казвиний асарида (1340 й) ва Ҳофиз Абрунинг тарихий географик асарида бўлган. Кейинги икки муаллиф Нажиб Бакроннинг асарида кенг фойдаланганлар.

3.5. Баъзи тарих асарларидаги тасвирий география

Аввал эслатиб ўтганимиздек, ўрта асрлар муаллифларининг кўпчилиги ўз замонаси фанининг бир неча соҳаларини пухта эгаллаган кенг қамровли илм эгалари бўлганлар. Уларнинг айримлари тарих илми билимдони сифатида танилган бўлсаларда, географияга оид алоҳида асарлар ҳам ёзганлар. Масалан, араб тарихчилари Хишом ибн ал-Қалбийнинг (ваф. 820 й) “Китоб ал-ақолим” ва “Китоб ал-булдон” асарлари ёки ал-Якубийнинг (ваф. 897 й) икки жилдлик “Тарих” асарида ташқари “Китоб ал-булдон” номли географияга оид асари ҳам бўлган.

Бошқа бир гуруҳ муаллифлар эса ўзларининг тарихга оид асарларида тасвирий географияга кенг ўрин бериб, бу йўналишда ҳам юқори савияга эга эканликларини намоёниш қила олганлар. Шундай асарлар сирасига Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомъе ат-таворих” (яна бир номи ”Мажмаъ ут-таворах”), Фахриддин Банокатийнинг “Равзат ули ал-боб фи таворих ал-ақобир ва ансоб”, Ҳофиз Абрунинг “Зубдат ат-таворих”, Абдураззоқ Самарқандийнинг ”Матлаъ ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ”Тарихи Рашидий” каби асарларини киритиш мумкин. XIV-XVI асрларда яратилган тарих-география мазмунли ушбу асарлар тарихчилар учун ҳам, география тарихи билан қизиқувчилар учун ҳам бирдек қимматли манбалардан ҳисобланади. Жумладан, 1302-1311 йилларда ёзилган “Жомеъ ут-таворих” номли асар йирик тарихчи олим Рашидиддин Фазлуллоҳ ибн Имомуддавла Абулхайр (ваф.1318 й.) каламига мансуб бўлиб, ўрта асрлардаёқ обрўли ва ишончли манба сифатида олимлар томонидан ўрганилган, таҳрирлар қилинган, шарҳлар ва қўшимчалар ёзилган. Ушбу асарнинг учинчи қисми тўлалигича географик мазмунда бўлган, аммо бу қисм бизгача

етиб келмаган. Аввалги икки қисми эса XIV асрнинг биринчи ўн йиллигигача бўлган замонларда турк мўғул халқларининг Чингизхонгача бўлган тарихи, Чингизхон давридаги унга қарам мамлакатлар тарихига бағишланган.

Фахриддин Банокатий томонидан 1317 йилда Рашидиддин ҳаётлик пайтидаёқ ёзилган “Равзат улул ал-боб фи таворих ал-акобир ва ансоб” (“Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаби бобида донишмандлар боғи”) номли асар ўша “Жомеъ ут-таворих”нинг қисқартирилган варианты экан. Ушбу китоб “Тарихи Банокатий” номи билан ҳам танилган бўлиб, унинг айрим қўлёзма нусхаларини ўрганган Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг (1981) ёзишига кўра, асарнинг еттинчи бобида Ҳиндистон, Арманистон, Эрон, Рум, Хитой, Мўғул, Араб ва яҳудий ерлари таърифланган. Муаллиф асарда Абу Райҳон Беруний исмини кўп бор тилга олган, унинг асарларидан фойдаланган.

“Банокатий тарихи”нинг муҳим хусусиятларидан бири унда дунё (иқлимлар) чизмасини илова қилинганлигидир. Бу китоб чамаси кўп йиллар давомида ўқувчилар эътиборида бўлиб келган, мадрасалар талабалари фойдаланиб юрганлар. Чунончи, 1556-1629 йилларда яшаб ўтган адиб Мутрибий Самарқандий ўзининг “Тазкират уш-шуаро”(1605) номли асарида Банокатий китобидаги дунё харитаси ва Улуғбек мадрасаси деворидаги иқлимлар харитасини чизиб ҳавола этганлиги маълум (И.Бекчанов, 2009). Мутрибий асаридаги ушбу маълумотлар ҳақида Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: ”Мутрибий асаридаги иқлимлар доираси илгари тасвирланган Банокатийнинг иқлимлар доирасига айнан ўхшайди, лекин анча соддалаштирилган. Дунё харитаси эса рангли қилиб ишланган – денгизлар сариқ, ороллар қора доира ичида берилган, иқлимларнинг рақамлари ҳам қўйилган. Хаританинг тахминий эканлиги ва XVII аср бошига мансуб эмаслиги шаклдан кўриниб турибди. Афтидан, Мутрибий географияни ва харитаграфияни яхши билмаган” дея баҳолаганди (1981, 220 б.).

Қуйида мавзуимизга оид яна бир – икки асар ҳақида айтиб ўтмоқчимиз.

“Зубдат ат-таворихи Бойсунқурий” асари қисқача “Зубдат ат-таворих (“Тарихлар қаймоғи”) номи билан машҳур. Асар муаллифининг исм-шарифи Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн

Лутфиллоҳ ал-Ҳавофий бўлсада, тарихда Ҳофиз Аbru (1362-1431) номи билан танилган. Кўп йиллар мобайнида темурийларнинг сарой тарихчиси вазифасида бўлган. Шохрух Мирзонинг ҳукмронлик замонида Ҳиротда ўзининг ушбу тарихий географик асарини ёзган. Ушбу асар бир вақтлар араб тилида ёзилган “Китоб ал-масолик ва-л мамолик” номли асарни форс тилига таржима қилиш жараёнида яратилганди.

Ҳофиз Аbruни китобдаги маълумотлар қониқтирмаган чамаси, унга ўз саёҳатларида тўплаган, турли китоблардан ўқиган маълумотларни қўшиб, янги бир асар яратган. Маълумки, Ҳофиз Аbru кўп саёҳат қилган, кўп ўлка ва мамлакатларда бўлган. Бу ҳақда унинг ўзи: “Йироқ сафарлар асносида шимоли-ғарбий томондан Мовароуннаҳр, Туркистон, Дашти Қипчоқ, Хуросон, (Араб ва Ажам) Ироқлар, Форс, Озарбайжон, Эрон, Муғон, Гуржистон, Катта ва Кичик Арманистон диёрлари, Рус ва Шом ерларининг барчасини, Фрот дарёси соҳилларини ... Хазар соҳилларини ... шарқий томондан эса Зобул ва Кобулларни .. Мўлтон, Ўч ва Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳри Деҳлини (кўрдим), Ганг дарёси қирғоқларигача бир неча бор бордим” деб ёзган (Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, 1981, 152 бет).

“Зубдат ат-таворих” асари ўз даврида ҳам ундан кейин ҳам тарихий-географик манба сифатида кенг фойдаланилган. Дастлаб, Абдураззоқ Самарқандий ва унинг асари орқали Мирхонд ва Хондамир фойдаланганлар. Бу асар фан тарихчиларидан рус олимлари В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Ю.Е.Борщевскийларни ҳам қизиқтирган. Улар асарни ўрганиб, ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Ўзбек олимларидан А.Ўринбоев, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, О.Бўриев асар кўлёзмалари билан яқиндан танишганлар. Жумладан, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов асарнинг Тошкентдаги, Санкт-Петербургдаги ва Оксфордда сақланаётган нусхаларини қиёсий ўрганган ҳолда, ундаги географияга оид маълумотларни икки соҳа (матн ва харита) бўйича батафсил таърифлаб берган. Унингча асар матнининг мундарижасида дастлаб оламнинг умумий баёни берилган, етти иқлим қисмлари таърифланган. Унинг кетидан океанлар, денгизлар, кўллар ва тоғлар, сўнгра айрим вилоятлар (Араб диёри, Мағриб, Рум, Арман, Ироқ, Хузистон, Хуросон ва бошқалар) нинг “масофалари”, яъни ер майдони ва табиий шароитлари баён

этилган. Энг охирида йирик шаҳарлар (Ҳирот, Балх, Марв, Машҳад ва бошқалар) таърифланган.

Асардаги вилоятлар таърифида уларнинг географик ўрни (қайси иқлимда жойлашганлиги), географик координаталари ҳам кўрсатилган. Вилоятларнинг катта-кичиклиги бўйича, энига шунча фарсанг ёки бир ойлик, икки ойлик йўл деб кўрсатилган.

Шаҳарлар тавсифи эса анча батафсил, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарлари. Масалан, асарнинг Мовароуннаҳр қисмидаги шаҳарлар тавсифида Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Термиз каби шаҳарлар, уларнинг ён-атрофи, қалъалари, масжидлари, боғлари, ариқлари, аҳолисига оид маълумотлар кенг берилган. Жумладан, Бухоро шаҳри ва унинг атрофлари ҳақида шундай тасвирлар бор: “Бухоро меваси ҳамма мевалардан яхши ва шириндир, хусусан Бухоро олхўриси бутун ер юзига чиқарилади. Бухорода қайнатилган қиёмни асалдан фарқ қилиб бўлмайди. Тамоми даштда мол бисёр. Бухорода ўтинни аксар боғлардан йиғишади. Ташқаридан ҳам келтиришади. Бухоро яқинида бир тоғ борки, у Самарқанд билан Кеш орасидаги тоғга туташдир ва Усрушна ноҳиятига қадар чўзилган, то Фарғона чегарасигача ва унинг атрофига пайванддир. Ва яна Бухоронинг хосиятларидан дейдиларки, одамларидек ғарибдўст кишилар ҳеч мавзеда йўқдир ... Дабусия – кичик шаҳар. Бухоро билан Самарқанд орасида, ҳозир Самарқандга тегишли, қалъаси бор, айтадиларки, уни султон Жалолиддин қургандир. Дабусиядан Кушонгача беш фарсанг.” Асарда Амударё, Сирдарё, Мурғоб, Зарафшон каби кўп дарёлар жонли тасвирланган. Ушбу тасвирларда тарихий географияга оид маълумотлар талайгина. Масалан, Амударё ҳақида Ҳофиз Абру шундай маълумотларни баён қилган.

“Балх дарёсики, уни Жайхун дейдилар ва Хуросонда Оби Омуйя дейдилар (чунки Омуйя қишлоғида бу дарё орқали Хуросондан Бухорога ўтиладиган кечик бор). Бу сувнинг манбаи Бадахшон томонда, узунлиги 95 даража ва кенглиги 37 даража бўлган мавзедадир. Хутлон ва Вахш чегарасида бешта катта дарё қўшиладики, шу мавзени Панжоб деб айтадилар. Сўнгра бу дарё ғарб томонга оқиб, Балх чегарасидаги узунлиги 91 даража ва кенглиги 36 даража-ю 40 минутдаги жойга етади, ундан кейин Термизга боради ва у ердан жануби-ғарбга томон оқиб, узунлиги

89 даража ва кенглиги 34 даражали жойга боради, у ердан шимоли-ғарб томонга йўл олиб, то Омуйяга – узунлиги 84,5 даража ва кенглиги 36 даражададир – бу ердан ҳам шимоли-ғарбга юриб, узунлиги 84 даража-ю 45 минут ва кенглиги 40 даражали жойдан ўтади ... Қадимий тўплам китобларда ёзилганки, бу дарё шу ердан, яъни Хоразмдан Хоразм кўлига оқади. Аммо у кўл ҳозир йўқ бўлиб қолган. Сув Хазар денгизига қараб йўл солган ва Гурлади дейилган жойда уни Арича (Ўғурча) ҳам дейилади, Хазар денгизига қуйилади. Хоразмдан то Хазар денгизига қуйилганга қадар аксари чўл устидан оқади.”

Бу каби тавсифлар бошқа дарёларга ҳам хос. Уларга ҳам бошланиш, қуйилиш жойларининг географик координаталари кўрсатилган ҳолда таъриф берилган.

Ҳофизии Абру асарининг аҳамиятли томонларидан бири ундаги ҳар бир вилоят ёки ўлканинг таърифи харита билан бойитилганлигидир. Асарда дунё харитасидан бўлак баҳри Рум (Ўрта денгиз), Жазира, Мағриб, Ироқ, Хузистон, Форс, Миср, Шом, Хуросон каби вилоятларнинг хариталари берилган. Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг тадқиқотларига қараганда, асар нусхаларидаги хариталар сонидан ҳам, тузилиши ва мазмунида ҳам фарқлар мавжуд.

Асарда берилган дунё харитаси ҳам ўзининг (ўлчамлари 34-45 см) катталиги, градус тўрининг мавжудлиги, иқлимлар чегараларининг акс эттирилганлиги билан ўзига хосдир.

Ҳофизии Абру асарида дунёнинг харитаси ва вилоятларнинг хариталарини берилиши жиҳатидан асарни Балхий – Истахрий – Ҳавқал асарларига ўхшатиш мумкин. Балки Ҳофизии Абру таржима қилишга олган китоб шу олимлардан бирининг асари бўлиши ҳам мумкин. Асардаги дунёнинг доиравий харитасига алоҳида эътибор берган Ҳ.Ҳ.Ҳасанов у ҳақда бир қатор муҳим хулосаларга келган. Масалан: 1) Асарнинг Тошкентда сақланаётган нусхасидаги харита ҳар жиҳатдан мукаммал, китоб матнига мос, иқлимларнинг чегаралари ўрта аср фани талабларига анча тўғри келади. бу нусха ҳақиқатдан ҳам ягона ва афзал, эҳтимол, хаританинг асл нусхасидир; 2) Ҳофизии Абру харитаси денгизлар ва қуруқликнинг шакли ҳамда бошқа жиҳатлардан Беруний чизган харитага ўхшайди. Демак, Беруний асаридан фойдаланган. Нажиб Бакроннинг харитасига ҳам анча

яқин. Яъни, Беруний – Нажиб Бакрон – Ҳофиз Аbru ўртасида чинакам илмий алоқа бўлган; 3) Дунё харитасини Ҳофиз Аbruнинг шоҳ асари деб дадил айтиш мумкин. Бу харита билан Шарқ харитаграфияси фахрланса арзийди.

О.Бўриев “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё” (1997) номли китобида Ҳофиз Аbruнинг яна бир “География” номли қўлёзма асарини ҳам тилга олган. Муаллиф Марказий Осиёнинг табиати, чунончи денгиз ва қўллари, дарёлари, тоғлари, ободончилиги, шаҳарлари, айниқса, Ҳирот ва унинг атрофлари, булуқлари (туманлари) Бодғис ва Мовароуннаҳр вилоятлари ҳақида сўз юритганда Ҳофиз Аbruнинг ушбу қўлёзмасига бир неча бор мурожаат қилган.

Бобурнома. Бу асар кўпчиликка маълум ва машҳур. Уни ўзбек классик адабиётининг XV аср охири XVI аср бошларида яшаб ижод этган йирик намоёндаси, ғазалхон шоир, атоқли сиёсий ва маданий арбоб, подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзган. Ўша замонлар ўзбек адабий тилида ёзилган бу асарни муаллифнинг ўзи “Бобурия” деб номлаган, форсий таржималарда эса “Воқеоти Бобурий”, “Тузуки Бобурий” номлари билан ҳам танилган. XX аср бошларида Бобурнинг ушбу асарини инглизчага таржима қилиш ва унинг илмий танқидий таҳлили билан жиддий шуғулланган олима Аннет Бевериж: “Бобурнома бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир” деб ёзганди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда темурийзода Умаршайх Мирзо ва Мўғилистон хонларидан Юнусхоннинг иккинчи қизи Қутлуғ Нигорхоним оиласида таваллуд топган. Бобурнинг ёзишича, отаси Умаршайх Мирзо Абусаид Мирзонинг тўртинчи ўғли бўлган. Султон Абусаид Мирзо эса Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли бўлган. Султон Муҳаммад Мирзо эса Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзонинг ўғли бўлган. 1494 йил рамазон ойининг тўртинчи куни душанбада Умаршайх Мирзо 39 ёшида жар ёқасидаги баланд Акси кўрғонидан кабутар ва кабутархона билан жарга қулаб вафот этади. Шу кундан бошлаб, 12 яшар Заҳириддин ота мерос Фарғона вилояти тахтига ўтиради ва қисқа умрининг охирига қадар, яъни 1530 йилга қадар унинг ҳаёти саргузаштлар, жангу-

жадал, тахт талашиш, юрт олиш можаролари билан тавсифланади. Баъзан ғолиб бўлган, баъзида енгилиб қочишга тўғри келган. Охир оқибат ватанини ташлаб кетишга ва ўзга юртларда ватанини соғиниб яшашга тўғри келади. Ҳаётида кўп сарсон-саргардонликларни бошдан кечирган. Бундай оғир сарсонликлардан бирини унинг қизи Гулбадан ўзининг “Хумоюннома” китобида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз одамлари билан “250 га яқин киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ бўлган ҳолда, беяроқ, худога таваккал қилиб, Бадахшон ва Кобулга қараб йўл олдилар” - деб ёзганди. Бунда “подшоҳнинг онаси ҳам ҳамроҳ эди. Подшоҳ мулозимларининг кўпчилиги аҳли аёллари билан кўчмоқда эди... Маккор фалакнинг зулумкорлигига кўра ҳар бир азииз ва гавҳар каби пок кишилар учун тайёрланган жафокорлиги ва душманлиги, хорликка солишлари қанча бўлса, уларнинг ҳаммаси ана шу сафарда Бобур подшоҳнинг ва унинг сафдошлари бошларига ёғилди” (Тарихи Рашидий, 2010. 250 б.).

Бобурнинг инсоний хислатлари ва айрим асарлари ҳақида “Бобурнома”ни оққа кўчирган котиблардан бири ёзиб қолдирган қуйидаги мухтасар сатрлар ҳам эътиборлидир. ”Ва маҳолдирким, ул подшоҳи қобил (яъни, Бобур)нинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужмал буким, секкиз сифати анинг зотиға муттасил эрди: бириси бу ким, нажхати баланд эрди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учумчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешимчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти тенгри таоло бандаларига; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) кўлга олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ. Ва фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эрди. Алал-хусус туркий девони бордурким, оти “Мубаййин”дур. Тил билур доно халқ орасида анингдек латоиф йўқтур. Ва Хожа Аҳрор айтган рисолаким, анинг оти “Волидия”дур ўшал подшоҳ назм қилибтур. Ушбу китобким, “Бобурия”дур. Байрамхонни ўғли Мирзохонга буюрдиларким, туркийдан форсийга келтургилким, туркий билмоғон холойикқа осон бўлғай. Ул подшоҳ мусикий илмидан ҳам хабари бор эрди... Ва ул подшоҳ аруз ва қофияга ҳам рисоалари бор ва ул жумладан, “Муфассал”

деганким, ушбу фан шарҳи бўлғай, кўпдан-кўп яхши тасниф қилибтурлар...”

Бобурноманинг 1989 йил нашрининг 356-357 бетларида илова қилинган бу сатрларни географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг айтган қуйидаги жумлалари янада тўлдиради: “Бобур кўпгина асарлар ёзган. Унинг асарлари шу қадар қизиқарли, сермазмун, тили ва услуби ёқимлики, ўқиб, ҳеч зерикмайсиз, ҳар ўқиганингизда янгилик топаверасиз. Бобур асарлари бамисоли таги йўқ хазина. Унинг асарларини кўздан кечирсангиз уларни география ва табиётга доир маълумотларга жуда бой эканлигини кўрасиз, муаллифнинг ажойиб ўлкашунос, табиатшунос олим, жасур сайёҳ бўлганлигини пайқаб оласиз” (1981, 183 б.).

“Бобурнома” Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг энг йирик, шоҳ асаридир. Бу - Бобурнинг Фарғонадаги ёшлик кунларидан то Ҳиндистонда подшоҳ бўлганигача юз берган жами воқеаларнинг муфассал тавсифидир. “Бобурнома”да Бобурнинг ўзи ҳам, қавм-қариндошлари, таниш-билишлари, жанглари, кўрган ва юрган ерлари, жойларнинг табиати, бойлиги, одамлари, урф-одатлари, ҳайвоноти ва экинлари, хуллас, Фарғонадан то Ҳиндистонгача бўлган кенг территория бошдан-оёқ бирма-бир тавсифланган” (1983, 11 б.).

Бобурнома тарих ва этнографиядан ташқари географияга оид маълумотларга шунчалик бойки, ҳатто унинг айрим парчаларини шарқшунос Витсен 1705 йилда голланд тилига таржима қилиб, унга “Татарлар мамлакатининг шарқий ҳам шимолий қисмининг жуғрофий таърифи” деб ном берганди. Бобурнинг географик тавсиф бериш маҳоратига асарнинг бошланишидаёқ дуч келамиз. Бу Фарғона вилояти ва у ердаги шаҳар ва айрим қишлоқларнинг географик тавсифидир.

“Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида воқе бўлибдур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмалиқ ва Олмоту ва Янги ким, кутубларда Тароскент битирлар, муғул ва ўзбек жихатдин бу тарихда бузулубтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон. Гирдогирди тоғ воқе бўлубтур. ғарбий тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғи келаолмас.

Сайхун дарёсиким, Хўжанд сўйиға машхурдур, шарқ ва шимолий тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб ғарб сари оқар, Хўжанднинг шимолий Фанокатнинг жанубий тарафидинким, ҳоло Шохрухияга машхурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сари борур. Туркистондин хейли қуйироқ бу дарё тамом қумга сингар, ҳеч дарёға қотилмас. Етти пора касабаси бор; беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жонибида. Жанубий тарафидаги касабалар бир Андижондурким, васатта воқе бўлибтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпоттисидан яхшироқ ношпотти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш кўрғонидан сўнгра мундин улуғроқ кўрғон йўктур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқе бўлибтур. Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандакнинг тош ёни сангрезалиқ шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳоллоттур. Бу маҳалла бирла қалъага фосила ушбу хандактур ва ёқаси доғи шоҳрухтур. Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугатаолмайдур. Эли турктур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўктур. Элининг лафзи қалам бирла росттур... Элининг орасида ҳусн хийли бордур. Юсуф Хожаким мусикада машхурдир, Андижонийдир. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл-безгак кўп бўлур”.

Ушбу сатрлардан сўнг Ўш, Марғилон, Исфара, Хўжанд шаҳарлари, Кандибодом, Ахси, Косон каби кичик шаҳарчалар бирин-кетин моҳирона таърифланган. Буларни ўқиган киши Фарғона водийсининг орографияси (ер юзасининг тузилиши), географик ўрни, чегаралари, сувлари, иқлими, шаҳарлари, одамлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Шаҳарлар таърифи ҳам табиий ва иқтисодий географик жиҳатдан равон ва қизиқарли баён қилинган. Бунда ўхшатишлар ва қиёсий таърифлар ҳам бор.

Бобур ўз асарида ўрни келганда бошқа шаҳар ва жойларни ҳам таърифлаб ўтган. Масалан, 1497-1498 йиллар воқеалари баёнида Самарқанд ҳақида шундай ёзади: “Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур.

Тули 99 рамзи нужумий 56 даража ва дақиқадур, арзи 40 даража ва 40 дақиқадур. Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба билан мунга даст топмағон учун балдаи маҳфуза дерлар. Самарқанд ҳазрати амирулмўъминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур. Ҳоло мазори Шоҳға машҳурдур. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирқанд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Қўрғонини фасилнинг устидан буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олтиюз қадам чикти... Маъмуранинг канорасида воқе бўлубтур. Шарқи Фарғона ва Қошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошқанд ва Шохрухияким Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз, Кўҳак сўйи шимолидин оқар, Самарқанддин икки куруҳ бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубдур, Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидан оқар учун Кўҳак сўйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айирибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам сўйи дерлар. Самарқанднинг жанубидан оқар. Самарқанддин бир шаръий бўлғой. Самарқанднинг бағот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув билан маъмурдур. Бухоро ва Қора кўлгачаким, ўтгуз-қирқ йиғоч йўлга ёвуклашур. Кўҳак сўйи билан маъмур ва мазруъдир. Мундоқ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорога сув етмас. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўп бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур.” Бобурнинг ушбу географик тавсифлар давомида Самарқанднинг Амир Темур ва темурийлар бунёд этган бинолар, мадрасаю-масжидлар, ҳаммомлар, бозорлар, Самарқанд атрофидаги ўланглар ва куруҳлар, вилоятлар: Бухоро, Кеш, Қарши, Ғузор, Кармина, Қорақўл ва Шовдор тумани қисқа-қисқа таърифлаб ўтилган.

Бобур Самарқандда Мирзо Улуғбек 1427-1429 йилларда курдирган расадхона ҳақида ҳам шу саҳифаларда тарих учун муҳим маълумотлар келтирган, яъни: “Яна бир олий иморати пуштайи кўҳак доманасида расаддурким, зиж битимакнинг

олатидур. Уч ошъёнлиқтур. Улуғбек мирзо бу расад била Зижи Курагонийни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар. Мундан бурун Зижи Элхоний мустаъмал эдиким, Хўжа Наср Тусий Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлатибтур. Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Ғолибо оламда етти-секкиз расад беш боғламайтурлар. Ул жумладин бир, Маъмун халифа расад боғлабтурким, Зижи Маъмунийни андин битибтурлар. Бир Батлимус ҳам расад боғлабтур. Яна бир Ҳиндистонда рожа Бикраможид ҳинду замонида Ўжин ва Даҳордаким, Молва мулкидур, ҳоло Мандуға машҳурдур. Яна бир расад қилибтурлар, ҳоло ҳиндуларнинг мустаъмал Ҳиндистонда ул зиждур. Бу расадни боғлоғони минг беш юз сексон тўрт йилдур. Бу ул зижларга боқа ноқисроҳдур.”

Айтиш лозимки, Бобур ҳаётлик йилларида Улуғбек расадхонаси ҳали мавжуд эди. Унинг кейинчалик қачон бузилгани ҳақида исбот талаб турли фикрлар билдириб келинади. Яқинда шарқшунос-тарихчи олим Исмоил Бекчанов ўзининг “Мутрибий тазкиралари муҳим адабий манба” номли илмий монографиясида ушбу масалага ойдинлик киритиб, 1586-1598 йилларда Самарқанд ҳокими бўлиб турган Ҳожибий Дўрмон “Ул ўхшаши йўқ латиф иморатни бузиб ташлаб, ғишт ва бошқа қурилиш анжомларини Шодмулк Оқо (Соҳибқирон Амир Темур келини, Султон Халилнинг хотини) Кўҳак дарёси устига қурдирган кўприк таъмирлашига ишлаттирган”лигини ва бу воқеа 1594 йилда рўй берганлигини аниқлаб берди (2009, 139-140 б.).

Бобур вилоятлар ва шаҳарларга географик таъриф берар экан маълум бир тартибга амал қилганлигини кўрамиз. Бу тартиб ҳозирги замон географиясида ҳам сақланган, биров мукаммаллашган, холос. Ушбу тартиб Фарғона вилояти ва шаҳарлари, Самарқанд ҳамда Қобул вилояти ва шаҳарлари тавсифида яққол сезилади. Бу тартиб таърифланаётган жойнинг географик ўрни ва чегарадош ҳудудларнинг номини айтиш билан бошланади. Кейин вилоятнинг катта ёки мухтасарлиги, ер юзасининг тузилиши, об-ҳавоси, яъни иқлими, сувлари (бунда кўл, дарёлари, чашмалари таърифланади), ўсимликлари (дарахтлари, ўтлари, буталари, мевалари, ҳатто ўтинлари ҳам), ҳайвоноти (уларни бошқа вилоятларда учраши ёки учрамаслиги),

ов ҳайвонлари ва қушлари, сўнгра аҳолиси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, етиштирадиган ва ишлаб чиқарадиган моллари, четга чиқариладиган ёки четдан келтириладиганлари ҳақида қизиқарли баён қилинганлигини кўрамиз. Йўл-йўлакай ариқ ва каналлар, ҳовузлар, дарёларда қурилган банд (тўғон)лар ҳақида маълумотларни учратамиз. Бобурномада жойларнинг ҳавоси, ёғин-сочин, ўсимлик ва ҳайвонотининг таърифларида қиёсий усул моҳирона қўлланилганлигини кўрамиз. Тоғларнинг таърифларида эса ёнбағирларнинг дунё томонларига нисбатан қандай жойлашганлиги ва бунинг натижасида табиатидаги фарқларга алоҳида эътибор берилганлигини сезамиз.

Асарда топонимикага доир жумлалар ҳам анчагина. Жой номлари, ўсимлик ёки баъзи ҳайвонлар қаерда қандай аталиши сабаблари ҳам тушунтириб ўтилган. Жумладан, мана бу сатрлар эътиборга лойиқ: “Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур. Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жулғасининг бирдек бўлур ва хўп бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отға бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бу ўтни бутака ўти дерлар, важҳи тасмияси маълум эмас эрди. Бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун бутака дерлар эмиш”. Дарвоқе, чорва учун ниҳоятда тўйимли бўлган бу ўтни геоботаник мутахассислар лотинча *Festuca sulcata* деб номлаганлар, рус адабиётида эса типчак номини олган. Чотқол, Қурама яйловларида чўпонлар уни ҳозирги кунда ҳам бетага деб, бу ўт кенг тарқалган жойларни эса Бетагалик деб атайдилар.

Бобур ўзи юрган, борган ва кўрган жойлари ҳақида ёзар экан, дуч келган табиат ҳодисалари ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтади. Асарда ҳавонинг иссиқ - совуқлиги, қор ва ёмғирлар, зилзилалар ва ҳоказолар анча жонли баён қилиб ўтилган. Масалан, 1505-1506 йил воқеалари баёнида Кобулнинг шимолида рўй берган зилзиланинг шоҳиди бўлган Бобур ҳодисани шундай таърифлаган: “Бу аснода андоқ зилзила бўлдиким, кўрғоннинг фасллари ва боғларнинг томлари аксар йиқилиб, шаҳарда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остида қолиб, ўлган бисёр бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди, етмиш-сексон убдон кадхудолар том остида қолиб ўлдилар. Памғон била Бектут орасида бир парча ерким

арзи биргина тош отими бўлғай, учуб, бир ўқ отуми қуйи борди. Учқан ернинг ўрнидин чашмалар пайдо бўлди. Истарғичтин майдонгача тахминан олти етти йиғоч йўл бўлғай, ер андоқ ёрилиб эдиким баъзи тарафи белча баланд бўлур эди, баъзи тарафи белча паст, ёрилган ерга баъзи ерда киши сиғар эди. Зилзила бўлгон замон жамиъ тоғларнинг бошидан гардлар кўпти. Нурулло тамбурчи қошимда соз чаладур эди, яна бир соз ҳам бор эди, ўшал замон ҳар икки созни илигига олди, андоқ беихтиёр бўлдиким, созлар бир бирига урундилар... Ўшал кун ўттиз уч қатла ер тебраниди. Бир ойгача ҳар кеча-кундузда икки ва уч қатла ер тебранур эди”.

Маълумки, Бобур 1504-йилда Кобул вилоятини эгаллагач йирик Кобул давлатини барпо этади. Бадахшон, Қундуз ва Қандахор вилоятлари ҳам унинг тасарруфида эди.

Бобурноманинг 909 йил (1503-1504) воқеалари баёнида Кобул вилояти географияси батафсил ёритиб берилган. Жумладан, унинг географик ўрни, чегарадош вилоятлар, тоғлари, чашмалари, йўллари, савдолари, иқлими, мевалари, ён-атрофдаги ялангликлар, тоғлардаги довлонлар, дарёлари ва уларда сувнинг оз-кўплиги лўнда-лўнда таърифланган. Вилоят халқи, уларнинг тили ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Жумладан, “Кобул вилоятида ўн бир-ўн икки лафз билан талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, баракий, габрий, ламғоний. Мунча мухталиф ақвом ва муғойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятта бўлғай” деб ёзганди Бобур. Шунингдек, вилоятларнинг маъмурий бўлинишини баён қилар экан, Кобул вилояти ўн тўрт тумандан иборатлигини, вилоятларнинг қисмларини бу ерда туман деб, Андижон ва Қошғарда ўрчин, Ҳиндистонда паргана деб номланишини ҳам эслатиб ўтади.

Кобулнинг шарқидаги Ламғонот вилоятини беш туман икки бўлукдан иборатлиги айтилиб, ҳар бирига қисқа-қисқа таъриф берилган. Шаҳарлари ва уларгача бўлган масофалари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Сўнг Ғазни вилояти ва бошқа туманлар ҳам шу тақлид таърифлаб берилган. Ушбу вилоятларда кийик овлаш, қуш ва балиқ овлаш усуллари батафсил ёритилган.

Бобур Кобул вилоятига географик тавсиф берар экан, вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини, бошқа вилоятдан

фарқларини кўрсатишга алоҳида урғу берган. Унинг Кобул вилоятига оид таърифларидан бир-икки жумла мисол келтириш ўринлидир.

- Кобул вилояти тўртунчи иқлимдиндур. Маъмуранинг ўртасида тушубдур. Шарқи Ламғонот ва Пуршовар ва Ҳашанғар ва баъзи Ҳинд вилоятидур. Ғарби кўҳистонлардурким, Карнуд ва Ёўр ул кўҳистондадур. Шимоли Қундуз ва Андароб вилоятидур. Ҳиндикуш тоғи воситадур. Жануби Фармул ва Нағар ва Банну ва Афғонистондур. Мухтасар вилоятдур. Тулоний воқе бўлубтур. Тули машрикдин мағрибқа боқадур. Атроф ва жавониби тамом тоғдур. Қалъаси тоғқа пайвастандур.

- Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволик ер оламда маълум эмаским, бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас. Қишлар агарчи қори аксар улуг тушар, вале муфрид совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаволикқа машҳурдир, вале муфрид совуқлари бордур.

- Кобул вилояти берк вилояттур; ёт ёғи бу вилоятқа кирмаги мушкулдур. Балх ва Қундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндикуш тоғи тушубтур.

- Гармсер ва сардсери ёвуқдир. Кобулдан бир кунда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ёғмас. Икки соати нужумийда андоқ ерга борса бўлурким ҳаргиз қори ўксумас, магар аҳёнан андоқ ёз келгайким, қор қолмағай.

- Гармсер била сардсер орасида фосила Бодом Чашма кўталидур. Бу кўталнинг Кобул тарафида қор ёғар. Қўруқ сой ва Ламғонот тарафида қор ёғмас. Бу кўталдан ингач, киши ўзга оламе мулоҳаза қилур: йиғочлар ўзгача, ўтлар ўзгача, жониворлар ўзгача, элининг роҳу расми ўзгача.

- Кўҳи Сафид Нингнаҳорнинг (Ламғон вилоятидаги туман) жанубида воқе бўлубтур. Бангаш билан Нингнаҳорга восита ушбу тоғдур. Отлиққа йўл йўқтур. Тўққиз руд ушбу тоғдин чиқар. Бу тоғдан қор ҳаргиз ўксумас. Бу жиҳатдин ғолибо Кўҳ Сафид дерлар.

- Бу вилоятларда Ғазни ва Хоразм совуқлик била машҳурдир, нечукким, Ироқайн ва Озарбайжонда Султония била Табрез совуқлуқ била шуҳрати бор.

Кобул вилоятининг таърифига оид саҳифаларда бу каби маълумотлар анчагина. Уларда Бобур ҳар бир юрган йўли, ошиб

ўтган довлари, кечган дарёлари, тизмаларнинг ёнбағри ва сувайирғичлари, тангалари ҳақида маълумотлар бериб ўтади. Ушбу саҳифаларни ўқиган киши Кобул вилояти ҳақида, унинг табиати, халқи, шаҳарлари, карвон йўллари, савдо муносабатлари, иншоотлари ва умуман тарихий географияга оид кўпдан-кўп аниқ маълумотларни топа олади.

Маълумки, Кобул Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иккинчи ватанидек бўлиб қолган эди. Унинг оиласи ва яқинлари Кобулнинг Болоҳисор аркида яшаганлар. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хоним шу манзилда вафот этган, шу ерда - Боғи Наврўзийда дафн этилган. Ўғиллари Хумоюн ва Комрон, Аскарӣ Мирзо, кизи Гулбадан шу шаҳарда туғилганлар. Шундай бўлсада, Бобур ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ҳиндистонни ҳам фатҳ этишга қарор қилганди. Бобурнинг ўзи “Ул тарихдин бу тарихқача (яъни, 1504 йилдан 1526 йилгача) ҳамиша Ҳиндистон ҳаваси қилинур эрди” деб ёзганди. 1519 йилдан 1526 йилгача Ҳиндистонга беш марта юриш қилади ва ниҳоят, бешинчи навбат юришда Деҳлининг шимолидаги Панипат ёнида Иброҳим Лўдий лашкарини узил-кесил енгади. Натижада шимолий Ҳиндистон фатҳ этилади. Орадан бир йилча ўтгач, яъни 1527 йилнинг март ойида Чандирий кўрғонида Четур, Мандов (Молва ҳам дейилади) вилоятлари ҳукмдори Роно Сангони ҳам енггач, Ҳиндистонда йирик бобурийлар давлати тузилади. Бу ерда Бобур авлодлари, яъни “Бобурийлар сулоласи” уч юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилганлар. Аммо Бобурнинг ўзи бу юртда кўп яшамади. 1530 йил кузида қаттиқ хасталанган Заҳириддин Муҳаммад Бобур тахтни ўғли Хумоюнга топширади ва 26 декабрда пойтахт Аграда вафот этади. Уни дастлаб ўзи барпо этган Боғиоромда дафн этганлар. Кейинроқ фарзандлари Бобур васиятини бажо келтириб, унинг хокини Кобулдаги Боғи Бобурга кўчирганлар.

Бобурномада Ҳиндистоннинг табиий шароити, сиёсий-иқтисодий аҳволи, халқи ва урф-одатлари, шаҳар ва бинолари таърифи йигирма саҳифани эгаллаган. Асарнинг ушбу қисмини бемалол “Ҳиндистон географияси” деб номлаш мумкин. Унда баён қилинган географик тавсифлар ўзининг аниқ ва қизиқарлилиги билан эътиборга лойиқ. Ушбу таъриф ва тавсифлардан айримларини келтирамиз.

- Ҳиндустон мамолики вае ва пурмардун ва пурҳосил вилоят воқе бўлибтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсига мунтаҳи бўлур. Шимоли бир тоғдурким Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқе бўлибтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш.

- Ҳиндустон аввалги иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учинчи иқлимдиндур. Тўртинчи иқлимдин Ҳиндистонда йўқтур. ғариб мамлакате воқе бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқе бўлубтур.

- Ҳиндустонда уч фасл бўлур, тўрт оии ёздур, тўрт оии пашкол (яъни ёмғирли), тўрт оии қиш. Ойларнинг ибтидоси ҳилоли ойларнинг истиқболидиндур. Ҳар уч йилда бир оии пашкол ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилда қиш ойларига зиёда қилурлар. Яна уч йилда ёз ойларига.

- ...пашкол ҳаволари бисёр хўп бўладур. Гоҳ куни бўладурким, 10-15-20 қатла ёғадур. Ёғинларида бир замонда селлар келадур, ҳеч сув йўқ ерларда дарёлар оқадур. Ёғар маҳалида ва ёғибтурғон маҳалларида ғариб яхши ҳаволар бўладур... Айби бу дурким, ҳаво кўп пурнам бўладур.

“Бобурнома”да Ҳиндистонга доир бундай географик тавсифлар анчагина. Уларнинг барчаси бирма-бир келтирилса мўъжазгина қизиқарли бир китоб ҳосил бўлади. Айниқса, тоғлар, дарёлар, иқлим, ҳайвонот, қушлар, сув ҳайвонлари, балиқлар ҳақида маълумотлар ниҳоятда қизиқарли баён қилинганки, ўқиб зерикмайди киши. Ҳиндистон ўсимликлари, экинлари, мевади дарахтлари, гулларига доир маълумотлар ҳам шундай. Асарда ҳинд элининг вақт ўлчовлари, кеча-кундузнинг бўлиниши, ҳафта кунлари, оғирлик ва масофа ўлчов бирликлари ҳам қисқа ва лўнда баён қилинган.

Умуман олганда, “Бобурнома”даги географияга доир маълумотлар бошқа тарих асарларидаги маълумотлардан ўзининг аниқлиги, мукамал ёритилганлиги билан ажралиб туради. Чунончи, географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: “Бобур Фарғона ва Самарқанд, Афғонистон ва Ҳиндистон географиясини ўзбек

тилида биринчи бўлиб тасвирлаган олим десак хато бўлмас” - деб ёзганди (1981, 206 б).

“Тарихи Рашидий”. Бу XIV аср ўрталаридан XV аср ўрталаригача ҳукмронлик қилган мўғул хонларининг тарихи баён қилинган йирик асардир. Унинг муаллифи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кичик замондоши ва қариндоши Мирзо Муҳаммад Ҳайдардир. Асар муқаддимасида муаллиф ўзини “Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон, дўстлари орасида Мирзо Ҳайдар номи билан танилган кимса” деб таништиради. Тарихга оид адабиётда ҳам шу ном билан машҳур. Бобур билан Мирзо Ҳайдарнинг қариндошлиги тафсилотлари “Бобурнома” да ҳам “Тарихи Рашидий”да ҳам бор. Шу маълумотларга кўра, Бобур ва Мирзо Ҳайдарнинг она томонидан боболари Юнусхон ўқимишли, билимдон, мулоҳазали ва оқил кишилардан бўлган. Ёшлик йилларида (1430-1442) машҳур “Зафарнома” асарининг муаллифи, тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий ҳузурида шогирдлик хизматида бўлган. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишига кўра, “Юнусхон Яздий қошида шундай билимларни эгалладики, унгача ҳам, ундан кейин ҳам мўғул ҳоконлари орасидан бундай инсон чиқмади...”

Юнусхон қуръонни қироат қилган ва кўчирган, шоирлик иқтидорига эга, хушсухбат, хуштабиат киши бўлган, илмий муаммодан хабардор, хушхат, мусаввир ҳам бўлган, шунингдек, фақат нозик табиатли кишиларгагина хос қобилият эгаси ҳам бўлиб, чунончи, мусиқий асбобларни чалиш ва ашула айтишда ҳам мумтоз бўлган”.

Юнусхон Шерозда яшаб юрган кезлари Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори темурий султон Абусаид Мирзо уни Самарқандга чақиртириб, турли шартлар ва келишувлар билан Мўғулистонга жўнатиб юборади. У ерда Юнусхон Кунжи ҳокими Мир Шер Ҳожи Кунжининг қизи Эсан Давлат бегимга уйланади. Ундан Юнусхон уч қиз фарзанд кўради. Аввалроқ, Султон Абусаид мирзо билан бўлган суҳбатдан сўнг Юнусхон: “Султон Абусаид мирзо мўғуллар билан темурийлар орасидаги душманликни дўстликка айлантирди, мен эса шу дўстликни қариндошликка айлантираман. Агар қиз фарзандим бўлса, Султон Абусаид мирзонинг ўғлига бераман” деб аҳд қилганди. Шунга биноан Юнусхон катта қизи Меҳр Нигор хонимни Султон

Абусаид мирзонинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад мирзога, иккинчи кизи Қутлуғ Нигор хонимни Султон Абусаид мирзонинг тўртинчи ўғли Умаршайх Мирзога, яъни Бобурнинг отасига узатган эди.

Бу орада Юнусхон Тошкентда хасталаниб, икки йилга яқин ётиб қолади ва 1487 йилда 74 ёшида вафот этади. Уни Тошкентда Шайх Хованд Тахурнинг табаррук мозори ёнига дафн этадилар. Шу йилиёқ унинг ўғли Султон Маҳмудхон мўғул хонлиги тахтига ўтиради.

“Тарихи Рашидий”да ёзилишича Мирзо Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Ҳусайн Султон Маҳмудхон билан жуда яқин дўст бўлишган. Султон Маҳмудхон уйлангач, орадан бир йил ўтиб Муҳаммад Ҳусайнни ҳам ўзидан бир ёш катта бўлган опаси Хўб Нигор хонимга уйлантириб қўяди ва уни “Кўрагон” унвонига сазовор қилади. Уларнинг никоҳи 1493 йилда Тошкент шаҳрида ўқилган. Орадан олти йил ўтгач, яъни 1499 йилда Тошкентда шу оилада тўртта киздан сўнг Мирзо Ҳайдар туғилади. Аммо тез орада, яъни 1501 йилда Мирзо Ҳайдарнинг онаси Хўб Нигор хоним бетобланиб вафот этади. 1509 йилда эса Мирзо Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Ҳусайн ҳам Шайбонийхоннинг буйруғи билан яширинча қатл эттирилади.

Шундай қилиб, болалик даврида ота-онасиз етим қолган Мирзо Ҳайдар подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан опасингилларнинг фарзандлари, яъни холавачча бўлганлар. Мирзо Ҳайдарнинг ҳаётида ҳам таҳликали кунлар, саргардонликлар бўлган. Жумладан, Муҳаммад Ҳусайн ҳаётлик пайтида куёви Убайдуллоҳхон (Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг ўғли) Мирзо Ҳайдарни отасининг ижозати билан Бухорога, опаси Ҳабиба Султон Хоним олдига олиб келади. Аммо Шайбонийхон Муҳаммад Ҳусайнни қатл эттиргач, Бухорога одам юбориб Мирзо Ҳайдарни Амударёга чўктириб юбориш ҳақида буйруқ беради. Ўша ҳаёти учун таҳликали кунлардаги ўзининг аҳволини Мирзо Ҳайдар шундай баён қилганди: “Ана шундай қаҳри каттиқ, зулмқору қудратли ҳукмдор (Шайбонийхон демоқчи) мени ўлдириш қасдига тушди, ҳали ёшим болаликнинг ярмидан ҳам ўтмаган эди. Мен ҳали ўнг қўлимни чап қўлимдан, яхшилиқни ёмонликдан ажрата олмасдим, ҳали овқат топиб ейишга кучим етмас, бирор нарсани ўзимча ҳал қилишга ҳали

ақлим ҳам у даражада эмас эди. Ота-онасиз етим бўлиб қолдим. Амакиларим ҳар қаёққа тарқалиб кетишган, тоғаларим шаҳид бўлган, менга ғамхўрлик қиладиган акам ҳам, кўнглимга таскин берадиган қариндошим ҳам йўқ эди” деб ёзганди.

Шундай кунларнинг бирида Мирзо Ҳайдар устози Мавлоно Муҳаммад билан бирга Мавлоно Муҳаммад Қозининг кўрсатмасига биноан Бухородан қочиб, Ҳисори Шодмонга, у ердан Хатлоннинг Пушанг кентига, ундан сўнг Рустоқ орқали Бадахшон пойтахти Қалъаи Зафарга етиб келадилар. Бу ерда Мирзо Ҳайдар бир йилга яқин Мирзо Хон хизматида туриб қолади. Ва ниҳоят Бобурнинг хат орқали сўровига биноан Кобул томон йўлга чиқади. Бунда ”Ўн олти киши менга йўлдош бўлишди. Иккита отдан бўлак, ҳатто кечаси бошимизга қўйиб суянадиган нарсамиз ҳам йўқ эди. Отамиздек бўлиб қолган Мавлоно Муҳаммадда биттагина шойирўмол бор эди, холос, бунақасини Бадахшоннинг энг камбағал одамлари ўраб юришади. Бошқаси ҳақида шунга қараб хулоса чиқарса бўлади” деб ёзган эди Мирзо Ҳайдар.

Мирзо Ҳайдар одамлари билан Кобулга етиб келишганда уларни иззат-ҳурматни жойига қўйиб, жуда яхши кутиб олишади. Подшоҳ мулозаматига етишган чоғидаги ҳолатни Мирзо Ҳайдарнинг ўзи “Подшоҳнинг хизматига келганимда унинг бахт ёғдуси балқиб турган назари менга тушган заҳоти чексиз раҳм-шафқат ва поёнсиз меҳр-муҳаббат туфайли инжулардек кўз ёшлари нурли кўзларидан ипга тизилган дурлардек тўкиларди. У меҳрибонлик билан қаради, марҳаматли қўлини мен тарафга узатди ва яқин келгин деб ишора қилди. Тиз чўкиб салом бергандан кейин яқин бордим, у мени раҳм-шафқат кучоғига олиб, оталиқ меҳри билан бағрига босди. Анча вақт кучоғида ушлаб турди, мен таъзим расмини адо қилмоқчи бўлгандим, бунга йўл бермай, ёнига ўтказди, чексиз куюнчаклигидан анча вақт ўзини босолмай, кўзларидан дув-дув инжулар тўкди” деб таърифлаганди ва Бобурнинг ушбу сўзларини келтирганди: ”Сенинг отанг поччам, менинг тоғам-хон, ака-укаларинг, қариндош-уруғларинг шаҳидлик шарбатини ичиб, Аллоҳга беадад шукрки, сен ёнимга эсон-омон келдинг. Энди улардан айрилганингга ҳеч ғам чекма, чунки уларнинг ўрнини ортиғи билан босаман. Улардан қанчалик меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат

кутиш мумкин бўлса, шуларнинг ҳаммасини, ҳатто улардан кўпини сенга бера оламан”.

Шундай қилиб, Мирзо Ҳайдар Кобулда Бобур подшоҳ ҳузурида 1508-1512 йиллар оралиғида дорул-омонликда кун кечирган, сабоқ олган. Шу ерда у Султон Саидхон билан ҳам учрашган. Кейинчалик, Султон Саидхон Андижондалик пайтида унинг сўрови ва Бобурнинг ижозати билан Султон Саидхон ҳузурига келади. Шу вақтдан бошлаб Мирзо Ҳайдар 24 йил давомида, яъни Султон Саидхон вафотига (1533 й) қадар хон хизматида бўлади. Унинг топшириқларини сидқидилдан ва бекаму-кўст бажаради. Султон Саидхон ҳам Мирзо Ҳайдарни ўзига яқин тутиб, ўз синглиси Муҳиб Султон хонимга уйлантириб қўяди ва “Кўрагонлик” мартабаси билан сийлайди, уни эъзозлаб ”ука” деб мурожаат қилади. Кейинчалик Султон Саидхон Мирзо Ҳайдарга ҳарбий ва салтанат ишларини ҳам топшириб, унга чекланмаган ҳуқуқ беради. Бу билан у Мирзо Ҳайдарга вазир ва давлат арбоби сифатида шаклланиш имконини берди. Мирзо Ҳайдарнинг бу фаолиятига оид маълумотлар ”Тарихи Рашидий” китобида анчагина. Чунончи, Султон Саидхон хизматида юрган кезларини таърифлар экан, “13 ёшимда Султон Саидхон хизматига етдим. Оталик шафқати бирла (мен етимни балоғатга) еткурди. 24 йил анинг хизматида таълим ва тарғиб қилмоқ бирла Фузулий китобига машғул бўлиб, айни азимат ва ҳашаматда рўзгор кечирдим. Хат, савдо, шеър, тасвир ва тахсин фанида... моҳир бўлдим. Қолган ҳунарлардан хотам бандлик, ҳаттотлик, заргарик, девонлик, дурадгорлик ва анвойи китобки, анинг шарҳи узоққа тортар эрди, мунинг ҳаммасида андоқ эрдимки, бу ҳунарлар устозлари бу бандага шогирдлик ва ожиз келур эрдилар” деб ёзганди. Мирзо Ҳайдарнинг бу фазилатлари ҳақида Бобур ҳам: “Тойиб бўлуб яхши тариқа пайдо қилибтур. Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зихгар ҳам нимага илиги часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Менга арзадошти келиб эди, иншоси ҳам ёмон эмас” деган сўзларни “Бобурнома” да ёзган эди. Бинобарин “Тарихи Рашидий” Мирзо Ҳайдар исмли ана шундай ўқимишли, билимдон, ширинсухан, синчков ва серғайрат, иншоси ўткир кишининг ижод маҳсулидир.

“Тарихи Рашидий” асарида Мўғулистон, Кошғар, Тибет ва Кашмир ўлкалари тасвирида берилган географияга оид

маълумотларга қараганда унинг муаллифи Мирзо Ҳайдар географик тавсифда юқори савияга эришганлигини кўрамиз. Асарда келтирилган маълумотлар аниқлилиги, ишончлилиги, қизиқарлилиги ва турли-туманлиги билан киши эътиборини тортади. Бунда муаллиф ўз замонасидаги айрим географик тушунчаларни ҳам изоҳлаб ўтади. Ўзи борган ва кўрган вилоятлари ҳақида, уларнинг чегаралари, географик ўрни, ер юзаси, майдони, иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвоноти, халқи ва уларнинг урф-одатлари, савдо-сотиғи, етиштирадиган моллари ҳақида кўп қизиқарли таърифлар келтирадики, уларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, Иссиқкўл ва Балхаш кўли (муаллифда Кўкча денгиз)нинг катталиги, оқмас кўл эканлиги, сувининг шўр ёки чучуклиги, қишда музлаш ёки музламаслиги каби хусусиятларини жонли ифодалаб берган.

Тибет ўлкасининг ҳудуди, об-ҳавоси, халқининг расм-русумларини баён қилар экан, бунинг асосий сабабини шундай изоҳлайди: “Тибат шундай ерда жойлашганки, у ерга жуда кам одамларнинг қадами етган. Тибат йўлларининг беҳад ноқулайлигидан тоғлари, хавф-хатарларга тўла довлари туфайли, шунингдек, сув, ем-хашак, ўти камлиги, босқинчиликни одатий иш деб биладиган қароқчилари туфайли у ёқларга бирорта саёхатчи бормаган ва у ерлардаги аҳволни ҳам ҳеч ким билмайди. Шу сабабдан тарихий китобларда ўзга юртлар сингари Тибат кенг тасвир этилмаган, уларнинг муаллифлари Тибатни бир вилоят сифатида санаб ўтишган, холос.

Шунинг учун биз Тибатни ўзимиз билганча шарҳ ва баён қилишга журъат этамиз”. Шундан сўнг Мирзо Ҳайдар асарда алоҳида фасл (боб) ларда Тибетнинг тоғ, дара, саҳролари, тибетликларнинг ақида ва мазҳаблари ҳақида, Тибетдаги ғаройиб жойларнинг тасвири, Тибет халқининг диний қарашларини муфассал баён қилиб берган. Жумладан, Тибетнинг тоғ, дара ва саҳролари ҳақидаги фаслда шундай сатрларни ўқиймиз: “Тибат жуда баландда жойлашган бўлиб, барча томонларга оқадиган дарёлар унинг сувларидан ҳосил бўлади. Тибатга қайси тарафдан борилмасин баланд довларга кўтарилишга тўғри келади, у довлардан тушиш йўли йўқ. Довоннинг тепасига чиқилса, унинг тепаси теп-текис, айрим довларнинггина унча-мунча

ёнбағирлари бор. Юқорида жойлашгани учун Тибатнинг ҳавоси совуқ. Кўп жойларида арпа ва шолғомдан бўлак экин экишмайди. Арпаси ҳам кўпинча қирқ кун ичида пишади, агар шу муддатда пишмаса, совуқ уриб, дони пуч бўлиб қолади. Тибатнинг кўп ерларида ўтлар икки ойгина яшил бўлади, шундай жойлар борки, ёз бор йўғи қирқ кун давом этади. Шунинг учун ҳам баъзан кечанинг иккинчи ярмида ариқлардаги сув музлайди. Тибатда ҳавонинг ҳаддан ташқари совуқлигидан дарахтлар ҳам, ҳатто ўт-ўланлар ҳам баланд бўлиб ўсмайди. Тибатликлар сигир ва қўтослар гўнгини таппи-тезак, яъни ўтин қилишади. Тибатдаги кўчманчи халқнинг яшаш тарзи, одатлари ғалати, бошқа бирор халқниқига ўхшамайди. Биринчиси: гўштни ва ҳар қандай бошқа овқатларни хом ҳолида ейди, пиширмайди. Иккинчиси: отларга дон ўрнига гўшт беришади. Учинчиси: оғир юкларни қўйларга юклашади, ҳар бир қўй 12 ман (10 кг) юкни кўтаради. Улар хуржун тикишиб, қўйларга айил, қуюшқон боғлашадида, хуржунни устига ортиб қўйишади, керак бўлсагина олишади, бўлмаса ёзин-қишин улар қўйнинг устида тураверади. “Жампа”, яъни сахро халқи қишда тоғнинг Ҳиндистон жойлашган ғарбий ва шарқий тарафига тушиб, у ерларга хитойи молларни, Тибат тузи, чарм, дармана томири, қоғоз, тилла ва шох рўмолларни олиб бориб, Ҳиндистоннинг тоғли ўлкаларидаги ҳиндиларга сотишади ва Ҳиндистондан қўйларга ортиб, кийим-кечак, ширинликлар, гуруч, буғдой каби нарсаларни баҳорда Тибатга олиб келишади. Шошилмай, йўлларда қўйларни ўтлатиб, қишларга яқин Хитойга етиб келишади. Ҳинд ва Тибат молларини Хитойда алмашишади. Баҳорда Хитой молларини қўйларга юклаб Тибатга келишади, келгуси қишда Ҳиндистонга келишади. Хитойда қўйларга ортилган юкни Ҳиндистонда туширишади, Ҳиндистонда ортилган юкни Хитойда туширишади. Шу тақлид улар бир қиш Ҳиндистонда бўлишса, иккинчи қиш Хитойда бўлишади. Барча жампаларнинг ҳаёти шу тақлид кечади. Шундай пайтлар бўладикки, жампа икки мингтагача қўйларга нарса юклашади. Ҳар бир қўй устида ўн икки мангача юк бўлади, мана, қанчалик кўп молни олиб юришади! Ўша молларни бир йил Ҳиндистонда, иккинчи йил Хитойда юклашади. Қаерга боришмасин, шунча юк билан

меҳнат-машаққатсиз кетаверишади. Бунақа одат бошқа бирорта халқда учрамайди, ҳатто кўплар бу гапга ишонмайди”.

Бундай тадбир савдогарлар учун жуда қулай бўлиб, савдо-сотик билан шуғулланувчи табақа ўз моллари (товар)ни бир мамлакатдан иккинчисига олиб боришда транспорт-улов ташвишидан холи бўлишган. Иккинчидан, қўй-эчкилар устидаги юкларни ташиш билан бирга емишни ҳам ўзи топиб, тоғ-дараларда ўтлаб кетаверади. Тоғнинг чўққисига кўтарилган сайин ҳаво босими пасайиб, ўт олдириш, нафас олиш қийинлашиб борган. Бундай пайтларда савдогарлар ва уларни кузатувчиларга қўй-эчкилар гўшти овқат вазифасини ўтаган. Айрим шарқшунос олималар (Байкова) нинг ёзишича, қўй-эчкилар устида юк узоқ вақт кеча-кундуз давомида туширилмаганлиги туфайли, белгиланган жойга етиб борилганда қўй ва эчкилар қорнининг икки томонидаги жунлар тўкилиб, шилиниб, қизил тусдаги пўстак бўлиб қолган. Тибет, Ҳимолай, Ҳиндикуш тоғларидан ўз моллари билан соғ-омон ошиб ўтган савдогарлар ўз йўлида давом этар, чўпон-чўлиқлар эса қўй-эчкиларини боқиб орқага қайтишар экан.

Мирзо Ҳайдар Тибетдаги ажойиб жойларни тасвирлар экан, “кўзим билан кўрган ёки эшитган айрим ғаройиб нарсаларни ғайритабиийлиги туфайли тасвир этаман. Улардан бири олтин конларидир. Жампа яшайдиган кўп жойларда олтин конлари мавжуд, улар орасида иккитаси ғаройибдир: бирини мўғўллар “Олтинчи Тибат” (“Олтин етказувчи Тибат”) деб аташади, бу ерда айтиб ўтилган дулпа қавмининг бир қисми яшайди. У ерларнинг об-ҳавоси беҳад совуқлигидан бир йилда қирқ кундан ортиқ ишлаб бўлмайди, текис ерларда чуқур зовлар қилинган, улар шундай қилинганки, у ерларда одам юра олади. Бундай зовлар кўп, бири иккинчисига уланиб кетган. Айтишларича уч юзта оила ана шундай зовларда жон сақлашар экан... Ўша зовларнинг ичида кундуз мойи аралаштирилмаган соф қўй мойидан бошқа мой ёнмайди. Айтишадики, ўша коннинг бир ғалвир тупроғидан ўн мисқол¹ олтин чиқармиш. Битта одам якка ўзи ер ковлайди, ташқарига олиб чиқади, уни ювади, бир кунда 20 ғалвир тупрокни ювади. Гарчи бунга ишониш қийин бўлсада,

¹ Мисқол – 4,464 граммга тенг оғирлик ўлчови.

бу гапни мен кўплаб тибатликлардан эшитдимки, ҳаммалари бир овоздан буни маъқуллаб гапиришди, шунинг учун ёздим” - дейди.

“Тарихи Рашидий”нинг шу саҳифатларида баланд тоғларга хос кислород етишмаслиги оқибатида рўй берадиган касаллик тафсилотларини қуйидагича баён қилган. “Тибатнинг ғаройиб ҳодисаларидан яна бири нафас қисиш касаллигидир, мўғуллар буни “ис” дейишади. Тибатнинг барча вилоятларида бу ҳодиса кўзга ташланади, лекин қалъа ва қишлоқлар бўлган жойларда бу камроқ учрайди. Нафас қисиш ҳолати ҳар қандай одам учун ҳам ёқимсиз. Одамнинг нафаси шу қадар қисадикки, бели шу қадар ачишадики, гўё у оғир юк билан баланд тоққа узоқ муддат югуриб чиққандек туюлади. Белининг ачишишида одам ухлаёлмайди, мабодо уйқу элтиб қолса, кўзи уйқуга кетган заҳоти нафас қисиши, бели ва кўкрагидаги қаттиқ ачишишдан бирданига уйғониб кетади. Бундай ҳолат ҳамиша ҳамма одамларда бўлади. Агар касаллик зўрайиб кетса, бемор ҳушидан кетади, алахсирайди, гоҳида бирор оғиз сўз айтишга мажоли етмайди, юзи, қўл-оёқлари шишиб кетади. Шундай ҳолатлар юз берганда, бемор тонг билан чошгоҳ оралиғида ўлади. Баъзан эса бундай ҳолат бир неча кунга чўзилса ва шу муддат ичида ўлиб қолмаса, бир амаллаб қалъа ёки қишлоққа етиб олса, эҳтимол, яшаб қолиши мумкин, акс ҳолда албатта ўлади. Бу касалликдан Тибет аҳолиси қийналмайди, Тибет аҳолиси бу касаллик ҳақида билишмайди ҳам, уларнинг табиблари ҳам нега бу касаллик тибатлик бўлмаган одамларда учрашини билмайди. Ҳаво совуган сари бу касаллик кўпроқ хуруж қилади. Бу касалликни қандай даволашни ҳам ҳеч ким билмайди. Бу касаллик фақат одамлардагина эмас, ҳар қандай тирик жониворда, шунингдек, отларда ҳам учрайди... Зарурат юзасидан босқин уюштириб, бир куни отларни чоптириб юрдик. Эрталаб қарасак, қароргоҳда отлар камгина қолган. Бир кечанинг ўзида икки мингта от ўлибди. Отхонамда йигирма тўртта сара от бор эди, улардан йигирма биттаси ўлган. Нафас қисиш касаллиги кўпроқ отларда учрайди. Бу касаллик ҳақида Тибатдан бошқа бирор жойда эшитмадим”.

Асарнинг кейинги саҳифаларида Мирзо Ҳайдар учун ўзининг биродаридай бўлиб қолган Султон Саидхоннинг шу касаллик

туфайли 1533 йилнинг 9 июлида Нубрадан Ёркандга борар йўлида вафот этганлиги ҳам айтиб ўтилган.

Маълумки, Мирзо Ҳайдар умрининг охирги ўн йилдан ортиқ қисмини Кашмирда ўтказган. Шу ерда ҳукмронлик қилган. Китобида ҳам Кашмир тафсифига кенгрок ўрин берилган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи “...бу гўзал мамлакатнинг эгаси сифатида уни ҳар томонлама мукаммал ўргандим, бу ерда фақат кўзим билан кўриб, ўзим гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни баён қиламан” деб ёзганди.

Кашмирнинг умумий тасвири (97-фасл) бобида Кашмир водийсининг текислик қисмини таърифлар экан “Узунлиги 100 курух (1 курух тахминан 2 км атрофида), кенглиги баъзи жойларда 20 курух, камдан-кам ерларда 10 курухга тўғри келади. Бу юртлардаги ерлар тўрт турга бўлинади: 1-суғориладиган; 2-лалмикор; 3-боғлар; 4-кўл ва дарё соҳилларидаги текис майдонлар, бу ерларда бинафша ва бошқа ранго-ранг гуллар аралаш беда ўсиб ётади. Бу ерда намлик кучли бўлганидан экин-текин яхши бўлмайди. Шунинг учун бу майдонларга ишлов берилмайди, бўш ётади. Аммо бундай жойлар Кашмирга кўрк беради. Ёзда Кашмирнинг ҳавоси беҳад ёқимли бўлганидан елпиғичга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди. Мудом енгил шабада эсиб, унинг ёқимли насими дилга роҳат бағишлайди... Кашмирда ҳавонинг қишки ҳарорати ниҳоятда мўтадил, қор кўп ёғишига қарамасдан пўстинга эҳтиёж бўлмайди чунки бу ердаги совук унинг табиий илиқлигини янада ҳис эттиради, холос...

Шаҳарда ва теварак атрофида қарағай ва сарв дарахти ёғочидан ишланган гўзал иморатлар кўп, аксарияти энг ками беш қаватлик. Уларнинг ҳар бири дабдабали сарой, турар жой хоналари, айвон, равоқлар, ғаройиб тарзда ишланган кириш йўлакларига эгаки, буларни таърифлашга қанча тиришмайин, қанча уринмайин қўлимдан келмади...

Бозор расталари орасидаги йўллар ва шаҳар кўчаларига силлиқланган тошлар қопланган. Кашмирнинг бозорлари бошқа шаҳарлардагига ўхшамайди – бозор расталарида газлама ва майда моллар дўконларидан бўлак дўконлар йўқ, ҳар бир ҳунарманд ёки косиб молларни ўз уйида тайёрлайди. Одатда, бозорларнинг кўрки нон, пардоз-андоз буюмлари, ичимликлар ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар бу ерда йўқ.

Кашмир шахрининг аҳолиси сонига кўра катта шаҳарларнинг аҳолиси билан тенглашади. Мева-чевалардан нок, шотут, гилос, каролидан бошқа ҳамма мевалар бор, айниқса, олмалари. Мевалар у ерда истаганча топилади.

Ажойиботдан бири шуки, Кашмирда барги учун тут дарахти кўп ўстирилади, барги билан пилла курти боқиб ипак етиштирилади. Лекин тут мевасини ейишмайди, уни ейиш уят саналади. Яна бири шуки, мева-чева пишган пайтда уни сотишмайди ва сотиб ҳам олишмайди, боғнинг эгаси ҳам, ўзида шундай мева йўқ одам ҳам мевалардан бирдек фойдаланаверади. Боғларга тўсиқ ўрнатилмаган, мева узишни ҳеч ким ман қилмайди ” - деб ёзади.

“Тарихи Рашидий”нинг Кашмирдаги ажойиботлар баён қилинган бобида (98 фасл) Кашмирдаги силлиқланган тошлардан мутлақо оҳақли қоришма қўшмасдан қурилган бутхоналар, уларнинг ўлчамлари, ташқи ва ички кўринишлари, безаклари усталик билан тасвирланган. Шунингдек, Кашмирдаги Улур номли кўл ва унинг ўртасида Султон Зайнуллобиддин қурдирган иморат ҳақида, ўша султоннинг шаҳардаги ёғочдан қурилган ўн икки қаватлик қасри ҳақида ва бошқа ажойиботлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Айтиш лозимки, ўқимишли Мирзо Ҳайдар кўп тарих ва географияга оид китоблардан хабардор бўлган, улардан керакли маълумотларни олган. Масалан, Амир Темур ва Туғлуқ Темур билан боғлиқ воқеаларни баён қилишда муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан энг ишончли манба сифатида фойдаланган. Ундан ва Отамалик Алоуддин Муҳаммад Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонкушой” китобидан катта-катта кўчирмалар келтирган. Шунингдек, Ёкут Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-булдон”, Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ут-тавоҳид”, Мирзо Улубекнинг “Тўрт улус тарихи” каби асарлари билан яхши таниш бўлган. “Тарихи гузийда”, “Сувар ал-ақолим”, ”Бобурнома” каби асарлар мазмунидан ҳам хабардор бўлган, улардан фойдаланган.

“Тарихи Рашидий” асари икки қисмдан иборат бўлиб, форс-тожик тилида ёзилган. Унинг биринчи қисми кўпроқ “Зафарнома” ва “Тарихи жаҳонкушо” китобларига асосланган бўлса, унинг иккинчи қисми ёзилиш услуби бўйича

“Бобурнома”га ўхшаб кетади. Буни “Тарихи Рашидий” билан “Бобурнома”ни қиёслаб ўрганган тадқиқотчилар ҳам бирдек эътироф этганлар. Шу масалада машҳур шарқшунос В.В.Бартольднинг “Мирзо Ҳайдарнинг асари кўп ҳолларда уни холаваччаси Бобурнинг ёдномаларини эслатади. Унинг тарихий маълумотлари худди Бобурникидек ҳаққонийлиги ва бетарафоналиги билан кўзга ташланади. Жуғрофий тавсифлар эса жойларни аниқ ва равшан тасвирлайди... Гарчи “Тарихи Рашидий” майда тафсилотларнинг изчиллиги, воқеалар кечган саналарнинг аниқлиги борасида “Бобурнома”дан кейинда турса ҳам, бироқ унда Мўғулистон тарихига оид шундай маълумотлар келтириладики, уларни бошқа тарихий манбалардан топиб бўлмайди” деган фикрини ўзбек шарқшунос олими Асомиддин Ўринбоев давом эттириб: “Тарихи Рашидий”нинг маълумотлари “Бобурнома”нинг бизгача етиб келмаган ёки ўз вақтида ёзилмай қолган айрим камбут жойларини тўлатишга ҳам ёрдам беради. Ундан ташқари “Бобурнома”да баён қилинган воқеаларнинг жуғрофий кенглиги Бобурнинг ўзи босиб ўтган жойлар – Мовароуннаҳр, Хуросон, Кобул, Бадахшон, Ҳиндистон доирасида ифодаланса, Мирзо Ҳайдар эсдаликларида бу ерлардан ташқари яна унинг ўзи юрган жойлар: Мўғулистон, Кошғар, Тибет, Кашмирлар тасвирланади. Бинобарин ҳар икки асарни бир-бирига қиёслаб ўрганиш, улардаги тарихий маълумотлар доирасини кенгайтиради ва ҳар иккала асарнинг ҳам тарихий манба сифатидаги аҳамиятини оширади” - деб ёзганди (1999).

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрида туғилган, Мовароуннаҳр, Хуросон, Кошғар, Ёркент, Оқсув, Мўғулистон, Тибет, Ҳиндистон ерларида бўлган Мирзо Ҳайдар Бобур каби она шаҳридан олисда, ўзга юртда, Кашмирда 1551 йилда вафот этади. “Тарихи Рашидий” китоби ҳам шу манзилда ёзиб тугалланган. Унинг қабри ҳам шу юртда Зайнулобиддин мазоратидадир.

“Тарихи Рашидий” асари ҳам “Ҳудуд ал-олам” асари каби форс-тожик тилида ёзилганлиги юқорида, ўз ўрнида айтиб ўтилганди. Ўрта асрларда Шарқ олами араб тили давлат тили мақомида юритилган бўлсада, форсий ва туркий тилларда ҳам асарлар пайдо бўлиб турган. Айниқса, Ўрта Осиёда маданият ва маърифатнинг ривожланишида кўп тиллилик муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланган. Бу ўлкадан етишиб чиққан

илм эгаларининг кўпчилиги қомусий олимлардан бўлиб, ўз она тилларидан ташқари араб, форс, туркий, ҳинд, сурия ва юнон тилларини билганлар, шу тилларда ёзилган илмий асарлардан фойдаланганлар. Ана шундай олимлардан энг машҳури сўзсиз хоразмлик Абу Райҳон Беруний бўлганди.

3.6. Ўрта асрлар Шарқ олами географияси тарихида Беруний даври

Географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Ўрта Осиё ва Хуросонда география фанининг тараққиётида ажралиб турадиган иккинчи даврни асосан XI асрга тўғри келишини ва қисман XII-XIII асргача давом этганлигини белгилаб, уни Беруний география мактаби деб номлаганди. Америкалик олим Сартон (1953) ҳам XI асрнинг биринчи ярмини борица дунё фани тараққиётидаги Беруний даври деб атаганди. Дарҳақиқат, бу давр ўрта осийлик буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий фаолияти, ажойиб асарлари билан жаҳон фани тараққиётига қўшган ҳиссалари билан белгиланади. Олим ўзининг пухта ва ишончлиликда тенги йўқ асарлари билан ўз ҳалқини, юртини жаҳонга машҳур қилганди. Шарқ оламида фан тараққиётининг Абу Райҳон Беруний бошлаб берган янги даври, яъни аввалги асарларда мавжуд бўлган камчилик ва хатоликларни тузатиш, тўпланган маълумотларни илмий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қонуниятларини аниқлаш, бевосита илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларнинг ечимларини излаш даври айнан шу олимнинг номи билан боғлиқ бўлди. География фанининг тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам шундай.

“Беруний ўрта аср шароитида ҳақиқий илмий табиатшуносликка асос солди, унинг турли соҳаларда ўз даври учун таажжубга солувчи шундай фикр ва илмий фаразларни олға сурдики, улар бир неча асрлардан сўнг Европа илмида ўз исботини топди. Беруний ўрта аср шароитида ҳақиқий тажрибага, кузатиш, экспериментга асосланувчи аниқ илмий тафаккурни бошлаб берувчилардандир” (А. Шарипов, 1999. 97 б.). Шу маънода Беруний қолдирган географик мероснинг ҳам аҳамияти бекиёсдир.

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, у яратган илмий асарлар фан аҳлини доимо қизиқтириб келган. Бу ҳақда жуда кўп, турли мазмун ва ҳажмдаги мақолалар, монографик асарлар, рисоалар мавжуд. Тарихий биографик роман ҳам (И.Тимофеев, 1986) ёзилган. Абу Райҳон Берунийнинг инсонийлик ва олимлик хусусиятлари, айрим асарлари ҳақида ўрта асрлар олимлари ҳам кўп яхши фикрларни ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Ёқут Ҳамавий ўзининг “Муъжам ал-удабо” номли луғатида Беруний ҳақида: нафси пок, суҳбати ширин, хушмаишат, ширин суҳан, ифбатли, номусли, ростгўй ва дангалчи одам бўлган, асло ножўя ишлар қилмаган деб, унинг инсоний хислатларини тилга олганди.

Абу Райҳон Берунийнинг олимлик сифатлари ҳақида XIII асрда яшаган Сурия адабиётининг классик шоири, адиби ва қомусий билим эгаси, тиббиёт, тарих ва фалсафага оид асарлар муаллифи Абул Фараж (асли исми Григорий Иоан Бар Эбрей) (1226-1286) ўзининг “Марокли ривоятлар” китобида: “Ўша ўтган йилларда юнон ва ҳинд фалсафаси денгизини кечиб ўтган Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўтмиш илмларида шуҳрат қозонди. У математика илмларида мутахассис бўлиб, бу соҳада қатор муҳим китоблар яратди. Ҳиндистонга бориб, у ерда бир неча йил яшади, ҳинд файласуфларидан уларнинг санъатини ўрганди ва уларга юнон фалсафасини ўргатди. Унинг асарлари ниҳоятда кўп, етук ва ниҳоятда ишончлидир. Бир сўз билан айтганда, ўз даврида, ундан сўнг ва ҳозирга қадар ҳам ҳамкасблари орасида астрономия илмида бундай билимдон ва бу илмнинг асосини ҳамда нозик томонларини чуқур биладиган одам бўлмаган” – деб ёзганди.

Абу Райҳон Берунийнинг билимдонлиги, тўғри сўзлиги, хушомадгўйлик ва лаганбардорликдан узоқлиги каби инсоний хусусиятлари Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чор мақола” номли китобида келтирилган ҳикояларда ўз аксини топган. Жумладан, уларда (3-боб, 2-3 ҳикоялар) Абу Райҳон Берунийнинг султон Маҳмуд Ғазнавийнинг раъйига қарши гапириб, унинг ғазабига учраб, томдан ташланганлиги-ю, олти ой Ғазни қалъасига қамаб қўйилгани ривоят қилинган. Бунда олимнинг жон сақлаб қолишида вазир Хўжа Аҳмад ибн Ҳасан ал-Маймандийнинг ёрдами ҳам таъкидлаб ўтилган.

Абу Райҳон Берунийнинг олимлик сифатларини ҳозирги замон олимлари ҳам ҳолисона баҳолашга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов: “Берунийнинг ёзиш услуби, ўз фикрини усталик билан китобхонга манзур тарзда баён эта билиши ҳар бир масалага, ҳодисага илмий кўз билан ва танқидий қараганлиги, мустақил ҳулоса чиқарганлиги, қисқаси, олимнинг ижодий йўли ҳозирги замон олимларини қойил қолдирмокда”-деб ёзганди (1981, 105 б).

Абу Райҳон Берунийнинг жаҳон фани тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини фан аҳллари катта ҳурмат билан тилга олганлар ва олмокдалар. Чунончи, 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро анжуманда ҳам “Маъмун академияси”, “Байт ул-Ҳикма” да самарали меҳнат қилган олимларнинг илмий меросига катта баҳо берилди.

Абу Райҳон Беруний 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳри чеккасидаги қишлоқларнинг бирида туғилган. У болалик йиллариданоқ таниқли олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ (948-1036) кўлида тарбияланади. Бу сиймо африғий хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ ибн Ироқнинг амакиваччаси бўлиб, ўз замонасидаги математика ва астрономия илмларида илғор бўлган, шу илмларга оид асарлари билан машҳур бу олим “Батлимуси соний”, яъни “иккинчи Птолемей” номи билан танилганди. Бу кишини таниқли шоир, математик ва астроном Умар Хайём “математика билан шуғулланганлар ичида энг улуғи” деб баҳолаганди.

Абу Райҳон Беруний болалигиданоқ зеҳни ўткир, билимга чанқоқ ва тиришқоқ бўлганлиги сабабли тез орада замона илмларини жадал ва пухта эгаллаб олган. У қадимги юнон олимлари Платон, Аристотел, Птолемей, Евклид кабиларнинг ҳамда Шарқ олимлари Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Маъшар Балхий, Абу Зайд Балхий, Жайҳоний, Ибн Хурдодбеҳ асарларини яхши ўрганган, бу асарлардан айримларини шарҳлашга ҳам улгурганди. Ўзининг дастлабки астрономик кузатувларини шу ерда - Хоразмда олиб борган, илк асарларини ҳам шу ерда ёзганди. Аммо бу орада, айрим сиёсий

воқеалар туфайли олим ўз илмий фаолиятини тўхтатишга ва охир-оқибат Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Маълумки, 995 йилда Жанубий Хоразм ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад Шимолий Хоразмнинг пойтахти Котни ишғол қилади. Сўнгги афрағий ҳукумдор Абу Абдуллоҳ ибн Ироқ қатл қилиниб, иккала Хоразм бирлаштирилади ва пойтахт Гурганж (ҳозирги Кўҳна Урганч) да Маъмун ибн Муҳаммад ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади.

Хоразмдан чиқиб кетган Абу Райҳон, дастлаб Рай шаҳрига келади. Ўрта асрларда Эроннинг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган бу шаҳарда олим кўп моддий қийинчиликларга дуч келади ва 998 йилда Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган Журжон шаҳрига кўчиб ўтади. Бу ерда унга Журжон вилоят ҳокими зиёрийлар сулоласидан бўлган Шамс Маоли Қобус Вашмгир ўз саройидан бошпана беради, илм билан шуғулланишига шароит яратади, маош тайин қилади. Орадан икки йил ўтиб, шу ерда Беруний ўзининг дастлабки йирик асари “Ал осор ал боқия ан ал-Қурун ал-Ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) ни ёзиб тугатади.

Қобус ибн Вашмгирга бағишланган ушбу асарда юнонлар, яхудийлар каби турли халқларнинг урф-одатлари, йил ҳисоблари, ой ва мучал номлари, байрамлари, ой манзиллари каби кўп тарихий, географик маълумотлар келтирилган бўлиб, Берунийга катта шуҳрат келтирди, уни фаннинг ҳамма соҳаларини яхши биладиган етук олим эканлигини элга танитди. Муаллифнинг ўзи асар ҳақида “Ер шари ва унинг устки тузилиши ҳақидаги бу китобимда ёзилган сўзлар менинг ўз фикрим ва пухта текширишларим натижасидир” – деб ёзган эди. Шу маънода, ёш Берунийга “ўзидан илгари ўтган олимларнинг китобларидан сочилган дурларга ўхшаш нафис масалаларни териб, таърифга тузган ва шарҳ қилган” деб, бошқа бир манбада ҳам юқори баҳо берилганди.

Журжондаги мавжуд шароитдан унумли фойдаланган Абу Райҳон бу ерда яна ўнга яқин асарлар ёзган.

Маълумки, 997 йилнинг бошларида Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад вафот этади ва тахтга унинг ўғли Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун ўтиради. Янги хоразмшоҳ билимли, илмга ва маърифатга хайрихоҳ бўлиб, ўзининг доно вазири Абул Ҳасан ас-

Сухайлий билан биргаликда саройга кўплаб олиму-фозилларни, фаннинг турли соҳаларида элга танилган илм намоёндаларини таклиф қилиб, уларга зарур ижодий шароит яратиб берадилар.

Абу Райҳон Беруний ҳам Хоразмга қайтиб, бу ерда тўпланган олимлар қаторига келиб қўшилади. Шу тариқа Гурганжда “Дорул-ҳикма ва маориф” (айрим манбаларда “Мажлиси уламо”) номли илмий муассаса, ҳозирги замон тили билан айтганда “Хоразм Маъмун академияси” шаклланади. Ушбу илмий марказнинг тўлақонли фаолият юритишида хоразмшоҳ Маъмун, вазир ас-Сухайлий ва Абу Райҳон Беруний бош-қош бўлганлар. Бу ҳақда XII аср адиби Низомий Арузий Самарқандий: “Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмуннинг вазири бор эди, исми Абу Ҳасан Аҳмад Муҳаммад ас-Сухайлий эди, фалсафий тафаккур, олийжаноб қалб эгаси, маърифатли инсон эди. Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам фалсафага мойил ва маърифатчиларга мурувватли эди, улар туфайли саройда кўп файласуфлар ва олимлар тўпланди”- деб ёзганди. Беруний ҳам Хоразмшоҳ Маъмуннинг энг яқин маслаҳатгўй ва ишончли кишиларидан бўлган.

Бу вақтда Хоразмшоҳ Маъмун “Мажлис уламо”сида замонанинг кўп етук ва машҳур олимлари, жумладан, Берунийнинг устози ибн Ироқ, машҳур табиб, мантиқ ва фалсафа билимдони Абулхайр ибн Ҳаммор, аллома Абу Али ибн Сино ва унинг устози табиб Абу Саҳл Масихий, Абу Саид ибн Аҳмад ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий кабилар фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатганлар.

Хоразмда бундай илмий муҳитнинг ташкил этилганлиги Берунийнинг илмий фаолиятида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ихтиёрида керакли илмий анжомлар, зарур асбоблар етарли бўлган. Жумладан, диаметри 3 метр келадиган, оралик минутларга тақсимланган квадрант ҳам бўлган. Машҳур “Беруний глобуси” ҳам шу даврда ясалган бўлиши мумкин.

Олим ўзининг “Тасдих ас-сувар ва тадбиқ ал-қувар” номли рисоласини шу ерда ёзиб, Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмунга бағишлаган. Ушбу асарда астрономия, харитаграфия ва географиянинг амалий аҳамияти, фойдаланилган манбалар, улардаги хатоликлар ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, астролябия асбоби, унинг хиллари, градус тўри,

харитаграфик проекциялар, географик харита ва осмон глобусини ясаш тўғрисида ўз фикрларини баён қилган.

Шу орада Хоразмнинг мустақиллигига яна путур етди, бу ердаги ҳаётий аҳвол ўзгариб, Абу Райҳон Беруний учун қулай илмий шароит яна барҳам топди. Бунинг асосий сабаби 1017 йил бошларида Абул Аббос Маъмуннинг ўлдирилиши ва Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олингани бўлди. Натижада бу ердан илмий маскан топган олиму-уламолар ватанни ташлаб, ўзга юртларда яшириниб яшашга мажбур бўлганлар. Қолганлари эса шу жумладан, Абу Райҳон Беруний ҳам, мажбуран Ғазни шаҳрига, ғазнавийлар пойтахтига олиб кетилган. Олимнинг бундан кейинги, то вафотига қадар бўлган ҳаёти асосан шу шаҳарда ўтган ва анча оғир ҳамда турли кечинмаларга бой бўлган. Аммо шунга қарамай, Берунийнинг бу даврдаги илмий ижоди анча самарали бўлган. Аввал бошлаб қўйган айрим асарларини шу ерда тугаллаган, бир қатор янги йирик асарларини шу шаҳарда ёзган. Жумладан, 1017 йилда Хоразмда ёзабошлаган “Китобу таҳдиди ниҳоёт ал-амокин ли тасҳиҳ масофат ал-масокин” (“Турар жойларнинг ораларидаги масофаларни аниқлаш учун жойларнинг чегараларини белгилаш ҳақида китоб”) номли асарини 1025 йилда шу ерда тугаллаган. Уни 1966 йилда биринчи маротаба рус тилига таржима қилишиб, қисқача “Геодезия” деб номлаганлар ва шу ном билан аталиб келинмоқда.

Беруний ўзининг ушбу асарида кишилар ҳаётида фан ва маърифатнинг аҳамиятидан тортиб, астрономия асбоблари, жумладан, Фаҳри секстанти ҳақидагача сўз юритган. Асарнинг географияга оид қисмида шаҳарларнинг кенгликлари ва узунликларини аниқлаш, иқлимларга бўлиш, уларнинг чегараларини аниқлаш ҳақида сўз юритилган.

Беруний Ғазни шаҳрида ўзининг яна бир машҳур асари “Китоби таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъкуда мақбула фи-л-акл ав марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”) ни ёзган ва устози, дўсти Абу Саҳл Тифлисийга бағишлаган. Ушбу асар 1020 йилда ёза бошланиб, 1030 йилда тугалланган ва тадқиқотчилар уни қисқача қилиб “Ҳиндистон тарихи” ёки “Ҳиндистон” деб тилга оладилар. Олимнинг бу классик асарида ҳиндларнинг тарихи, адабиёти, фалсафаси, ҳинд ёзувлари ҳақида, бир қатор фанлари ҳақида

кўплаб аниқ маълумотлар берилган. Географияга оид маълумотлар ҳам кенг келтирилган. Масалан, Ер тўғрисидаги тасаввурлар, қуруқликларнинг чегаралари, денгизлар, улардаги сув қалқиш ҳодисаси, географик координаталарни аниқлашдаги бошланғич меридиан тарихи, шунингдек, Ҳиндистоннинг тоғлари, дарёлари, ўсимлиги ва ҳайвоноти, шаҳарлари мукаммал таърифлаб берилган.

Берунийнинг мазкур асарини кейинчалик ҳиндларнинг ўзлари ҳам, европалик олимлар ҳам юқори баҳолаганлар. Жумладан, рус шарқшуноси академик В. Розен (1849 – 1908) бу китобга “Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта аср китоблари орасида тенги йўқ асар” – деб баҳо берган эди.


“Ҳиндистон” китобида баён этилган айрим фикрлари билан Беруний ўз замондошларидан бир неча юз йилларга илгарилаб кетганди. Шундай фикрларидан бирини қуйидагича баён этганди: “Балки сен Ҳинд ерини кузатиб, қазиб борулгунча чуқурликда учратиладиган силлик, тошларни ўз кўзинг билан кўриб, ўйлаб қарасанг тоғ этакларида ва шарқирама дарёлар ёнида тошлар каттароқ, тоғлардан узокдаги (жойларда) ва дарёлар сусайиши билан тошлар кичикроқ; дарёлар секин оқадиган ва (уларнинг) кўллар-тўқайлар ҳамда денгизга қуйилиш жойига келганда қумлар учрайдики, Ҳинд ери қадимги денгиз бўлган-у, селлар оқизиб келтирган ётқизиқлар билан тўлган деб тасаввур этасан”. Олимнинг бу фикрини аллювиал ётқизиқларнинг ҳосил бўлиш назариясига мос келишини илғаб олиш қийин эмас. Буни геолог олим О.И.Исломов, 1948 йилда тўртламчи давр ётқизиқлари геологиясига бағишланган анжуманда, “Беруний қонуни” деб аташни таклиф этгани ҳам бежиз эмас.

Абу Райхон Беруний 1030 йилда ўзининг яна бир асари “Ат-Тафҳим ли авоили синоат ат-танжим” (“Нужум санъатининг аввалини тушунтириш”) ни ёзиб тугаллаган. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, ундан кўпчилик фойдалана олишлиги учун форсча таржимасини ҳам ёзиб берган.

“Ат-тафҳим” асарининг тузилиши савол-жавоб кўринишида бўлиб, унда арифметика, геометрия, астрономия, календарь, география масалаларига тааллуқли 530 та саволга жавоб берилган.

Китобнинг “Маъмура ва обод ерларнинг чегаралари” сарлавҳали тўртинчи бобида 35 та географияга оид савол-жавоблар баён қилинган.

География учун муҳим бўлган яна бир ҳолат, унда доира шаклидаги дунё харитасининг берилганлигидир (4-расм). Ҳ.Ҳ.Ҳасанов мазкур харитани китобнинг турли нусхаларида турлича вариант (8 вариант)да учраганлигини ва улардан биттаси Берунийнинг ўзи чизган асл нусхага энг ўхшашини аниқлаган. Бу вариантдаги хаританинг диаметри 12,5 см бўлиб, 4-расмдаги кўринишга эгадир. 1030 йилда Маҳмуд Ғазнавий вафот этгач, тахтга ўтирган кичик ўғил Муҳаммаднинг султонлиги узоққа бормади. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас Ғазни тахтини катта ўғил Масъуд эгаллади. Султон Масъуд отасига нисбатан бирмунча маърифатпарвар бўлиб, илм-фанга кўпроқ эътибор берган, олимларнинг яшаши ва ишлаши учун шароит яратган. Султоннинг ўзи ҳам математика ва астрономияга оид китобларни мутолаа қилиб турган. Берунийга яхши муомалада бўлган, алоҳида маош ҳам тайинлаган.



4-расм. Беруний тузган дунё харитаси

Олим ҳам султон Масъуддан беҳад миннатдор бўлган, у ҳақда: “Ҳаётимнинг қолган кунларида фанга хизмат қилишим учун имконият туғдирди; менга ғамхурлик қилиб, мени ўз паноҳига олди”- деб ёзганлари олимнинг “Қонуни Масъудий” китобида бор. Бу китоб Берунийнинг Султон Масъуд топшириғига биноан 1037 йилда ёзиб тугаллаган шоҳ асари ҳисобланади. Унинг тўлиқ номи “Ал-қонун ал-Масъудий фил хайъа ван нуҷум”, яъни “Астрономия фанида Масъуд исмига ёзилган қонун” дир.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Берунийнинг “Қонуни Масъудий” китобини астрономия ва география қомуси ҳисоблаб, унинг тузилиши ҳақида куйидаги тавсифларни келтиради: “Асар жаъми 12 мақоладан иборат бўлиб, ҳар мақола бир неча бобга бўлинган (бу ерда “мақола” сўзи бир бутун китоб маъносида ишлатилган).

Биринчи мақолада оламнинг геоцентрик тузилиши Птолемей фикрича баён этилган, иккинчи мақолада – йиллар ва календарлар, учинчи мақолада – тригонометрия маълумотлари, тўртинчи мақолада – сферик астрономия ва жойларнинг кенгликларини белгилаш усуллари, бешинчи – мақола жойларнинг узунликларини белгилаш усуллари, олтинчи мақолада – Қуёшнинг ҳаракати, етти ва саккизинчи мақолаларда – Ойнинг ҳаракати, тўққиз – ўн биринчи мақолаларда юлдузлар ва планеталар ҳаракати баён этилган, ўн иккинчи – мақолада эса мунажжимларнинг йил ҳисоби таҳлил қилинган.

Асарнинг географияга оид қисмида (5-мақоланинг 9-10 боблари) денгиз ва қуруқликларнинг чегаралари, етти иқлим тақсимооти ҳамда жойларнинг (603 та) географик координаталари кўрсатилган. Шунингдек, шаҳарларнинг узунлик ва кенгликларини жадвалларда кўрсатиш ҳақидаги бобда (10-боб) шаҳарларнинг бир-бирига нисбатан вазиятларига ва ораларидаги масофаларга қараб, координаталарни тузатишга уринганлигини ҳам эслатиб ўтган.

Берунийнинг бу китоби ўз даврида ҳам, кейин ҳам юқори баҳоланган. Жумладан, Ёқут Ҳамавий “Адиблар луғати” асарида “Масъуд қонуни” асарини математика ва астрономия бўйича унғача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборди”- деб баҳолаганди. Беруний умрининг сўнгги йилларида яна иккита асарини ёзиб тугаллаганди. Улардан бири фойдали қазилма

конларининг географик тарқалиши, қимматбаҳо тошларнинг нархи, солиштирма оғирлиги каби маълумотлар берилган “Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир” (“Жавоҳирларни таниш учун жам китоб”) асари бўлиб, уни таржимонлар “Минералогия” деб атаганлар.

Иккинчи асари “Китоб ас-сайдана фит-тибб” (“Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”) деб номланиб, ҳозирда қисқача “Сайдана” деб ёки “Фармакогнозия” деб тилга олинади. Олимнинг ушбу асарида 1116 хил доривор ўсимликлар, дорилар, мевалар, ҳайвонлар ва уларнинг касалликларни даволашдаги таъсири тўғрисида муҳим маълумотлар берилган. Ўрта Осиё ва умуман Шарқда доришунослик соҳаси ҳали ривожланмаган бу вақтларда Берунийнинг бу асари дастлабкилардан эди. Амалий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган бундай асарни яратилиши учун Берунийдек кўп тилларни биладиган, табиий фанларни мукаммал эгаллаган, жойларнинг табиий географик шароитларидан кенг хабардор олим бўлиши лозим эди. Берунийнинг илмий фаолиятини ўрганган тадқиқотчилар унинг 160 дан ортиқ асарлар ёзганлигини ва шулардан фақат 30 тасигина сақланиб қолганлигини қайд этганлар. Беруний асарларининг кўпчилиги астрономия, математика ва географияга оид бўлсада, унинг фалсафа, тарих, этнография ва адабиётга оид асарлари ҳам кўп бўлган. Ҳатто шеърлар тўплами ҳам бўлган экан. Умуман олганда, ёшлигидан фан сирларини эгаллашга бутун вужуди билан киришган Абу Райҳон Беруний то умрининг охиригача (олим 1048 йилда 75 ёшида Ғазна шаҳрида вафот этган) идрок амри билан бу йўлдан қайтмаган, муттасил изланишда бўлган, табиат ҳодисаларини кузатган, ўрганган, текширган ва уларни илмий тушунтиришга интилган.

Беруний асарларида илгари сурилган айрим фикр ва мулоҳазалар олимнинг ўз замонасидан бир неча асрларга илгарилаб кетганлигидан далолат беради. Унинг фан олдига қўйган тахмин ва ғоялари бирнеча юзлаб йиллардан сўнг ўз исботини топди ва ҳозирги замон олимларини ҳам ҳайратга солмоқда. Берунийнинг бундай фикр ва мулоҳазалари берунийшунослар томонидан кўп бор тилга олинган бўлсада, уларнинг учтасини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимиз.

1. Берунийнинг “Қонуни Масъдий” асарида оламнинг тузилиши Птолемейнинг геомарказ назарияси, яъни “Осмон жисмлари Ернинг атрофида айланади” деган назарияси бўйича баён қилинган бўлсада, унинг “Ҳиндистон” асарида Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳам мумкинлиги, яъни “гелиомарказ” қоида бўйича қараганимизда ҳам оламдаги кўп ҳодисаларнинг қонуний йўналиши бузилмаслиги ҳақидаги ғоя илгари сурилганди.

2. Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида Ернинг тузилиши, қуруқликлар ва денгизлар ҳақида сўз юритилганда “Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Муҳит океани ўраб турибди. Бу Муҳит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (ғарб ва шарқдан) ажратиб туради..., Бизнинг текширишимизча, ернинг шимолий (икки) чорагидан бири қуруқлик бўлганлигидан, унинг ҳамкутб (диаметрик қарама-қаршисидаги) чорак ҳам қуруқлик бўлишини тахмин қиламиз”- деб ёзилганди. Асарда олим “тахмин қиламиз” деб ёзган бўлсада, аслида бу “тахмин” ғарбий яримшарда ҳам шарқий яримшардагидек қуруқлик бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ва изланишга, текширишга, аниқлашга чорлайдиган илмий ғоя эди. Унинг бу ғояси XVI асрда Буюк географик кашфиётлар даврида тўлиқ исботланди.

3. Берунийнинг моддий дунёдаги турли географик ҳодиса ва жараёнларнинг сабабларини, туб асосларини аниқлашга интилганлиги ва натижада ўз замонаси учун ниҳоятда илғор фикрларни илгари сурганлиги яхши маълум. Шундай фикрларидан бирига кўра, табиатнинг ўз ички қуввати (унингча “қувваи табиия”) мавжуд. Шу қувват туфайли табиатда узлуксиз ҳаракат, яъни пайдо бўлиш, тикланиш, ўзгариш ва нураш рўй бериб туради. Олимнинг бу фикрини XX аср табиий географиясидаги энг асосий назарий тушунчаларидан бири ҳисобланган “табиат компонентлари ўртасида мутассил рўй бериб турадиган ўзаро таъсир ва алоқадорлиги, яъни модда ва энергия алмашинуви”нинг ўзгача талқин қилиниши деб, изоҳласа ҳам бўлади.

Абу Райҳон Беруний каби ўрта асрлар жаҳон фани ва маданиятининг ривожига улкан хисса қўшган буюк мутафаккир ва донишманд олим, ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган

Абу Али Ибн Синодир. У Берунийнинг кичик замондоши ва ватандоши бўлган. Унинг тўлиқ исми-шарифи Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али бўлган. Бу мўътабар зот 980 йилнинг август ойида Бухоронинг Афшона қишлоғида амалдор Абдуллоҳ ибн Ҳасан оиласида таваллуд топган. Ҳусайн 5 ёшга тўлгач, бу оила Бухорога кўчиб ўтади. Болалигиданок иродали, зеҳни ўткир ва илмга чанқоқ бўлган Ибн Синога бу ерда таниқли ҳаким ва файласуф олим Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим Нотилий устозлик қилган.

XVI аср адибларидан бири, бухоролик шоир Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб” номли тазкирасида Ибн Синога оид айрим тавсифларни шундай баён қилади. “Назар аҳлининг сардори шайхурраис (Ибн Сино) Бухоро қишлоқларидан бири бўлган Афшонадандир. Дейдиларки, ислом Бухородан кейин Самарқандга етган ва у ердан сўнг Ҳирот исломни қабул қилган. Шайх Абу Али Ибн Синонинг туғилиш юлдузи Саратон бўлиб, ўн саккиз даража кенгликда экан. Муштарий эса Саратон устида, Ой ва Уторуд Сунбулада, Баҳром Акрабда ва Қуёш Асад буржида, Рас ва Шеър Яманий толъе даражасида экан. Ўн ёшга етганда ғариба илмларни бутунлай қўлга киритган ва ўн икки ёшида ҳазрат имоми аъзам Абу Ҳанифа Куфийнинг - унга тангри раҳмати бўлсин – мазҳаби бўйича фатво ёза олган, 16 ёшида эса “Тиб қонуни”ни тасниф қилган. 24 ёшида барча илмларни эгаллаган. Таваллуди 370 йили содир бўлган, отаси Балх аҳлидан, ҳаётининг охирида тавба қилишни лозим топган, барча молу-мулкани фуқарога улашиб берган, ғуломларини озод қилган. Унинг (Ибн Синонинг) энг ажойиб фазилатидан бири шу бўлганки, Қуръонни уч кун ичида ёддан хатм қила олган. Шайхурраис, ҳужжатул- ҳақ Абу Али Ибн Синонинг вафоти 427 йили рамазон ойининг бошида жума куни рўй берган ва Ҳамадон шаҳрига дафн этилган. Ҳамадон Ажам Ироқидаги шаҳарлардан бири. Шаҳар бино қилувчисининг номи билан аталиб, унинг исми Ҳамадон бин Қулух бин Сом бин Нух алайҳиссаломдир”.

Ибн Сино математика, астрономия, мантиқ, фалсафа, фикҳ каби фанларни жадал ўзлаштириб, тиб илми билан ҳам астойидил шуғуллана бошлайди. Бу фан сирларини бухоролик таниқли табиб Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нух ал-Қумрийдан ўрганади ва тез орада тиб илмида катта муваффақиятларга эришади.

Эгаллаган билимлари асосида беморларни ҳам даволай бошлайди ва халқ орасида моҳир табиб сифатида танилади. 997 йилда у сомоний ҳукмдор амир Нух II ибн Мансурни даволаб, дарддан халос қилгани учун мукофот тариқасида сомонийларнинг сарой кутубхонасига кириб ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу кутубхона ўша даврлардаги энг катта ва бой кутубхона ҳисобланарди. Бу борада Ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида: “Мен у ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номини ҳам билмайди. Мен бунақа китобларни бундан аввал ҳам, кейин ҳам кўрган эмасман. Мен ўша китобларни ўқидим ва ўзим учун кўп фойда олдим, ҳар бир олимнинг илм-фандаги ўрнини аниқладим... Менинг олдимда илм эшиклари кенг очилди. Кейин тиб илми билан шуғулланишни истаб қолдим ва шу соҳага оид китобларни ўқишга киришдим. Тиб қийин илмлардан эмас, шу сабабли мен қисқа муддат ичида бу соҳада шундай ютуқларга эриша олдимки, ҳатто фозил табиблар ҳам келиб мендан тиб илмини ўрганадиган бўлдилар. Беморларга ҳам қатнар эдим. Орттирган тажрибаларим ёрдамида даволаш эшиклари менинг олдимда шундай кенг очилдики, уни таърифлаб бўлмайди... Бу вақтда мен 16 ёшга кирган эдим. Кейин яна бир ярим йил илм ўқишга берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг ҳамма бўлимларини (асосли равишда) қайтадан ўқиб чиқдим. Бу кезларда бирон кеча ҳам бутун тун давомида ухламасдим, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим... Ёшим ўн саккизга борганда бор илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим”- деб ёзади. Ушбу сатрлардан Ибн Синонинг ниҳоятда илмга қизиқувчан, китоб ўқишдан чарчамайдиган, тинимсиз изланишдаги илм соҳиби бўлганлигини билиб олиш қийин эмас. Унинг бутун болалик ва ёшлик йиллари шу зайлда ўтган, Шарқ халқлари илмий меросини синчиклаб ўрганиш билан бир вақтда Аристотелнинг фалсафа, мантиқ, физика, метафизика ва табиатшуносликка оид асарларини, Гиппократ ва Галеннинг тиб илмига оид, Гиппарх ва Птолемейнинг астрономияга оид асарларини қунт билан ўрганган, таҳлил қилган. Улардан айримларига, жумладан, Птолемейнинг “Ал-Мажистий” асарига шарҳ ҳам ёзган. Шу вақтдан бошлаб ўз асарларини ҳам ёзабошлаган.

Аммо бу орада Бухорода сиёсий ўзгаришлар рўй бериб, юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб келган сомонийлар сулоласи инқирозга учради.

999 йилда Бухоро қорахонийлар қўлига ўтгач, олимнинг ҳаётида ҳам оғир ва ташвишли кунлар бошланди. Жоҳил ҳукмдорлар ва мутаассиблар таъқибига учраган Ибн Сино Бухоро шаҳридан чиқиб кетишга мажбур бўлади ва унинг кейинги ҳаёти дарбадарликда кечади. Олимнинг даставвал қорахонийлар хуружидан холироқ бўлган Хоразмга борганлиги маълум. Бу ерда у Абу Наср ибн Ироқ, Абу-л-Ҳайр Ҳаммор, Абу Райҳон Берунийлар билан яқиндан танишади. Таниқли табиб ва файласуф олим Абу Саҳл Масиҳийдан тиббиёт масалаларида сабоқ олади. Аммо тобора кучайиб бораётган Махмуд Ғазнавий таъқиб Ибн Синони яширинча Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур қилади ва у устози Абу Саҳл Масиҳий билан бирга Журжонга йўл оладилар. Аммо йўлда сувсизлик ва қийинчиликлар туфайли Абу Саҳл Масиҳий вафот этади, Ибн Сино эса бир амаллаб Нисо шаҳрига етиб олади. Ундан Обивард, Тус, Журжон, Рай шаҳарларида бўлиб, сўнг Ҳамадон шаҳрига келади ва у ерда 1023 йилгача яшайди. Айрим сиёсий вазиятлар туфайли олим шу йили Исфаҳон шаҳрига кўчиб ўтишга мажбур бўлади ва умрининг қолган қисмини шу ерда ўтказади. 1037 йил 18 июнда Исфаҳон ҳокими Алоуддавланинг Ҳамадонга юриши вақтида у билан бирга йўлга чиққан Ибн Сино 57 ёшида вафот этади ва Ҳамадонда дафн этилади.

Ибн Сино фаннинг деярли барча соҳаларига оид қимматли асарлари билан бутун жаҳон фани ва маданияти тараққиётига жуда катта ҳисса қўшди. Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганган тадқиқотчиларнинг деярли барчалари унинг қомусий олим бўлганлигини эътироф этганлар ҳамда олимнинг 450 дан ортиқ асарлар ёзганлигини ва лекин уларнинг фақат 160 таси бизгача етиб келганлигини маълум қилганлар. Шулардан 80 та асар фалсафага, 43 таси тиббиётга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, табиёт, астрономия, математика, метафизика, кимё, ахлоқ, мусиқа, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган экан (С.Каримова, 2002).

Ибн Синонинг айниқса, икки йирик асари уни жаҳонга машҳур қилган, шу асарлари туфайли “Шайх ар-раис”, “Табиблар

подшоҳи”, “Хужжат ал-ҳаққ”, “Шараф ал-мулк” каби буюк номларга сазовор бўлган. Шу асарларидан бири “Китоб ал-қонун фит-тиб” (“Тиб қонунлари”) дир. Бу шоҳ асарнинг XII асрда кремоналик Герардо томонидан лотин тилига қилинган таржима нусхалари Ғарбий Европада жуда машҳур бўлган, муаллифи эса “Авиценна” номи билан дунёга танилган. Иккинчи йирик асар эса “Китоб аш-шифо” (“Шифо китоби”) деб номланиб, 22 жилддан иборат бўлган. Олимнинг табиатшуносликка оид жумладан, биология, геология, минерология, астрономия ва географияга оид фикр ва мулоҳазалари ушбу асарнинг иккинчи қисмида берилган. Унда баён қилинган геологик ва географик ҳодиса, жараёнлар тўғрисидаги илғор фикр ва мулоҳазалар ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тўғри талқин қилинган. Жумладан, жойларнинг иқлим шароити географик ўрнига, рельефга, ер юзасининг тузилишига боғлиқ эканлиги ҳозирги замондагидек талқин этилган. Ибн Синонинг ўз даври учун ниҳоятда прогрессив фикрларидан бири унинг Журжон шаҳрининг географик узунлигини ўз даври учун бутунлай янги бўлган усул - Ойнинг энг баланд нуқтада туришини кузатиш орқали аниқлагани эди. Абу Райҳон Беруний ушбу усулнинг тўғрилиги ҳақида гапириб, уни Ибн Сино номи билан боғлаганлигини ва бу усул 500 йилдан сўнг Европада астроном Вернер томонидан (1514 й.) янгидан кашф қилинганлигини С. Каримова (2002) ҳам ёзган.

Абу Райҳон Берунийни кўрган, унинг суҳбатини эшитган замондошларидан яна бири тарихчи олим Абу Саид Абдулхай аз-Заххак бин Маҳмуд Гардезий бўлган. У ўзининг 1050 йилда форс тилида ёзган “Зайн ал-ахбор” (“Ахборот кўрки”) номли асари билан танилган. Асосан тарихга оид ушбу асарда Ўрта Осиё, Шарқий Европа, Сибир, Ҳиндистон ва Хитой каби ўлкаларнинг табиати, хўжалиги, халқлари ҳақидаги географик маълумотларга кенг ўрин берилган. Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Гардезий ҳақида сўз юритганда, уни улуғ Берунийнинг шогирдларидан бири ҳисоблаб, билим даражаси кенг олим деб тавсифлаганди.

3.7. Шарқ олами географиясида луғатчилик йўналиши

X асрда Шарқ оламида яна бир илмий географик йўналиш шакллана бошладик, уни луғатчилик йўналиши деб номлаш мумкин. Ушбу йўналишда яратилган асарларнинг дастлабкиларидан бири “Мафотих ал-улум” (“Илмлар калити”) номли асар бўлиб, унинг муаллифи яна бир улуг ватандошимиз Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий бўлган. Айрим ҳолларда бўлгани каби бу олимнинг ҳам туғилган йили номаълум, ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар ниҳоятда кам. Унинг 997 йилда вафот этгани ва биргина асари бизгача етиб келганлиги маълум.

Абу Абдуллох ал-Хоразмий Хоразмда туғилган, ёшлик йиллари ҳам шу ерда, она юртида, Хива, Замахшар ва Кот шаҳарларида ўтган.

И.Ю.Крачковскийнинг ёзишича, Абу Абдуллох Хоразмий 975-991 йилларда Хуросоннинг марказий шаҳри Нишопурда яшаган ва сомоний ҳукмдор Нух II ибн Мансурнинг вазири Абул Ҳасан Убайдуллох ал-Утбийнинг котиби бўлиб хизмат қилган.

Олимнинг “Мафотих ал-улум” асари кўп шарқшунос файласуф ва тарихчиларни қизиқтирган. Жумладан, голланд шарқшуноси Ван Флотен, немис олимлари К.Броккелман, Е.Видеман, америкалик олим Г.Сартон, рус шарқшунос олимлари В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский кабилар ушбу асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, Е.Видеман Абу Абдуллох Хоразмийнинг китобини “Биринчи мусулмон энциклопедияларидан биридир” деб, Г.Сартон эса “Мусулмон фани ва маданиятини ўрганишнинг бош манбаларидан биридир” деб, Хоразмийни ўзини эса X аср иккинчи ярмининг энциклопедист олими, деб ҳисоблагандилар. И.Ю.Крачковский ҳам ушбу асарни “Барча билимлар доирасини қамраган терминлар изоҳли луғатидир ва унинг фан ва маданият тарихи учун аҳамияти “ал-Фаҳрист” асариникидан қолишмайди” деб баҳолаганди.

Олимларимиз академик М.М.Хайруллаев ва фалсафа фанлари доктори Р.М.Баҳодировлар (1988) Абу Абдуллох Хоразмийнинг илмий фаолияти ва унинг асари юзасидан монографик тадқиқот ўтказганлар. Олимнинг илмий фалсафий

қарашларини қадимги юнон ва шарқ олимларининг асарлари таъсирида шаклланган деб, асарни эса табиий, илмий ва фалсафий тафаккур, хусусан фанлар таснифи бўйича энг муҳим манбалардан биридир, деб ёзганлар.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарини математик ва астрономик географиянинг муҳим манбаларидан бири сифатида ўрганиб, бу китобни икки қисмдан иборат бир нав қомус ёки терминологик луғатдир, деб тавсифлаганди. Унинг фикрича, бундай мураккаб луғат тузиш учун Абу Абдуллоҳ Хоразмий араб ва форс тилларидан ташқари юнон, сурия ва бошқа тилларни ҳам яхши билган бўлиши керак. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ушбу асари X асрнинг охириги чорагида ёзилган бўлиб, унинг биринчи қисмида араб фанлари, яъни фикҳ, қалом, грамматика, иш юритиш, шеърят ва тарих фанлари тавсифланган. Иккинчи қисм эса араб бўлмаган ёки юнон ва бошқа халқлар фанларига бағишланган. Уларга асосан фалсафа, мантиқ, тиббиёт, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, қимё фанлари киритилган.

Олимнинг географияга оид тасаввурлари асарнинг астрономия бўлимида келтирилган. Бу бўлимнинг ўзи тўрт бобдан иборат бўлиб, иккинчи бобида Ер юзасининг тузилиши, иқлимлари тасвирланган. Шунингдек, йил фасллари, экватор, географик узунлик ва кенглик, шарқ билан ғарб тушунчалари, тоғлар, дарёлар, шаҳарлар ҳақида маълумотлар берилган.

Асарнинг “Ер тузилиши ва иқлимлари” бобида шундай жумлаларни кўрамиз: “Ердаги экватор чизиғи осмон экваторига рўпара туради. Айнан шу экваторда осмоннинг жанубий ва шимолий қисмлари кўрилади. Экваторда тун ва кун доимо баробардир. Шаҳарнинг кенглиги (арзи) унинг экватордан узоқлигидир. Шаҳарнинг узунлиги (тули) унинг шарқдан ғарбгача масофасидир. Ҳақиқатда ғарб билан шарқнинг ниҳояси (чеккаси) йўқдир. Чунки астрономиядан маълумки, экватор доирасининг ҳар бир нуқтаси бир жойга нисбатан шарқийдир, иккинчи жойга нисбатан ғарбийдир. Аммо шарқ деб тўппа-тўғри айтилганда маъмуранинг шарқий чеккаси тушунилади, шунингдек, “ғарб” деганда ҳам маъмуранинг ғарбий чеккаси тушунилади. Шу икки нуқта (шарқ билан ғарб) орасида Ернинг ярми узунлик бўйлаб жойлашган. Ернинг маъмура “обод” қисми

(экватордан) шимол томонда. Ер қисмларга тақсим қилинган, бир қисми денгизлар билан қопланган ва бепоёндир, унинг четига етиб бўлмайди. Чунки Муҳит денгизлари ерни ўраб туради.

Экватордан шимолда одамлар яшагани учун “маъмура” деб аталади. Канкадиз шаҳри энг шарқда бўлиб, Син (Чин) мамлакати ва Воквокнинг чеккасидадир.

Сус ал-Акси маъмуранинг ғарбий чеккасидаги шаҳар, Андалуснинг нари ёғида, Рум денгизининг жанубий томонида. Шу иккала шаҳар орасида, Ернинг ярми узунасига жойлашган.... Ернинг куббаси Ернинг марказидадир.

Хўжанд билан Шопуркон бир меридиандадир. Бу чизик Ернинг шарқий палласини ғарбий палладан ажратиб туради. Бу чизикдан юқоридаги (шарқдаги) шаҳарлар, масалан, Фарғона ва Қошғар ва Син ҳамда Воквокча бўлганлари – шарқий шаҳарлардир. У чизикдан қуйидаги (ғарбдаги) шаҳарлар, масалан, Шош, Илоқ, Усрушона, Самарқанд ва Бухоро, то Суси Аксигача – ғарбий шаҳарлардир” (Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, 1981, 45-46 б.).

Тарихчи олим Ш.С.Камолиддинов (1997) Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тарихига оид ажойиб ёзма ёдгорликлардан бири, марвлик ҳадисшунос ва қонуншунос олим, тарих ва филология билимдони Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг (1113-1167) "Китоб ал-ансоб" ("Нисбалар китоби") асари юзасидан монографик тадқиқот ўтказиб, ундаги Ўрта Осиёга оид барча маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиб берган.

Жумладан, бизнинг мавзумизга тааллуқли бир қатор хулосаларга келган. Унинг ёзишига кўра, хоразмлик қомусий олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий ал-Барахий (X аср), Самъоний бўйича Бухорода сомонийлар ва қорахонийлар давридаги таниқли олимлар авлодининг асосчиси бўлган. Хусусан, унинг катта ўғли Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Барахий ал-Хоразмий (ваф. 986 й.) таниқли сўфий, қонуншунос, филолог, сомоний ҳукмдор Нух ибн Мансурнинг сарой шоири ва машҳур Абу Али ибн Синонинг адабиёт ўқитувчиси бўлган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг иккинчи ўғли Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ас-Барахий ал-Хоразмий ҳам сўфий, қонуншунос ва шоир бўлган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг набираси Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн

Муҳаммад ал-Барахий ал-Хоразмий (XI аср) Бухоронинг олий қозиси, кейин қорахоний Тамғачхон Иброҳимнинг (ҳукмронлик йиллари 1052-1068) бош вазири, сўнг Бухоро ҳокими бўлган, лақаби Шароф ар-Руъаса бўлган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ал-Барахий нисбаси Самъонийга кўра, "барах" сўзидан олинган бўлиб, форсчада "қўзичоқ" маъносини англатади ва илгарилари қўзи савдоси билан шуғулланганлигига ишора қилади.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий машҳур қонуншунос, шоир, файласуф, филолог ва араб тили грамматикаси бўйича йирик олим бўлган. Илмий мақсадларда Ироқ шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар қилган. Ҳаж сафарини адо этиб, Маккада ҳам бўлган.

Юқорида исми-шарифи тилга олинган олим Самъоний ҳам саккиз жилдан иборат луғат тузган. У Марв шаҳрида туғилиб ўсган. Ўз даврининг етук тарихчи, этнограф, филолог ва географ олими бўлиб етишган. Олимнинг келиб чиқиши Ўрта Осиёга келиб қолган арабларнинг самъон қабиласидан бўлиб, унинг нисбаси шундан.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний Шарқ оламининг кўп шаҳарларида, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Нишопур, Исфаҳон, Бағдод, Ҳалаб, Дамашқ, Қуддус шаҳарларида бўлиб, у ерлардаги машҳур олимларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган, ўз билимини оширган, халқ орасида юриб ўз асарларига қимматли маълумотлар тўплаган. Фан тарихчилари унинг элликдан ортиқ илмий асарлари бўлганлигини қайд этадилар. Жумладан, "Мўъжам ал машойих" номли луғати, "Алмажир ал кабир" ва 20 жилддан иборат "Тарихи Марв" каби асарлари бўлганлиги маълум. Унинг асарлари орасида Шарқ мамлакатлари географияси ва этнографиясиги оид маълумотларга бой бўлган "Китоб ал-ансоб" асари аҳамиятлидир. Олимнинг 1156 йилда Самарқандда ёзиб тугаллаган ушбу асари кейинги 2-3 аср мобайнида шарқ олимларини эътиборидан тушмаган. Унинг ҳажми катталиги фойдаланишда ноқулай сезилган чамаси, баъзан қисқартириб қайта ишланган. Бинобарин, 1219 йилда ибн Асир ушбу асарни уч томлик қилиб, "ал-Лубоб" номи билан маълум қилган. Кейинроқ, 1469 йилда Суютий асарни яна қисқартириб, қайта ишланган нусхасини яратган. И.Ю.Крачковскийнинг (1957) таъкидлашига кўра, бу қисқартма нусхалар ҳозирда маълум миқдорда ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган, аммо "Китоб ал-

ансоби”нинг асли Ўрта Осиё билан боғлиқ тарихий географик масалалар бўйича бир умрга фойдали маълумотнома бўлиб қолаверади.

Машҳур луғатнавис олим Ёқут Ҳамавий Самъоний оиласи Марвнинг зиёли оилаларидан бири эканлигини, бу оиладан етишиб чиққан олимлар ҳақида ва умуман XII асрдаги Марв шаҳри ва бу ердаги илмий шароит ҳақида, шу ерда туғилиб ўсган, замонасининг етук олиму фозиллари ва уларнинг асарлари ҳақида кўп тарихий маълумотларни ёзиб қолдирган.

Фан тарихчилари Ёқут Ҳамавийнинг иккита луғатини кўп бор тилга оладилар. Улардаги одил ва ишончли маълумотлардан кенг фойдаланадилар. Ушбу луғатлардан бири ўн жилдлик “Муъжам ал-булдон” (“Мамлакатлар луғати”) бўлиб, том маънодаги географик луғат ҳисобланади. Муаллифининг исми – шарифи эса Ёқут ибн Абдуллоҳ ар – Румий ал – Ҳамавийдир. Шарқшунос ва тарихчи тадқиқотчилар уни қисқача қилиб Ёқут деб ёки Ёқут Ҳамавий деб тилга оладилар.

Асли Кичик Осиёдан бўлган Ёқутни болалик чоғидаёқ қул қилиб сотишган экан. Уни Бағдодда савдо ишлари туфайли яшаб юрган, асли Суриянинг Ҳама шаҳридан бўлган бир савдогар сотиб олган ва унга Ёқут деб исм қўйган. У замонларда қулларга ёқут, зумрад, дур каби бирорта қимматбаҳо тош номи билан исм қўйиш расм бўлиб, ота – онаси ноъмалум бўлган қулваччаларни эса “ибн Абдуллоҳ” деб қўяқолишар экан.

Ёқутнинг ёзишига қараганда бундай исм – шарифли шахслар онда – сонда учраб турар экан. Унинг ўзи Ёқут ибн Абдуллоҳ ар-Румий исми – шарифли икки “адаш”ини кўрган. Бирини Бағдодда, иккинчисини Ироқнинг Мосул шаҳрида учратиб, ҳатто суҳбатлашган ҳам. Ёқутнинг хўжайини ўзига тўқ бадавлат савдогарлардан бўлсада, билими саёзлиги туфайли бирорта чаккон ва билимли ёрдамчига муҳтож бўлган. Шу сабабли Ёқутни яхши ўқиб, билимдон бўлиб улғайишига ҳаракатини аямаган. Савдо ишлари билан боғлиқ ҳолда Ёқутни ўзи билан олиб юриб, Шарқнинг кўп шаҳарларида бўлишган. Айрим ҳолларда эса бундай ишларни ишончли Ёқутнинг ўзига топшириб ҳам қўйган.

1199 йилда хўжайини вафот этгач, Ёқут қулликдан озод бўлади ва хўжайинининг “Ҳамавий” нисбаси билан Бағдод

шаҳрида яшай бошлайди. Бу пайтларда Бағдод илм – фан маркази мавқеини йўқотмаган, бу ерда замонанинг кўп донишмандлари, олиму – фозиллари тўпланган, кўп мадраса ва кутубхоналар фаол ишлаб турганди. Жумладан, Салжук султонлари Алп Арслон (1063 – 1072) ва унинг ўғли Маликшоҳга (1072 – 1092) вазирлик қилган, “Низомулмулк” унвони билан машҳур бўлган давлат арбоби Али Ҳасан ташкил этган ва бутун Шарққа донғи кетган “Низомия” мадрасаси, халифа ан – Носир (1180 – 1225) номи билан аталган энг катта ва бой кутубхона доимо гавжум бўлган. Бундан ташқари шаҳарда яна ўттиздан ортиқ кутубхоналар ишлаб турганлиги маълум. Бундай шароитда китоб ва илм излаган Ёкут даврнинг илғор олимларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлган, куну – тунлари китоб ўқиш, муҳим деб топган китобларидан хуснихат ила нусха кўчириш билан шуғулланган. Қолаверса, унинг тирикчилиги ҳам шунга боғлиқ бўлган.

Ёкутнинг кутубхона ва китоб излаб шаҳарма – шаҳар юрганлиги ҳам маълум. Унинг бу “саёҳат” лари 1213 йилда бошланиб, то вафотига қадар, яъни 16 йил давом этган. Шу сабабли бирор жойда муқим яшамаган.

Ёкутнинг аввало Бағдоддан Табриз шаҳрига ўтганлиги, у ердан Мосул ва Дамашқ шаҳарлари орқали Мисрга борганлиги маълум. Орадан уч йил ўтар – ўтмас у яна Дамашқда пайдо бўлган. Бу ердан Хуросон томонларни кўзлаб йўлга чиққан Ёкут Ҳалаб, Ирбил ва Табриз шаҳарларидан ўтиб Нишопурга, ундан сўнг Ҳирот ва Сарахсга, у ердан эса Марвга етиб келган.

Ўрта асрларнинг биринчи ярмида ўзидаги мадрасалар, кутубхоналар ва олимлари билан бутун Шарқ оламида машҳур бўлган бу ораста ва кўркем шаҳар Ёкутга жуда хуш ёққан. Марвда икки йил яшаган Ёкут излаб юрган китобларининг кўпини шу шаҳар кутубхоналаридан топган ва уларни изчил ўрганган. Марвлик таниқли олим Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас – Самъоний ал-Марвазийнинг (1112 – 1176) авлодлари билан танишиб, уларнинг уйларида ҳам бўлган, оилавий кутубхоналаридаги китоблардан фойдаланган. Ёкутнинг кўнглида умрбод Марвда яшаб қолиш ва географик луғат тузиш истаги ҳам шу ерда пайдо бўлганди. Аммо мўғул лашкарининг Мовароуннахрга кириб келганлигини эшитгач, бу шаҳардан

кетишга мажбур бўлган. Шу орада Ёкут Хоразмга ўтиб бир қатор шаҳар ва қишлоқларини ҳам кўрган.

Ёкут ўз саёҳатларининг давомида Рай – Казвин – Табриз йўналишида юриб, 1220 йилда Мосул шахрига келади. Бу ерда у ўз луғати устида жиддий ишлаб, 1224 йилда дастлабки нусхасини тайёр қилади ва шу йили Ҳалаб шахрига кўчиб ўтади. 1227 йилда бу ердан Фаластин ва Мисрга бориб келади. Ҳалабда Ёкут географик луғатининг сўнгги таҳрири устида ишлашга киришади. Аммо мўлжалланган ишини поёнига етказа олмай, 1229 йилнинг 20 августида 50 ёшида вафот этади.

Ёкутдан бир неча асарлар илмий – маънавий мерос бўлиб қолган. Аммо унинг машҳурлиги икки асари билан боғлиқ. Улардан бири “Муъжам ал - удабо” (“Адиблар луғати”) номли 7 жилддан иборат асар, иккинчиси эса ушбу саҳифаларда сўз юритилаётган географик луғатдир.

Европаликлар ушбу луғатдан Шарқ олимларининг бошқа бир қатор асарларига нисбатан анча кеч, яъни XIX асрнинг биринчи чорагидагина хабардор бўлганлар. Бу пайтларда асардан иқтибос қилинган айрим парчалар (масалан, Ибн Фадлон саёҳати) ни ҳисобга олмаганда, кўпчилик луғатнинг мазмун ва моҳиятидан беҳабар эди.

Асарнинг тўла матни 1866 – 1873 йилларда Лейпциг шаҳрида босма усулда 6 жилддан иборат қилиб ва 1906 йилда Қоҳирада қайта чоп этилгач, шарқшунос олимларнинг эътиборини қозона бошлади. Ушбу нашрлар луғатдаги маълумотларни ҳамда муаллифининг ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганишга имкон яратди. Шунингдек, асл нусхалари аллақачонлар йўқолиб кетган ёки анча кеч топилган бир қатор асарларнинг умумий мазмуни ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга асос бўлди. Чунончи, Ёкутнинг географик луғати унгача ўтган олти юз йиллик даврдаги географик адабиёт ва унинг муаллифлари ҳақида ишончли ва қимматли маълумотлар берувчи бебаҳо асардир.

Ўз ишига ниҳоятда талабчан бўлган ва ўзининг географик луғатида аниқ маълумотлар беришга интилан Ёкут ўрта асрлар тарихи, географияси ва фан тарихи учун муҳим бўлган кўп ва турли манбалар ҳақида хабардор бўлишимизга бениҳоя катта хизмат қилган деб ҳисобланади.

Ёқутнинг географик луғат тузишдан мақсади асосан мамлакатлар, тоғлар, текисликлар, водийлар ҳақида, шаҳарлар ва қишлоқлар, турли аҳоли манзиллари, денгизлар ва дарёлар, кўллар ҳақида, шунингдек, санамлар, турли зиёратгоҳлар, обида – ёдгорликлар, жойларнинг иқлими ва бошқа хусусиятлари ҳақида аниқ ва пухта маълумотлар беришдан иборат бўлган. Ва ушбу мақсадга ўз замонаси учун аъло даражада эриша олган.

Ёқутнинг ўзи эътироф этишига кўра, луғатда келтирилган географик маълумотлар катта амалий аҳамиятга эга. Ушбу маълумотлардан турли касб эгалари, олим ҳам, шоир ҳам, ҳаттоки оддий сайёҳ ҳам фойдалана олиши, жойларнинг номларини аниқ билиши, шунингдек, номларнинг қандай талаффуз қилинишигача хабардор бўлиши мумкин. Бу луғат фақат астрономик география, тасвирий география ва тарихий географияга оид маълумотлар йиғиндисигина бўлиб қолмай, халқларнинг оғзаки ижодига, маданиятига, динига доир маълумотларга ҳам бойдир.

Айтиш лозимки, Ёқут ўз луғатини тузишда илм қоидаларига риоя қилишга ҳаракат қилган. У ўзидан аввалги луғат тузган олимларни бирма – бир санаб ўтган. Фойдаланган адабиётларини аниқ кўрсатишга интилган.

Луғатнинг муқаддима қисми сўзбоши ва бешта катта – кичик боблардан иборат бўлиб, ҳажми бўйича мўъжазгина бир китобчани ташкил қилиши мумкин. Унда Ернинг шакли ҳақида олимлар билдирган фикрлар бирма – бир қайд этилган. Дунёни иқлимларга бўлиниши, буржлар ва қайси мамлакат қайси бурж таъсири остида эканлиги ҳам санаб ўтилган. Шунингдек, ҳар бир жойнинг географик ўрнини аниқлаш, қибла томонни беҳато белгилаш каби бевосита амалий масалаларга ҳам тўхтаб ўтилган.

Муқаддима бобларида географик адабиётда учрайдиган кўп терминларни изоҳлашга, турли мамлакат ва ўлкаларнинг аҳолисига доир маълумотлар беришга ҳаракат қилинган. Масалан, Ёқутнинг ёзишига кўра, “кўхандиз” сўзи Мовароуннахр ва Хуросон халқи тилида “кўхна диз”, яъни эски қалъа деган маънога эга экан. Бу ўлкаларда кўхандизлар шаҳарларнинг ўртасида, баландроқ жойларга қурилган.

Луғатнинг асосий қисмида жой номлари араб алифбоси тартибида берилиб, номнинг келиб чиқиши, қандай ёзилиши ва

қандай талаффуз этилиши тушунтириб ўтилган. Шунингдек, жойларнинг қайси кенглик ва узунликда эканлиги, қайси бурж таъсири остида эканлиги ҳам айtilган.

Ўқутнинг географик луғатидан Муҳаммад Хоразмий, Абу Маъшар Балхий, Абу Зайд Балхий, Абу Райҳон Беруний, Ҳишом ибн ал – Қалбий, Муқаддасий, Масъудий каби қатор олимлар ҳақида, уларнинг айрим асарлари ҳақида қимматли маълумотларни топиш мумкин. Масалан, Ўқут Абу Райҳон Берунийнинг бизгача етиб келмаган ва Хоразм тарихига доир асари ёки 1031 йилда ёзган “Тақосим ал – ақолим” (“Иқлимлар тақсимоти”) номли географик асари бўлганлигини, уларни кўрган ва ўқиганлигини қайд этган. Шу каби Аҳмад ибн Муҳаммад ас – Сарахсийнинг бизгача етиб келмаган “ал-масолик ва-л-мамолик” асари бўлганлигини ва ундан фойдаланганлигини ёзган. Бу каби мисоллар луғатда анчагина топилади.

Ўқут ўз тафсифларида, ўрни келганда шоирларнинг шеърларидан ёки олимлар ҳаётидаги айрим воқеалар тўғрисидаги ҳикоялардан намуналар ҳам келтирган. Масалан, фикҳ илмида анчайин танилиб қолган Абу Маъшар Балхийнинг қай тарзда Бағдодга келиб қолганлиги ва бу ерда астрономия билан қизиқиб қолиб, бу соҳада юксак натижаларга эришганлиги ҳақидаги ёки Абу Райҳон Берунийнинг вафоти олдида мерос тақсимотига таалукли бир масалани билиб қолишни истаганлиги ҳақидаги ҳикоялар мисол бўлади.

Ўқутнинг баъзи олимлар ёки уларнинг айрим асарлари ҳақида билдирган ҳолисона фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Бунга мисол тарақасида ўнга яқин географик асарлар муаллифи бўлган Ҳишом ибн Қалбийнинг (ваф. 820) нуфузи ҳақида: “бирорта масала юзасидан олимлар ўзаро тортишиб қолганларида унинг сўзи исботлари билан кучли эди” – деб ёзганини ёки Берунийнинг “Қонуни Масъудий” номли асарини “астрономия ва математика бўйича ёзилган барча китобларнинг изини ўчириб юборди” – деб баҳолаганини айтиш мумкин.

Ўқутнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳамда луғатлари рус шарқшунос олимлари академик В.Р. Розен ва унинг шогирдлари академик В.В.Бартольд ва академик И.Ю. Крачковскийни ҳам қизиқтирган. Жумладан, ўрта асрлар Шарқ географик адабиёти билимдони И.Ю. Крачковский ўзининг йирик монографик

асарида (Танланган асарлар, IV том, 1957 йил) 11 саҳифалик ҳажмда Ёқут ва унинг луғати тўғрисида қимматли фикрларини билдирган. Бу шарқшунос олим луғат ва унинг муаллифига баҳо берар экан, Ёқутни луғат тузишда ал – Бакрий (ваф. 1094 й.) каби географ – филологлар қаторида турсада, ўз луғатини тузишда нафақат келтирилган маълумотларнинг турли – туманлиги бўйича, балки мустақил ҳолда, айтиш мумкинки, ақл билан ёндашганлиги билан ҳам “бир калла” юқори туради. Шу маънода унинг географик адабиётлар жамламаси эса мўғул истилосидан аввалги олти асрлик даврни муносиб равишда якунлайди. Ёқутни ўзини эса бизни қизиқтираётган соҳада ўз замонасининг буюк намоёндаси деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги кундаги фанимизда ҳам унинг китоби яшамоқда ва кундалик нуфузли қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда деган фикрларни билдирганди.

Таниқли географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам ўзининг “Сайёҳ олимлар” номли китобида (1981) Ёқут Ҳамавийни “Ўрта Осиёнинг чинакам шайдоси, ватанпарвари бўлиб қолган” – деб таърифлар экан, унинг Марв ва у ердаги кутубхоналар тўғрисида жўшиб ёзган сатрларидан намуналар келтирганди.

Ёқутнинг географик луғати ҳажмига кўра анчайин катта (10 жилддан иборат) бўлишига қарамай, ўрта асрларда халқ орасида қайта – қайта кўчирилган чоғи, бизнинг кунларгача бир неча нусхада етиб келган. Масалан, Европанинг бир қатор шаҳарлари (Лондон, Оксфорд, Копенгаген, Берлин, Париж, Петербург) кутубхоналарида мавжудлиги аниқланган. Ҳозирги замон олимлари асосан Лейпциг ва Қоҳира босма нашрларидан фойдаланмоқдалар.

Асарнинг кенг маълум бўлишида Ёқутнинг замондошлари, таниқли муаррихлар Ибн ал – Асир ва Ибн Халликон кабиларнинг ҳиссалари бор. Чунончи, Ибн Халликоннинг таъкидига кўра, Ёқут вафоти олдидан бағдодлик бир танишига китобларини бериб, ўзи яқин муносабатда бўлган Ибн ал – Асирга топшириб қўйишни илтимос қилган.

Иккинчи луғати эса “Муъжам ал-удабо” (“Адиблар луғати”) деб номланиб, машҳур шахслар, ҳукмдорлар, олимлар, адиблар ҳақида кўп қимматли тарихий маълумотлар жамланган асар ҳисобланади.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов (1981) Ёқут Ҳамавийнинг келиб чиқиши ва Марвдаги ҳаёти ҳақида, унинг 1229 йилда Суриянинг Ҳалаб шаҳрида 50 ёшида вафот этганлиги ҳақида маълумот берар экан, олимнинг “Муъжам ал-булдон” асарида ҳар бир мамлакатга, шаҳар, тоғ, дарё ва қишлоққа берилган изоҳлар билан бир қаторда, аҳолига доир, шу ерда яшаган атоқли шахслар, шу ердаги зиёратгоҳлар, ёдгорликлар, об-ҳаво шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўплигини айтганди.

Ёқут Ҳамавий Марвда бўлган пайтида Самъонийлар оиласида бўлиб, уларнинг бой кутубхонасидаги китоблардан фойдаланган, жумладан, “Китоб ал-ансоб”дан ҳам. Ёқут Ҳамавийнинг Марв шаҳри ҳақида, у ердаги кутубхоналар ҳақида ёзганларидан айрим парчалар Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг китобида нақл қилинган (1981, 142-143 бетлар).

Ушбу парчаларда баён қилинган ҳолат илм билан шуғулланувчилар учун ибратлидир. Чунончи, биз ҳам шу парчаларни айнан келтиришга журъат этдик: “Мўғуллар босиб келмаганда Марвдан асло кетмаган бўлардим. Марвда ҳамма фойдаланадиган 10 та кутубхона бор эди. Масжиди жоменинг ўзидагина 2 та кутубхона бўлиб, бирида 12 минг жилд китоб сақланарди ... Бу кутубхоналардан тилхатсиз олинган 200 жилддан ошиқ китоб уйимдан аримас эди. Мен шу китоблар боғидан мевалар териб, энг фойдалиларини ўзимга олар эдим. Завқбахш бу китоблар туфайли ҳамма шаҳарлар ёдимдан чиқиб кетди... Мен “Муъжам ал-булдон” ва бошқа китобларимдаги маълумотларнинг кўпини ўша кутубхоналардан тўплаганман”...

“Марвдаги кутубхоналар, донишмандларнинг асарлари ва илм-фан билан қизиқиб бола-чақа ва ёр-дўстларни унитиб юбордим. То тупроққа киргунимча ўша ерларда бўлишга ният қилган эдим, Хуросон воқеаси (мўғуллар истилоси) бунга ҳалакит берди. Ҳақиқатдан ҳам, Марв тоза ҳавоси, чиройли боғ-роғлари, сайроқи қушлари, хушбўй гулларни сероб қилиб турадиган ёмғирлари билан жаннатга ўхшайди. У ердаги одамларнинг асарлари бутун дунёга таралади, бинобарин у ерлик одамларни бутун дунё танийди. Шундай жойлар (Чингизхон ҳужумидан кейин) хароб бўлиб, улар ўрнида қарғалар макон қурди”.

XIII аср бошларида Ёкут Ҳамавийнинг замондоши Жамолиддин ибн Юсуф ал-Қифтий (1172-1239) томонидан яратилган “Тарих ал-Ҳукамо” (“Донолар тарихи”) номли асар ҳам бир нав луғат эди.

1077 йилда Бағдодда халифа Муқтадирга катта бир илмий асар тақдим этилганди. Бу йирик асар “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар девони”) деб номланиб, ноёб бир луғат эди. Луғат бўлганда ҳам, гўё бир энциклопедия эди. Унинг муаллифи Ўрта Осиё фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккир, туркшунослик, терминшунослик, лингвистика илмларининг асосчиси, этнограф ва географ олим Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Кошғарий эди.

Бўлажак олим Маҳмуднинг туғилган жойи Иссиқкўл бўйидаги қадимги Барсғон шаҳри ҳисобланади, бошланғич маълумотни ҳам шу ерда олган. Кейинчалик унинг отаси оиласи билан Кашқарга кўчган ва ўша ерда яшаб қолишган. Маҳмуднинг Кошғарий нисбаси шундан. Кошғарда билим олишни давом эттирган Маҳмуд кейинчалик Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг йирик илм марказлари Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур шаҳарларида билимини оширган. Бироз муддат Бағдодда ҳам бўлган. Натижада ўнга яқин тилни биладиган, замонасининг кўп фанларини ўзлаштирган қомусий олим бўлиб етишган.

Маҳмуд Кошғарий чамаси 15 йилга яқин илм излаб, бўлажак асарига этнографик, лингвистик, географик маълумотлар тўплаган. Қора денгиз бўйларида Хитойгача бўлган юртларни кезганлиги, турли ўлка ва шаҳарларда бўлганлиги, турли халқлар, қабилалар билан яқиндан танишиб ўрганганлиги, географик жой номлари ва атамаларга оид катта ҳажмли маълумотлар тўплаганлиги асарда айтиб ўтилган. Унда турклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарлари, қишлоқлари ва яйловларини кўп кезганлигини, луғатларини тўплаганлигини, сўз хусусиятларини ўрганганлигини ва аниқлаганлигини олимнинг ўзи ҳам эслатиб ўтган.

Маҳмуд Кошғарийнинг 1072-1074 йилларда ёзилган “Девону луғатит турк” асари асосан саккиз бўлимдан иборат бўлиб, унда етти ярим мингдан зиёд туркий сўзлар, иборалар, терминлар, жой номлари, кишиларнинг исмлари тилга олинган. Ўлкалар, шаҳарлар, катта-кичик аҳоли манзиллари, халқлар, элатлар,

қабилалар, денгизлар, кўллар, дарёлар, тоғлар, довлонлар, даралар, водийлар, об-ҳаво ва иқлим, тупроқ ва ўсимликларга оид терминлар изоҳлаб берилган. Муаллифнинг сўзлари билан айтганда, бу асар олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда тузилган.

Мазкур асарда шу қадар катта ҳажмли, бой ва серқирра тарихий маълумотлар бўлганки, қатор тадқиқотчи олимлар уни бебаҳо қўлёзма манба сифатида тилга оладилар. Шарқшунос, тарихчи, тилчи, этнограф ва географлар асарнинг ўз соҳаларига оид жиҳатларини тадқиқ қилганлар, ундаги маълумотлардан фойдаланганлар.

Шундай олимлардан бири, шарқшунос В.В. Бартольд Маҳмуд Кошғарий тўғрисида: “У Ўрта Осиё тўғрисида араб тилида асар ёзган барча муаллифлардан ажралиб туради, Маҳмуд ўз асарини турли китоблардан кўчириб ёзмаган, уни ўз кўзи билан кўриб, билиб олган маълумотларга асосланиб ёзган”- деб, ҳолис фикр билдирганди.

Ўзбек тилшунос олими Солих Муталлибовнинг ушбу асар юзасидан амалга оширган тадқиқотлари эътиборлидир. Олим девонни ўзбек тилига таржима қилиб, сўз боши билан нашр эттирган (1960-63 й.).

Географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам ўрта асрлардаги Ўрта Осиё ва Хуросондан етишиб чиққан олимларнинг географик меросини ёритиб беришда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”ини ва унинг айрим тавсифларига доир ёзилган турли мақолаларда билдирилган фикр-мулҳазаларни синчиклаб таҳлил қилган ҳолда, асарнинг географик жиҳатларини кенг илмий таърифлаб берган (1963, 1981). Унинг аниқлашига кўра “Девон”даги географик маълумотлар қуйидагилардан иборатдир: 1) табиий географик терминлар ва уларнинг изоҳи; 2) доира шаклидаги дунё харитаси (5-расм); 3) жой номлари ва уларнинг изоҳи; 4) айрим қабилаларнинг жойлашиши ҳақидаги маълумотлар; 5) астрономик маълумотлар, календарь системаси – мучаллар ва уларнинг тарихи.

келиши, бир мазмунда баён этилиши, баъзи номларнинг бошқа бирон-бир шарқ географининг асарларида учрамаганлигини инобатга олиб, Маҳмуд Кошғарийни география соҳасида улуғ Берунийнинг мухлиси, шогирди деб баҳолаганди. Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, Маҳмуд Кошғарий луғатини ва ундаги дунё харитасини кўп жиҳатлари ҳали синчиклаб ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Чунончи, география фанлари номзоди М.Миракмалов (2009) “Халқ табиий географик терминлари” номли монографиясида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”ини ўзбек (туркий) географик терминшунослигига оид илк манба сифатида ўрганиб, унда келтирилган кўплаб халқ терминларини, иборалари ва изохларини таърифлаб ўтган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида (5-жилд, 77-78 б.) берилган маълумотга кўра, Маҳмуд Кошғарий 1080 йилда (ёки 1118 йилда) ватанига қайтиб келиб, Ўпал ноҳиясидаги Азиқ қишлоғида, Ҳазрати Мулло тоғи этагидаги тепаликда жойлашган мадрасада дарс берган ва илмий ижод билан машғул бўлган. Маҳмуд Кошғарий 1115 йилда (ёки 1126 й.да) 97 ёшида вафот этган, Ўпалдаги аждодлари мақбарасига дафн этилган. Мақбара ҳозиргача “Ҳазрати Мулло мазори” номи билан машҳур.

Луғатчилик йўналишида яратилган асарлар қаторига фан тарихчилари, шарқшунос тадқиқотчилар кўпдан бери фойдаланиб келаётган, улар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилаётган машҳур “Ал-Фихрист” асарини ҳам киритиш мумкин.

Унинг муаллифи асли бағдодлик бўлган Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ҳисобланади. Бу адибнинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Фақат асарининг 988 йилда ёзила бошланганлиги ва XI аср бошларида тугалланганлиги маълум. Мазкур асарни ўрганган В.В. Бартольд уни “исломнинг аввалги тўрт асридаги фан ва адабиёти ҳақидаги маълумотларнинг доимо энг асосий манбаи бўлиб қолади”- деб баҳолаганди.

Асар муқаддимасида муаллифнинг ўзи араб ва араб бўлмаган олимларнинг турли фанлар бўйича араб тилида ёзилган асарларини кўрсатиб, муаллифларининг келиб чиқиши, туғилган ва вафот этган саналари, истиқомат қилган юртлари,

асарларининг асосий хусусиятлари, ютуқ ва камчиликларини ёритиб беришга ҳаракат қилганлигини айтган.

Юқорида “Китоб ал-масолик ва-л мамолик” туркумидаги асарлар ҳақида сўз борганда, ал-Бакрий исми ҳам эсга олинган. Бу шахснинг тўлиқ исми Абу Убайд Абдуллоҳ ал-Бакрий бўлиб (вафоти 1094 й), нисбаси арабларнинг бакрит қабиласидан бўлганлигига ишора қилади. XIX асрдаги европалик айрим фан тарихчилари ал-Бакрий шахсини юқори баҳолаб, уни энциклопедист олим, араблар Испаниясининг буюк географи деб ҳисоблаганлар. Аслида у серқирра билимли адиб бўлган. Унинг географияга оид яна бир асари “Муъжам мастожам” номли географик луғатдан иборат бўлган. Унда муаллиф Қуръонда, ҳадисларда, ҳикояларда, шеърларда, тарих ва адабий асарларда учраган ва асосан Арабистон ярим оролига тааллуқли бўлган аҳоли яшаш жойлари, шаҳар ва қишлоқлари, қумликлари, қудуқлари қабиларга оид маълумотларни тўплаб, араб алфавити тартиби билан изоҳлаб берган.

Шунга ўхшаш, яъни асосан Арабистон ярим оролидаги географик объектларни қамраган географик луғат “Китоб ал-жибол вал-амкина вал-мийоҳ” (“Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақидаги китоб”) номли асар ватандошимиз, араб тили ва грамматикасига оид қимматли асарлар муаллифи, серқирра олим Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144) томонидан тузилган. Замахшарий қадимги Хоразмнинг Замахшар қишлоғида, тақводор бир оилада туғилган. Бирламчи саводини уйида, ўз отаси ёрдамида чиқарган. Сўнгра Журжон мадрасасида ўқиб, қатор диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаб олган. Бир неча йил Бухорода бўлиб, билимларини оширган. Кейинчалик Хуросон, Сурия, Ироқ, Ҳижоз томонларга саёҳат қилган. Марв, Нишопур, Исфаҳон, Бағдод каби илм марказларида замонасининг машҳур олимлари суҳбатларидан, илмларидан баҳраманд бўлган. Маккада ҳам бир неча йил яшаб, илм билан шуғулланган. Ўзининг географик луғатини ҳам шу ерда, Макка ҳокимининг таклифи билан ёзган.

Замахшарий ўзининг ушбу луғатида Арабистон ярим оролидаги шаҳарлар, аҳоли манзиллари, зиёратгоҳлари, мақбаралар, мачитлар, тоғлар, водийлар, сув манбалари ва ҳоказоларни алфавит тартибида бериб, изоҳларини баён қилиб

берган. Изоҳларда жой номларининг келиб чиқишига доир қизиқарли маълумотлар ҳам келтирилган. Луғатдаги айрим жойларнинг номлари изоҳсиз бўлганлигини инобатга олган тадқиқотчилар (масалан, И.Ю.Крачковский) асарни поёнига етказилмаган ёки чала таҳрир қилинган деб ҳисоблаганлар.

Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида профессор Убайдулло Уватовнинг қатор асарларида кенг маълумотлар баён қилинган. Жумладан, “Буюк мутаффакир аз-Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид элликдан ортиқ асар яратган, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган... Аз-Замахшарий охириги марта Маккадан қайтиб, Хоразмда бир неча йил яшайди ва ҳижрий 538 йилда арафа кечаси (1144 йил 14 апрел) вафот этади”- деб ёзганди (1999).

Ўрта асрлар Шарқ олами географиясидаги луғатчилик йўналиши кейинчалик ҳам бир неча асрлар давомида мавжуд бўлди. Бу йўналишда яратилган асарлар қаторига XIV аср охириларида Мир Саййид Журжоний тузган терминологик луғатни, XVII аср турк шарқшунос олими Ҳожи Ҳалифа Котиб Чалабийнинг “Кашф аз-Зунун” номли асарини киритиш мумкин.

Кейинги асар Шарқдаги машҳур шахсларнинг, жумладан, астроном, географ олимларнинг ҳам таржимаи ҳоли, илмий фаолияти ва ёзган асарлари ҳақидаги турк алифбосининг 18 та ҳарфи бўйича маълумотлар тўпланган ўзига хос энциклопедик луғат эди. Шу каби асарлар қаторига XVII асрнинг биринчи ярмида яшаган балхлик олим Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор фи муноқиб ал-ахёр” (“Хайрли кишиларнинг юқори хислатлари тўғрисидаги сирлар денгизи”) номли асарини ҳам қўшиш мумкин.

Маҳмуд ибн Вали 1597 йилда Балхда, асли Наманганнинг Косон қишлоғидан бўлган Мир Муҳаммад Вали оиласида туғилган. Отаси Балхда юксак маълумотли кишилардан ҳисобланган, “Мир Хислат” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг катта ўғли Амир Абулборий ўқимишли фақих ва табиб бўлган. Маҳмуд ҳам дастлаб оилада, сўнг поччаси, йирик шайх Саййид Миракшоҳ Ҳусайний кўлида 1604-1625 йиларда ҳадис, фикҳ ва тиб илмларидан билим олган. Устозининг бой кутубхонасида астрономия, география ва тарихга оид кўп

асарларни ўрганган. Миракшоҳ вафотидан сўнг, 1625 йилда Маҳмуд ибн Вали дунё ажойиботларини ўз кўзи билан кўриш ва билимини ошириш ниятида карвонга қўшилиб, Ҳиндистонга сафар қилади. У ерларда етти йил мобайнида мамлакатнинг табиати, вилоят ва шаҳарлари, халқи, урф-одатлари, хўжалиги билан яқиндан танишади. Лахор, Пешавор, Дехли, Агра, Радж-Маҳал, Голконда, Ҳайдаробод, Вижаянагар, Калкут, Бикар шаҳарларида бўлиб, ҳиндларнинг ҳаётини ўрганади, бу шаҳарлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди.

Маҳмуд ибн Вали 1631 йилда Балхга қайтиб келгач, Балх ҳукмдори аштархоний Нодир Муҳаммадхоннинг сарой кутубхонасида китобдор вазифасида ишлай бошлайди ва умрининг охиригача илм билан шуғулланади, кўп асарлар ёзади. Унинг 50 минг байтлик шеърлар девони ҳам бўлган. Энг йирик “Баҳр ал-асрор...” эса Нодир Муҳаммадхоннинг топшириғи билан 1634-1641 йилларда ёзилган. Форс тилида ёзилган ушбу асар етти жилддан иборат бўлиб, ҳар бир жилди тўрт қисмга бўлинган. Ҳозирги кунда асарнинг фақат биринчи ва олтинчи жилдлари мавжуд.

Биринчи жилднинг кириш қисмида муаллифнинг Ернинг шакли, сайёраларнинг ҳаракати ва борлиқнинг асоси тўрт унсур ҳақидаги мулоҳазалари берилган. Олимнинг сув унсури ва ер унсури ҳақидаги маълумотлари анча кенг таърифланган. Масалан, сув унсурига оид саҳифаларда дарёлар, кўллар, булоқлар алфавит тартибида изоҳланган. Дарёларнинг суғоришдаги аҳамияти, булоқларнинг шифобахш хусусиятлари ҳам айтиб ўтилган.

Ер унсури қисмида муаллиф Ернинг тузилиши, рубъи маскун (обод чорак) ва етти иқлим ҳақида маълумотлар беради.

Биринчи жилднинг биринчи қисми мамлакатлар ва шаҳарлар тавсифига бағишланган. Унда Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонга оид қимматли маълумотлар бор. Шаҳарлар таърифи ҳам алфавит тартибида баён қилинган.

Шу жилднинг иккинчи қисмида қисқа кириш саҳифаларидан сўнг тоғлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва айниқса, табиий ресурслари ҳақида сўз юритилади.

Учинчи қисм қимматбаҳо металллар ва 180 дан ортиқ қимматбаҳо тошлар ҳақидадир.

Тўртинчи қисмда эса мевали ва манзарали дарахтлар, донли ва сабзавот экинлари, ҳайвонот ва қушлар ҳақида сўз боради.

Асарнинг олтинчи жилдини ўрганган В.В.Бартольд унинг мазмунини қисқача баён қилиб берган. Ушбу жилд асосан Чингизхондан то Нодир Муҳаммадхонгача бўлган давр тарихига оид бўлиб, охирида муаллифнинг Ҳиндистонга қилган саёҳати таърифланган.

Умуман олганда, Маҳмуд ибн Вали ўз асарини ёзишда Ибн ал-Факих, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Якубий, Абу Дулаф, Масъудий, Муқаддасий каби бир қанча географларнинг, айниқса, Абу Райҳон Беруний асарларидан кенг фойдаланган. Шу сабабдан Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор”ини ўрта аср географиясига доир сўнгги асарлардан бири деб ҳисоблаганди.

Асар биринчи жилдининг географияга оид қисмини тарихчи олим академик Б.Аҳмедов форсчадан русчага таржима қилган ва сўзбоши, изоҳлар билан 1977 йилда “Фан” нашриётида чоп эттирган.

Шунингдек, бу олим бошқа бир, каттагина илмий мақоласида (1994) Маҳмуд ибн Валини Берунийнинг Ўрта Осиёлик жавҳаршунос издошларидан бири сифатида таърифлаб, унинг Беруний ғояларини янги шароитда ривожлантиргани ва қимматли далилий маълумотлар билан бойитганини таъкидлаб ўтган.

3.8. Ўрта асрлар Шарқ олами тасвирий географиясида “Саёҳатнома” туркум асарлар

Умуман олганда, юқорида номлари тилга олинган олимлар ва асарлар муаллифларининг кўпчилиги саёҳат қилганлар. Улар саёҳатларда тўплаган маълумотлардан ўз асарларида унумли фойдаланганлар. Шу маълумотлар асосида аввалги муаллифларнинг хато ва камчиликларини тузатганлар ва тўлдирганлар, уларнинг асарларига янги маълумотлар қўшиб янги асарлар тузганлар. Фан тарихида шу тариқа яратилган асарлар кўп бўлган. Аммо биз кейинги бир неча саҳифаларимизда муаллифларнинг ўз саёҳатларида кўрган-билган ва ишончли маълумотлар асосида фақат “саёҳатнома” яратган олимлар, адиблар ва сайёҳлар ҳақида, уларнинг асарлари ҳақида сўз

юритмоқчимиз. Чунончи, бундай асарлар ўрта асрлар тасвирий географиясининг ўзига хос бир туркумини ҳосил қилади.

Маълумки, 921-922 йилларда халифа Муктадир Бағдоддан Волга булғорлари ўлкасига элчилар юборган вақтда элчилар сафида араб сайёҳи Аҳмад ибн Аббос ибн Фадлон котиб сифатида қатнашган ва Бағдод-Эрон-Бухоро-Хоразм-Урал-Волга йўналишида саёҳатда бўлган эди. У ўзининг саёҳат таассуротларини китобида акс эттирган бўлиб, ушбу китоб Шарқ оламида тасвирий географиянинг яна бир ўзига хос тармоғининг шаклланишига олиб келди. Бу тармоқ асосан “Рихла” (“саёҳат”) туркумли асарлар яратилиши билан тавсифланади. Ана шундай асарларнинг яна бир ёрқин намунаси Ўрта Осиёда узоқ ўтмишдаги ҳамюртимиз Абу Муиниддин Носир Хисрав ал-Қабодиёний томонидан яратилган “Сафарномаи Носири Хисрав” номли асардир.

Носир Хисрав 1004 йилда қадимги Қабодиён¹ шаҳрида обрўли, маърифатпарвар инсон оиласида таваллуд топган. Унинг болалик йиллари ўз шаҳрида ўтган, бошланғич маълумотни ҳам шу ерда олган. Кейинчалик у Балх ва Марв мадрасаларида таҳсил олиб, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган, кенг маълумотли ва маърифатпарвар олим бўлиб етишган.

Носир Хисравнинг номи ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” асарида машҳур шоирлар қаторида тилга олиниб, шундай мухтасар таърифланганди: “Хусрав Ансорийнинг ўғли Носир Хусрав шеър санъатида моҳир, ҳикмат илмида комил эди. Аммо уни динсизлик, даҳрийлик ва кофирликда айблаганлар. Унинг “Сафарнома” китоби бор, у кўпчилик мамлакатларда сафар қилган ва олимлар билан қилган суҳбатларини назм қилган”.

Носир Хисрав қадимги юнон файласуф ва табиатшунос олимлари Платон, Аристотел кабиларнинг асарларидан яхши хабардор бўлиши билан бирга, ўз юртдошлари Муҳаммад Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний асарларини ҳам кунт билан ўрганган. Ўзи ҳам ижодкор шоир, синчков олим сифатида қатор асарлар яратган. “Саодатнома”, “Рўшноинома”, “Жомеъ

¹ Тожикистон, Кофирниҳон дарёси бўйида, ҳозирги Носир Хисрав шаҳри чеккасига яқин жойлашган қадимий шаҳар бўлган.

ул- ҳикматайн”, “Зод ал-мусофирин”, “Сафарномаи Носири Хисрав” шулар жумласидандир. Олим “Ҳужжат” таҳаллуси билан кўп яхши шеърлар ёзган. Унинг ўн бир минг байтни ўз ичига олган шеърлар девони ҳам бўлган.

Носир Хисрав кўп саёҳат қилган, дунё кезган. Кўрган-кечирган ва турли кишилардан эшитиб билганларини батафсил баён қилишга уринган. Унинг “Сафарнома”си ана шу саёҳатларнинг илмий натижасидир. Ушбу асарда турли мамлакатларнинг табиати, қазилма бойликлари, халқлари, уларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, етиштирадиган деҳқончилик, боғдорчилик ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари, савдо-сотиғи, шаҳар ва қишлоқлари, уларнинг катта кичиклиги, денгизлар ва улардаги ороллар, дарёлар ва улардаги сувнинг оз-кўплиги, кема қатнаши ёки қатнамаслиги, сув қалқиш ҳодисаси ва унинг сабаблари каби кўп географик хусусиятлар жонли тасвирлаб берилган.

Носир Хисрав саёҳатларининг йўналиши, борган ўлкалари ва шаҳарлари ҳақида асарнинг қисқача русча таржимасида (Бертельс, 1948) ҳамда И.Ю.Крачковский ва Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг китобларида маълумотлар берилган. Масалан, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов сайёҳ олимнинг саёҳати ҳақида шундай ёзади. “1045 йил кузда Носир Хисрав ўз ватани бўйлаб биринчи бор саёҳат қилган. У Марвдан жануб томонга юриб, Мурғоб дарёсининг бошларигача етиб борган. 1046 йил баҳорида Носир Хисрав давлат хизматидан жавоб олиб, укаси Абу Саид ва ҳинд хизматкори билан бирга Арабистонга сафарга жўнаган. Унинг бу саёҳати XI асрдаги энг узоқ, қизиқ ва самарали саёҳатлардан бири ҳисобланади. У Марвдан чиқиб, Эроннинг шимолий вилоятлари Арманистон, Туркиянинг жануби, Ливан ва ҳозирги Исроил ерларидан ўтиб, Мисрга етиб келган. Мисрдан ҳозирги Тунис вилоятигача борган, сўнгра Арабистоннинг маркази Макка билан Мадинага ҳам бориб келган. Ниҳоят, 1052 йили олим кемада Нил дарёси бўйига саёҳат қилган, сўнгра туя қарвони билан қум чўлини кесиб ўтган. Қизил денгиз орқали яна Арабистонга қайтиб, Макка орқали Ироққа жўнаган. Носир Хисрав бу сафарида Арабистоннинг энг мудҳиш чўлларида ўтаётганида кўп азоб чеккан, ҳолдан тойган, Ироққа (Басрага) етиб келганида ҳатто оёқ устида туролмайдиган ҳолатда бўлган..... Басрадан Эроннинг Ободон портига яна кемада

борган, у ердан туя карвони билан жўнаб кетган ва бутун Марказий Эрон орқали ўтиб, Балх шахрига эсон-омон қайтиб келган.”

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ушбу сатрларининг давомида Носир Хисравнинг ўз саёҳатлари вақтида салкам 15 минг км йўл босганлигини қайд этар экан, уни кейинчалик Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларида ҳам бўлган деган мулоҳазага боради. Шунингдек, Носир Хисравнинг саёҳатларини акс эттирувчи янги, аниқлаштирилган харитасини ҳам илова қилади.

Албатта, бу саёҳатлар олим учун ажойиб таассуротлар ҳосил қилиши билан бир қаторда ўзига яраша азоб-уқубатлари ва чарчоқларини ҳам намоён қилган. Шундай бўлсада, сайёҳ олим доим изланишда бўлган ва ижодини тўхтатмаган.

Носир Хисрав ўз саёҳатлари давомида Қоҳира шахрида уч йилга яқин туриб қолган. Шу сабабдан бўлса керак, асарнинг Миср ва Қоҳирага оид саҳифалари бирмунча кенгрок ёзилган бўлиб, ўша замонлар Миср тарихи ва тарихий географияси нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим манба эканлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этиб келинмоқда.

Носир Хисрав Қоҳирада яшаб юрган кезлари, бу ерда фотимий халифа ал-Мустансирнинг ҳукмронлик (1036-1094) замони эди. Фотимийларнинг дин тарғиботчилари шиа мазҳаби доирасида шаклланган исмоилийлар эди. Уларнинг диний-фалсафий таълимотини яхши ўзлаштириб олган Носир Хисрав исмоилийларнинг йирик намоёндаларидан бири бўлиб етишганди. Шу сабабли ҳам у Балхда ўзининг диний-фалсафий қарашлари ва тарғиб қилган таълимоти туфайли руҳонийлар ва ҳукмдорларнинг кучли таъқиби остида қолади. Ҳаттоки, уни кофирликда айблаб ўлимга ҳукм қилишган ҳам. Шу сабабли у Бадахшонга қочиб кетишга мажбур бўлган.

Шундай қилиб, Носир Хисрав умрининг қолган 25 йилга яқин қисмини ўша ерда Юмғон қишлоғида яшаб, 1088 йилда вафот этган. Унинг мақбараси ўша ерда, ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғидадир. Мақбара 1700 м баландликдаги тепаликда бўлиб, оқ гумбаз билан қопланган. Кўп асрлардан бери зиёратгоҳ ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли уни “Мозори Шоҳ Хисрав” деб атайти.

XVII асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод қилган адиб Маҳмуд ибн Амир Вали ўзининг “Баҳр ул-асрор фи манокіб ул-аҳёр” (“Олижаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақидаги сирлар денгизи”) номли қомусий асарида Юмғон қишлоғини тасвирлаб, бу ерда ташлаб кетилган кумуш кони ҳамда қимматбаҳо тош қазиб олинадиган кон ҳам бўлганлигини ёзган. Шунингдек, у Муҳаммад ибн Яҳёнинг “Сувор ал-ақолим саба” (“Етти иқлим манзаралари”) асарида келтирилган маълумотларга асосланиб, Носир Хисравнинг Юмғонда бир қатор бинолар жумладан, ғаройиб бир ҳаммом курдирганлигини ёзади. Яна бу ерда Носир Хисрав қабрининг устида чолғу асбоблари чилдирма, сурнай, най, рубоб ва бошқа созлар қўйилганлиги, кимки соз чалишни ўрганмоқни ният қилиб бу ерга келса, созларни қўлига олиб, қондаси билан чалса, аввал бундай созни чалмаган бўлсада, моҳир созанда бўлажаги ривоят қилинган.

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Носир Хисравнинг географик асари таърифига якун ясар экан, шундай жумлаларни ёзади: “Носир Хисравнинг “Сафарнома”сини ўқиб ва унинг дунё тўғрисидаги тасаввурини таққослаганда Абу Райҳон Берунийга бир қадар тақлид қилганлиги сезилади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Носир Хисрав Берунийнинг ватандоши ва замондошигина бўлмай, балки унинг сиртки шогирди ҳамдир”.

Носир Хисрав ўз саёҳатида юрган кезлари, Бағдод шаҳридан яна бир шахс саёҳат иштиёқида йўлга чиққанди. У асли боғдодлик араб христианларидан бўлган таниқли табиб ва тиббиётга оид бир қатор асарлар ёзган олим ибн Бутлан (ваф. 1066 й.) эди. Унинг ўз саёҳатларидан олган таассуротлари асосида ёзган бир рисоласи маълум. Ёқут Ҳамавий ана шу рисоладаги маълумотларга асосланиб, ибн Бутланнинг саёҳати 1049 йилда Бағдодда бошланиб, Сурия орқали Мисргача борганлигини, йўлда ўзи борган ва кўрган шаҳарлар ҳақида географик маълумотлар келтирганлигини ёзади. Аммо унинг бу саёҳати Носир Хисрав саёҳатига нисбатан қисқароқ бўлган, тўплаган маълумотлари ҳам шунга яраша кенг бўлмаган.

Севильялик Абу Бакр Муҳаммад ибн Ал-Арабий (1076-1148) нинг “ар-Рихла” асари ўз номи билан саёҳатнома эди. Муаллиф 1092 йилдан 1099 йилгача Шарқ оламида саёҳатда бўлган. Дамашқ, Бағдод, Макка, Қоҳира ва Александрия каби шаҳарларда

бўлиб, ўша вақтлардаги таниқли олимлардан дарс олган. Ўзининг саккиз йиллик саёҳатларида кўрган-кечирганлари асосида “ар-Рихла” асарини ёзган. Унда одамлардан эшитган турли-туман ғаройиботларни ҳам кўп қўшиб юборган.

Тасвирий географиянинг ушбу тармоғининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган адиблардан бири Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жубайр ал-Киноний (1145-1217) бўлганди. Унинг аجدодлари VIII асрдаёқ Испанияга келиб қолган қадимги араб қабиласи канонийлар вакиллари билан бўлганлар. Ибн Жубайрнинг ота-онаси Валенсияда яшаганлар. Бўлажак сайёҳ ҳам шу ерда туғилган. Маълумотли бўлгач, отаси каби котиблик билан шуғулланган. Гренада ҳукмдорига котиблик қилган.

Ибн Жубайр қирқ ёшларга яқинлашиб қолган кезлари ҳаж сафарини ихтиёр қилиб йўлга чиққан. 1183 йилда, дастлаб, Сеута орқали кемада Сардиния ва Сицилия қирғоқлари яқинидан ўтиб, Александрияга, ундан Нил дарёси билан Қоҳирага келган. Бу ердан юқори Миср орқали Қизил денгиз бўйига, Айзоб бандаргоҳига, ундан Жидда шаҳрига ўтган. Сўнг карвон билан Маккага етиб олган. Бу ерда ярим йилга яқин яшагач, Мадина орқали Куфага борган, Бағдод ва Самаррада ҳам бўлган. Бу ердан шимолга Мосул ва Ҳалаб орқали Дамашққа келган. Ушбу шаҳарда бир неча ой бўлгач, яна йўлга чиққан ва Акка бандаргоҳида кемага ўтириб, Ўрта денгизда сузган. Сайёҳ Сицилияда қирғоққа тушгач, у ердан Гренадага қайтиб келган. У ўзининг ана шу икки йиллик саёҳатида олган таассуротларини 1185 йилда ёзган “Рихлат ал-Киноний” номли китобида ёзган. И.Ю.Крачковскийнинг таъкидлашича, ушбу китоб “Рихла” жанрида ёзилган асарларнинг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

Ибн Жубайр кейинчалик яна икки марта саёҳат қилган ва 1217 йилда Александрияда вафот этган.

Бу вақтларда Шарқ оламининг узоқ чеккаларида Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг босқинчилик юришлари бошлаб юборилган эди. Улар дастлаб Хитойнинг шимолий ҳудудларини, Еттисув ва унга яқин ҳудудларни босиб олгандилар. 1220 йилдан бошлаб эса 2-3 йил ичида Мувароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ва Эроннинг шарқий вилоятлари, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларини ҳам эгаллаб олдилар. Бу ерларда рўй берган

қирғинлар, вайронагарликлар тарихий манбаларда ёритиб берилган.

Чингизхон умрининг охирги йилида (1227 й) босиб олинган улкан худудни ўзининг тўрт ўғлига тақсимлаб берганди. Шунга кўра, биз сўз юритаётган Шарқ оламининг Мовароуннахр ва Шарқий Туркистон ерлари иккинчи ўғли Чиғатойга текканди. Шимолий Ҳиндистон ва Эроннинг шарқий қисмлари эса кенжа ўғли Тулуйга берилганди. Бу худудда, кейинчалик 1256 йилдан Тулуйнинг ўғли Ҳулоку ҳукмронлик қила бошлади ва босқинчилик юришларини давом эттирди. Аввал Эроннинг қолган қисмлари, сўнг 1258 йилда Ироқни забт этди. Халифа қўшинини енгиб, Бағдодда сўнгги аббосий халифа Мустаъсимни қатл эттирди. Беш юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб келган Бағдод халифалиги шу тақдир якун топди. Бу ерда 1336 йилгача Ҳулоку авлодлари ҳукмронлик қилдилар. Бу вақтларда Хоразм, Мовароуннахр ва Хуросон чиғатойи мўғуллар қўл остида бўлди. Улар бу ерларда 1370 йилгача ҳукмронлик қилдилар.

Шу орада, аниқроғи, 1356 йилда узоқ Марокашда, мариний араблар пойтахти Фес шаҳрида янги бир саёҳатнома асар яратилади. “Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-афсар” (“Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар томошаси ҳақида тухфа”) номли бу асар атоқли араб сайёҳи Ибн Баттутанинг саёҳатнома китоби эди.

Ибн Баттутанинг XIV асрнинг биринчи ярмида амалга оширган саёҳатлари худудий камрови ҳамда давомийлиги бўйича ҳам бекиёс эди. Шу сабабдан ҳам бу саёҳатнома кейинги икки аср давомида тарихий, этнографик, географик маълумотларга бой ва қизиқарли манба сифатида шарқшунос, тарихчи, географ олимларнинг эътиборида бўлиб келди. Сайёҳнинг ҳаёти ва кечмишлари бидий адабиётда ҳам акс эттирилган (И.Тимофеев, 1983).

Ибн Баттутанинг ушбу асари баъзан тўлалигича баъзан айрим қисмлари бўйича дунёнинг кўп тилларига таржима қилинди, ўрганилди. Шу маънода таниқли ўзбек шарқшунос олими Неъматулло Иброҳимовнинг “Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати” номли китобининг нашр этилиши (1993) ўрта асрлар география тарихи билан қизиқувчи китобхон учун қимматли тухфа бўлди деб, айтиш мумкин.

Ушбу монографияда Ибн Баттутанинг ҳаёти ва саёҳатлари ҳамда “Саёҳатнома”нинг ўрганилиши илмий-танқидий таҳлил қилиб берилган. Сайёҳ қадами етган ҳар бир ўлка, шаҳар тилга олинган, саёҳат йўналишлари кўрсатилган. Шунингдек, асар муқаддимасида XIII ва XIV асрнинг биринчи ярмида кечган тарихий жараёнлар қисқа, аммо ёрқин таърифлаб ўтилган. Ибн Баттута саёҳатлари баёнининг Ўрта Осиёга тегишли қисми арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, алоҳида бобда келтирилган.

Ибн Баттутанинг “Сайёҳатнома”сига оид бўлган кейинги саҳифаларимиз Н.Иброҳимовнинг мазкур асари бўйича берилди. Унда маълум қилинишига кўра Ибн Баттута (тўлиқ исми шарифи Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лаватий ат-Танжий) 1304 йилнинг 24 феврилида Танжа шаҳрида туғилган. Келиб чиқиши барбарларнинг лават қабиласидан бўлган бу инсон ўрта ҳол оилада ўсиб улғайган. У ўзининг кўп йиллик саёҳатларини 1325 йилнинг 14 июнь куни бошлаган.

Муқаддас Макка шаҳрига боришни мўлжаллаб чиққан сайёҳ дастлаб Шимолий Африкада Жазоир, Тунис ерларидан ўтиб Мисрга келади. Искандария ва Қоҳира шаҳарларида бироз муддат яшайди. Шу орада Юқори Миср ва Қизил денгиз соҳилларига ҳам бориб келади.

1326 йилнинг март ойида Ибн Баттута Қоҳирадан чиқиб, Ливия ва Суриянинг ўнга яқин шаҳарларини кўриб, Дамашқ шаҳрига келади. Шу йилнинг август ойида зиёратчилар қарвони билан Маккаи мукаррамага етиб келади. Бу ерда ҳаж амалларини тўлиқ бажаргач, бироз муддат яшайди. Сўнг Бағдод томон йўл олган қарвон билан яна йўлга чиқади. Бағдодга боришда ва келишда Ироқнинг кўп катта-кичик шаҳарларида бўлади, қадамжоларни зиёрат қилади. Шу орада Эронга ўтиб, Исфаҳон ва Шероз шаҳарларида ҳам бўлади. Бағдодга қайтишда яна ўндан ортиқ шаҳарларда бўлиб, Ироқ таассуротларини янада кенгайтиради. Бағдоддан зиёратчилар қарвонига қўшилиб, Маккага қайтиб келади ва бу ерда икки йилга яқин яшаб қолади.

1330 йилда зиёрат фаслидан сўнг Ибн Баттута Яман сари йўлга чиқади. Яманнинг бир қатор порт шаҳарларида, пойтахт шаҳар Таизда бўлади. Сўнг кемада Могадишога ўтади. Кейин Момбас-Кулуа-Зафар-Хашк-Сур-Хормуз каби порт шаҳарларида

бўлади. Форс кўрфазидаги айрим оролларни ҳам бориб кўради. Ямангача келгач, бу ердан карвон билан Маккага қайтади ва учинчи бор ҳаж амалларини бажаради. Анча вақтдан бери Ҳиндистонга бориш иштиёқида юрган Ибн Баттута 1332 йил ноябрь ойида Жиддага келади. Аммо ўзига ҳамроҳ топа олмай ва Ҳиндистон сафарига етарли маблағ бўлмаганлиги сабабли Африканинг шарқий соҳилидаги Айзаб портига ўтади ва бу ердан Нил дарёси ёқалаб юриб Қоҳира шаҳрига келади.

Шундай қилиб, Ибн Баттута Яқин Шарқ, Шимолий ва Шарқий Африка бўйлаб қилган сафарларида кўп шаҳарларни ўз кўзи билан кўради, таниқли ва машҳур кишилар билан танишади, етук ислом алломаларининг маърузаларини тинглайди, уч бор ҳаж зиёратини ўтайди. Кўп қадамжоларни зиёрат қилади.

Ибн Баттута Қоҳирада уч кеча тунаб, саёҳатининг янги қисмини бошлайди. Бу сафар Сурия ва Анадўлидан ўтиб, Қора денгиз орқали Керч шаҳрига келади. Бу ердан Азов шаҳри орқали Волганинг қуйи этакларига, Астрахан шаҳрига ва бу ердан Олтин Ўрдага ўтади. Берке саройида бир неча кун меҳмон бўлади. Шу орада Булғорга ҳам бориб келади. 1333 йилнинг январь ойи ўрталарида жанубга, Хоразм томон йўлга чиқади. Орадан қирқ кун ўтгач Урганч шаҳрига¹ кириб келган Ибн Баттута, кейинчалик бу шаҳарни шундай таърифлаганди: “Бу – туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ва жозибадор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки – у мавжланиб турган денгизни эслатади. Бир куни шаҳардан отда ўтиб бораётиб бозорга кирдим, ярмига етганимда шовур деб аталадиган жойдан чиқиб қолдим. Одам шунчалик тумонат эдики, мен олдинга ҳам, ортимга ҳам силжий олмадим. Саросимага тушиб, бироз вақт туриб қолдим, анча қийинчилик билан йўлга чиқиб олдим... Бутун дунё бўйлаб қилган саёҳатимда мен хоразмликлардан кўра хушхулқ олий жаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмаган эдим...

¹ Асарда Хоразм шаҳри дейилган. Ўша пайтларда Урганч шаҳрини шундай деб ҳам аташган.

Хоразм (Урганч) ёнида Жайхун дарёси оқиб ўтади. Бу дарё жаннатдан бошланадиган тўрт наҳрнинг биридир. У Итил (Волга) дарёси каби қишда музлайди, шунда одамлар унинг устида бемалол юраверадиладар. Беш ой давомида дарёда муз сақланиб туради. Баъзан муз кўча бошлаган пайтида дарё узра юрганлар ҳалок бўладиладар. Ёз кунлари кемаларда дарё бўйлаб Термизгача сузиб бориб, у ердан буғдой ва сули олиб келинади. Оқим бўйлаб сузиб борилса, бу иш учун ўн кун кетади.

Хоразмдан (Урганчдан) чиқаверишда бир зовия бор. Унинг энг буюк авлиёлардан бири бўлмиш Нажмиддин ал – Кубро қабри узра бунёд этишган. ... Бериюқда яна бир зовия ўринлашган. Унинг шайхи – энг буюк сўфийлардан бири, тақводор мужовир Жалолиддин ас – Самарқандий. Шаҳардан ташқарида аллома имом Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз – Замахшарийнинг мазори бўлиб, унинг устида мақбара қурилган. Замахшар – Хоразм (Урганч) дан тўрт мил наридаги қишлоқдир (Н.Иброҳимов, 1983, 58-59 б.).

Ибн Баттута Хоразмда уч ҳафта тургач Бухоро сари йўлга тушади ва 18 кун деганда Бухоро шаҳрига келади. Сайёҳнинг кейинги йўналиши Бухоро – Нахшаб – Самарқанд – Термиз – Балх – Ҳирот шаҳарлари орқали ўтиб, Эроннинг шимоли-шарқи ва Афғонистоннинг Нишопур-Машҳад-Бистом-Қобул-Ғазни шаҳарлари бўйлаб давом этади. Ва ниҳоят, сайёҳ кўпдан орзу қилиб юрган Ҳиндистон юртига 1333 йилнинг 12 сентябрида етиб келади.

Сайёҳ Ҳиндистондалигида Гоани бориб кўради, Малдив оролларида, Шри-Ланкада бўлади ва Ҳиндистоннинг кўп шаҳар ва қишлоқларида, денгиз портларида бўлиб, табиати, ижтимоий ҳаёт билан яқиндан танишади.

Ибн Баттута ўзининг Хитой сафарини 1345 йилнинг иккинчи ярмида Бенгалиядан бошлайди. Йўл-йўлакай Суматра ва Ява оролларига тушиб ўтади. Хитойга Зайтун порти орқали кириб боради. Пекинга келган вақтида мамлакатда ички низолар ва жанглар бошланган, тартибсизликлар кучайган, мўғул хони Тўғон Темур пойтахтдан чиқиб кетган эди. Ибн Баттута ҳам Ҳиндистонга қайтишга қарор қилади ва 1346 йил кузида Пекиндан ортга, Зайтун портига ва у ердан кемада Ҳиндистонга йўл олади. Аввал араб денгизининг шарқий қирғоғидаги Каулам

портига ва у ердан Каликутга, сўнг Зафар орқали Хормузга келади. Эрон худудидан ўтар экан Маймана, Шероз, Язд, Исфаҳон, Шустар ва Ҳувайзо шаҳарларида бўлади. Сўнг Басра, Нажаф орқали Бағдодга ва у ердан Дамашққа келади. Бу ердан у 1348 йилнинг ноябр ўрталарида тўртинчи бор ҳаж зиёратига ўтади. Ҳаж расми-удумлари адо этилгач, Фаластинга бориб, у ердан яна Қоҳирага қайтиб келади. Шу орада ватанга қайтиш истаги туғилиб Тунисга келади. Бу ерда биров муддат бўлиб, Сардиния оролини кўриб келади.

1349 йилнинг ноябр ойида Ибн Баттута Фес шаҳрига кириб келади. Бу ерда уни шаҳар ҳокими Абу Инон илиқ кутиб олади ва сайёҳ шарафига тантанали зиёфат беради.

Шу орада сайёҳ Танжада бўлиб онасининг қабрини зиёрат қилгач, шимолга араблар Испаниясига ўтади. У ерда Рондо, Малага, Гренада шаҳарларини кўриб, Фесга қайтиб келади. 1352 йилнинг феврилида эса жанубга, Африка сафарига жўнайди. Мали давлатининг Тамбукту шаҳрига боради ва 1353 йилнинг 12 сентябрида тоғлик, чўллик худудларидан ўтиб, Фес шаҳрига қайтиб келади. Шу билан Ибн Баттутанинг 28 йил давом этган машҳур саёхатлари ўз якунига етади. Охирги икки саёхат Абу Иноннинг топшириғи билан бажарилган эди. Сайёҳнинг ушбу сафарлари ҳақидаги ҳикоялари Абу Инон ва унинг яқинларида катта таассурот қолдиради. Шунинг учун султон сарой тарихчиси, ёзувчи Ибн Жузай ал-Қалбийга Ибн Баттутанинг ҳикоялари ва эсдаликларини ёзиб олиб, китоб тузишни буюради. Бу китоб 1356 йилнинг февраль ойида тайёр бўлади.

Ибн Баттутанинг ушбу саёхатномасини ўрганган XX аср олимлари Ибн Баттутани ҳақли равишда Магелланга қадар ўтган энг буюк сайёҳлардан бири сифатида эътироф этганлар.

Саёхатномалар ҳақида сўз борар экан, Ўрта Осиёда XV асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган яна бир икки асар ҳақида айтиб ўтиш лозим бўлади. Бу даврда Хуросон ва Моворауннаҳрда илм-фан, маданият юксалишда бўлганлиги тарихдан яхши маълум. Хуросон Амир Темурнинг ўғли Шохрух ҳукмронлиги остида, Мовароуннаҳр эса Шохрух Мирзонинг ўғли Мирзо Улуғбек тасарруфида бўлиб, пойтахт шаҳарлар Ҳирот ҳам, Самарқанд ҳам илм-маърифат марказлари эди. Бу икки пойтахт шаҳарда замонасининг кўп илғор олимлари,

адиблари, шоирлари тўпланган, шаҳар ва шаҳар атрофларида меъморчилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, элчилик муносабатлари ривожланган, кўп узоқ-яқин мамлакатлардан элчилар келиб-кейтиб юрган вақтлар эди. Жумладан, 1409 йилда Хитой элчилари ҳам келиб кетган эди. Бунга жавобан Хитой императори Дой-Минг таклифига биноан 1419 йилда Шохрух Мирзо Шодихожа бошчилигидаги элчиларни Хитой мамлакатига боришига тайин қилади.

Ҳиротдан чиққан элчилар гуруҳи Балх йўли билан Самарқандга келгач, элчиларнинг қолган вакиллари тўплангунга қадар кутиб турганлар ва ниҳоят, 1420 йилнинг 25 феввалида Самарқанддан йўлга чиққанлар. Элчилар билан бирга баъзи савдогарлар ҳам жами 530 нафар кишилиқ гуруҳда Темурийлар давлатининг турли вилоятларидан вакиллар бўлган. Шу жумладан, Бойсунғур Мирзо номидан Султон Аҳмад билан Ғиёсиддин Наққош ҳам қатнашганлар. Улар икки йилу тўққиз ой деганда, яъни 1422 йилнинг август оyi охирларида Ҳиротга қайтиб келганлар. Уларнинг сафар таассуротлари Ғиёсиддин Наққошнинг сафар кундалигида муфассал таърифланган. Унда айтилишига кўра, “Мирзо Бойсунғур ўз элчиси Хожа Ғиёсиддинга доруссалтана Ҳиротдан чиқиш кунидан то қайтиб келиш кунигача ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоят ва иморатларнинг сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларининг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқариш, сиёсат услуби, шаҳар ва диёрларнинг ажойиботлари ва номдор мамлакатларнинг феъл-атвориға оид нимаики кўриб билса, ҳаммасини кундалиқ тарзида кунма-кун ёзиб бориши лозимлигини таъкидлаган эди”.

Ғиёсиддин Наққош бу топширикни бажариб, сафар кундалигини Бойсунғур Мирзога топширган. У киши ўз навбатида кундалиқни сарой тарихчиси Ҳофиз Абруга берган. Кундалиқдаги маълумотлар ишончли ва қизиқарли бўлгани учун Ҳофиз Абру ўзининг “Зубдат ал-тавоҳ” номли асарига киритган. Ушбу асардан фойдаланган Абдураззоқ Самарқандий сафарнома матнини айрим қисқартиришлар билан ўзининг “Матлаи саъдайн” китобига қўшган. Бу китобни таниқли шарқшунос олим А. Ўринбоев (1969) форс-тожик тилидан ўзбекчага таржимасини, кириш сўзи ва изоҳлар луғати билан чоп

эттирган. Шу асосда кейинчалик А.Ўринбоев, О.Бўриев “Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси” номли китоб (1991) тайёрлаб, нашр эттирдилар. Унда кириш сўзи, таржима матни ва изоҳлар билан Ғиёсиддин Наққошнинг саёҳат йўли харитаси ҳам берилган.

Ғиёсиддин Наққошнинг сафарномаси матнида кўп жойлар, шаҳар ва қишлоқлар, дарёлар, тоғлар, довонлар, чўллар, яйловлар, манзиллар, қалъалар, бутхоналар, саройлар таърифланган. Халқининг урф-одатлари, меҳмон кутишлари, кўшклари, иморатлари ва ҳоказолар ёрқин тасвирлаб берилган.

Саёҳатномада айтилишига кўра элчилар қарвони Самарқанд-Тошкент-Сайрам-Ашпара-Урумчи-Қораҳожа-Қумул-Сўфиота-Қоровул-Самжў-Комжў-Ҳуснобод-Пинлон-Жаҳдин-фу йўли билан Хитой пойтахти Хонбалиқ шаҳрига етиб борганлар. Қайтишда эса шу йўл билан Қоровулга келгач, йўлдаги нотинчликлар сабабли жануб йўли билан чўл орқали Хўтан-Ёрканд-Қошғар-Андижон йўли билан Андижон довонига келганлар. Шу орада қарвон иккига бўлиниб, бир қисми Самарқанд-Балх-Ҳирот йўналишида, иккинчи қисм эса Қоратегин-Бадахшон-Ҳисори-Шодмон-Балх йўли билан Ҳиротга етиб келганлар.

Иккинчи саёҳатнома Абдураззоқ Самарқандийнинг “Ҳиндистон сафарномаси”дир. Асарнинг форсчадан ўзбекчага таржимаси, кириш сўзи ва изоҳлар билан “Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси” номида шарқшунос олим А.Ўринбоев томонидан 1960 йилда алоҳида китоб қилинган. Шу китобга асосланган ҳолда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Абдураззоқ Самарқандий саёҳатини географик жиҳатдан таърифлаб берган. Шу манбаларга кўра, Абдураззоқ Самарқандий 1413 йил 8 ноябрда Ҳиротда туғилган. Бир қанча вақт Самарқандда ҳам яшаган. Унинг тўлиқ исми Камолуддин Абдураззоқ бўлиб, ўқимишли, тарих ва географиядан пухта билимли ёзувчи бўлиб етишган. Шоҳрух Мирзо саройида хизмат қилган. 1482 йилда у 71 ёшида Ҳирот шаҳрида вафот этган.

Абдураззоқ Самарқандийни кўрган ҳазрат Алишер Навоий у киши ҳақида шундай ёзганди: “Мавлоно Абдураззоқ - ... хуш муҳовара киши эрди, зоҳир улуми тахмил қилиб (дунёвий илмларни мукаммал ўрганиб) эрди. Фазлиёти ҳам яхши эрди,

батаҳсиси (айниқса) тарих илмиким анда мусаннафоти (асарлари) бор, машҳурдир” (Мажолис ун-Нафоис).

Абдураззоқ Самарқандий Шохрух Мирзонинг расмий элчиси сифатида Ҳиндистонга бориб келган ва сафар хотираларини кўрган кечирганларини алоҳида боб қилиб ўзининг тарихга оид “Матла ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн” (“Икки саодатли (юлдуз)нинг балқиши ва икки денгизнинг қўшилиши”) номли асарига киритган. Асарда айтилишига кўра, муаллиф 1441 йили Ҳиндистонга Кўҳистон йўли билан юрган ва Форс кўрфазидаги Ҳўрмуз (Хормуз) бандарига келган. У ердан кемада Ҳиндистоннинг жануби-ғарбидаги Коликут бандарига 18 кун деганда етиб келган. У ердан Бажанагар шаҳрига ўтиб, шаҳар ҳокими билан учрашган ва элчилик вазифасини бажарган. Бу ердан яна денгиз орқали ортга қайтган. Кўп азоб-уқубатлар билан 75 кун деганда Ҳўрмузга етиб келган, сўнг Кирмон йўли билан юриб Ҳиротга қайтиб келган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг бу саёҳати уч йил давом этган. Саёҳат пайтида юрган йўллари, бўлган шаҳар ва манзиллари, порт шаҳарлари, савдо моллари ҳақида, ҳиндларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, у ерларнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами ва ажойиботлари кабиларни ўхшатишлар билан ёрқин ифода этиб берган. Масалан, Ҳўрмуз портини қуйидагича таърифлаган “Бу Жарун деб (ҳам) аталувчи Ҳўрмуз шаҳри денгиз ўртасида жойлашган бир бандардирки, етти иқлимнинг савдогарлари Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Араб ва Ажам Ироқлари, ҳамда Форс, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатлари, Дашти Қипчоқ мамлакатлари, Қалмоқ тарафларидан барча шарқ мамлакатлари, Чину Мочин ва Ҳонбалиқдан бу шаҳарга юзланадилар. Денгиз соҳилларидаги мамлакатларнинг кишилари Чин, Жова, Бангола, Силондан, Таносири, Зирбод шаҳарлари, Сўкутра, Шаҳри Нав ва Дива Маҳал оролларидан тортиб, ҳатто Балибор диёридан, Ҳабаша ва Зангибордан ҳамда Бижанагар бандарлари, Гулбарга, Ғужарот, Канботдан, Арабистон қитъаси соҳиллари, ҳатто Адан, Жудда ва Янбулардан қуёш ва ой (нурлари) ва мўл ёмғир сувлари обитоб бериб денгиз юзига чиқарилишига лойиқ қилиб (етилтирган) қимматбаҳо ва гўзал нарсаларни бу шаҳарда олиб келадилар”. Асарда Коликут порти ҳам шу тарзда таърифланган. Шунингдек,

Ҳиндистонда филларни тутиш, ўргатиш ва боқиш ҳақида ҳам қизиқарли тасвирлар бор. 20 киши таркибида бўлган ва 1442-1445 йилларда Ҳиндистон сафарида иштирок этганларни Шохрух Мирзо шахсан Ҳирот ташқарисида оёқлари остига поёндозлар ташлаб кутиб олган. Чунки Шохрух Мирзонинг бундан олдин Ҳиндистонга юборган элчиларининг сафарлари муваффақиятсиз тугаганди. Элчилар сафар таассуротларини кунма-кун ёзиб борган Абдураззоқ Самарқандий маълумотлари асосида бу элчилик тарихга “Шохрух элчихонаси” номи билан кириб қолган.

Форс тилида битилган шундай асарлардан яна бири машҳур Али Қушчи қаламига мансуб бўлиб, олимнинг 1438 йилда Мирзо Улуғбек томонидан Хитойга элчилик вазифаси билан юборилганлиги натижасида юзага келганди. “Хитойнома” номли ушбу асарда асосан Хитойнинг табиий шароити, аҳолисининг яшаш шароити, урф-одатлари ва ҳўжалигига оид маълумотлар баён этилганди. Айрим манбаларда ушбу асар “Тарихи хоқони Чин” номи билан ҳам тилга олинган.

IV БОБ. ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИДА БУЮК ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР ДАВРИ

Буюк географик кашфиётлар даври фан тарихидаги муҳим босқичлардан ҳисобланади. Бу давр географияга оид адабиётда кенг ёритилган. Фан тарихига оид илмий адабиётда, дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам, саёҳатлар ва янги ерларни кашф этилишидан ҳикоя қиладиган оммабоп адабиётда ҳам муаллифлар бу давр тавсифига алоҳида эътибор бериб келганлар.

Буюк географик кашфиётлар даврини одатда, 1492 йилдан, яъни Христофор Колумбнинг ғарбий қитъа томон биринчи денгиз саёҳатидан бошлаб, 1650 йил билан, яъни Бернхард Варенийнинг “Умумий география” номли машҳур асарининг нашр этилиши билан якунлайдилар. Ушбу асар бир вақтнинг ўзида фан тарихидаги янги даврнинг бошланишидан ҳам дарак берарди.

Буюк географик кашфиётлар маълум маънода Европада санъат, адабиёт ва фанда рўй берган ўзига хос юксалиш, “Уйғониш даври”нинг, яъни “Ренессанс”нинг бир ҳосиласи эди. Машҳур ҳайкалтарош ва рассом Микеланжело (1475 – 1554), рассомлар Рафаэль (1483 - 1520), Леонардо да Винчи (1452 – 1513), Тициан (1473 – 1543), астроном Николай Коперник (1473 – 1543) кабилар машҳур денгизчи сайёҳ Христофор Колумбнинг бири катта, бири кичик замондошлари эдилар.

Буюк географик кашфиётларнинг айнан шу пайтларда бошланишининг яна бир неча сабаблари ҳам бор эди. Маълумки, XV асрнинг бошларида Ғарбий Европада феодал тарқоқлик ўрнида Англия, Испания, Португалия, Франция каби бир қатор марказлашган давлатлар шаклланиб, ички ва ташқи савдо, пул – товар муносабатлари тобора ривожланиб борган эди. Бу ўз навбатида олтинга бўлган талабни ошириб юбормокда эди. Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилганидек, Усмонли турклар Кичик Осиёни шу жумладан, Константинополни ҳам эгаллаб олган ва европаликларнинг Шарққа ўтадиган савдо йўлларини бутунлай тўсиб қўйганди. Ғарбий европаликлар хушбўй зираворлари мавжуд ўлкалар, олтин ва қимматбаҳо тошлар кўп учрайдиган юртлар, яъни Хитой, Ҳиндистон, Шри Ланка каби ўлкаларга олиб борадиган йўлни энди Атлантика океани орқали

жанубдан излай бошладилар. Бунинг оқибатида Атлантика океанидаги бир қатор ороллар, Африканинг ғарбий чеккаларидаги бурунлар, қўлтиқлар, дарёларнинг қуйилиш ерлари ва умуман Африка қитъасининг ғарбий чеккаларидаги кўп жойлар кашф этилди.

Буюк географик кашфиётлар арафасида амалга оширилган бу денгиз саёҳатларини португалияликлар бошлаб бергандилар. Уларнинг бу сай-ҳаракатларини қирол Жуан I ва айникса, унинг ўғли шахзода Энрике қўллаб – қувватлаб турганлар. Энрике бу саёҳатларнинг асосий ташкилотчиси ва ҳомийси сифатида география тарихига кириб қолганди.

Кейинчалик маълум бўлишича, португалиялик денгизчиларнинг бу саёҳатларидан асосий мақсад дастлаб Ҳиндистон ёки Хитойга бориш эмас, балки Африка қитъасининг олтинга бой ҳудудларига, жумладан Эфиопияга кириб боришдан иборат бўлганди. Бу вақтларда португалияликлар Мавритания бозорларига қитъанинг ички қисмларидан кўплаб олтин келаётганидан ҳамда катта фойда манбаи бўлган қора танли қуллар келтирилиб сотилаётганлигидан яхши хабардор эдилар. Аммо Энрикенинг ўзи Ҳиндистонга денгиз йўли билан бориш ҳақида ўйламаган бўлсада, унинг бу соҳадаги кўп йиллик (1414 – 1460 йиллардаги) фаолияти ушбу йўлни кашф этилишида кучли туртки бўлганди. Шундай қилиб, португалиялик денгизчилар 1419 йилдан 1490 йилгача бўлган даврда, айрим “танаффус” лар билан Атлантиканинг Африка қирғоқларига яқин қисмида бир неча бор экспедициялар уюштириб, европаликлар учун янги бўлган ороллар, қўлтиқлар, бурунлар, дарёларнинг қуйилиш ерларини кашф этдилар. Масалан, 1420 йилда Мадейра ороли, 1432 йилда Азор ороллариининг бир қисми (қолган қисми 1456 йилда), Рио де Оро қўлтиқчаси, 1445 йилда Сенегал дарёсининг қуйилиш ери, 1446 йилда Яшил бурун, 1456 йилда Яшил бурун ороллари, 1461 йилда эса Гвинея қўлтиғи ва Сьерра Леоне тоғлари кашф этилди. 1483 йилда Диогу Кан бошчилигида португалиялик денгизчилар Конго дарёсининг қуйилиш ерини аниқладилар ва жанубда Ангола қирғоқларига етиб бордилар. Орадан икки йил ўтиб, улар иккинчи марта саёҳатга чиқиб, 21⁰ жанубий кенгликкача, яъни Намибия қирғоқларига бориб ортга қайтдилар ва ниҳоят, 1487 йилнинг август ойида саёҳатга чиққан

Бартоломео Диаш бошлиқ денгизчилар Африка қитъасининг энг жанубий чеккасидаги Яхши Умид бурнигача етиб боргач, ортга қайтганлар ва 1488 йилнинг декабрь ойида Лиссабонга етиб келганлар. Манбаларда айтилишича ушбу саёҳатда қатнашган кемаларнинг бирида Христофор Колумбнинг акаси Бартоломео ҳам бўлган экан.

Ака – ука Колумблар асли Генуя шаҳрида туғилиб ўсганлар ва таниқли денгизчилардан бўлиб етишганлар. Шаҳзода Энрике денгиз саёҳатлари ташкил қилган пайтларда жалб этилган денгизчиларнинг кўпчилиги генуяликлардан иборат бўлган. Ака – ука Колумблар ҳам 1476 йилдан бошлаб Лиссабон шаҳрида яшай бошлаганлар. Христофор Колумбнинг ҳам (1451 - 1506) бу вақтларда моҳир денгизчи сифатида Мадейра, Канар ва Азор оролларида бўлганлиги, Исландия, Ирландия ва Британия қирғоқларигача сузганлиги маълум.

4.1. Колумбнинг денгиз саёҳатлари ва янги қитъанинг кашф этилиши

Колумбнинг ҳаёти ва денгиз саёҳатларининг тафсилотлари баён қилинган илмий ва оммабоп адабиётлар талайгина. Фан тарихи ва географик кашфиётлар тарихига оид китобларда (масалан, Н.К.Лебедев, 1947, Ж.Верн, 1958; А.Ф.Антошко, А.И.Соловьев, 1962; И.П. ва В.И.Магидовичлар, 1983; В.Богучарсков, 2004 ва ҳ.) ҳам бу ҳақда етарли маълумотлар бор. Ҳатто “Христофор Колумб Американи қандай кашф этган” номи остида каттагина тўплам ҳам нашр этилган (Е.Б.Никанорова, 1992). Шундай бўлсада, Колумб саёҳатларининг сабаб ва оқибатлари, у кашф этган жойларни яна бир бор эсга олиб ўтмоқчимиз.

Аввало шуни айтиш лозимки, Европа ва Африканинг ғарбий чеккалари билан Осиёнинг шарқий чеккаси орасидаги масофа Атлантика орқали унчалик узоқ эмас деган ғояни дастлаб Аристотель ўзининг “Осмон ҳақида” номли асарида билдирганди. Бу тахминни қувватлашга хизмат қиладиган маълумотлар вақти – вақти билан пайдо бўлиб турарди. Жумладан, Рим империяси даврида яратилган асарларда, масалан

Мариннинг ҳамда Птолемейнинг географияга оид асарларида ҳам бор эди.

Аввалги саҳифаларимиздан бирида айтилганидек, XV асрнинг охирги чорагида Европада Птолемейнинг “Географиядан қўлланма” номли асари лотин тилида нашр этилиб, кенг тарқалган ва табиатшунос олимлар, сайёҳларнинг эътиборини жалб қилиб улгурганди. Ушбу асарнинг биринчи китобида ҳам Европанинг ғарбий соҳили билан Осиёнинг шарқий чеккалари орасидаги масофани унчалик катта эмаслигига ишончни орттирадиган маълумотлар бор эди. Унда Птолемей Мариннинг “География” асарида берилган дунё харитаси ҳақида сўз юритиб, уни цилиндрсимон проекция асосида тузилганлигини ва шу сабабдан қуруқликнинг ўлчамлари катталашиб кетганлигини ёзганди. Унингча, Марин ғарбда “Саодат ороллари” дан шарқда Олтин Херсонес (Ҳиндихитой ярим ороли) гача бўлган қуруқликнинг масофасини 225^0 қилиб кўрсатганди. Птолемейнинг ўзи эса ушбу масофани бироз кичрайтириб, 180^0 қилиб белгилаганди. Ҳозирги дунё харитасига қаралса, ушбу масофа 135^0 дан ошмаслигини кўриш мумкин. Демак, Птолемейнинг ўзи ҳам қуруқликнинг ғарбдан шарққача бўлган катталигини 45^0 ошириб юборган¹.

Птолемейдан аввалроқ яшаб ўтган юнон файласуфи Сенека (мил.ав. 4 – мил. 65 йиллари) ҳам ўзининг “Табиатшунослик масалалари” номли китобида Европа қирғоқларидан Осиёнинг шарқий чеккаларига бир неча кунда сузиб бориш мумкин деб ҳисоблаганди. Ушбу ғоя Европа географик адабиётида XIII асрнинг иккинчи ярмида Рожер Бэконнинг “Катта асар” ида, кейинчалик Пьер д’Эйининг 1410 йил маълум қилган “Имаго мунди” номли асарида ривожлантирилди. Кейинги асар 80 – йилларнинг бошларида нашр этилгач, Христофор Колумбнинг асосий китобларидан бири бўлиб қолганди.

Унинг Атлантика океанини кемада сузиб ўтиш режаси ҳам шу асардаги маълумотларга асосланганди. Шунингдек, Колумб Библияда айтилгандек, ер шарининг еттидан олти қисми қуруқликдан иборат деб ўйларди.


¹ Марин ҳам Птолемей ҳам Ернинг ўлчамлари ҳақида сўз юритганларида Посидоний маълумотларидан фойдаланганлар, яъни Ер айланасини 180 минг стадия деб, ҳар бир градусининг узунлигини эса 500 стадия деб ҳисобланганлар.

Мавзумизга оид адабиётларда айтилишига кўра, 1474 йилда Португалия қироли Аффонсу V ўз руҳонийси Фернандо Мартинш орқали италиялик машҳур математик, астроном ва географ олим Паоло ди Поцци Тосканеллига (1379 – 1482) мурожаат қилиб, Атлантика океани орқали ғарбга сузиб, Осиёнинг шарқий ўлкаларига бориш мумкинлиги ҳақида фикр билдиришини сўраган. Тосканелли бунга жавобан ёзган хатида Хитой мамлакати ҳақида, у ердаги бой шаҳарлар, тоғлар, дарёлар ва турли бойликлар ҳақида эшитган ва билганларини маълум қилгач, кўп миқдорда қимматбаҳо хушбўй зираворлар, олтин ва кумуш кабиларни қўлга киритиш учун у ерларга бориш мақсадга мувофиқ эканлигини айтган. Хатга эса бир томонида Европа қирғоқлари, иккинчи томонида Хитой ва Япон ўлкаси акс эттирилган Атлантика океани харитасини (6-расм) илова қилиб юборган. Хатининг давомида Лиссабон шаҳридан Хитойнинг Кансай (ҳозирги Ханьчжоу) шаҳригача тортилган тўғри чизик 26 бўлакдан иборатлиги ва ҳар бир бўлак 250 мил га тенг эканлигини тушинтирган. Шунингдек, Антилия оролидан машҳур Чипангу (Япон) оролигача бўлган масофа эса 10 бўлакдан иборатлиги, яъни 2500 мил га тенглиги¹ ва бу орол олтинга, марваридга ҳамда қимматбаҳо тошларга ниҳоятда бой эканлигини ҳам ёзганди. Маълум бўлишича, Колумб Тосканеллидан ушбу хаританинг бир нусхасини сўраб олган ва ўз режасини амалга оширишда ундан илмий асос сифатида фойдаланган. Ушбу масала юзасидан у ўз замондоши нюрнберглик Мартин Бехайм (1459 – 1506) билан ҳам маслаҳатлашган.

Бинобарин, Мартин Бехаймнинг 1492 йилда ясаган глобусида ҳам Атлантика океани Тосканелли харитасидагидек акс эттирилганди. Шундай қилиб, Колумб ўзининг Ҳиндистон томон сузиш режасини амалга ошира олишига ишончи комил бўлгач, 1483 йилда Португалия қироли Жуан II га мурожаат қилади. Аммо Португалия ҳукумати бу кўп харажатлик тадбирни қувватламайди. Колумб эса Испанияга ўтиб, қирол Фердинанддан ҳомийлик қилишини сўрайди. Бу ердаги узоқ музокаралар ва иккиланишлардан сўнг, охир – оқибат, 1492 йил

¹ ҳақиқий масофа 10600 милга тенг эди.

апрель ойида қирол ва қиролича Изабелла Колумб билан тузилган шартномага имзо чекадилар.



6-расм. 1474 йилда Паоло Тосканелли тузган Атлантика океани харитаси

Ва ниҳоят, бир неча ой тайёргарликдан сўнг, 1492 йил 3 август куни Колумб бошчилигидаги 90 кишилик экспедиция 3 та кемада океанга чиқадиладар. Улар дастлаб Канар ороллари томон сузиб, Гран Канария оролидаги Лас – Палмас шаҳар портига кириб келадиладар ва бу ерда бир ойга яқин туриб қоладиладар¹.

Кемалар Гран Канария оролидан сўнг тўппа – тўғри ғарбга, яъни “Ҳиндистон томон” сузабошлайди. Чунончи, бу вақтларда Европада Марко Поло замонидан буён Ҳиндистон деганда асли Ҳиндистон билан бирга Бирма, Хитой, Япония, Молукка

¹ Шу вақтда Лас – Палмас шаҳрининг Вегета мавзесидаги Колумб яшаган уй кейинчалик Колумб уй музейига айлантирилган. Канар оролларида келган туристлар бу уйни кўрмай кетмайдилар.

ороллари тушунилган. Ҳаттоки Эфиопия ҳам Африка Ҳиндистони деб юритилган.

Ғарбга томон йўл олган кемалар Атлантика океанининг шу вақтгача мавҳум бўлган қисмида сузар экан, Колумб бир қатор табиат ҳодисаларига эътибор берганди. Жумладан, бу ерлардаги пассат шамоллари, магнит стрелкасининг бироз оға бошлаганлиги, кейинчалик Саргассо деб аталган жойларда сув ўтларининг ниҳоятда тарқалганлиги ва ҳоказо.

Шу тариқа, сайёҳлар океанда бир ярим ойга яқин сузишгач биринчи марта учратган ерлари Сан – Сальвадор ороли бўлганди. Бу воқеа 1492 йилнинг 12 октябр куни рўй берган бўлиб, кейинчалик бу кун Америка қитъасини кашф этилган куни деб тарихга киритилганди. Ушбу саёҳат вақтида Куба, Гаити ороллари кашф этилгач, Колумб 1493 йил 15 мартда Испанияга қайтиб келади ва дарҳол, иккинчи саёҳатга тайёргарликни бошлаб юборади.

Колумбнинг иккинчи трансатлантика саёҳати 1493 йил 25 сентябрда бошланган. Бу гал 2000 кишилик экспедиция 17 та кемада йўлга чиқиб пассат шамоллари шароитида 20 кунда Атлантикани сузиб ўтдилар ва Доменика, Гваделупа, Санта – Крус, Виргиния, Пуэрто – Рико ороллари кашф этилди. Сайёҳлар Гаити оролига келишгач, Колумб 12 та кемани олтин ва турли моллар билан Испанияга жўнатиб юборади. Қолган сайёҳатчилар Колумб раҳбарлигида Ямайка оролини кашф этадилар. Улар 1496 йилда Санта – Доминго шаҳрига асос солганлиридан сўнг Испанияга қайтиб келадилар.

Колумбнинг учинчи “Ҳиндистон сафари” 1498 йил 30 май куни Испаниянинг Севилья шаҳридан бошланган. Бу гал сайёҳлар дастлаб жануб томон сузиб, Яшил Бурун ороллари кенглигига етишгач, ғарб томон сузиб кетадилар. Чамаси икки ойга яқин сузганларидан сўнг, аввал Тринидад оролига ва у ердан Жанубий Американинг шимолий қирғоқларига, аниқроғи Ориноко дарёсининг қуйилиши ерига етиб келадилар. Океанга қуйилаётган дарё сувини кўрган Колумб, бунчалик катта сув албатта катта қуруқликдан оқиб келаётган бўлса керак, деб тўғри тахмин қилган бўлсада, аммо ҳали ҳам ўзини Осиё қирғоғи яқинидаман, деб ҳисоблаганди. Шу ердан ортга қайтган Колумб,

йўлда Тобаго ва Гренада ороллари кашф этиб, Гаитига ва у ердан 1500 йилда Испанияга қайтиб келган.

1502 йилнинг 3 апрел куни Колумб ўзининг тўртинчи саёҳатига жўнаб кетади. Бу галда у асосан Марказий Америкада, яъни Никарагуа, Коста – Рика ва Панама соҳиллари атрофида сузиб, кўп қийинчиликларга дуч келади. Денгиздаги кучли тўлқинлар туфайли аввал икки кемаси чўкиб кетади. Ямайка ороли яқинида эса қолган икки кемаси ҳам ҳалокатга учрайди. Ямайка оролида жон сақлаб қолган Колумб ва унинг бир неча ҳамсафарлари ёрдамга борган кемада 1504 йилнинг 7 ноябрь куни Испанияга қайтиб келадилар.

Шундай қилиб, Буюк географик кашфиётларни бошлаб берган, Атлантика океанида Европадан ғарбга томон денгиз йўлини очган, бир қатор янги ороллارни кашф этган Христофор Колумбнинг денгиз саёҳатлари ўз ниҳоясига етади. Саёҳатлари давомида Ҳиндистонга ғарбий йўналиш билан боришга астойдил интилган Колумб, ўзи беҳабар бутунлай бошқа бир қитъанинг қирғоқларига келиб қолганди. Аммо у ўзини ҳамон Ҳиндистон яқинидаман, деб ҳисоблар ва орада янги бир қитъадан ташқари яна бир улкан океан борлиги ҳаёлига ҳам келмаганди. Қолаверса, барча европаликлар ҳам шундай фикрда эдилар. “Вест Индия” (“Ғарбий Ҳиндистон”) ва “Ост Индия” (“Шарқий Ҳиндистон”) каби жой номларининг келиб чиқиши ҳам шундан.

1506 йилнинг 20 май куни машҳур денгизчи сайёҳ Христофор Колумб вафот этади. Орадан чамаси бир йил ўтар – ўтмас у кашф этган янги қитъани бошқа бир сайёҳнинг исми билан аташ тавсия этилганди. Унинг исми – шарифи Америго Веспуччи эди.

4.2. Америго Веспуччи ва бошқа денгизчиларнинг “Янги қитъа” томон саёҳатлари

Маълумки, Христофор Колумбнинг биринчи ва иккинчи муваффиқиятли саёҳатларидан сўнг, бошқа денгизчиларда ҳам шундай саёҳатни амалга ошириш ишончи пайдо бўла бошлади. Бундан ташқари, Испания ҳукуматининг 1497 йилда Атлантика ортидаги кашф этилган ерларни эгаллашга рухсат бериб юбориши ҳам у томонларга бориш ва бойлик орттириш

илинжида юрган йирик кема эгалари, савдогарлар, анчайин камбағаллашиб қолган дворянлар ва турли касб эгалларига қўл келди. Буларнинг орасида испаниялик йирик кема эгаси Висенте Пинсон ва таржибали денгизчи Алонсо Охеда ҳам бор эди. Висенте Пинсон Колумбнинг биринчи саёҳатида, Алонсо Охеда эса Колумбнинг иккинчи саёҳатида иштирок этган бўлиб, Атлантика ортига сузишда бироз тажрибалари бор эди.

Алонсо Охеда бошчилигидаги экспедицияда Флоренция савдо уйининг Севильядаги вакили Америго Веспуччи ҳам иштирок этганди. 1499-1500 йилларда амалга оширилган ушбу экспедиция дастлаб етиб борган жойлари Жанубий Американинг шимолий чеккалари бўлганди. У ерларда Гвиана ва Венесуэла қирғоқлари ўрганилгач, Амазонка дарёсининг қуйилиш еригача сузиб борганлар. Йўл-йўлакай Маракайбо қўлтиғи ва Кюрасао ороли ҳам кашф этилганди. Буюк географик кашфиётлар мавзуси кўрилган адабиётларда Америго Веспуччининг саёҳатлари бироз мунозарали эканлиги қайд этилган. Сайёҳнинг ўзи тўрт маротаба, яъни 1497-1498, 1499-1502, 1503-1504 йилларда Атлантика ортига уюштирилган экспедицияларда иштирок этганлигини билдирган. Аммо саёҳатлар тарихи билан шуғулланганлар унинг иккита, яъни 1499-1500 ва 1501-1502 йиллардаги экспедицияларда иштирок этганлигини ҳақиқатга яқин деб ҳисоблайдилар.

Веспуччининг иккинчи саёҳати португалияликларнинг Гонсалес Куэльо раҳбарлигидаги экспедициясида иштирокчи сифатида амалга оширилганди. Ушбу экспедициянинг 1501 йил 17 август куни Муқаддас Августин (Сан - Роке) бурнига етиб келгани ва шу ердан қирғоқ ёқалаб жануб томон сузгани ҳамда келаси йилнинг 1 январь куни кенггина бир қўлтиққа етиб келганлиги маълум. Саёҳатчилар бу жойни 1 январь куни кўрганликлари ва дарёнинг қуйилиш ерига ўхшатганликлари сабабли Рио – де – Жанейро, яъни “Январь дарёси” деб атаганлар. Аммо ушбу экспедиция аъзоларининг қирғоқ ёқалаб яна қанча вақт ва қаергача сузиб борганликлари ноъмалум. Уларнинг 1502 йил 22 май куни Сьерра – Леоне яқинидаги Африка қирғоқларида пайдо бўлганликлари ва 6 сентябрь эса Лиссабонга етиб келганликлари маълум, холос.

Янги қитъани Америго Веспуччи номи билан “Америка” деб аталишига келсак, бу Александр Гумбольдт ўхшатиб

айганидек, “бахтли тасодиф” эди. Ушбу тасодиф Веспуччининг 1503 йилда савдо уйидаги ўз бошлиғи Лоренсо Медичига ёзган хати асосида юзага келганди. Унинг турли тилларда чоп этилиб улгурган ушбу хатида шундай жумлалар бор эди: “Қадимги муаллифларнинг кўпчилиги экватордан жанубда материк йўқ деб айтганлар. Аммо менниг охирги саёхатим бу фикрларни хато эканлигини исботлади, чунончи мен, жанубий областларда аҳолиси ва ҳайвоноти бизнинг Европа, Осиё ва Африкадагидан кўра зичроқ жойлашган материкни топдим... Бу мамлакатларни “Янги дунё” деб аташ лозим, чунки уларни биздан аввалгилар билмаганлар ва бу мамлакатлар ҳақида эшитганларнинг барчалари учун эса улар янгидир”. Ушбу жумлаларга асосланган лотарингиялик географ Мартин Вальдземюллер ўзининг 1507 йилда нашр эттирган “Космографияга кириш” номли китобида: “Аммо ҳозирда учта қитъа (Европа, Осиё, Африка) яхши маълум ва Америго Веспуччи тўртинчи қитъани кашф этди. Мен бу қитъани “Америка” деб аталишини ким, нега ва қай ҳуқуққа кўра тақиқлаши мумкинлигига сабаб кўрмайман” – деб ёзганди.

М.Вальдземюллернинг китобида келтирилган дунё харитасида эса экватордан жанубдаги қуруқлик “Америка” номи остида тасвирланганди. Шу тариқа денгизчи сайёҳ сифатидаги нуфузи ортиб, машҳур бўлиб қолган Америго Веспуччи умрининг охирги йилларида Испанияда яшаб, 1512 йилда вафот этади. Аммо янги қитъани “Америка” деб аталиши 1507 йилда тавсия этилган бўлсада, тез оммалашиб кетмади. Европаликлар янги қитъани яна узоқ вақт Ҳиндистон, Ғарбий Ҳиндистон (Вест Индия) ёки “Янги Дунё” деб атаб юрганлар. Америка номи ишлатилган ҳолларда ҳам фақат жанубий қитъага нисбатан ишлатилганди.

Колумбнинг аввалги икки муваффақиятли саёхати ҳақида хабар топган инглизлар қироли Генрих VII ҳам Ҳиндистон томон денгиз йўлини аниқлаш мақсадида асли генуялик бўлган ва 1494 йилдан Англияда яшаб юрган тажрибали денгизчи Жованни Каботни Атлантика ортига жўнатади. 1497 йилнинг ёзида Ж.Кабот бошчилигидаги экспедиция иккита кемада йўлга чиқиб, Ньюфаундленд оролининг шимолий қирғоғига етиб келадилар. Улар оролнинг шарқий қирғоқлари ёқалаб бироз сузишгач, ортга қайтадилар ва август ойида Брестоль шаҳри портига кириб

келадилар. Келаси йили Жованнининг ўғли Себастьян Кабот бошчилигидаги экспедиция бешта кемада ғарбга йўл олади. Тахмин қилинишича улар Лабрадор ярим оролига етиб келишгач, жануб томон сузиб Флорида қўлтиғигача борганлар.

Ота – бола Каботларнинг саёҳатларидан хабардор бўлган португалияликлар ҳам Ҳиндистонга олиб борадиган шимоли – ғарбий йўналишни излаш мақсадида 1500 йилда Гашпар Кортириал бошчилигида экспедиция уюштирадилар. Бу экспедиция ҳам Лабрадор ярим оролигача бориб қайтиб келадилар. Шу йили Висенте Пинсон эса Жанубий Америка қитъасининг шимоли – шарқий чеккаси Сан – Роке бурнини кашф этади. Бу ердан ғарбий йўналишда сузиб Бразилиянинг Атлантика қирғоқларини, Амазонка ва Ориноко дарёларини кашф этиб, Гвиана қирғоқларигача боради.

V БОБ. ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР

1650 йилда Нидерландияда “Умумий география” номли каттагина бир асар чоп этилиб, тез орада ўқувчиларнинг эътиборига тушди. Лотин тилида ёзилган ушбу асар XVII асрнинг ўзидаёқ Голландияда тўрт мартаба, Англияда эса машҳур Исаак Ньютон таҳрири остида уч марта нашр этирилганди. Асарнинг XVIII аср бошларида инглиз ва рус тилларига таржима қилингани ҳам маълум. 1718 йилда амалга оширилган русча нашри 647 саҳифалик китоб бўлиб чиққанди.

Мазкур асар муаллифи Бернхард Варений (лотинчада Варениус) 1622 йилда Гамбург шаҳри яқинидаги манзилда немис оиласида таваллуд топган. Ўрта маълумотли бўлгандан сўнг у Гамбург ва Кенигсберг университетларида таълим олган. 1647 йилда эса Голландияга кўчиб ўтган. Бу ерда Варений ўзининг “Умумий география” сани ёзиб тугаллагач, 1650 йилда 28 ёшида вафот этган.

Варенийнинг бу асари Буюк географик кашфиётлар давридаги табиатшунослик ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ёзилган бўлиб, ўзининг тузилиши ва мазмуни жиҳатидан том маънода янги эди. Чунончи, Ғарбий Европада Страбон ва Птолемейдан сўнг бунга тенглаша оладиган бирорта асар яратилмаган эди.

Варений география фанини икки қисмдан, яъни умумий география ҳамда хусусий географиядан иборат деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, умумий география Ер-сув шарини бутунлигича, хусусий география эса унинг катта-кичик қисмларини, яъни турли ўлка ва мамлакатларни ўрганиши лозим. Хусусий география ҳам ўз навбатида хорография ва топографияга бўлинади. Катта ҳудудларнинг табиий шароитини хорография ўрганса, кичик ҳудудларнинг географик хусусиятларни тасвирлаш билан топография шуғулланади.

Олим Ер-сув шарини моддий таркибига кўра ҳам уч қисмга бўлиб, яъни Ернинг қаттиқ қобиғини (ўсимлик ва ҳайвоноти билан), сувларни (ер устки ва остки) ҳамда атмосферани алоҳида – алоҳида таърифлаган. Асарнинг ўзи ҳам уч қисмлик қилиб тузилган.

Асар биринчи қисмининг биринчи бўлими икки боблик муқаддимадан иборат. Иккинчи бўлим эса Ер – сув шарининг хусусиятларига бағишланган бешта боб, Ер – сув шарининг таркиби тўғрисидаги бўлим тўртта боб, гидрографияга доир бўлим олти боб, денгиз билан қуруқликнинг ўрни алмашилиб туриши ҳақидаги бўлим бир боб ва атмосфера ҳақидаги бўлим эса учта бобдан иборат бўлган.

Иккинчи қисм ҳаммаси бўлиб тўққиз бобдан иборат. Унда осмон хусусиятлари ва ундаги ҳодисалар, Ер-сув шарининг зона ва поясларга бўлиниши, куннинг узун – қисқалиги ва Ер-сув шарининг иқлимларга бўлиниши, йил давомидаги ёруғлик, ҳарорат ва об-ҳаво хусусиятлари, турли жойларда вақтнинг турлича бўлиши каби масалалар кўрилган.

Асарнинг учинчи қисмида фақат бир бўлим ажратилган бўлиб, ундаги маълумотлар ўнта бобга жойлаштирилган. Улардан кейинги олти боб денгиз кемачилигига бағишланган. Ушбу қисмнинг мазмунига қараганда муаллиф амалий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда денгиз кемачилиги талабларига жавоб бераоладиган табиий географик асар яратганлиги аниқ.

Варений ўз асарида географик изланишларда миқдор кўрсаткичларидан фойдаланиш методига алоҳида эътибор берган ҳолда географияни амалий математиканинг бир қисми деб ҳисоблаган. Шунингдек, у географик билимларнинг асосини кузатув ва тажриба ташкил этишини ҳамда табиат қонунларини аниқлаш математик методларни қўллашга асосланиши лозимлигини ҳам айтиб ўтган.

Варенийнинг “Умумий география” сида билдирилган илмий географик ғоялар кейинчалик, кўп йиллар давомида, яъни XVIII аср охирларигача ўзининг аҳамиятини йўқотмади ва бошқа бир қатор географик асарларга андаза сифат хизмат қилди.

XVIII асрда пайдо бўлган айрим географик асарларни (масалан, Г.В.Крафтнинг “Математик ва натурал географиядан қисқача қўлланма”, 1739 й.) Варенийнинг асари таъсири асосида ёзилган деб ҳисоблаш мумкин. Айрим асарларда эса келтирилган географик фанлар тизими Варений китобидаги тизимга ўхшаб кетсада, методологик жиҳатдан анчагина фарқ қиларди. Шундай асарлардан бирининг муаллифи россиялик географ олим В.Н.Татищев (1686-1750) эди. Унинг 1950 йилда нашр этилган

“Россия географияси бўйича танланган асарлар” и таркибида келтирилган ва 1746 йилда ёзилган “О географии вообще и о русской” номли асарида география фани тадқиқот масштаби бўйича уч қисмга бўлинган, яъни: 1) универсал ёки умумий география (Ер шаридаги қуруқлик ва океан, денгизларни тасвирлаб берувчи); 2) махсус география (турли мамлакатларни тасвирлаб берувчи); 3) топография (мамлакатларни қисмларини, шаҳарлари ва уларнинг ён – атрофларини тасвирловчи).

Ушбу уч қисмнинг ҳар бири сифати бўйича яна учга ажратилган. Булар: 1) математик география (Ер шари ўлчамларини аниқлаш учун); 2) табиий география (ер ва сув юзаси ҳамда ости табиий шароитини аниқлаш учун); 3) сиёсий география (аҳоли бандлиги, меҳнатга лаёқати, урф-одатлари, даромадлари кабиларни билиш учун).

Бундан ташқари В.Н.Татищев географияни замоннинг ўзгаришига кўра яна уч қисмга ажратган. Яъни: 1) Қадимги география; 2) “Ўрта” география; 3) ҳозирги география кўринишида. Ана шу кейинги, географияни тарихига кўра бўлиниши ҳамда табиий географияга доир қисмида жойларнинг табиий ресурсларига алоҳида эътибор берилиши жиҳатидан ушбу асар моҳиятан Варений “Умумий география” сидан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, олим ўз асарида географияда тарихий ёндашув масаласига катта эътибор берган. Ҳаттоки, Россиянинг тарихи ва географияси ҳақида алоҳида асар ёзишни ҳам режалаштирганди.

Кейинчалик, XX асрнинг иккинчи ярмида география тарихи билан шуғулланган олимларнинг айримлари Петр I нинг замондоши бўлган В.Н.Татищевни географиянинг назарий масалалари билан шуғулланган биринчи географ олим деб баҳолаганлари ва унинг география фанининг амалий аҳамиятини ҳам ҳар томонлама ёрқин ифодалаб берганлиги ҳақида айтганлари маълум.

XVIII асрнинг биринчи ярмида бир неча йил Петербургда яшаган немис географи Г.В.Крафтнинг (1701-1754) 1739 йилда умумий табиий география бўйича яратган “Краткое руководство к метематической и натуральной географии” номли қўлланмаси ҳам Варенийнинг “Умумий география”си таъсири остида ёзилган

бўлиб, унда табиий география анчагина чекланган мазмунга эга бўлганди.

Г.В.Крафтнинг ушбу асари тўрт бобдан иборат бўлиб, биринчи боб асосан математик географияга бағишланган. Унда Ер шари планета сифатида таърифланган. Атмосфера ҳодисалари жуда қисқа баён қилинган ва асосан шамоллар ҳақида сўз юритилган. Иқлим тушунчасида эса Варений асаридаги каби қадимги грек географлари ўйлаганидек кенгликлар бўйлаб узунасига кетган зоналар тушуниланган.

“Табиий география ҳақида” деб номланган иккинчи бобда эса табиий географиянинг асосий вазифаси Ернинг тупроқ, тузлар, металллар, тошлар, сувлар каби қисмларини ўрганишдан иборат деб ҳисобланган. Ушбу бобда ер юзасидаги тоғлар сув ва шамол таъсирида пасаяди деб айтилган бўлсада, тоғларнинг қандай ҳосил бўлиши ҳақида бирорта фикр билдирилмаган.

Китобнинг учинчи боби “Гидрография ҳақида”. Унда дарёлар, кўллар, денгизлар сувлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Чунончи, дарёларнинг атмосфера ёғинлари ҳисобига тўйиниши, кўлларнинг таснифи, денгиз сувларининг хусусиятлари, денгиз оқимлари, сув қалқиши каби табиий географик ҳодиса ва жараёнлар баён қилинган.

Охирги, тўртинчи бобда эса асосан глобус ва хариталардан фойдаланиш масалалари кўрилган бўлиб, китобда ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида мутлақо сўз юритилмаган.

Шундай қилиб, XVIII ўрталаригача географиянинг предмети, мазмуни ва вазифалари тўғрисида аниқ бир тасаввур шаклланмаганди. Шу вақтдан бошлаб регионал географик изланишлар биров олға силжигандек бўлди. Шу йўналишда бир қатор географик асарлар пайдо бўла бошлади. Шу маънода, С.П.Крашенинниковнинг (1711-1755) Камчатка ярим оролининг табиий шароити, ҳўжалиги ва аҳолиси ҳар томонлама ёрқин тавсифланган “Описание земли Камчатки” номли асарини, П.И.Рычковнинг (1712-1777) Оренбург губерниясининг табиати, тарихи, ҳўжалиги ва аҳолиси тавсифланган “Топография Оренбургская” асарини ёки грузин географи Багратион Вахуштининг (1696-1772) “География Грузии” номли фундаментал асарини эслаш кифоя.

1758 йилда Россия фанлар Академиясининг География департаментига раҳбар этиб тайинланган М.В.Ломоносов (1711-1765) ўзи алоҳида бир географик асар яратмаган бўлсада, рус географиясининг шаклланиши ва ривожланишига амалий таъсир кўрсатди. 1768 йилда бошланган академик экспедициялар ҳам Ломоносов режалаштирган буюк тадбирлардан бири эди. 1768-1774 йилларда амалга оширилган ушбу экспедицияларда олиб борилган географик изланишлар география тарихида умуман янги изланишлар ҳисобланган. Мазкур экспедициялар натижасида Россиянинг бир қатор ҳудудларига доир географик маълумотлар тўпландики, улар кейинчалик Россиянинг умумий географик тавсифини яратишда бирламчи илмий маълумотлар вазифасини ўтади. Масалан, И.Г.Георгининг (1802 й) Россиянинг табиий географиясига оид асари шундай маълумотлар асосида пайдо бўлганди.

Рус академик экспедициялари билан деярли бир вақтда дунёнинг бошқа қисмларида ҳам бирин – кетин турли экспедициялар ва денгиз саёҳатлари амалга оширилиб, қуруқлик ва океанларга доир кўп янги маълумотлар тўпланди, янги ерлар, ороллар кашф этилди. Ғарбий Европанинг илғор давлатларидан Англия ва Франция бу борада кўп ҳаракат қилдилар ва ўз колониялари доирасини анчагина кенгайтириб олдилар. Масалан, Англия Австралияни, Малакка ва Шри – Лаккани ўз колонияларига қўшиб олдилар. Улар Марказий Америка ва Африкада ҳам бир қатор ўлкаларда ўз сиёсатларини ўтказиб бошладилар. Бундай экспедициялар тарихида инглиз денгизчиси Жеймс Кукнинг 1768-1780 йиллар оралиғида амалга оширган уч бора дунё бўйлаб саёҳати кўп самарали бўлди. Биринчи бўлиб жанубий кутб доирасидан ўтган, Арктика ва Антарктикада бўлган, олти марта экваторни кесиб ўтган мазкур сайёҳнинг саёҳатлари туфайли Австралиянинг шарқий соҳиллари, Янги Каледония ороли, Гавай, Янги Зеландия, Жанубий Георгия, Жамият ороллари, Туамоту ва Тонга архипелаглари, Маркиз, Янги Гебрид каби кўпдан кўп ороллар, бутун Океания кашф этилганди.

Жеймс Кук саёҳатларидан сўнг орадан икки ўн йиллик ўтиб, русларнинг биринчи дунё бўйлаб саёҳатлари амалга оширилди. 1803-1806 йилларда рус денгизчилари И.Ф.Крузенштерн билан

Ю.Ф.Лисянский бошчилигидаги ушбу саёҳат натижасида Сахалин ороли қирғоқларининг бир қисми ўрганилди, Япон ороллари ва рус Аляскасида ҳам тўхтаб ўтилди. Саёҳат пайтида океанографик ва метеорологик кузатувлар олиб борилди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига оид маълумотлар тўпланди. Умуман олганда, рус денгизчилари 1803 йилдан то 1866 йилгача 28 марта дунё бўйлаб ва 17 марта ярим дунё бўйлаб денгиз саёҳатларини амалга оширдилар. Ф.Ф.Беллинсгаузен ва М.П.Лазаревнинг 1819 йилнинг ёзида бошлаган ва Антарктида қирғоқларигача етиб борган денгиз саёҳати ҳам шулардан бири эди.

Ушбу даврда океан ва денгизлардаги экспедиция ва саёҳатлардан ташқари материкларнинг ички қисмларида ҳам қатор географик изланишлар олиб борилди. Осиё, Африка ва Шимолий ҳамда Жанубий Америка қитъаларида ишлаган экспедицияларда илмий кузатувлар амалга оширилди. Ушбу экспедицияларда фақат янги ерларни кашф этишгина эмас, балки илмий изланишларга кўпроқ эътибор қаратиладиган бўлди. Бунда турли – туман ўлчов асбобларидан фойдаланиш аҳамият касб этабошлади. Давр мобайнида тўпланган географик маълумотларнинг кўплиги ва турли – туманлиги ҳамда уларни чуқурроқ таҳлил қилиш, умумлаштириш зарурияти изланишларни ихтисослашувига олиб келди. Бунинг натижасида, XVIII асрнинг биринчи ярмида геодезия, иккинчи ярмида эса геология мустақил фан сифатида шаклланабошлади. Ўсимликлар географияси, зоология, метеорология, иқлимшунослик ва биогеография кабилар ҳам шу равишда ривожланаётганди. Ушбу аср охири ва XIX аср бошларида нашр этилган географик адабиёт эса асосан саёҳатлар таассуротлари билан чекланарди. Масалан, П.С.Палласнинг “Россия империясининг турли провинциялари бўйлаб саёҳат” (1788) номли асари ёки Жеймс Кукнинг 1768-1771 йиллардаги иккинчи дунё бўйлаб саёҳатида иштирок этган Георг Форстернинг 1778-1788 йилларда нашр эттирган икки томлик “И.Р.Форстернинг дунё бўйлаб саёҳати” каби асарлари мисол бўлади.

Умумий географияга оид мулоҳазалар билдирилган асарлардан эса замонасининг таниқли философи Иммануил Кантнинг (1724-1804) табиий географиядан ўқиган маърузалари

матнини мисол келтириш мумкин. Ушбу философ олим бир умр Кенигсберг шахрида яшаб, илм билан шуғулланган. Унинг космогонияга оид Қуёш системасининг ҳосил бўлиши тўғрисидаги эволюцион тасаввурлари табиатшуносларга яхши маълум.

И.Кант 1756 йилдан бошлаб қирқ йил мобайнида Кенигсберг университетида табиий географиядан дарс берган. Ўқиган маърузаларининг матни кейинчалик, 1905 йилда талабаларнинг конспектлари асосида тикланиб, Лейпциг шахрида нашр этирилган. Бу асарда Кант томонидан айтилган айрим фикрлар кейинчалик бир қатор географларнинг кўз қарашларига йўналтирувчи таъсир кўрсатди. Унинг бу фикрлари ўз замонасидаги фаннинг умумий ҳолатини акс эттирсада, географиянинг предметига методологик жиҳатдан янгича қараш эди. Масалан, у географиянинг фанлар тизимида тутган ўрни ҳақида сўзлар экан, предмет ва ҳодисаларни ўрганиш учун уларни икки йўл билан гуруҳлаштириш мумкин деб ҳисоблайди. Унингча биринчи йўл, предмет ва ҳодисаларни қаерда ва қачон рўй берганлигидан қатъий назар, келиб чиқишига кўра, яъни мантикий тасниф асосида гуруҳлаштириш. Иккинчи йўл эса уларни маконда жойлашган ўрнига кўра ёки рўй берган вақтига кўра, яъни табиий тасниф асосида гуруҳлаштириш.

Кант тарихни ҳам, географияни ҳам бирдек воқеа ва ҳодисаларни тасвирловчи фан деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашига кўра “тарих бу, вақтга боғлиқ ҳолда бирин – кетин рўй берган воқеа ва ҳодисаларни баён қилишдан, география эса воқеа ва ҳодисаларни маконда, бири иккинчисининг ёнида рўй берганлигини тасвирлашдан иборат”.

И.Кантнинг ўз маърузаларида билдирган кўп ғоялари унинг фалсафий кўз қарашларидан келиб чиққан. Унинг фалсафасини ўрганган тадқиқотчилар олим асарларида анчагина бир – бирига зид фикрлар билдирилганлигини эътироф этганлар. Чунончи Кант фалсафасида материализм белгилари ҳам, субъектив идеализм белгилари ҳам мавжуд. Шунингдек, унинг географиясида ҳам бир саҳифада детерминизмга эргашса, бошқа саҳифада ундан узоқлашганлигини сезиш мумкин. У ўз фалсафасида ашаддий агностик сифатида “нарсა ўзида” деган тушунчани олға суриб, уни шиор қилиб олганди. Шунинг учун

ҳам Кант объектив мавжуд бўлган борлиқни билишни имкони йўқ, вақт ҳам, макон ҳам объектив эмас, балки субъективдир деб қарар экан, макон билан замон категорияларини материядан ажратиб қўяди. Бунинг оқибатида у географияни предмет ва ҳодисалар жойлаштирилган макон ҳақидаги фан деб ҳисоблаганди. Олимнинг бу кўз қарашлари кейинчалик, айниқса, А.Геттнер (1930) асари эълон қилингандан сўнг, географиядаги “хорологик концепция” номини олганди.

И.Кант ўз даврида тўпланиб қолган кўп географик маълумотларни умумлаштиришга ҳаракат қилган. У умумий география билан регионал географияни бир бутун географиянинг иккита ўзаро алоқадор қисми деб ҳисоблаган. Бошқа немис географларидан Александр Гумбольдт (1769-1859) билан Карл Риттер (1779-1859) ҳам географияни бир бутун фан сифатида қараганлар. Улар географик тадқиқотларнинг табақаланиши кучайиб бораётган бир даврда, география табиатни яхлит манзарасини тасвирлаши лозим, чунки у битта умумий объектни ўрганади деб ҳисоблаганлар. Аммо бу икки олим ўзларининг географик кўз қарашларида Кантга нисбатан анча илгарилиб кетгандилар.

XX асрда география тарихи ҳақида сўз юритган географларнинг кўпчилиги Александр Гумбольдт билан Карл Риттерни XIX асрнинг биринчи ярмидаги янги география асосларини яратган энг йирик географ олимлар эканлигини эътироф этганлар.

Умуман олганда, XIX асрнинг биринчи ярмида табиатшунослик нисбатан сезиларли ютуқларга эриша бошлаган. Бунга Ч.Лайель (1797-1875), Ж.Б.Ламарк (1744-1829), К.М.Бэр (1792-1786) кабиларнинг асарларини мисол келтириш мумкин. Айнан шу даврда диалектик материализм асослари ишлаб чиқилганди (К.Маркс, Ф.Энгельс). Бу давр Европа фани тарихида “классик давр” деб баҳоланганлиги ҳам маълум. Географияда илгари сурилган илғор илмий ғоялар эса бевосита А.Гумбольдт ва К.Риттер номлари билан боғлиқ бўлганди.

5.1. XIX аср янги давр географиясининг асосчилари

Александр Гумбольдт қадимги Пруссиянинг баланд нуфузли амалдорлари авлодидан бўлиб, 1769 йилнинг 14 сентябрида Берлинда моддий жихатдан тўқис оилада туғилган. Болалик йилларида кўп саёҳатнома китобларни зўр қизиқиш билан ўқиган, ўзи ҳам узоқ ўлкаларга саёҳат қилишни орзу қилган. Унинг ушбу орзуси яқиндан танишиб қолган, исми юқорида тилга олинган сайёҳ Георг Форстернинг тропик ўлкаларнинг табиатига оид қизиқарли ҳикояларидан сўнг янада кучаяди.

А.Гумбольдт 1787 йилдан бошлаб беш йил мобайнида, аввал Франкфурт ва Геттинген университетларида, сўнггра Фрейбург тоғ академиясида маърузалар тинглайди. 1790 йилда у Форстер билан биргаликда Рейн водийсида саёҳатда бўлиб, геологик ётқизикларнинг минералогик тузилишини ўрганади. Натижада ўзининг “Рейндаги базальт ётқизиклари бўйича минералогик кузатувлар” номли биринчи илмий ишини чоп эттиради.

1796 йилда онасининг вафотидан сўнг Александр Гумбольдт сезиларли меросга эга бўлади ва кўпдан бери ўйлаб юрган орзуларини амалга оширишга ҳаракат қилади. У давлат хизматидан бўшаб, Америка қитъаси томон экспедиция уюштиришга киришади. У ерларда амалга оширилиши мўлжалланган вазифалардан бири жонли ва жонсиз табиат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликларни ўрганиш бўлиб, бу ишга француз ботаниги Эме Бонпланни ҳам таклиф қилади. Улар бир неча бор уринишлардан сўнг, Испания ҳукуматидан Жанубий Америкадаги Испания колонияларига боришга рухсат оладилар. Ва ниҳоят, 1799 йилнинг 5 июнь куни Канар ороллари орқали Америка томон сафарга чиқадиладар. Шу куни А.Гумбольдт ўз дафтарига “мен ўсимлик ва минераллардан намуналар оламан, энг яхши асбоблар ёрдамида астрономик кузатувлар ўтказаман, ҳавонинг кимёвий таркибини ўрганаман ва ҳоказо. Аммо буларнинг ҳаммаси саёҳатимнинг асосий мақсадини ҳосил қилмайди. Менинг асосий эътиборим табиат кучларининг ўзаро таъсирига, жонсиз табиатнинг ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсирига, уларнинг уйғунлигига қаратилган бўлади” – деб ёзиб қўйганди.

Александр Гумбольдтнинг Жанубий ва Марказий Америкага қилган саёҳати 1804 йилгача, яъни беш йил давом этди. Бу вақтда у Бразилиянинг экваторга яқин қисмларида, Эквадор, Венесуэла, Мексика ва Кубада географик кузатувлар олиб борди. 700 дан ортиқ нуқтада жойларнинг географик кенгликлари ва узунликлари, абсолют баландликлари аниқланди. Вулканик ҳодисаларнинг зилзилалар билан боғлиқлиги ўрганилди. Фанда биринчи мартаба Анд тизмасида, Мексика тоғлигида ва Пиреней ярим оролининг бир қисмида кўндаланг географик профиллар тузилди. Ботаник изланишларда барометрик ўлчовлардан фойдаланиб, Анд тизмаси ёнбағрида, Мексика тоғлигида ва Тенериф оролида ўсимлик – иқлим зоналари аниқланди. Гумбольдтнинг ўсимлик – иқлим зоналарини кашф этиши табиатдаги ўзаро алоқадорликларни ўрганишда, табиий географияда катта янгилик бўлди. Қадимги инк хиндуларининг маданият қолдиқлари ўрганилди.

А. Гумбольдт Европага қайтиб келгач, Париж шаҳрида 20 йилдан ортиқ вақт яшаб қолади. Бинобарин, экспедицияда тўпланган маълумотларнинг ҳажми шунчалик катта эдики, уларни маълум тартиб билан ўрганиш учун кўп йиллар керак бўлди. Шунингдек, бу бой маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун даврнинг етук мутахассислари астроном Лаплас, зоологлар Ламарк ва Жофруа Сент – Иллер, палеонтолог Кювье, химик Гей – Люссак, ботаниклар Броньер ва Кунт кабиларни ишга жалб қилишга тўғри келди. Уларнинг иштироки билан А.Гумбольдт экспедиция маълумотлари асосида 1807-1834 йилларда 30 жилддан иборат асарлар тўпламини нашр эттирди. Шулардан тўртта жилд саёҳат таассуротларига бағишланганди. Бир вақтнинг ўзида А.Гумбольдт ўзининг назарий ғоялари акс эттирилган “Ўсимликлар географиясидан тажриба” (1807), “Табиат манзаралари” (1808), “Тоғларда баландлик ва ҳаво ҳароратини ўзгаришига кўра ўсимликларнинг тарқалиши ҳақида” (1817), “Ўсимликларнинг тарқалишида кузатиладиган қонуниятлар” (1823) каби бир қатор асарларини ҳам чоп эттирганди.

Олимнинг ушбу асарларида ўсимликлар географияси асослари билан бир қаторда табиий географиянинг асослари ҳам белгилаб берилганди. Бунда у табиий географияни “космос

ҳақида таълимот” деб номлар экан, унинг учун асосий материал бўлиб, организмлар ҳаётини ер юзасининг турли шакллари билан ўзаро боғлиқликда тасвирланиши хизмат қилади деб ҳисоблаганди.

1827 йилда А.Гумбольдт дунё таниган олим сифатида Германияга қайтиб келади. Бу ерда ҳукумат унга канцлер лавозими ҳамда умрбод бериладиган нафақа тайинланиши ҳақида маълум қилади. Шу йилнинг ўзида А.Гумбольдт Берлинда “Олам физикаси” бўйича бир қатор оммавий маърузалар ўқийди. Ушбу маърузаларида айтилган илмий – назарий ғояларнинг кўпи кейинчалик унинг бир бутун табиат ҳақидаги шоҳ асарини яратилишида асос бўлиб хизмат қилди.

1829 йилда рус ҳукуматининг таклифи билан А.Гумбольдт Россияга келади. Бу ерда у ярим йилга яқин бўлиб, Урал – Ғарбий Сибир – Олтой йўналишида саёҳат қилади. Урал ва Олтойдаги бир қатор қазилма конлар ва заводларни бориб кўради. Сўнг Оренбург орқали Астрахан шаҳрига келади. Бу ерда у парохотда биров Каспий денгизида сузгач, Москвага қайтади ва Москва университетиди, сўнг Петербург шаҳри Фанлар академиясида саёҳат таассуротлари ҳақида маърузалар қилар экан, метеорологик ва ер магнетизми устида кенг изланишлар ташкил этиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиради.

А.Гумбольдтнинг Россияда Урал, Сибир, Олтой ва Оренбург орқали Волга этакларига қилган саёҳати натижалари кейинчалик, 1843 йилда Париж шаҳрида нашр этилган уч жилддан иборат “Марказий Осиё. Тоғлар занжири ва қиёсий иқлимшунослик бўйича тадқиқотлар” номли асарида акс эттирилганди. Ушбу асардан сўнг А.Гумбольдт ўзининг кўпдан бери мўлжаллаб юрган ва ўз ҳаётининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаган “Космос. Оламни физик тасвирлаш тажрибаси” номли энг йирик асарини ёзишга киришади. Ушбу асарнинг биринчи жилди 1844 йилнинг охирида, иккинчи жилди 1847 йилда, учинчи жилди 1850 йилда, тўртинчи жилди 1858 йилда нашр этилади. Олим ўз асарининг мўлжалдаги бешинчи жилдининг кичик бир қисминигина ёзишга улгуради ва 1859 йилнинг 6 май куни вафот этади. Асарнинг ушбу қисми 1862 йилда нашр этилган. А.Гумбольдтнинг табиат ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил

қиладиган бу асари жаҳоннинг кўп тилларига шу жумладан, рус тилига ҳам таржима қилинган.

А.Гумбольдт ўзидан жаҳон табиатшунослиги учун катта илмий мерос қолдирди. Табиатшуносликнинг турли соҳаларига оид 636 номдаги асарларининг кўпчилиги катта – катта китоблардан иборат эди. Уларда олим билдирган кўп илғор фикрлар, илмий методик ва методологик аҳамиятга эга бўлган ғоялар табиатшуносликнинг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, янги давр табиий география фанининг шаклланиши А.Гумбольдт илгари сурган илмий ғоялар билан бевосита боғлиқ бўлди. Жумладан, табиатдаги жисмлар ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик ғояси, табиатга метафизик қараш ҳукмрон бўлиб турган бир даврда, олға ташланган бир катта қадам эди. Ушбу ғоянинг юзага келиши, олимнинг ўзи таъкидлаб қўйганидек, “ташқи олам ҳодисаларини умумий боғлиқликда ўрганишга, ички кучлар билан ҳаракатланувчи ва жонланувчи табиатни бир бутунлик сифатида ўрганишга бўлган интилиш” билан белгиланганди. А.Гумбольдтнинг бу ва бунга яқин ғоялари унинг “Космос” ида ёрқин акс эттирилган. Ушбу асарнинг биринчи жилдида айтилишига кўра, табиий география бир қатор табиий фанларни қомусий бирлаштирилгани эмас, унинг якуний мақсади “кўпликда бир бутунликни билиш, табиат ҳодисаларини ички алоқадорликларини ва умумий қонуниятларини тадқиқ қилишдан иборатдир” (1866, I-жилд, 54 бет).

А.Гумбольдт ер юзида рўй берадиган ҳодисалардаги сабабий алоқадорликларни ўрганишда энг муҳим вазифа органик ҳаётни жонсиз табиатга боғлиқлигини аниқлашдан иборат деб ҳисоблаган. Шу сабабли унинг ўзи ҳам шу фикрга қаттиқ амал қилиб, ўсимлик билан иқлим ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга алоҳида эътибор қаратган. Иқлимни эса ўз навбатида Ернинг ҳаво қобиғини океан ва қуруқлик юзаси билан ўзаро таъсирининг натижаси деб ҳисоблаган. Шу масала юзасидан А.Гумбольдт катта – катта ҳудудларнинг иқлими ва ўсимлигига доир маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга астойдил ҳаракат қилган. Тўпланган бой маълумотлар ўсимликлар қопламини экватордан қутбларга томон, тоғларда эса пастдан юқори томон

ўзгариб боришини аниқлашга имкон берди. Бу биоиклимий зоналликни кашф этилиши эди.

А.Гумбольдт замонида фаннинг етарлича ривожланмаганлиги, яъни табиатнинг айрим компонентлари жумладан, тупроқ қатламига оид маълумотларни йўқлиги, табиатдаги жисм ва ҳодисалар ўртасида мавжуд бўлган чуқур сабабий алоқадорларнинг тагига етишга имкон бермаганди.

А.Гумбольдт Ер шарининг айрим қобиклари ўртасида (масалан, ҳаво қобиғи билан океан, океан билан қуруқлик, қуруқлик билан ҳаво қобиғи ўртасида) ўзаро яқин алоқадорликлар, ўзаро таъсирлар мавжудлигини қаттиқ таъкидлагандики, бу кейинчалик табиий географиянинг ўрганиш объекти ҳақидаги тушунчанинг шаклланишига асос бўлди.

А.Гумбольдт табиий географик тадқиқотлар методикасини ривожланишига ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Изланишларда миқдор кўрсаткичларидан кенг фойдаланишнинг, кўндаланг комплекс профиллар тузишнинг аҳамиятли эканини кўрсатиб берди. Табиий географик изланишларда тарихий методнинг зарурлигини ҳам таъкидлаган.

Қиёсий – географик методни чуқурлаштириш ва мукаммаллаштириш орқали иқлимларни тавсифлашда изотермалардан фойдаланишни тадбиқ этди ва шимолий ярим шарнинг йиллик изотермалар харитасини яратди. Шу усулдан самарали фойдаланган ҳолда иқлимга оид муҳим қонуниятларни аниқлади. Чунончи, А.Гумбольдт материкларнинг ғарбий ва шарқий чеккаларида ҳаво ҳароратидаги мавжуд фарқларни белгилаш билан бир вақда материкларнинг ташқи қиёфаси ва жойларнинг қайси иссиқлик минтақасида жойлашганлиги иқлим ҳосил қилувчи муҳим омил эканлигини маълум қилди.

Географик тадқиқотларда қиёсий тасвирий методдан кенг фойдаланган А.Гумбольдт ўз замонасидаёқ Ер ҳақидаги фанлар ривожига катта ҳисса қўшган машҳур сайёҳ, табиатни универсал тадқиқотчиси, геология, минералогия, геофизика, метеорология, иқлимшунослик, геодезия, ботаника, зоология каби фан соҳаларини яхши эгаллаган ҳақиқий энциклопедист олим сифатида танилганди. Уни “Американи иккинчи кашфиётчиси, яъни иккинчи Колумб” деб, “Янги Аристотель” деб эъзозлаганлар. Кейинчалик олимнинг номини абадийлаштириш

мақсадида АҚШнинг Невада ва Теннеси штатларидаги иккита шаҳарга, Невада штатидаги кўл ва дарёга, Канада ва Аргентинада биттадан шаҳарга, Янги Каледония оролидаги тоғ чўққисига, Шарқий Осиёдаги тоғ тизимига, Гренландиянинг шимолий қисмидаги музликка, Тинч океандаги бир денгиз оқимида Гумбольдт номи берилди.

XX асрнинг биринчи ярмида табиий географиянинг назарий масалалари билан шуғулланган таниқли рус географлари А.А.Григорьев (1930) ва С.В.Калесник (1947) А.Гумбольдтнинг номини янги давр табиий географиясини яратувчиси, асосчиси деб фан тарихига киритиб қўйдилар.

Карл Риттер (1779-1859) А.Гумбольдтнинг ватандоши, ўн ёш кичик замондоши бўлган. Географияга оид бир қатор асарлар яратган, ўз даврининг таниқли олимларидан ҳисобланган. У ёзган илмий асарлардан айниқса, “Умумий қиёсий география” (қисқача “Ер билими”) номли 19 жилддан иборат асар ҳамда “Қиёсий географиядан ғоялар” номли асари машҳур бўлган.

К.Риттер Берлин университетида янги очилган география кафедрасининг биринчи мудирини бўлган. Шу лавозимда олим 1820 йилдан то вафотига қадар ишлаб, университетнинг ёрқин профессорларидан ҳисобланган. Унинг мароқли маърузаларини, кейинчалик яхши танилган географлар француз Элизе Реклю, руслардан П.П.Семенов – Тян – Шанский, швецариялик Арнольд Гюйо кабилар катта қизиқиш билан тинглаганлар.

XIX аср охирларида немис фан тарихчиларидан бири Карл Вейле К.Риттерни қиёсий географияни асосчиси ҳисоблаб, унинг А.Гумбольдт таъсири остида географиянинг вазифасини аниқлашга ҳаракат қилганлигини, Ерни физик тасвирлаш географиянинг асоси деб қараганлигини ёзганди. Ҳақиқатан ҳам К.Риттернинг географияга, табиатга нисбатан билдирган айрим фикрларида А.Гумбольдтга эргашганлиги яққол сезилади. Масалан, К.Риттер ҳам А.Гумбольдт каби географияни бир бутун фан эканлигини, географиянинг ўрганиш объекти битта ва умумий эканлигини эътироф этган. Шунингдек, география эмпирик маълумотларга, табиатдаги бевосита кузатувларга асосланиши лозим деб ҳисоблаган. К.Риттер А.Гумбольдт ғояларига мос ҳолда, табиатнинг жонли ва жонсиз қисмлари ўртасида ўзаро таъсирлар мавжудлиги туфайли табиатни бир

бутун ҳисоблашни, ундаги сабабий алоқадорликларни аниқлашни географиянинг асосий вазифаси деб тушунган. Унингча географиянинг энг муҳим вазифаси Ернинг учта қобиғи (атмосфера, сув ва қаттиқ қобиғи) нинг ўзаро таъсирини ва ер юзаси тараққиётининг умумий қонунларини ўрганишдан иборат бўлган. Қобиклар ўртасидаги ўзаро таъсирлар худудий нисбатларига кўра ўрганилади деган фикрда бўлган. Ўз асарида муаллиф географиянинг предмети ер юзасидаги худудлардир, чунки бу худудлар Ерга хос бўлган жонли ва жонсиз модда билан тўлдирилган деб, И.Кант фалсафасига эргашганлигини билиш мумкин. Чунончи у, И.Кант фикрларига ҳамоҳанг ҳолда, хронология тарихга оид кўп маълумотларни бир тизимга келтиришнинг асоси бўлиб хизмат қилса, макон – бу географиянинг ўзагидир деган хулосага келганди.

К.Риттер географияда қиёсий методдан фойдаланиш ҳақида сўз юритганда асосан нималар қиёсланишини, нима учун қиёсланиши, қиёслаб ўхшаш гуруҳларни аниқлаш географияда янги билимлар беришини, янги тушунчалар пайдо бўлишига олиб келишини аниқ тушунтирган.

К.Риттер илмий фаолиятидаги энг асосий хусусиятлардан бири унинг янги география асосларини яратишга бўлган интилиши эди. Бу бўлажак янги географияни у “Erdkunde”, яъни “Ер билими” деб номлаганди. Олимнинг айтишича Ер билимининг асосини табиий география ташкил қилиши лозим. Аммо география фақат табиий географиядан иборат деган фикрга қарши бўлган.

К.Риттернинг илмий асарлари, уларда илгари сурилган илмий ғоялар XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам, кейинги аср давомида ҳам фан тарихчиларини қизиқтирган. Бу борада П.П.Семенов – Тян – Шанский (1856), А.Гюйо (1861), Л.Весин (1876), О.Пешель (1879), В.Мушкетов (1886), Э.Ю.Петри (1887), А.Геттнер (1899), З.Гюнтер (1903), Р.Хартшорн (1939) кабилар К.Риттернинг илмий қарашларини таҳлил қилишга турли даражада ҳаракат қилганлар. Кейинчалик ҳам география тарихи ҳақида сўз юритган географлар В.А.Анучин (1960), А.Г.Исаченко (1971), Ю.Г.Саушкин (1976) ва бошқалар ҳам бу масалада ўз фикрларини баён қилганлар. Уларнинг кўпчилиги К.Риттерни ўзаро зид фикрлар билдирган олим деб тавсифлаганлари яхши

маълум. Шунингдек, улар А.Гумбольдтнинг материалист ва назарийчи деб, К.Риттернинг эса идеалист ва мамлакатшунослик намоёнчаси деб тавсифлаганлари ҳам маълум. А.Гумбольдт табиий география билан, К.Риттер эса жамият географияси билан шуғулланган деган фикрлар ҳам билдирилган. Ҳақиқатан ҳам К.Риттер асарларида ўз даври учун тўғри ва илғор ҳисобланган фикрлар билан бир қаторда идеалистик ва теологик мулоҳазалар ҳам учрайди. Ҳарқалай, А.Гумбольдт билан К.Риттер қарашларини солиштирган пайтда, К.Риттер асаридаги қуйидаги жумлани эътиборга олиб қўйиш керак бўлади. Яъни: “Ернинг физик тасвирлаш умумий географиядан шу билан фарқ қиладики, у ўзининг тадқиқот предмети қилиб фақат табиий жисмларни танлайди. Бизнинг Умумий ер билимимиз эса Ернинг инсоннинг турар жойи сифатида кўради” (1864, 7 б.).

Демак, А.Гумбольдт билан К.Риттер ўрталаридаги асосий ғоявий фарқ, уларнинг географиядаги бир – бирини тўлдирувчи икки йўналишни, яъни, Умумий табиий географик (А.Гумбольдт) ва мамлакатшунослик (К.Риттер) йўналишларини ривожлантирганликлари билан боғлиқ бўлади. Улар чуқурлаштирган ва мукаммаллаштирган қиёсий метод ҳам ана шу икки йўналиш учун хизмат қилган.

К.Риттернинг илмий фаолиятини тавсифлаб асар ёзган Н.Г.Суховагинг (1990) таъкидлашига кўра, К.Риттернинг қиёсий Ер билими тўғрисидаги фикрларининг умумий мазмуни шундан иборатки, ўзининг мақсади ва вазифалари, ўрганиш предмети, маълумотларни тизимлаш қоидалари ва усулларига эга бўлган мустақил фан – география ҳақидаги тасаввурларни тасдиқлайдиган ва ўз даври учун нисбатан тўлиқ ишланган концепцияни ташкил қилган.

5.2. А.Гумбольдт ва К.Риттердан кейинги XIX аср иккинчи ярмида географияни ривожлантирилиши

XIX асрнинг иккинчи ярмида А.Гумбольдт билан К.Риттер география соҳасида энг нуфузли олимлар ҳисобланган бўлсаларда, К.Риттернинг қиёсий Ер билимига оид концепцияси А.Гумбольдтнинг “Космос” асарида илгари сурилган илмий ғояларига нисбатан эътиборлироқ бўлди ва географиянинг

кейинги бир неча ўн йилликлар давомидаги ривожига салмоқли таъсир кўрсатди. Бунинг бир неча ҳақиқий сабаблари бор эди. Шулардан бири К.Риттернинг Берлин университетида география соҳасидаги ягона профессор сифатида ўз ғояларини тингловчиларга моҳирлик билан ташвиқот қила билганлигида эди. Бошқа яна бир, балки асосий сабаби географиянинг табақаланиши кучайиб бораётган ва унинг тадқиқот объекти тармоқ фанлар томонидан “бўлиниб олинаётган” пайтларда К.Риттернинг алоҳида ҳудудларни инсонга нисбатан (яъни, антропомарказ) ўрганиш ғояси А.Гумбольдтнинг “космик” ғоясига нисбатан замон талабларига кўпроқ мос келаётгандек эди. Қолаверса, А.Гумбольдт ғояларининг табиий географиянинг назариясини яратиш учун аҳамиятли томонларини замондош географлар етарли даражада баҳолай олмагандилар ҳам.

А.Г.Исаченко ўзининг географик ғоялар тарихига бағишланган асарида (1971 й.) А.Гумбольдт таъсири остида яратилган иккита географик асар ҳақида қисқа – қисқа маълумотлар келтирганди (202 б.). Улардан бири немис географи Г.Бергхаузнинг (1797-1898) ўзи яратган дунёнинг катта табиий географик атласига ёзган кўп жилдлик изоҳномасининг учта жилди (2000 саҳифа атрофида) табиий география масалаларига бағишланган бўлиб, А.Гумбольдт маъқуллаган режа асосида ёзилган экан. Ана шу уч жилддаги матн мазмуни асосан математик география, метеорология ва иқлимшунослик, гидрография, геология, ўсимликлар географияси, ҳайвонот географияси, статистика ва минерал бойликлар бўлимларини ўз ичига олган.

Иккинчи табиий географияга оид асар эса немис географи Г.А.Клёден (1814-1885) томонидан ёзилган ва тузилиши бўйича Г.Бергхауз асарига жуда яқин бўлиб, уни А.Гумбольдт ўқигач, асар ҳақида юқори фикрда эканлигини билдирган. Асарнинг асосий мазмунини унинг қуйидаги бўлимлари номидан тасаввур қилса бўлади. Яъни: 1) астрономик география; 2) Ер юзаси (қуруқликнинг вертикал ва горизонтал парчаланганлиги, музликлар ва музлик даврлари); 3) вулқонлар ва zilзилалар; 4) ер пўсти (тоғ жинслари ва асосий кимёвий элементлар ва минералларнинг тарқалиши); 5) сувлар (манбалар, дарёлар, кўллар, денгизлар); 6) ҳаво (таркиби, босими ва шамоллар, ёғин –

сочин); 7) иссиқлик тарқалиши ва магнетизм; 8) ўсимликлар тарқалиши; 9) ҳайвонот тарқалиши ва 10) инсоннинг ирқлар ва тиллари бўйича тарқалиши.

Ушбу икки асар санаб ўтилган, озми-кўпми мустақил бўлимлардан иборат бўлиб, ўз давридаги билимлар ҳолатини акс эттирган ва маълум аҳамиятга эга бўлган.

А.Гумбольдт ва айниқса, К.Риттер илмий ғояларини ёйишга ҳаракат қилган географлардан бири, исми юқорида тилга олинган швейцариялик Арнольд Гюйо (1827-1884) бўлганди. У 1848 йилда АҚШга, Гарвард университетига профессор лавозимига ишга ўтгач, ўқиган маърузалари матнини 1849 йилда “Ер ва инсон, ёки инсоният тарихига нисбатан табиий география” номи билан ўқув қўлланма сифатида нашр эттирган. Ушбу асарда А.Гюйо ўз имконияти даражасида А.Гумбольдт ва К.Риттер ғояларини ривожлантиришга ва ташвиқ қилишга уринган. Шу асари туфайли А.Гюйонинг исмини америкалик географ Жорж Перкинс Марш (1801-1882) янги географиянинг асосчилари деб А.Гумбольдт ва К.Риттер исмлари билан бир қаторда тилга олган.

Табиий географиянинг назарий масалалари билан шуғулланган таниқли рус географи И.М.Забелин (1978) А.Гюйо асарининг 1858 йилдаги русча таржимасидан бир саҳифачага яқин кўчирма келтирадики, унда А.Гумбольдт ва К.Риттер географиясининг қисқача моҳияти баён қилинган. Биз ҳам шу кўчирмани, мазмунини сақлаган ҳолда эркин таржимасини беришни лозим топдик. Унда А.Гюйонинг табиий география ҳақидаги қарашлари қуйидагича баён қилинган:

“Агар биз, “география” сўзининг этимологик аҳамиятини сақлаган ҳолда, унинг тадқиқот доирасини ер шари юзасини ва ундаги мавжудликларни тасвирлаш билан чеклайдиган бўлсак, биз уни фан деб аталишининг ҳар қандай ҳуқуқидан маҳрум қилган бўламиз. Сабабларини ва оқибатларини аниқламай тасвирлаб ёзиш бу шундай билимни кўрган ва билган одамга у ёки бу фактни айтиб бериш кабидир. Ўз предметига бундай қарайдиган географ географиядан худди хронограф тарихдан олгани каби шунча кам билим олади. У ҳатто қандай тасвирлаб ёзиш лозимлигини билишдан ҳам маҳрум бўлади; чунки у ер шари қисмларини ҳосил бўлишини ва тақсимланишини бошқарувчи қонунларни ўрганишни рад этса; агар у

тасвирлаётган ҳодисаларга туртки бўлган қонунларга эътибор беришни истамаса, - у аҳамиятини тушунмайдиган жуда кўп икир-чикирлар остида эзилиб қолади. У бир бутунликка маълум тавсиф бериши лозим бўлган маълумотларни гуруҳлаштиришни эплай олмай қолади ва шу тариқа ўзини энг самарасиз меҳнатга боғлаб қўяди.

Шунинг учун география оддий тавсифлаб ёзишдан нимадир билан фарқланадиган бўлиши керак. У ҳодисаларни нафақат тасвирлаб ёзиши, балки уларни қиёслаши, қандай ва нима учун каби саволларга жавоби билан тушунтириб бериши керак. Унинг учун ер шарини фақат турли қисмларга тақсимланишини кўрсатибгина “анатомиялаштириш” камлик қилади.

У (яъни, география демокчи) физик табиат кучларининг ўзаро таъсирини, яъни ноорганик табиатни органик дунёга ва айниқса, инсонга таъсирларини англашга ҳаракат қилиши керак. Бу барча кучларнинг ўзаро таъсирлари ер шарининг ҳаёти деб номланиши мумкин бўлган нарсани ташкил қилади. Уларни эътиборсизлик билан ўтказиб юбориш – географияни ҳаёт негизларидан маҳрум қилиш, уни ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган айрим фактлар йиғиндисига айлантириб қўйиш демакдир ва қуруқ тавсиф билан муҳрлашдирки, бу билан географияни кўпинча ва ҳақли равишда айблайдилар.

Шунинг учун табиий география ернинг нафақат қисмларини тавсифлашни ўз ичига олиши керак, балки уни физик билишни ёки бошқача қилиб айтганди, Ер шари ҳозирги ҳаётининг умумий ҳодисаларини ва уларнинг боғлиқлик ва алоқадорликларини билиши керак. Мана Гумбольдт билан Риттер географияси” (1978, 33-34 б.).

Ушбу кўчирманинг умумий мазмунидан А.Гюйонинг А.Гумбольдт ва К.Риттер ғояларини қувватлаганлигини сезиш қийин эмас. Аммо А.Гюйо асарининг бошқа бир саҳифасида “Барча табиат, бутун Ер шаримиз яратилишнинг тугал мақсадини ҳосил қилмайди, лекин инсон мавжудлиги учун шароит бўлиб хизмат қилади... Шунинг учун биз ноорганик табиат органик табиат учун ва Ер инсон учун яратилган деб айтишга ҳақлимиз. Биз Ерга инсоннинг турар жойи ва бутун кишилиқ жамиятининг фаолият макони сифатида қарамоғимиз лозим. Яъни, бир сўз билан айтганда инсоният тараққиёти учун восита сифатида

карамоғимиз ва шу нуқтаи назардан Ернинг турли қисмларини ҳар бир физик қиёфасини тушунтириб беришимиз керак(1861, 10 бет.).

Ва ниҳоят, А.Гюйо табиий географиянинг учта қоидасини келтиради. Булар: 1) Ер массаларининг (қитъаларнинг демокчи) ташқи шаклларида, тузилишида ва жойлашишида маълум тарх мавжуд; 2) тана жон учун яратилганидек, Ер ҳам инсон учун яратилган; 3) шимолий ёки тарихий материклардан ҳар бири, улар табиатининг ўзи томонидан тарихнинг маълум даврида инсоният талабларига мос ҳолда алоҳида рол бажариши белгиланган (1861, 15 бет). Ушбу жумлалар мазмунидан А.Гюйонинг кўпроқ К.Риттер телеологиясига томон оғишиб кетганлигини кўрамиз.

Берлин университетида К.Риттернинг маърузаларидан А.Гюйо каби баҳраманд бўлганлардан яна бири француз географи Элизе Реклю (1830-1905) эди. У шу университетда 1849-1851 йилларда ўқигандан сўнг, иш қидириб Ирландияда, АҚШ да ва Жанубий Американинг бир қатор давлатларида бўлгач, 1857 йилда ўз ватани Францияга қайтиб келади.

1868-1869 йилларда унинг умумий табиий географияга оид “Ер” номли каттагина географик асари нашр этилади. Ушбу асарда Э.Реклю Ерни бир бутун организм сифатида кўриб, географиянинг вазифаси ана шу организмнинг физиологиясини ўрганишдан иборат деган фикрни билдиради. У Ерни бир бутун организмга, тоғ жинслари, сувлари, ҳавоси, ўсимлиги, ҳайвоноти кабиларни унинг органларига қиёслайди. Шунингдек, табиатдаги кучлар ва жараёнларнинг ўзаро таъсирларини ҳамда уларнинг ўзгарувчанлигини ўрганиш лозимлигини қайд этиб ўтади. Унинг таъкидлашига кўра ер пўстининг ҳар бир зарраси доимий айланма ҳаракатга қўшиб олиниши ва унда материя бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши рўй беради.

1871 йилда Э.Реклю Париж коммуналари таркибида бўлганлиги учун асирга олинади ва Франциядан чиқариб юборилади. Шундан сўнг у Швейцарияда яшай бошлайди ва 1890 йилдагина Францияга қайтиб келади.

Э.Реклю ҳам К.Риттер каби 19 жилддан иборат “Янги умумий география. Ер ва одамлар” номли асар ёзиб, 1873-1893 йилларда нашр эттирган. Мамлакатшуносликка оид ушбу

асарнинг бештадан жилди Европа ва Осиёнинг географик тавсифига бағишланган. Африка ва Америка қитъалари тавсифига эса тўрттадан жилд, Австралия билан Океания географияси учун бир жилд ажратилган. Асарда табиатга нисбатан халқларнинг, шаҳарларнинг ва улардаги диққатга сазовор жойларнинг тавсифига асосий эътибор қаратилган. Э.Реклюнинг ушбу асари мазмунидан К.Риттер таъсири борлигини сезиш мумкин.

Олимнинг 1890 йилдан бошлаб ёзишга киришган янги, “Инсон ва Ер” номли 6 жилддан иборат асари эса унинг вафотидан (1905) сўнг, яъни 1905-1908 йилларда нашр этилган. Э.Реклю ўзининг ушбу асарида ён-атроф табиатнинг тарихий воқеаларга таъсирини кўрсатишга, инсоният тақдирларини Ерга боғлиқлигини акс эттиришга, халқлар ҳаёти ва фаолиятида сабаб ва оқибатларни аниқлашга, уларни планетамизнинг умумий тараққиёти билан уйғунлигини аниқлашга ҳаракат қилган. Асарда Ер шари ва унинг турли қисмлари инсоннинг яшаш муҳити сифатида, жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирлари нуқтаи назаридан тасвирланган. Бу ерда Э.Реклю биринчи марта “географик муҳит” терминини ишлатганди.

Инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсирларни тадқиқ қилиш 1870-1880 йилларда Элизе Реклю билан бирга ишлашган Л.Н.Мечников (1838-1888) ва П.А.Кропоткинларни (1892-1921) ҳам қизиқтирган. Чунончи, Л.И.Мечников Э.Реклюнинг “Ер ва одамлар” асарини яратилишида энг яқин ва фаол ёрдамчиларидан бўлган. Ўз навбатида Л.Н.Мечниковнинг “Тамаддун ва буюк тарихий дарёлар” асари Э.Реклюнинг таҳрири остида ва унинг “сўзбоши” си билан 1889 йилда нашр этирилганди. Ушбу асар кейинчалик, 1924 йилда Москвада нашр этирилган.

Л.И.Мечников инсоният тарихини атроф – муҳит билан яқин алоқада деб ҳисоблар экан, ўзгартирилмаган табиатни эмас, балки ўтган аجدодларнинг меҳнати билан ўзгартирилган табиатни назарда тутган. У табиат билан жамият тараққиёти ўртасидаги алоқаларни К.Риттер каби юзаки таҳлил қилиш кўп телеологик хомхаёлликларни ва хато умумлаштиришларни яратишга олиб келади деб ҳисоблаган. Бу борадаги илмий таҳлил айниқса, синчковлак билан ва чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилиши керак деб таъкидлаган. Л.И.Мечников инсон ва

табиат ўртасидаги ўзаро таъсирларни табиий-тарихий жараён деб қараган. У ўз асарида тарихий жараённи илмий даврлаштиришга ҳаракат қилган. Бунда инсон ва табиат ўзаро таъсирларининг турли босқичлари асос қилиб олинганди.

Л.И.Мечников тарихий ривожланишдаги инсон маданиятини географик таҳлил қилиш йўли билан тамаддуннинг учта асосий даврини ажратади. Яъни:

1. Қадимги асрлар, дарё даври. Мисрда, Месопотамияда, Ҳиндистонда ва Ҳитойда Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганг, Янцзи ва Хуанхе дарёлари билан суғориладиган ерларда мавжуд бўлган тўрт буюк маданият тарихи. Бу давр одамларни зўраки бирлашганлиги билан тавсифланади.

2. Ўрта асрлар, Ўрта денгиз даври. Бу давр Карфагеннинг барпо бўлишидан то Буюк Карл давригача (Милоддан аввалги XVIII асрдан то милоднинг VIII асригача). Бу давр олигархча бошқарув, “Қарамлик” даври.

3. Янги асрлар, океан даври. Бу даврда Атлантика океанига “чиққан”, Американи кашф этган ва янги қитъани ўзлаштирган Ғарбий Европа давлатлари етакчи роль ўйнаган. Бу қизиқишларнинг умумийлиги ва одамларнинг жамоавий меҳнати фойдали эканини тушунганлик асосида пайдо бўлган жамоавий ташкилотлар ривожланиши даври.

Бирин – кетин келадиган бу даврлар алмашингани сайин инсоннинг макондаги фаолиятининг кенгайиши рўй берган ва унинг табиатга таъсири чуқурлашиб борган.

Э.Реклю билан дўстона муносабатда бўлган Л.И.Мечников ҳам табиат инсоннинг бешиги, Ер эса унинг уйи деган ғояга содиқ бўлган.

1870 йилда Германияда қиёсий ер билимига оид бир асар нашр этилади. Ушбу асар билан танишган Д.Н.Анучин уни “Риттернинг телеологик концепциясига қарши реакция” деб атаганди. Асарнинг номи “Қиёсий географиянинг янги муаммолари ер юзасининг морфологиясига уриниб кўриш сифатида” бўлиб, унинг русча таржимаси 1879 йилда Одессада нашр этилган. Асарда муаллиф Гумбольдт билан Риттернинг қиёсий географик методини фьордлар, ороллар, кўллар, тоғлар, дарё водийлари каби ер юзасининг унча катта бўлмаган, муайян жой турларини ўрганиш учун татбиқ этганди. Ушбу асар

муаллифи Берлин университетининг география кафедрасига К.Риттер вафотидан сўнг, 1871 йилда мудир бўлиб келган профессор Оскар Пешель (1826-1875) эди. О.Пешель қиёсий ер билимининг предмети қилиб асосан ер юзасининг горизонтал парчаланганлигини танлаганди. Асосий метод сифатида эса хариталар таҳлилидан фойдаланган. Олим хариталарда фьордларнинг жойлашишини ўрганиб, уларнинг келиб чиқиши ҳақида маълум хулосаларга келган. Оролларнинг шаклини қиёслаш ва уларнинг жойлашишини таҳлил қилиш асосида оролларнинг таснифини тузган ва ҳосил бўлиш усуллари кўрсатган. Қирғоқларнинг ташқи кўринишини ўрганиб, қуруқликнинг кўтарилиш ва чўкиш қонуниятларини аниқлашга интилган. Шунингдек, О.Пешель дарё водийлари, кўлларнинг ва дарёларнинг қуйилиш жойларининг хилларини ҳам ўрганган. Асарининг охирги бобида эса ўрмонлар, даштлар ва чўллар билан ёғин-сочин тақсимланиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга уринган, ёғин-сочинни эса ўз навбатида қуруқликнинг парчаланганлиги билан боғлашга ҳаракат қилган.

О.Пешель географиядаги тарихий ёндашувни ва инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсирларни ўрганиш заруриятини рад этмаган. Шунинг учун айрим географлар О.Пешелни “соф” табиий географияни жонлаштирди деб ошириб юборганлари ҳам унчалик тўғри эмас. У фақат бир томонлама Риттер географиясига оғиб кетиш керак эмас, деб ҳисоблаган.

А.Гумбольдт ва К.Риттер вафотидан кейинги XIX аср охирларигача бўлган даврда Ғарбий Европадаги илмий географик ҳолат ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун яна икки нафар немис географларининг асарларида билдирилган айрим фикр – мулоҳазаларни билиб қўйиш лозим бўлади. Улардан бири К.Риттернинг шогирди, немис география мактабининг йирик намоёндаси Фердинанд Рихтгофен (1833-1805) эди. У 1860 йил прус экспедицияси таркибида Жануби – Шарқий Осиёга бориб, Бангкокдан Бенгал қўлтиғигача саёҳат қилган. Ява оролида ҳам бўлган.

Ф.Рихтгофен 1868 дан 1872 йилгача Хитойнинг катта қисмида геологик ва табиий географик кузатувлар олиб бориб, кўп маълумотлар тўплаган. Шу маълумотлар асосида у “Хитой, ўз саёҳатларим натижаси ва уларга асосланган тадқиқотлар”

номли тўрт жилддан иборат асар ёзган. Унинг яна бир, “Замонавий географиянинг вазифалари ва методлари” номли 1883 йилда нашр этилган асари ҳам бўлган. Бунда географиянинг предмети сифатида, кенг маънода ер юзасини ва унга атмосферани, гидросферани ҳамда ҳаво ва сувлар таъсирида ўзгарган, организмлар мавжуд бўлган юқори қисмини қўшган ҳолда тавсия этади. Ва яна географиянинг учта вазифасини ҳам белгилаб беради. Улардан биринчиси, литосферани гидросфера ва атмосфера билан биргаликда тўрт қоида асосида тадқиқ қилишдан иборат, яъни ер юзасини шакли бўйича, таркиби бўйича, келиб чиқиши бўйича ва узлуксиз ўзгариши бўйича тадқиқ қилинади. Бу тадқиқотлар табиатнинг уч дунёси (литосфера, гидросфера ва атмосфера демокчи) нинг ўзаро ҳамда ер юзаси билан бўладиган таъсирлари нуқтаи назаридан олиб борилади.

Иккинчи вазифа эса ўсимлик қоплами, ҳайвонот олами ва уларнинг ер юзаси билан ўзаро муносабатларини айтилган тўрт қоида асосида ўрганишдан иборат. Бунда флора ва фауна таркибини, биологик жамоалар тавсифларини аниқлаш, уларнинг ҳар бир маълум ҳудудда ҳамда бутун Ер юзаси бўйича мавжудлиги сабабларини аниқлаш назарда тутилади.

Ва ниҳоят, учинчи вазифа, инсонни ва унинг моддий ва маънавий маданиятини юқорида айтилган тўрт қоида нуқтаи назаридан тадқиқ қилишдан иборат. Ана шу уч вазифага мос ҳолда Ф.Рихтгофен умумий география таркибида табиий география, биогеография ва антропогеографияни фарқлайди.

Ф.Рихтгофеннинг таъкидлашига кўра, агар табиий шароит инсоннинг маънавий маданиятини юқорироқ даражада ривожланишига қулайлик туғдирадиган моддий база яратса, унда кишилиқ жамияти ривожланишининг кўп омиллари (кўпинча ҳал қилувчи роль ўйнайдиган сиёсий, тарихий, этник ва ҳ.) нинг ер юзасининг хусусиятлари билан ҳеч бир алоқаси бўлмай, ундан қатъий назар таъсир этаверади (1883, 646).

Ф.Рихтгофен географик тадқиқотларнинг асоси деб ҳисоблаган “табиат оламлари” (литосфера, атмосфера, гидросфера, биосфералар) нинг ўзаро таъсирларини таҳлилини икки хил амалга ошириш мумкин бўлади.

1. Шу барча ўзаро алоқадорликларни турли катта – кичикликдаги алоҳида ҳудудларга нисбатан таҳлил қилиш.

2. Ўзаро алоқадорликларнинг айрим гуруҳларинигина бутун ер юзаси бўйича таҳлил қилиш.

Шу икки хил таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, Ф.Рихтгофен хусусий (регионал) географиянинг ҳам, умумий географиянинг ҳам мавжуд бўлиши бирдек қонунийдир, деган тўғри хулосага келади. Бинобарин у, регионал география ер юзасининг турли катта – кичикликдаги ҳудудларини ўрганиш билан умумий географияни бойитади ва аксинча умумий география ҳодиса ва жараёнларни бутун ер юзаси бўйлаб ўрганар экан, ҳудудларни ўрганишда турли ҳодисалар ўртасидаги ўзаро таъсирларнинг умумий қонуниятини кўришга имкон яратади, деган фикрни билдиради. Унинг айнан шу фикрлари географиянинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Ф.Рихтгофен, айрим географлар ўйлаганидек, география бутун Ер шарини эмас, балки ер юзасини ўрганиш билан чекланиши керак, деб уқтиради. Унинг фикрича география табиат ва жамиятни тадқиқ қилар экан, табиий ва ижтимоий фанлар ўртасидаги оралиқ фан ҳисобланади. Олимнинг ушбу асаридаги эътиборга эга фикрлардан яна бири унинг географиянинг предмети ҳақида айтган жумлалари билан географик қобик ҳақидаги тушунчага яқин келиб қолганлигида эди. Бундан ташқари у ер юзасидаги ҳудудларнинг тўрт даражасини кўрсатиб ўтганди. Булар: Ернинг энг асосий қисмлари, асосий районлари, ландшафтлари (яъни, майда районлари) ва жойлардир.

Ф.Рихтгофеннинг кичик замондоши Фридрих Ратцель (1844-1904) ҳам серқирра олим, таниқли географлардан эди. Унинг “Ер ва ҳаёт”, “Антропогеография”, “Халқшунослик”, “Сиёсий география” номли асарлари яхши маълум. У ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ йирик асарлар, 1200 та турли ҳажм ва мазмундаги мақолалар муаллифидир. Унинг қиёсий ер билимига оид “Ер ва ҳаёт” номли икки жилдлик асари 1901-1902 йилларда, русча таржимаси эса 1903-1904 йилларида нашр этирилган.

Ф.Ратцелнинг географияни ривожига ҳисса қўшиши мумкин бўлган ғояларидан бири географиянинг предметиға оид бўлиб, унда литосфера, гидросфера, атмосфера, биосфера ва антропосфераларнинг ўзаро таъсирлари географиянинг

предметидир деган хулосага келган. Унингча, географиянинг объектини ривожланишига ва ўзгаришига органик ҳаёт катта таъсир кўрсатади. Ана шу органик ҳаётнинг энг фаол ҳамда объектнинг кейинги ҳаётини белгиловчи инсон ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам у объектдаги ўзаро таъсирда бўлган жисмлар қаторига биосфера билан антропосферани қўшади.

Ф.Ратцель “қиёсий ер билими” ни ҳам, “антропогеография” ни ҳам К.Риттер каби талқин қилган. У ўзини К.Риттернинг шогирди деб ҳисоблаган ва географиянинг энг муҳим қисмини мамлакатшунослик ташкил қилади деган фикрда бўлган. Бунда табиий ва ижтимоий – тарихий йўналишларнинг синтези амалга оширилади, деб ўйлаган.

Ф.Ратцельнинг антропогеографик ғоясининг асл моҳияти географик тасвирлаш билан тарихан тушунтириб бериш узлуксиз деб, бир бутун деб қаралганлигидир. Ушбу ғоянинг яна бир эътиборли томони шундаки, Ф.Ратцель умумий география ҳақидаги тушунчани жамият тараққиётини географик омилларга боғлиқлиги нуқтаи назаридан шакллантиришга ҳаракат қилган. Бунда у жамият географиясини биогеографиянинг бир қисми сифатида қараганди. Бинобарин, антропогеография унинг бир тармоғи сифатида тасаввур қилинганди.

Ф.Ратцель асарларида билдирилган асосий ғояларни географиянинг кейинги ривожига кўрсатган ижобий ва салбий тавсифлари таниқли географлар В.А.Анучин (1960), А.Г.Исаченко (1971), Ю.Г.Саушкин (1976) кабилар томонидан билдирилган. Масалан, А.Г.Исаченко (1971): “Ф.Ратцель географияга бир ёқлама йўналиш берган ва бу йўналишни кейинги ривожланиши географияни реакцион социологик ғоялар, энвайронментализм, инсон экологияси, геосиёсат каби оқимлар қуршовига тортиб кетган” – деб ёзганди.

Ф.Ратцельнинг 1882-1891 йилларда нашр этилган икки жилдлик “Антропогеография” номли асарида айтилишига кўра, ҳайвонлар гуруҳи билан одамлар гуруҳи ўртасида, уларнинг жойлашувида, атроф-муҳит билан ўзаро таъсирларида анчагина умумийлик бор. Яъни униси ҳам, буниси ҳам яшаши учун курашиши керак деган асосий ғоя илгари сурилган. Олимнинг шу мазмундаги яна бир фикри унинг 1897 йилда нашр этилган “Сиёсий география” номли асарида маълум қилинган. Унда

муаллиф давлатни бир бутун организмга ўхшатади ва бу организм яшаши учун ўз ҳудудини кенгайтириши ва бунинг учун курашиши керак деган мазмундаги “ҳаётий макон” тушунчасини маълум қилади. Ушбу тушунчадан кейинчалик немис фашизми ўз геосиёсатида фойдаланганди.

“Географик ғояларнинг ривожланиши” номли китоб муаллифи, XX асрнинг сермахсул географларидан бири А.Г.Исаченко (1971) XIX асрнинг охириги ўттиз йилини ҳозирги замон географиясининг туғилиш даври деб белгилаганди. Бу давр капитализмнинг империализм босқичига ўтиши билан тавсифланганди. Жаҳонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, алоқа ва транспорт воситалари кескин ортди, узоқ масофали темир йўллар қурилиб, ишга тушириб юборилди. Сувайш каналининг қурилиши эса Европа билан Жануби – Шарқий Осиё оралиғида денгиз транспорти ишини анча енгиллаштирди. Ривожланган мамлакатларда табиий ва айниқса, энергия ресурсларига бўлган талаб бир неча баробар ортиб кетди. Бу ўз навбатида мустамлакачиликни кучайтирди, Африка қитъаси ҳудудлари деярли “бўлиб олинди”. Табиий бойликларга бўлган талабни ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда турли – туман экспедициялар уюштирила бошланди.

Бу даврда Россия иқтисодиёти ҳам тез суръатлар билан ривожланаётгани, мамлакатнинг табиий шароити ва табиий ресурсларга бўлган қизиқиш бир қатор экспедициялар уюштиришни тақазо қиларди. Бу даврда уюштирилган экспедициялар том маънода илмий экспедициялар бўлиб, улар комплекс тавсифларга эгалиги билан ҳозирги замон географиясини юзага келишида ниҳоятда аҳамиятли бўлганди.

Умуман олганда бу даврда Европада география фанининг ривожланиши учун қулай имкониятлар юзага келганди. Жумладан, кўплаб университетларда география кафедраларининг очилиши, дунёнинг бир қатор шаҳарларида география жамиятларини ташкил этилиши, уларда география съездларини ўтказилиб турилиши, географик конгрессларнинг иш бошлаганлиги ижобий аҳамиятга эга бўлганди.

5.3. П.П.Семенов – Тянь-Шанский илмий мактаби

Бу даврда Россияда ҳам география фанига бўлган қизиқиш сезиларли даражада ортди. Бунда ҳам Петербург ва Москва университетларида география кафедраларининг фаоллашуви, Петербургда 1845 йилда география жамиятининг иш бошланганлиги бир қатор йирик экспедициялар уюштиришга шароит яратди. Бу вақтларда А.Гумбольдт, К.Риттер, А.Гюйо, Э.Реклю, Ф.Ратцель, В.Рихтгофен, Ж.П.Марш кабиларнинг географияга оид асарларини рус тилига таржима қилиб, нашр этилиши ҳам маълум маънода ижобий роль ўйнади.

Мавжуд география кафедраларида, география жамиятлари қошида бир қатор йирик олимлар ишлаб, улар атрофида илмий географик мактаблар шаклланди. Ана шундай мактаб яратган олимлардан бири П.П.Семенов – Тянь – Шанский (1827-1914) бўлганди. Унинг 1873 йилдан 1914 йилгача, яъни 41 йил давомида Петербургда Рус география жамиятини бошқарганлиги, бир неча йирик экспедициялар ташкил этилишида бош – қош бўлганлиги яхши маълум. Унинг Н.Н.Миклухо – Маклай, Н.М.Пржевальский, Г.Н.Потанин, А.П.Чекановский, И.Д.Черский, И.В.Мушкетов, П.А.Кропоткин, А.И.Воейков, Ю.М.Шокальский каби географ, геолог, иқлимшуносларнинг экспедицияларига дастур тайёрлаб берганлиги ҳам маълум.

Географ Ю.Г.Саушкин П.П.Семенов – Тянь-Шанский мактабини сайёҳ географлар мактаби, деб атаганди. П.П.Семенов – Тянь-Шанский бир вақтлар Берлин университетида К.Риттернинг маърузаларини тинглаган, сўнг унинг “Осиёнинг ер билими” номли кўп жилдлик асарини рус тилига таржима қилган. Ушбу асарнинг биринчи жилдига каттагина сўзбоши ёзиб, 1856 йилда нашр эттирган. К.Риттер асарининг Шарқий Сибир, Байкал, Забайкалье, Гоби каби ўлкалар географиясига оид бошқа томлари бироз кейинроқ, 1894-1895 йилларда нашр этирилган.

Олим ўзининг Тянь – Шань тоғларига қилган саёҳати тўғрисидаги асарида географик изланишнинг районлаштириш методидан унумли фойдаланган. Заили тизмасига хос бўлган баландлик минтақаларини аниқлаб, уларни жонли тасвирлаб берган.

П.П.Семеновнинг Тянь – Шань тоғларига уюштирган саёхатининг эллик йиллиги муносабати билан унинг исми-шарифига “Тян-Шанский” қўшимчаси киритилиб, фанимиз олдидаги хизматлари улуғланди. Ушбу сайёх олимнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти географик адабиётда кенг ёритилган, ҳатто алоҳида илмий – оммабоп нашрлар ҳам мавжуд (масалан, Я.Антошко, А.Соловьев, 1977; И.В.Козлов, 1983).

П.П.Семенов – Тян – Шанскийни географиянинг назарий масалаларига оид фикрларига келсак, олимнинг география фанининг мазмуни ва ўрганиш предмети ҳақида айтганлари эътиборга лойиқ. У географияни икки маънода тушуниш мумкин деб ёзар экан, кенг маънодаги географиянинг предмети ер шарини тўла тадқиқ этишдан иборат, яъни ер шарини қаттиқ, суюқ ва ҳаво қобиклари билан барча тузилиш қонунларини, унинг бошқа планеталарга нисбатан ва унда яшайдиган организмларга муносабати қонунларини тадқиқ қилишдан иборат. Бу маънода география ҳақиқатан ҳам фан эмас, балки фанларнинг бутун бир табиий гуруҳидир деб ҳисоблаганди. Бунда бу фанлар ўз предметини бир хиллиги билан ўзаро боғланган деб айтганди. П.П.Семенов – Тян – Шанский кенг маънодаги географияни математик география, табиий география, этнография ва статистикага бўлиниши мумкин ва уларнинг ҳар бири ўзига хос мустақил фанни ташкил қилади деб ҳисоблаган.

Тор маънодаги география эса олимнинг фикрича, ер юзасининг физиономиясидан иборатдир ва у ҳам уч бўлимдан: математик (астрономик) география, табиий география ва сиёсий географиядан иборатдир.

П.П.Семенов – Тян – Шанскийни географиянинг мазмуни ва предмети тўғрисидаги фикрларини таҳлил қилган А.Г.Исаченко қуйидагича хулосаларга келган: 1) Кенг маънодаги география, бу – фанларнинг бутун бир тизими; 2) тор маънодаги география бутун ер шарини эмас, балки фақат ер юзасини ўрганади; 3) тор маънодаги география асосан табиий фандир (инсоннинг ер юзаси табиатига таъсирини ўрганадиган “сиёсий география” ҳам унинг бир қисми ҳисобланган); 4) географиянинг ядроси табиий географиядан иборат.

П.П.Семенов – Тян-Шанский рус географик терминологияси билан ҳам шуғулланган. У К.Риттернинг “Осиё ер билими”

асарини таржима қилишда рус географик терминологиясини ишлаб чиқиш ва аниқлаштиришни ҳам ўзининг мақсади деб билган. Таржима жараёнида у “плоскогорье”, “нагорье”, “котловина”, “водоём” каби терминларни киритган. Шунингдек немис тилида мавжуд бўлган “фирн”, “флиш”, “грабен”, “горст”, “карр”, “ландшафт” каби терминларни рус географик адабиётига кириб қолишига сабабчи бўлган.

У статистика ишларидан яхши хабардор олим сифатида 1864-1897 йилларда Россия Марказий статистика қўмитасига раҳбарлик ҳам қилган. Шунга боғлиқ ҳолда, 1897 йилда ўтказилган биринчи аҳолини рўйхатга олиш ишларини тайёрлашда ҳам унинг хизматлари сезиларли бўлган.

Маълумки, Петербург университетининг тарих-филология факультетида фаолиятда бўлган география кафедраси 1835 йилда иккига бўлиниб, статистика фани сиёсий иқтисодга, табиий географияга тааллуқли фанлар ўқиладиган кафедра эса физикага қўшиб юборилган эди. Бунинг натижасида табиий географик фанларни физик мутахассислар ўқий бошладилар. Шунга боғлиқ ҳолда географиянинг мазмун моҳияти, предмети, фанлар тизимидаги ўрни каби методология масалаларига бўлган қизиқиш биров кучайгандек бўлди. Жумладан, Э.Ю.Петри (1854-1899) Россия география жамиятининг ахборотида (1887, т. 23) эълон қилган “Илмий географиянинг вазифалари” сарлавҳали мақоласида “география қандайдир эгалланмаган ва ўрганилмаган областни излаши шарт эмас. Ернинг ҳаммаси унга тааллуқлидир. Географиянинг вазифаси бизнинг Ермизни моҳияти ва ҳаётини тушунишдан иборат. География ўзига керакли маълумотларни табиий, тарих, иқтисодиёт, фалсафа каби бир қатор фанлардан олади, унинг асосий иши бу маълумотларни бир тўпламга келтириб, Ерни тўла тавсифлаб бериш учун қўллашдан иборат” – деб ёзганди. Э.Ю.Петри география асосан табиий – илмий фан бўлганлиги сабабли тарих – филология факультетидан физика – математика факультетига ўтказилишини мутлақо тўғри деб ҳисобланганди.

Э.Ю.Петри ҳам географияни иккита катта бўлимдан, яъни умумий ва “махсус” географиядан иборат деб ўйлаган. Умумий география эса ўз навбатида Ерни дунёвий жисм сифатида ўрганадиган “астрономик география” дан ҳамда атмосфера,

гидросфера, литосфера, биосферани ва уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганадиган “Ер юзаси географияси” дан ташкил топади деб ҳисоблаган. У ажратган “махсус география” мамлакатшунослик бўлиб, унинг тадқиқот объекти кўпдан-кўп ўзига хос ҳудудлардан иборат бўлган.

Шу орада Страсбург университетининг профессори Г.Герланднинг ҳам “Географиянинг вазифалари ва бўлиниши” (1888) номли асари русчага таржима қилинганди. Бу муаллиф ўз асарида бир бутун география доирасида табиат билан инсонни қўшиб юборилиши тарафдорларини шунингдек, географиядаги хорологик ёндашувни, вульгар – географик детерминизмни танқид қилиб чиққанди.

А.Г.Исаченко (1978) Г.Герланд асарини таърифлашига кўра, Герланд бўйича инсон табиатда мустақил ва алоҳида ўринни эгаллайди. Албатта, у табиатга таъсир кўрсатади, аммо бу таъсир табиий қонунни мутлақо ўзгартирмайди. Ерда инсон ҳаётини ўрганиш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса тарих фанларига тегишлидир. Шунингдек, Риттер таълимоти (шу жумладан, Ратцелнинг антропогеографияси ҳам) ни географияга алоқаси кам, улар учун география фақат ёрдамчи фан сифатида хизмат қилади.

Г.Герланд географияни табиий фан ҳисоблаб, уни тўрт қисмдан: 1) математик, ёки математик – астрономик география – Ерни шакли, катталиги ва ҳаракатлари ҳақидаги таълимот (бунга картографияни ҳам қўшган); 2) геофизика – географиянинг бош таркибий қисми бўлиб, асосан теллурик кучларнинг ўзаро таъсирларини ўрганиш билан шуғулланади ва ер юзаси билан чекланиб қолмай, планета билан иш кўради; 3) мамлакатшунослик ёки ер шарининг айрим қисмларининг хусусиятлари ва ривожланиши ҳақидаги таълимот; 4) организмлар географияси – организмларнинг тарқалиши ва мослашиши ҳақидаги таълимотдан иборат деб ҳисоблаган.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, географиянинг умумий ҳолатида ҳам турли оқимлар мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги номувофиқлик ҳам анча кучли эди. Бундан ташқари географиянинг табақаланиши, янги – янги фан тармоқларининг пайдо бўлиши янада тезлашмоқда ва умумий географиянинг тадқиқот объекти ҳар томон “тортқиланиб”,

йўқолиб бормокда эди. Буларнинг олдини олиб, бир бутун география фанини сақлаб қолиш учун янги методологик асос яратилиши лозим эди. Географлар ўртасидаги мавжуд келишмовчиликларнинг асосида табиат ҳақидаги билимлар билан инсон, жамият ҳақидаги билимларни боғлаётган географиянинг “дуалистик” тавсифда эканлиги ётарди. Шунинг учун ҳам умумий табиий географияда табиий – илмий мазмун устуворлик қилса, мамлакатшуносликда инсон омилига урғу берилаётган эди. Ана шундай шароитда, турли илмий мактаблар пайдо бўлиб, янги методологик аҳамиятга эга бўлган ғоялар юзага келдики, улар география фанининг кейинги ривожланиш йўллари кўрсатиб берди. Шу маънода В.В.Докучаевнинг илмий фаолияти, у илгари сурган илмий ғоялар, у яратган илмий мактаб намоёндаларининг асарлари география фанининг кейинги ривожланишида ниҳоятда аҳамиятли бўлди.

5.4. В.В.Докучаев ва география

Василий Васильевич Докучаев (1846-1903) 1871 йилда Петербург университети физика – математика факультетининг табиатшунослик бўлимини геология мутахассислиги бўйича тугатган. У 1871-1877 йилларда Россиянинг Европа қисмидаги дарё водийларининг ҳосил бўлишини ўрганиб, шу мавзуда 1878 йилда минералогия ва геология фанлари магистри даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. Диссертацияда дарё водийларининг фақат эрозия натижасида ҳосил бўлганлигини исботлаганди.

1879-1896 йилларда В.В.Докучаев Петербург университети талабаларига маърузалар ўқиган ва шу йилларда ўз атрофига бир неча ёш шогирдларини тўплаб экспедициялар ташкил қилганди. Шундай экспедициялардан бири 1882-1885 йилларда Нижегород губерниясининг ерларини иқтисодий баҳолаш мақсадида уюштирилган эди. Ушбу экспедицияда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, яъни губерния ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитини комплекс ўрганиш ва шу билан бирга губерния ерларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишни яхшилаш масалалари асосий вазифа қилиб белгиланганди. Бундай ўзига хос ва фан тарихида биринчи мартоба бажариладиган

тадқиқотларнинг дастурини В.В.Докучаевнинг ўзи шахсан тузиб берганди.

Маълумки, бу вақтларда географик тадқиқотларда асосан қиёсий методдан фойдаланилар эди. Аммо табиий жараёнларнинг моҳиятини чуқурроқ ўрганиш учун асосий эътибор ер юзидаги жисмлар ва ҳодисаларнинг ривожланишини тадқиқ қилишга қаратилиши лозим эди. Шу сабабли тадқиқотларда эволюция методидан ҳам фойдаланиш зарурияти мавжуд эди. Ана шу икки методдан биргаликда фойдаланишни В.В.Докучаев табиий – тарихий метод деб атаганди ва бу методни унинг ўзи ҳар томонлама ва чуқур ишлаб чиққанди. Ва айнан шу Нижегород экспедицияси даврида табиий – тарихий методнинг асослари яратилганди.

1888-1892 йилларда В.В.Докучаев ва унинг шогирдлари Полтава губернияси ҳудудида дала изланишлари олиб бордилар. Бу ерда ҳам табиий- тарихий методдан кенг фойдаланилди. Бу ердаги тупроқларни ўрганишда рельеф шаклларида ташқари жойнинг мутлоқ баландлигини ҳисобга олиш зарурлиги аниқланди. Ўсимлик турларининг ўзига мос тупроқ типларига боғлиқлиги ва улар ўртасида ниҳоятда яқин алоқадорлик мавжудлиги аниқланди. Аввалги экспедиция материаллари 14 жилдда нашр этилган бўлса, бу галги тўпланган маълумотлар ва уларнинг тавсифлари 16 жилд ҳажмда нашр эттирилди.

Полтава экспедицияси тугаган 1892 йилнинг ўзидаёқ, В.В.Докучаев ўз шогирдлари билан яна бир экспедицияга жўнаб кетдилар. Ушбу экспедиция 1891 йилдаги Россиянинг дашт зонасидаги ниҳоятда кучли қурғоқчилик ва унга боғлиқ ҳолда рўй берган очарчилик муносабати билан уюштирилган эди. Ушбу экспедиция таркибида бўлажак таниқли олимлар Г.Н.Высоцкий, Н.М.Сибирцев, Г.И.Танфильев, Г.Д.Глинка ва бошқалар бор эди.

Ушбу экспедициянинг олдида қўйилган асосий вазифа даштларнинг табиий шароитини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлганди. Бу ўз навбатида даштлардаги деҳқончиликни тўғри йўлга қўйиш учун зарур эди. Бу галги дала ишларида ҳам тадқиқотларнинг янги методи, яъни стационар изланишлар методи қўлланилганди.

Хуллас, В.В.Докучаевнинг географияга оид асосий ғоялари ана шу 15 йил давом этган учта экспедициялар даврида тўпланган катта ҳажмдаги янги ва аниқ маълумотларга асосланган ҳолда юзага келганди. Бу ғоялар олимнинг 1883-1891 йиллар оралиғида нашр этилган бир қатор асарларида акс эттирилганди. 1883 йилда нашр этирилган “Русский чернозем” номли асар шулардан бири эди. В.В.Докучаев ўзининг мазкур монографиясини фан доктори даражасини олиш учун ҳимояга қўйиб, аъло даражада ҳимоя қилганди. Ушбу асарда муаллиф ҳудуднинг орографик, тупроқ ва геологик хусусиятларига қараб Россиянинг қоратупроқли ерларини олтига районга бўлиб, табиий шароит тавсифларини шу районлар бўйича баён қилган. Шундан сўнг қора тупроқларнинг келиб чиқишини аниқлашга киришган ва шу асосда бу тупроқларнинг ёшини аниқлашга ҳаракат қилган. Табиий – тарихий жисм сифатидаги тупроқни ёши муаммоси В.В.Докучаевни доимо қизиқтирган. Кейинчалик, 1891 йилда у шу масалага бағишланган алоҳида асар ҳам ёзганди. Унда тупроқ мустақил табиий-тарихий жисм сифатида грунт, иқлим, ўсимлик, ҳайвонот, жойнинг ёши ҳамда рельефи кабиларнинг биргаликда яратган маҳсули деб ҳисобланганди.

1892 йилда В.В.Докучаевнинг яна бир машҳур асари “Наши степи прежде и теперь” номи билан нашр этилади. Ушбу асарда Россиянинг дашт зонаси бир бутун табиий комплекс сифатида қаралганди. Унда олим табиатда доимо бир жисм, куч, ҳодисани бошқалари билан ўзаро таъсирлари мавжудлигини ва бу таъсирлар вақт ўтиши билан ўзгариши мумкинлигини қайд этиб ўтган. Ушбу фикрлар унинг кейинги асарларида янада ривожлантирилди.

В.В.Докучаевнинг 1898-1900 йилларда эълон қилган мақолаларида унинг табиат зоналари ҳақидаги таълимоти баён қилинган бўлиб, улардан бирида (1898) шу вақтгача “асосан алоҳида жисмлар, яъни минераллар, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонот ҳамда турли ҳодисалар, яъни вулканизм, сув, ер, ҳаво ўрганилганлиги ва бунда ажойиб натижаларга эришилганлигини, аммо кучлар, жисмлар ва ҳодисалар ўртасида, жонсиз ва жонли табиат ўртасида, бир томондан ўсимлик, ҳайвонот ва минерал олам, иккинчи томондан эса инсон, унинг турмуши ва ҳатто ички олами ўртасида мавжуд бўлган доимо ва ҳамма жойда генетик,

қонуний алоқалар ўрганилмади. Ваҳоланки, айнан ана шу ўзаро муносабатлар, ана шу қонуний ўзаро таъсирлар табиатни билишнинг моҳиятини, ҳақиқий натурфилософиянинг ядросини, табиатшуносликнинг энг яхши ва олий жозибасини ташкил қилади” деган мулоҳазаларини билдирганди (Асарлар, 6 жилд, М., - Л., 1951, 398-399 б.).

В.В.Докучаев шу асарининг бошқа бир саҳифасида (146 бет) ўша пайтлардаги география фани ҳақида кўп ҳам ижобий фикрда бўлмаганлигини билдириб, “география ҳар томонга тарвақайлаб кетмоқда” деганди ва жонли ва жонсиз табиатнинг барча компонентлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ўзаро таъсирлар ҳамда уларни боғлиқликда ривожланиш қонунлари ҳақидаги янги бир фанни яратиш тўғрисида бир қарорга келганди. Шу маънода у қўйидаги жумлаларни қайд этиб қўйганди.

“Маълумки, кейинги пайтларда ҳозирги замон табиатшунослигида энг ажойиб фанлардан бирининг шаклланиши рўй – рост сезилиб бормоқда. Бу айнан жонли ва жонсиз табиат ўртасида ҳамда а) ер юзидаги тоғ жинслари, б) ер юзаси паст – баландлиги, с) тупроқлари, д) ер устки ва ости сувлари, е) мамлакат иқлими, ё) ўсимлик ва ж) ҳайвонот организмлари (шу жумладан, асосан қуйи организмлар) ва табиат “гултожиси” инсон ўрталарида мавжуд бўлган кўп мураккаб ва кўп турли муносабатлар ва ўзаро таъсирлар, шунингдек, уларнинг асрий ўзгаришларини бошқарувчи қонунлар ҳақидаги таълимотдир”.

Юқорида келтирилган жумлалардан кўриниб турибдики, В.В.Докучаевнинг ўзи тасаввур қилган ва номи ҳали номаълум бўлган янги фаннинг ўзаги табиат зоналари ҳақидаги таълимот бўлиши керак эди. Агар биз табиат зоналарини географик комплекслар сифатида қарайдиган бўлсак, у ҳолда В.В.Докучаев бу янги фаннинг тадқиқот объектини ҳам белгилаб қўйган бўлади.

География фани тарихи тўғрисида озми – кўпми сўз юритган географларнинг аксарияти юқорида қайд этилган мулоҳазалар асосида В.В.Докучаевни янги табиий географиянинг шу жумладан, ландшафтшуносликнинг асосчиси, деган хулосага келганлар. Жумладан, XX аср биринчи ярмидаги энг нуфузли рус

географларидан бири бўлмиш Л.С.Берг В.В.Докучаевнинг зоналар ҳақидаги таълимотига оид фикр билдирар экан, “ҳақиқий география ҳисобланган бу зоналар тўғрисидаги таълимот биринчи маротаба В.В.Докучаев томонидан белгиланган. Шунинг учун биз ҳаққонийлик билан буюк тупроқшуносни ҳозирги замон географиясининг ҳам асосчиси деб атаймиз” деб ёзганди. Унинг бу сўзлари 1950 йилда эълон қилинган “Янги географиянинг асосчиси” номли мақоласида (“Новый мир” журнали, 3-сон) келтирилганди. Шу маънода таниқли ландшафтшунос Н.А.Солнцев ҳам: “Докучаевнинг фанимиз олдидаги энг буюк хизмати бизнинг ландшафтшунослигимизни энг асосларини, яъни фундаментини яратди” – деган фикрни билдирганди (1948, 59 б.).

В.В.Докучаев илмий фаолиятидаги муҳим хусусиятлардан бири ўз даврида энг бой ва сермахсул илмий мактаб яратди. Кейинчалик ўзлари ҳам йирик табиатшунос олим сифатида танилган Н.М.Сибирцев, С.А.Захаров, К.Д.Глинка, В.И.Вернадский, Г.Н.Высоцкий, Г.Ф.Морозов, А.Н.Краснов, Г.Н.Танфильевлар бевосита В.В.Докучаев илмий мактабининг намоёндалари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзи танлаган соҳаси бўйича XX аср фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган олимлар эди.

Университетларда шаклланган илмий географик мактаблардан яна бири Москва университетида, таниқли географ, университет географиясининг отаси Дмитрий Николаевич Анучин (1843-1923) атрофида шаклланганди.

Д.Н.Анучин 1843 йилда Петербургда туғилган. Шу шаҳарда гимназияни тугатгач, университетнинг тарих-филология факультетига ўқишга кирган. Аммо тез орада сил касаллигига дучор бўлиб, даволаниш учун 1861 йилда чет элга боради. Икки йил Италия ва Германияда даволаниб Россияга қайтиб келади ва Москва университетининг физика-математика факультети табиатшунослик бўлимига ўқишга киради. Бу ерда у таниқли олимлар А.П.Богданов ва С.А.Усов раҳбарлигида зоология, антропология ва этнография билан шуғулланади.

1873 йилда магистрлик имтиҳонларини топшириб, бизонлар бўйича диссертация ёклагач, гимназияда географиядан дарс беради. 1876 йилда эса университетда хусусий сармоялар

ҳисобига очилган антропология кафедрасини бошқариш учун таклиф қилинади. Шу орада уни Европанинг йирик шаҳарларига антропология музейларининг ишлари билан танишиш учун сафарга жўнатадилар. У ерларда Д.Н.Анучин Париж, Сорбонна, Лондон, Вена, Брюссел, Берлин, Лейпциг, Мюнхен шаҳарларидаги антропология музейларини ўрганади. Франция, Австрия ва Моравияда археологик қазилар ишларида иштирок этади.

Д.Н.Анучин 1884 йилда Москва университети тарих – филология факультетига география ва этнография кафедрасини бошқариш учун таклиф қилинади. Бу вақтда у ўзининг антропология ва этнография масалаларига оид бир неча асарлари билан танилган олим эди. Ушбу кафедрада олим Ер билими тарихи, география ва этнография йўналишларида бир қатор предметлардан дарс беради.

1888 йилда Д.Н.Анучин раҳбарлик қилиб турган кафедранинг, бир вақтлар Петербург университетида бўлгани каби, физика – математика факультетига ўтказишади. Бу ҳолни П.П.Семенов – Тян – Шанский ҳам, В.В.Докучаев ҳам ижобий ҳисоблагандилар. Ўша вақтларда география кафедрасини физика – математика факультетига ўтказилишининг, кейинчалик таниқли ландшафтшунос олим Н.А.Солнцев (1955, 74 бет): “бу нафақат қонуний ва мантиқан тўғри бўлган, балки табиий географияни оёққа туришида ижобий роль ўйнади” – деб эсга олганди. Шу масала бўйича А.Г.Исаченко ҳам “табиий географияни физика билан боғланиши фақат маълум босқичдагина самарали бўлди, вақт ўтиши билан эса бу ҳол табиий географиянинг ривожланишининг тўхтатиб қўйибди. Чунки физикларнинг бир томонлама ёндашуви туфайли табиий географияга оид асарларда органик олам тавсифлари назардан четда қола бошлади” деган фикрни билдирганди (1971, 212 б.).

Д.Н.Анучин раҳбарлигидаги кафедрада ўқитувчилар жамоаси кам сонли бўлганлиги сабабли, умумий табиий география, Россия табиий географияси, Ер билими тарихи, чет мамлакатлар табиий географияси, антропология каби предметлар бўйича маърузаларни унинг бир ўзи ўқишига тўғри келди. Унинг илмий қизиқишлари ҳам шунга яраша серқирра бўлиб, географиянинг турли соҳа ва йўналишларини қамраган эди.

1890 йилда Д.Н.Анучин Россияда биринчи бўлиб география соҳасида фан доктори даражасига эришади, 1906 йилдан бошлаб эса у хизмат кўрсатган профессор унвонини олади.

Д.Н.Анучин Петербург университетининг тарих – филология факультетида ўқиб юрган кезлари унинг ижтимоий фанларга бўлган қизиқиши янада кучайди ва чуқурлашди. Шу муносабат билан Д.Н.Анучиннинг инсонга, жамиятга, иқтисодий ва сиёсий масалаларга бўлган қизиқиши бир умр уни тарк этмади. Ўз замонасидаги турли фалсафий ва илмий оқимлар унинг табиатшуносликка бўлган эътиборини ортишига сабаб бўлди. Унинг илмий қизиқиш доирасида антропология, этнография, археология, тарих, биология ва географиянинг барча тармоқларига хос масалалар бор эди. Шу сабабдан ҳам шогирдлари уни “Аристотель бобо” ва “Москва Гумбольдти” деб эъзозлаганликлари бежиз эмасди.

Д.Н.Анучиннинг дунё қарашида дарвинизмнинг асл моҳияти ҳисобланган жонли табиатнинг ривожланиш ғояси методологик асос бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, унинг методологиясида тадқиқотларнинг тарихий методи ҳам алоҳида ўрин эгаллаганди.

Д.Н.Анучиннинг география бўйича яратган илмий ишларининг бошланиши ҳам ер билими тарихи бўйича маърузалар матнини тайёрлашдан бошланганди. Унинг ижодий фаолиятида география тарихи алоҳида аҳамиятга эга эди. Чунки, у географияни ўз замонасидаги ҳолатини билиш ва келажакдаги кўринишини тасаввур қилиши учун ҳам географиянинг тарихи билан қизиққанди. Бунда у география тарихига фан сифатида қараганди.

Д.Н.Анучин умумий география ҳақидаги фикрларини Гранатнинг энциклопедик луғатида (1902, 13 жилд) “География” сарлавҳали мақоласида билдирганди. Унда айтилишига кўра география тарихан иккита катта бўлим бўйича шаклланган. Булар: 1) умумий география ёки ер билими (ер юзасини ҳаммасини ўрганади) ва 2) хусусий география ёки мамлакатшунослик (ер юзасининг айрим қисмларини, мамлакатларни, ўлкаларни ўрганади). Ушбу икки бўлим ўз ривожланишида ўзаро яқин алоқададир.

Д.Н.Анучин умумий географияни ўз навбатида тўртта бўлимдан иборат деб ҳисоблаган. Яъни: астрономик (ёки математик) география, табиий география, биогеография ва инсон географияси (антропология, этнография ва б.). Географиянинг амалий масалаларни ечишга қаратилган қисмини амалий география деб, тарихий, ҳарбий ва ҳоказоларни айтган. Умуман – дейди олим – география ўзининг барча бўлимлари билан биргаликда ҳозирги вақтда алоҳида институтда ўрганиладиган ва ўқитиладиган предмет бўлиши мумкин ҳисобланган фанлар комплекси.

Ўша пайтларда (яъни 1900 йил атрофида) Д.Н.Анучин “География фанининг дифференциацияси ва интеграцияси ҳақида тасаввур этаолганди. Яъни у: “келажакда ер билимининг турли бўлимларини кенг ихтисослашувини, бошқа томондан эса уларнинг яқин иттифоқлашувини кутишимиз мумкин” – деб ёзганди (1902, 13 ж.).

Табиий география тўғрисида эса олим турли эндоген ва экзоген кучлар таъсири остида пайдо бўладиган ер юзаси шакллари ва ҳодисаларни ўрганади, уларнинг тарқалишини, ўзаро муносабатларини, боғлиқликларини ва сабабларини аниқлашга интилади, деган фикрни билдирганди.

Хусусий география (яъни мамлакатшунослик) деганда эса Д.Н.Анучин муайян бир ҳудудни, ер юзасининг маълум бир қисмлари (материк, ўлка, тоғ тизими, текислик, кўл ва ҳ.) ни ҳар томонлама, географик компонентларини ўзаро боғлиқликда ўрганишни ҳамда мазкур ҳудудда рўй берадиган кўп турли жараёнларни ўрганишни тушунган.

Мамлакатшуносликнинг вазифаси ҳақида сўзлар экан Д.Н.Анучин: “Географик жиҳатдан тасвирланаётган мамлакатни ер юзасининг рельефи, иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ҳақида тўғри, тўла ва аниқ тасаввур ҳосил қилиб бериши керак” – деб тушунтирганди. Шунингдек у, хусусий география аҳоли ҳақидаги, унинг зичлиги, этнографик таркиби, маданияти тўғрисидаги маълумотларсиз ўз вазифасини бажара олмайди, инсон ҳақидаги маълумотларсиз географияни тўлиқ деб бўлмайди, деган тасаввурда бўлган. У ёки бу ҳудуднинг ҳозирги табиий шароитини тушунтириб бериш учун албатта тарихий ёндашув методи қўлланган бўлиши лозимлигини ўқтирган.

Д.Н.Анучиннинг географиянинг тадқиқот объекти тўғрисида билдирган фикри ҳам эътиборга лойиқ. Унинг фикрича бу объект: “барча замонларда планетамиз Ер, унинг бошқа дунёвий жисмларга муносабати ва асосан унинг ўзида айниқса, турли космик ва теллурик кучлар учун фаолият майдони бўлиб хизмат қиладиган юзасидир. Ана шу кучлар фаолияти натижасида шаклланган унинг атмосфера, гидросфера, литосфера ва педиосфера, шунингдек биосфера ва антропосфераларидан иборатдир”. Унинг 1902 йилда билдирган ушбу фикрларидан Д.Н.Анучинни географик қобик ҳақидаги тасаввурларга жуда яқинлашиб қолганлигини биламиз.

Д.Н.Анучин асарларида билдирилган илмий ғоялар тўғрисида умумий хулоса қилинадиган бўлса, аввало унинг дунёқарашида энг умумий методологик асос бўлган, табиат ҳодисаларининг моҳиятини материалистик тушуниш эканлигини эътироф этиб қўйиш лозим. Олим тарғиб қилган ғоялар асосан табиатни ривожланиши ғояси, табиатдаги ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро сабабий боғлиқлиги ва бу боғлиқлик табиат кучларининг ўзаро кураши натижаси эканлиги ғоясидан иборат бўлганди. Д.Н.Анучин ўз шогирдларидан доимо тарихий ва қиёсий методлардан фойдаланишни талаб қилганди.

Ф.Н.Мильков (1984) Д.Н.Анучин атрофида шаклланган мактабни тасвирий география йўналишидаги илмий географик мактаб деб таърифлаганди. Ушбу мактабнинг шаклланишида Д.Н.Анучин 1894 йилда ташкил қилган “Землеведение” номли илмий географик журналнинг нашр этилиб туриши ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлганди.

Ю.Г.Саушкин (1976) Д.Н.Анучин илмий мактабини таърифлар экан, унда етишиб чиққан, кейинчалик етук олимлар сифатида танилган 20 га яқин географларнинг исми – шарифларини тилга олганди. Булар А.С.Барков, Л.С.Берг, А.А.Крубер, В.В.Богданов, М.С.Боднарский, Б.Ф.Добринин, И.С.Щукин кабилар эди.

5.5. В.В.Докучаев ғояларини кейинги ривожланиши

Умуман олганда, В.В.Докучаев вафотидан (1903) кейинги дастлабки ўн йил ичида бир қатор илмий мақолалар ва йирик

географик асарлар пайдо бўлиб, уларда табиат зоналаридан ташқари, яна турли табиий географик бирликлар мавжудлиги ҳақида илмий тасаввурлар юзага чиқа бошлади. Ушбу табиий географик бирликларни кимдир географик комплекс деб, кимдир жой тури деб, яна кимдир ландшафтлар деб, атай бошлагандилар. Буларнинг ичида кўпроқ Докучаев илмий мактабини ўтаган ёш олимлар етакчилик қилдилар. Шулардан бири рус география тарихидаги ёрқин шахслардан бири Андрей Николаевич Краснов (1862-1914) бўлганди.

А.Н.Краснов Петербург университетини тугатган. У таниқли ботаник, рус ўсимликлар географиясининг асосчиси А.Н.Бекетовнинг шогирдларидан бири эди. А.Н.Краснов В.В.Докучаевнинг юқорида эсга олинган Нижегород экспедициясининг фаол иштирокчиларидан бўлганди. Ушбу олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти Ф.Н.Мильковнинг “Краснов-географ и путешественник” (1955) номли китобида батафсил ёритиб берилган. Шу сабабли биз бу ерда А.Н.Красновнинг географиянинг предмети ва вазифалари ҳақида билдирган фикрларни юзасидан бироз тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, А.Н.Краснов Харьков университетида “Умумий ер билими” дан дарс бериб юрган кезлари, ўз маърузалари матнини 1895-1899 йилларда тўрт қисмдан иборат қилиб чоп эттирганди. Ана шу дарслигининг биринчи қисмида географиянинг методология масалалари тўғрисида сўз юритар экан, география икки қисмдан, яъна ер билимидан ва хусусий географиядан иборат деб ҳисоблаган. Унингча, умумий ер билими бутун ер юзасини, хусусий география эса турли мамлакатлар ва жой турларининг хусусиятларини очиб беради, деб ёзганди.

А.Н.Краснов эски тасвирий география билан унинг ўзи атаган “илмий ер билими” ни кескин ажратиб, янги университет географияси деб ҳисоблаганди. У географиянинг предмети доимо ер шари бўлганлигини, ундаги материкларни, денгизларни тасвирлаш ва уларда рўй берадиган ҳамда унда яшайдиган инсоният тақдирини белгилайдиган ҳодисаларни аниқлаб беришдан иборат, деб тушунтирган.

А.Н.Краснов 1895 йилдаёқ, география тарихида биринчи бўлиб, географиянинг бош вазифаси географик комплексларни

аниқлаш, уларнинг хусусиятларини ва жойлашиш сабабларини аниқлашдан иборат деб ёзганди. Унингча, бундай географик комплекслар дунёнинг турли – туман қисмларида учрайди ва ҳамма жойда ўхшаш, шу билан бирга бошқа географик комплекслардан кескин фарқ қиладиган томонларга эга. Олимнинг бу сўзларини эслаб қолиш лозим, чунки у туфайли географик адабиётга 1895 йилда географик комплекс атамаси кириб келганди.

А.Н.Краснов дарслигининг қолган қисмлари 1910 йилда Харьков шаҳрида “Лекции по физической географии” номи билан нашр этилган.

Гавриил Иванович Танфильев (1857-1928) ҳам Петербург университетини тугатган. Геоботаник А.Н.Бекетовнинг шогирдларидан бўлган. Кўп йиллар В.В.Докучаев билан бирга ишлашган ва унинг ҳам шогирдларидан ҳисобланади. Бу олимнинг ўн йилга яқин Петербург университетида приват-доцент лавозимида, шаҳар ботаника боғида бош ботаник бўлиб ишлаганлари маълум. Ботаника бўйича магистрлик диссертациясини “Россиянинг жанубидаги ўрмонларнинг чегаралари” мавзусида 1894 йилда ёқлаган. Докторлик диссертацияси эса “Кутбий Россия ўрмонлари чегаралари” деб номланганди.

Г.И.Танфильевнинг Петербург губерниясида, Москва атрофларида, Россиянинг кутб районларида, Ғарбий Сибирнинг Бараба даштларида ботқоқликларни ўрганганлиги ҳам маълум. Бунда у ботқоқликни алоҳида табиат комплекси сифатида қараган. Ўрмон зонасининг жанубий чегараларини эса иқлимдан кўра кўпроқ тупроқ қопламига боғлиқ деб ҳисоблаган.

Г.И.Танфильев тундра билан ўрмон, ўрмон билан дашт ўрталаридаги муносабатларни ўрганишда комплекс ёндашиб, географик комплексларнинг ўз-ўзидан ривожланиш масаласига алоҳида эътибор берган. Россия текислигидаги турли ландшафтларда рўй берадиган турли жараёнларни иқлим билан эмас, балки тупроқ ва грунтларнинг хусусиятлари билан боғлиқ эканлигини таъкидлаган.

Г.И.Танфильев В.В.Докучаев ғояларини ривожлантиришида унинг аввал Россиянинг Европа қисмини, сўнг бутун Россия ҳудудини табиий географик районлаштиргани ҳам аҳамиятли

бўлган. У 1897 йилда Россиянинг Европа қисмини районлаштирганда биринчи марта табиий компонентларни биргаликда таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Бунда тупроқ ва геологик омиллар энг ишончли эканлигини қайд этиб қўйган. Унинг табиий географик районлаштириш схемаси область – полоса – округ кўринишида бўлиб, бундан кейинги кўп районлаштириш тажрибаларида кенг қўлланилган.

Г.И.Танфильев 1905 йилдан бошлаб Новороссийск (Одесса) университетининг профессори сифатида Докучаев ғояларини ривожлантирди ва тарғиб қилди.

В.В.Докучаевнинг 1892-1897 йилларда Россия даштларида ўрмон ва сув хўжаликларини ўрганиш учун уюштирган “алоҳида” экспедициясида Г.И.Танфильев билан бирга Москва қишлоқ хўжалик академиясини тугатган Георгий Николаевич Высоцкий (1865-1940) ҳам фаол қатнашганди. Бу олимни ёзган асарларига кўра геоботаник, тупроқшунос, ўрмоншунос, гидролог, иқлимшунос географ деб аташ мумкин. В.В.Докучаевнинг зоналар ҳақидаги таълимотини ривожлантиришда Г.Н.Высоцкийнинг хизмати катта бўлди. У 1899 йилдаёқ тупроқ, ўсимлик ва грунт ҳолатини иқлим намлигига боғлиқ ҳолда ўзгаришининг зонал хусусиятларини ўрганган эди. 1905 йилги “Европа Россиясининг даштлари” номли мақоласида бу зонал хусусиятларни янада аниқлаштиради ва географик адабиётда биринчи марта иқлим қурғоқчиллигини миқдор кўрсаткичини келтиради. Бу кўрсаткич йиллик ёғин миқдорини мумкин бўлган буғланишга нисбатидан иборат бўлиб, тўрт тупроқ-ўсимлик областларида уларнинг турлича эканлигини кўрсатиб берган.

Г.Н.Высоцкийнинг 1904 ва 1909 йилларда нашр эттирган фитотопологик хариталар ҳақидаги иккита мақоласида ландшафт тушунчасига яқин бўлган жой тури тўғрисидаги фикрларини баён қилиб берган. Унингча бир неча жой тури табиий округларни, улар ўз навбатида табиий областларни, областлар эса табиий ўлкаларни ташкил қилади. Бу жой турларини районлаштириш бирликлари тизими эди.

В.В.Докучаевдан кейинги табиий география тарихида ўрмоншунос Георгий Федорович Морозовнинг (1864-1920) ҳам ўз ўрни бор. 1894 йилда Петербург ўрмоншунослик институтини

тугатган бу ёш олим Г.И.Танфильев ва Г.Н.Высоцкийлар билан “алоҳида” экспедиция таркибида бирга ишлашган.

Г.Ф.Морозов 1894-1901 йилларда Воронеж губерниясидаги ўрмон хўжалигида ишлар экан ўрмон дарахтлари ўсадиган табиий шароитни барча компонентларини биргаликда, боғлиқликда ўрганишга ҳаракат қилган. 1901 йилдан бошлаб, то 1918 йилга қадар Г.Ф.Морозов ўзи ўқиб, битирган ўрмончилик институтининг умумий ўрмончилик кафедрасига мудирлик қилган. Шу кафедрада унинг “Ўрмон ҳақида таълимот” номли асари яратилган ва 1920 йилда нашр этилган. Ушбу асарида олим ландшафт ҳақида ўз фикрларини баён қилар экан, ҳар қандай ҳудуд ўзининг табиий шароити бўйича ландшафтларга яъни табиий географик бирликларга бўлинади деб ёзганди. Унингча ана шу табиий бирликлар бир томондан иқлим, иккинчи томондан рельеф, геологик шароит ва учинчи томондан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кесишадиган “фокус”ни, яъни “тугун”ни ташкил қилади. Г.Ф.Морозов ландшафтни умумий тушунча деб тасаввур қилган.

А.Г.Исаченко (1956) Г.Ф.Морозовнинг ўрмон ҳақидаги таълимотининг маълум қисми ландшафтшуносликни бошланиши эди деган фикрни билдирганди.

Географик адабиётдан маълум бўлишича, ландшафт тушунчасининг биринчи таърифи К.Риттер (1853) асарида келтирилганди. Кейинчалик, унинг ландшафт ҳақида айтган фикрини 1908 йилда германиялик Зигфрид Пассарге (1867-1958) ривожлантирган. Г.Ф.Морозовнинг тенгқур зомондоши бўлган бу географ ҳам регионал географиянинг назарий асосларига яқинлашиб келган. Унинг Африка табиий шароитига доир географик асарида (1908) катта ҳудудларни географик тавсифини бераётган вақтда географнинг асосий вазифаси табиий ландшафтларни ўрганишдан иборат деб ёзганди (147 бет). Орадан бироз муддат ўтиб, 1919-1920 Гамбург шаҳрида З.Пассаргенинг “Ландшафтшунослик асослари” номли уч жилддан иборат назарий асари нашр этилади. Ушбу асарда муаллиф ландшафтни бир табиий область сифатида кўриб, унда барча табиий компонентлар бир-бирига мослашган деган тасаввурда бўлган. Унинг эътиборга лойиқ фикрларидан яна бири

ландшафт ҳосил қилувчи омилларнинг фаолиги ва аҳамиятлилик даражаси ҳақида эди.

З.Пассарге бирорта ҳудудни ландшафтларга ажратишда аввал энг умумий ва энг фаол омиллар асосида, сўнг фаоллиги анчагина чекланган ва фақат кичик ҳудудлар учун тавсифли бўлган омиллар асосида ажратиш лозимлигини айтган.

З.Пассаргенинг ўзи Ерга тўла таъсир этувчи энг асосий ва энг умумий омил қуёшнинг нур энергияси деб ҳисоблаган. Шу энергия туфайли ер юзасида (экваториал, субэкваториал, мўътадил ва ҳ.к.) бир неча иқлим зоналари ҳосил бўлган. Кейинги омил эса ер юзининг қуруқлик ва денгизларга бўлиниши ва рельеф ҳисобланади. Унга боғлиқ ҳолда иқлим зоналари провинцияларга бўлинади. Ўсимлик формациялари ва сув тармоқлари иқлим ва ер юзасининг тузилишига боғлиқлиги сабабли, охир – оқибат йирик табиий ландшафтларни аниқлашимиз мумкин деган мулоҳазани билдирганди.

А.Г.Исаченко (1971) З.Пассаргенинг назарий қарашлари камчиликлардан холи эмаслигини, унда тупроқ компоненти ҳисобга олинмаганлигини, генетик тамойил ҳам эътиборсиз қолганлигини билдирганди. Шундай бўлсада, А.Г.Исаченко бу асарда ландшафт географияси мустақил фан сифатида қаралганлиги учун қизиқиш уйғотади, деб ёзганди.

“Географик ландшафт” тушунчасини рус географик адабиётига кириб келиши ва унинг дастлабки тавсифлари Л.С.Бергнинг 1913, 1915 йиллардаги асарлари билан боғлиқ бўлган.

Лев Семенович Берг (1876-1905) 1876 йилнинг 2 (14) мартда Бессарабия губерниясининг Бендера шаҳрида нотариус оиласида дунёга келган. Ўз шаҳрида тўрт йиллик мактабни тугатгач, 1885 йилда Кишинев шаҳридаги 2-классик гимназияга ўқишга кирган. У 1894 йилда ушбу гимназияни олтин медал билан тугатгач, шу йили август ойида Москва университети физика – математика факультетининг табиатшунослик бўлимига ўқишга киради. Аввалида химия фанига қизиқиб юрган Л.С.Берг, бу ерда зоология билан қизиқиб қолади ва 1894 йилда III курсдан бошлаб балиқлар ҳақидаги фан – ихтиология билан қизиқиб шуғуллана бошлайди. Университетни ҳам шу соҳа бўйича тугатганди.

Л.С.Бергнинг география билан қизиқиб қолиши, 1898 йилда Ғарбий Сибир кўлларини ўрганиш вақтларида табиатни бевосита ўзида кузатиш натижасида пайдо бўлганди. Бунда албатта, III-IV курсларда Д.Н.Анучиннинг география бўйича ўқиган қатор маърузалари ҳам аҳамиятли бўлганди. Л.С.Бергнинг айниқса, географ сифатида танилишида, 1898-1903 йилларда Орол денгизи ва унинг атрофларида олиб борган географик тадқиқотлари катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, ушбу экспедицияда тўплаган маълумотлар Л.С.Бергнинг “Аральское море” номли монографик асарида ўз аксини (1908 й.) топганди. Олимнинг ушбу асари ҳақида Н.Н.Соколов (1955): “Орол денгизи” аслини олганда, нафақат географик монография, балки денгиз ҳақида ҳам, Ўрта Осиё ҳақида ҳам турли соҳаларни қамраган монографиялар тўпламидир” деб ёзганди (26 бет). Китобдаги 9 та бобнинг ҳар бири тугал бир бутун асар эди.

Л.С.Бергнинг ушбу асарини Ю.М.Шокальский ва А.П.Семенов – Тян – Шанский юқори баҳолаб: “Рус географик адабиётида бундай тугал ва тўлиқ монография ҳали яратилмаган эди” – деб ёзгандилар. Шу тариқа бу асар География жамияти томонидан П.П.Семенов номидаги катта олтин медал билан тақдирланганди.

Маълумки, Л.С.Берг ўзининг ушбу монографиясини магистрлик диссертацияси сифатида Москва университети илмий кенгашига ҳавола этганди. 1909 йилнинг 4 март куни бўлиб ўтган ҳимоядан сўнг илмий кенгаш аъзолари бир овоздан Л.С.Бергни география бўйича фан доктори даражасига лойиқ деб топгандилар.

Умуман олганда, Л.С.Берг табиатшуносликнинг турли соҳалари бўйича 700 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи бўлган. Тинимсиз ва изчил илмий иш билан шуғулланган. Бу олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти кўпчиликни қизиқтирган. Бу ҳақда юздан ортиқ турли ҳажм ва мазмундаги мақолалар эълон қилинган. Унинг илмий ижоди ҳақида энг мухтасар айтилганда ҳам 5-6 саҳифадан ошади. Шу сабабли бу ерда биз Л.С.Бергнинг мавзумизга оид иккита асарини эслаб ўтмоқчимиз. Улардан бири 1913 йилда нашр этилган “Опыт разделения Сибири и Туркестана на ландшафтные и морфологические области” номли асар эди. Унда рус географик адабиётида биринчи марта ландшафт

тушунчасига тавсиф берилганди. Яъни, “Табиий ландшафтлар деганда рельефи, иклими, ўсимлик ва тупроқ қопламининг муҳим тавсифлари ўхшаш бўлган областларни тушуниш лозим” деб айтилганди.

Бироз кейинроқ, Л.С.Берг ўзининг “Предмет и задачи географии” (1915) номли мақоласида ландшафт тушунчасига кенгроқ тўхталиб, “Табиий ландшафт рельеф, клим, ўсимлик ва тупроқ қоплами тавсифлари уйғунлашиб кетган бир бутунни ташкил қилган ва Ернинг маълум зонаси бўйлаб типик қайталаниб турадиган областдир” – деб ёзганди (471 бет). Бундан ташқари, у илмий географиянинг асосий вазифаси табиий ландшафтларни ҳосил қилувчи омилларнинг ўзаро таъсир ва алоқадорлигини ўрганишдан иборатдир деб таъкидлаганди. Бу ландшафт ҳақидаги энг дастлабки илмий таъриф бўлиб, унда ландшафт табиий зонанинг бир қисми эканлигига ва табиий географиянинг ўрганиш предмети эканлигига ишора қилинганди.

Юқорида зикр этилган А.Н.Красновнинг табиий география бўйича дарслиги эълон қилинган 1910 йилда Петербург шаҳрида яна бир дарслик “Курс физической географии” номи билан яратилганди. Унинг муаллифи асли қишлоқ хўжалик иқлимшунослиги бўйича мутахассис, Петербург университетида география кафедрасида мудирлик қилиб турган П.И.Броунов эди. Бу олим ўзининг ушбу асарида табиий география фани ва унинг предмети ҳақида шундай фикрларни билдирганди. “Табиий география Ернинг ҳозирги қиёфасини, бошқача қилиб айтганда, Ернинг органик ҳаёт майдони бўлган ташқи қобиғини ва унда рўй берадиган ҳодисаларни ўрганади... Ернинг ташқи қобиғи бир нечта концентрик сфера-қобиклардан, яъни қаттиқ ёки литосферадан, суяқ ёки гидросферадан ва газсимон ёки атмосферадан ва яна қўшимча биосферадан ташкил топган. Бу барча қобикларнинг бири бошқасига сезиларли даражада кириб боради ва ўзининг ўзаро таъсирлари билан Ернинг ташқи қобиғини ҳосил қилгани каби, Ердаги ҳодисаларнинг барчасини ҳам келтириб чиқаради. Бу ўзаро таъсирларни ўрганиш... табиий географиянинг энг муҳим вазифаларидан бирини ташкил қилади. Бу мазкур фанни мустақил қилади ва геология, гидрология, метеорология каби турдош фанлардан фарқлантиради”. Шунингдек, П.И.Броунов табиий география – бу

табиатшуносликнинг асосий предметларидан бири эканлигини ҳам айтиб ўтганди (1910, 1-2 б.).

П.И.Броуновнинг ушбу жумлалари кейинчалик табиий географиянинг объекти ва предмети ҳақида сўз юритилган асарларнинг деярли барчасида қайд этиб ўтилган. Аммо А.Н.Краснов ва П.И.Броуновнинг дарсликларида билдирилган илғор фикрлар ўша даврда ва кейинчалик 10-15 йил ичида географларга кўп ҳам маълум бўлмаганди. Масалан, географиянинг назарий масалалари билан шуғулланган А.А.Григорьев П.И.Броунов айтган ўша, “Ернинг ташқи қобиғи” дан фақат 1952 йилдагина хабар топганди.

П.И.Броунов асарида билдирилган фикрларнинг энг эътиборли томони шундаки, унда тўрт сфера ўзаро таъсирда бўладиган макон ўзига хос қобиқ эканлигини таъкидлаш билан бир вақтда табиий географиянинг вазифасини тўғридан –тўғри шу ҳодисани, яъни Ернинг ташқи қобиғини ўрганиш билан боғлаганди.

1914 йилда Л.С.Берг ўзининг ландшафт ҳақидаги таълимоти устида изчил ишлаётган бир пайтларда “Ботқоқшунослик” тўпламининг 3-сонида геоботаник Роберт Иванович Аболиннинг (1886-1939) ботқоқликларни генетик таснифлаш ҳақидаги ўзига хос қарашлари чоп этилганди. Унда айтилишига кўра, ер юзаси қалин ер пўстидан иборат бўлиб, у бир қатор (рельеф, грунтлар, тупроқлар, ўсимликлар каби) компонентлардан, яъни муаллиф терминологиясида “эпигенлардан” ташкил топган. Улар шунчалик ўзаро бирикишиб ва шунчалик бир – бирига таъсир этадики, бунда барча эпигенлар биргаликда бир бутун мураккаб географик ҳодисани, мураккаб комплекс ҳосилани ташкил қилади. Бу ҳосила эпигенема кўринишида бутун қуруқлик юзасини, экватордан то қутбларгача қоплаб олган (231-232 б.).

Эпигенема бир томондан иқлимга боғлиқ ва шунинг учун иқлим зоналигига бўйсунди. Иккинчи томондан эса тоғ жинслари тавсифини, тектоникани ва орографиянинг асосий хусусиятларини келтириб чиқарган геологик ўтмишга боғлиқдир ва шу сабабли эпиобластларга бўлинади. Бундан ташқари ҳар бир эпиобласт жойлардаги омилларга боғлиқ ҳолда бир қатор мустақил эпителиплардан ташкил топган. Улар бир – биридан

генетик жиҳатдан ва бошқа белгилари бўйича фарқ қилади; ботқоқ типи бир эпителига мисол бўлади.

Эпителилар ҳам ичдан бир хил эмас ва ўз навбатида эпиморфа бирликларига бўлиниб кетади.

Ўзининг ташқи кўриниши, ички тузилиши бўйича бир хил бўлган ва тараққиёт тарихи бир хил, келиб чиқиши бир хил бўлган барча эпиморфалар эпигенологиянинг асосий тасниф бирлиги бўлган эпиформацияларга бириктирилиши мумкин. Улар эса ўз навбатида эпиформация гуруҳларига бириктирилади.

Аболиннинг ушбу асарида айтилган эпигенема, эпиморфа каби ўзига хос атамаларни ҳисобга олмаганда, унда билдирилган асосий ғоя А.Н.Красновнинг географик комплекслар ғоясига ёки Л.С.Бергнинг ландшафт ғоясига жуда яқин эди.

Шундай қилиб, XX асрнинг аввалги икки ўн йиллигида географиянинг тадқиқот объекти масаласи анча ойдинлашиб қолганди. Чунончи, ушбу масалага олимлар икки йўналишда ёндашиб келганларини кўриш мумкин. Бунинг биринчиси, умумий табиий география йўналиши бўлиб, унда географиянинг ўрганиш объекти сифатида “Ернинг ташқи қобиғи” тушунчаси пайдо бўлди. Ушбу тушунчанинг пайдо бўлиши Б.Варенийдан бошлаб билдириб келинаётган фикрларни умумлаштириш билан боғлиқ бўлганди. П.И.Броуновнинг Ернинг ташқи қобиғи ҳақида айтган таърифидаги атмосфера, литосфера, гидросфера ва биосфера тушунчалари илгаридан маълум бўлиб келинаётган бўлсада, улар ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликларга асосан А.Гумбольдтдан кейин эътибор берила бошланди. Аммо бу ўзаро таъсир ва алоқадорликлар оқибатида ҳосил бўлган Ернинг алоҳида, ўзига хос қобиғи ҳақидаги ва унинг географиянинг ўрганиш объекти эканлиги ҳақидаги фикрлар П.И.Броунов номи билан боғлиқ бўлди. Иккинчи йўналиш эса В.В.Докучаевдан сўнг А.А.Краснов, Г.А.Высоцкий, Г.Ф.Морозов, Р.И.Аболин ва Л.С.Берг номлари билан боғлиқ бўлиб, фанга географиянинг асосий объекти сифатида табиий географик комплекс ва ландшафт тушунчалари кириб келди.

Географиянинг кейинги, яъни XX аср мобайнидаги ривожланиш тарихи ушбу тушунчаларнинг фундаментал аҳамиятга эга тушунчалар эканлигини кўрсатди. Шунингдек, Ернинг ташқи қобиғи билан географик комплекс, муаллифлар

дастлаб ўйлаганларидек, бири иккинчисини инкор этадиган тушунчалар эмаслиги, балки ўзаро мантиқан боғлиқ тушунчалар эканлиги ҳам маълум бўлди.

Юқорида айтилган фикрларга эътибор берилса географиянинг объекти сифатида айтилган тушунчаларнинг асосан табиий географияга тааллуқли эканлигини сезиш қийин эмас.

Иқтисодий география атамаси дастлаб М.Ломоносов замонида пайдо бўлган бўлсада, ҳақиқий иқтисодий географик асарлар анча кейин, XX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлганди. Бу даврда нафақат география, балки табиий географиянинг таркибида ҳам қатор хусусий фанлар алоҳида фаолият юритабошлаганди. Натижада узоқ асрлар мобайнида ягона, бир бутун фан сифатида шаклланган география ўзига хос географик фанлар тизимига айланди ва классик усулда яратилган, табиат ва жамиятни бирдек ёритиб бераоладиган асарлар учрамади.

ХУЛОСА

Милоддан аввалги 275 ва милоднинг 170 йиллари оралиғида яшаб ўтган қадимги грек олимлари Эратосфен, Страбон ва Птолемейнинг илмий изланишлари натижасида янги фан пайдо бўлди. Унга “География” деган ном берилди. Ерни шарсимон шаклда деб ҳисоблаган ушбу олимларнинг хизматлари билан Ернинг меридиан айланаси узунлиги ўлчанди, градус тўри яратилди, жойларнинг дастлабки географик координаталари аниқланди, шарқий ярим шарнинг географик харитаси ишланди. Айрим ўлкаларнинг географик шароитлари тасвирланди. Географиядаги дастлабки илмий йўналишларга, яъни астрономик (математик) география ва тасвирий географияга шу даврда асос солинди.

Аммо Птолемей вафотидан сўнг фан тарихида узок давом этган узилиш, таназзул даври бўлди. Орадан олти асрдан кўпроқ вақт ўтгач фан янгидан “куртак” отабошлади. Бу оламшумул ҳодиса энди мусулмон олами деб ном олган Шарқда, асосан унинг сиёсий ва маданий маркази Бағдод шаҳрида рўй берди. Математика, астрономия, тарих, фалсафа фанлари қаторида география ҳам қайта туғилди, шаклланди. Ушбу фанларнинг ривожини аниқлаш, IX – XII асрларга тўғри келди. Бу давр олимларимиз томонидан Шарқдаги маданий-маърифий Уйғониш даври деб изоҳланди. Бу даврдаги фаннинг ривожланишида Ўрта Осиёлик олимларнинг хизматлари катта бўлди, улар фаоллик ва етакчилик қилдилар. Астрономия ва географияга доир илмий изланишлар натижасида таркибида жойларнинг географик координаталари жадваллари бўлган бир неча “Зиж” асарлари яратилди. “Маъмун дунё харитаси” каби хариталар жамланмалари, бир қатор дунёнинг доиравий хариталари тузилди.

Тасвирий географиянинг фақат Шарқ фанига хос бўлган “ал-масолик ва-л-мамолик”, “Саёҳатнома” каби туркумлари юзага келди.

Шарқ олами географиясида ўзига хос бўлган яна бир йўналиш шаклландики, уни шартли равишда луғатчилик деб аташ мумкин.

XI аср охирлари XII аср бошларида Шарқ олимларининг илмий асарлари араблар Испанияси орқали Ғарбий Европага ҳам кириб борди. Уларнинг лотинча таржималари туфайли европаликларда ҳам математикага, астрономияга қизиқиш уйғонди. Шу асарлар орқали Аристотель, Птолемей, Страбон кабиларнинг асарлари ҳам маълум бўлди. Шарқ олимларининг асарларидан фойдаланган Р.Бэкон (XIII аср), Пьер д'Эйи (XIV-XV асрлар) кабилар ҳам географияга оид асарлар яратдилар. Буюк географик кашфиётлар даврини бошлаб берган Колумб уларнинг асарларидан кенг фойдаланган. Буюк географик кашфиётлар даврида географиянинг бирорта назарий масаласига бағишланган асар яратилмаган бўлсада, Ернинг умумий қиёфаси, қуруқлик ва океанларнинг ўзаро нисбатлари ҳақида одамларнинг географик тасаввури кескин кенгайди. Ернинг шарсимон шаклда эканлиги тўла исботланди, дунёнинг географик харитасига кўп аниқликлар киритилди. Бу даврда тўпланган географик маълумотларни умумлаштириш асосида янги давр географияси шакллана бошлади. Бунда А.Гумбольдт ва К.Риттерларнинг асарлари аҳамиятли бўлди. Табиатнинг бир бутунлиги, унинг ички алоқадорлик ва ўзаро таъсирлар ғояси юзага келди. Жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро таъсирларини ўрганиш янги давр географиясининг асосий вазифаси этиб белгиланди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср бошларида бир бутун бўлиб келган фан жадал тармоқланиб фанлар тизимига айланди. Табиий ва иқтисодий география бу тизимнинг энг катта икки қисмини ҳосил қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи Саъдайн ва мажмаъи баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш, сўз боши ва изоҳли луғатлар А.Ўринбоевники. Т., 1969.

Абдуҳалимов Б. Аббос ал-Жавҳарий. Маънавият юлдузлари. Т., 2001.

Антошко Я.Ф., Соловьев А.И. История географического изучения Земли. М., 1962.

Аҳмедов Б. Введение, перевод, примечания, указатели к книге Махмуд Ибн Вали “Море тайн...” Изд. “Фан”. Т., 1977.

Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994.

Бартольд В.В. Сочинения. Т. 1, 1963.

Бартольд В.В. Сочинения. Т. VIII, 1973.

Бейкер Дж. История географических открытий и исследований. М., 1950.

Бекчанов И. Мутрабий тазкиралари муҳим адабий манба. Т., 2009.

Берг Л.С. Аральское море. СПб., 1908.

Берг Л.С. Опыт разделения Сибири и Туркестана на ландшафтные морфологические области. В кн: Сборник в честь 70-летия Д.Н.Анучина. М., 1913.

Берг Л.С. Предмет и задачи географии. Изв. РГО, т. 51, 1915.

Богучарсков В.Т. История географии. М.-Ростов на Дону. 2004.

Боднарский М.С. Античная география. М., 1953.

Болтаев М. Носир Хисрав. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.

Бородин О.Р. “Космография” Равеннского анонима. М., 1985.

Борщевский Ю.Е. Наджиб Бакран. «Жаханнаме». М., 1960.

Брагинский И.С. Проблемы Востоковедения. М., 1974.

Броунов П.И. Курс физической географии. СПб., 1908.

Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар). Т., 1977.

Вейле К. Исследование земной поверхности. “Вселенная и человечество”. Том III. СПб, 1896.

Герланд Г. Задачи и разделение географии. Изв. РГО, 24, вып. 4, 1888.

- Голубчик М.М., Евдокимов С.П., Максимов Г.Н. История географии. М., 1998.
- Дементьев В.А., Андриященко С.К. История географии. Минск. 1962.
- Дитмар А.Б. География в античное время. М., 1980.
- Дитмар А.Б. От Птолемея до Колумба. М., 1989.
- Докучаев В.В. Русский чернозем. Сочин. т.3., М. – Л., 1949.
- Докучаев В.В. Наши степи прежде и теперь. Соч. т.6., М. – Л., 1951.
- Докучаев В.В. К учению о зонах природы. Сочин. т.6., М. – Л., 1951.
- Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989.
- Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т., 1993.
- Исаченко А.Т. Географические идеи Г.Ф.Морозова. Изв. ВГО, 88, вып. 5, 1956.
- Исаченко А.Т. Развитие географических идей. М., 1971.
- Калинина Т.М. Сведения ранних ученых Арабского халифата. М., 1988. Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб” Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Т., 1993.
- Каримова С. Ибн Сино. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд, Т., 2002.
- Конрад Н. Запад и Восток. М., 1966.
- Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., 1973.
- Миракмалов М. Халқ табиий географик терминлари. Т., 2009.
- Мухтаров А. Джейхани о городах Мавераннахра. В сб. Актуальные проблемы исторической науки. Т., 1990.
- Мухаммад Хайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Т., 2010.
- Петри Э.Ю. Задачи научной географии. Изв. РГО, т. 23, 1887.
- Птолемей К. Руководство по географии. В кн. Античная география. М., 1953.
- Путешествие в Восточные страны Плано Карпини и Рубрука. М., 1957.
- Ратцель Ф. Земля и жизнь. Т. 1-2, СПб, 1903.
- Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. М., 1976.

Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем. М., 1980.

Солнцев Н.А. Развитие физической географии в Московском университете. “География в МГУ за 200 лет”. 1955.

Страбон. География в 17 книгах. М., 1964.

Сухова Н.Г. Карл Риттер и географическая наука в России. Л., 1990.

Тимофеев И. Ибн Баттута. М., 1983.

Тимофеев И. Бируни. М., 1986.

Толстов С.П. По следам древне-хорезмийской цивилизации. М., 1948.

Томсон Дж. История древней географии. М., 1953.

Уватов У. Махмуд аз-Замахшарий. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.

Хайруллаев М.М. Эпоха Возрождения и мыслитель Востока. Т., 1971.

Хайруллаев М.М., Бахадиров Р.М. Абу Абдуллах ал-Хоразми. М., 1988.

Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Сино. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.

Хенниг Р. Неведомые земли. Т. 1-4., М., 1961-1963.

Шарипов А. Абу Райхон Беруний. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.

Шомухамедов Ш.М. Хазионалар жилоси. Т., 1981.

Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Т., 1960.

Ўринбоев А., Бўриев О. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Т., 1991.

Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т., 1981.

Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т., 1993.

Ҳикматов Ф., Айтбоев Д., Шожалилов Ш. Сув илми тарихидан. Т., 2000.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ	7
1.1. Табиат фалсафаси ва дастлабки географик тасаввурлар	8
1.2. Қадимги грек фанида Ернинг шакли ва ўлчамлари масаласи	12
1.3. География фанининг вужудга келиши	15
II БОБ. ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ.....	28
2.1. Ғарбий Европада ўрта асрлар географияси.....	28
2.1.1. Ўрта асрларнинг биринчи ярми (VI – XI асрлар) даги географик тасаввурлар	30
2.1.2. Ўрта асрларнинг иккинчи ярми (XII – XV асрлар) даги географиянинг аҳволи	35
2.2. Европаликларнинг “саёҳатномалари”	38
III БОБ. ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ ОЛАМИДА ГЕОГРАФИЯ	54
3.1. Шарқ олимлари асарларида математик география йўналиши	56
3.2. Шарқ олимлари асарларида тасвирий география.....	59
3.2.1. Тасвирий географияда Абу Зайд Балхий мактаби	61
3.3. Тасвирий географияга оид асарлардан яна икkitаси ҳақида	65
3.4. Дунё хариталарига изохнома тарзида яратилган асарлар ..	69
3.5. Баъзи тарих асарларидаги тасвирий география.....	73
3.6. Ўрта асрлар Шарқ олами географияси тарихида Беруний даври	100
3.7. Шарқ олами географиясида луғатчилик йўналиши	115
3.8. Ўрта асрлар Шарқ олами тасвирий географиясида “Саёҳатнома” туркум асарлар	133
IV БОБ. ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИДА БУЮК ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР ДАВРИ.....	148
4.1. Колумбнинг денгиз саёҳатлари ва янги қитъанинг кашф этилиши	150

4.2. Америго Веспуччи ва бошқа денгизчиларнинг “Янги қитъа” томон саёҳатлари.....	155
V БОБ. ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР	159
5.1. XIX аср янги давр географиясининг асосчилари	167
5.2. А.Гумбольдт ва К.Риттердан кейинги XIX аср иккинчи ярмида географияни ривожлантирилиши	174
5.3. П.П.Семенов – Тянь-Шанский илмий мактаби	186
5.4. В.В.Докучаев ва география	190
5.5. В.В.Докучаев ғояларини кейинги ривожланиши	198
ХУЛОСА	209
Фойдаланилган адабиётлар	211

Зокиров Шухрат Салихович
Тошов Худойназар Рамазонович

География тарихи